



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдурахмонов	Абдуваҳоб Нурматов
Акрамжон Адизов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Эркин Воҳидов	Абдулла Орипов
Туробжон Жўраев	Тўра Саидов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Рустам Мирзаев	Йўлдош Солижонов
Тўра Мирзаев	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Рустам Қосимов
Минҳожиддин Мирзо	

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Ғулом Мирзаев. Истиқлол ва маънавият 3

ШЕЪРИЯТ

Анвар Обиджон. Алла айтар экинлар майин. Шеърлар 8
Зебо Мирзо. Вақт йўлимни бахтларга бурган. Шеърлар 21
Вафо Файзуллоҳ. Меҳр билан ранглагин
оламларнинг юрагин. Шеърлар 25
Мунаввара. Кипригимга илинди томчи. Шеърлар 48
Бектемир Пирнафас. Кўнглимга тақлидим. Шеърлар 51
Рустам Эмин. Кўксимга юлдузлар кўнади. Шеърлар 90
Бобомурод Эрали. Эски равоқ. Туркум 83
Носиржон Жўраев. Муҳаббат – энг гўзал тилсим. Шеърлар ... 110
Муҳаммад Ғаффор. Оқ қоғоз устига
руҳим томчилар. Шеърлар 113
Ўқтам Топволдиев. Тўлин ойдек жамолнингиз. Шеърлар 115

ҒАЗАЛХОНЛИК

Чоршамъ. Ҳақиқатни туғдайин билиб. Ғазаллар 103

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Хуррам Райимов. Бошимизда офтоб
порлар. Шеърлар 120

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Гулнора Нурлелесова. Соғинчли бир созим. Шеърлар 126

НАСР

Нурали Қобул. Кечиккан турналар. Ҳикоя 12
Шомирза Турдимов. Мезон. Киноқисса 28
Узоқ Жўракул. Мезонлар мезони 28
Абдумутал Абдуллаев.
Ҳазрати Атор. Маърифий қисса. Охири 54
Темир Курбон. Ўлим шарпаси. Ҳикоя 96
Отаули. Рисола. Ҳикоя 106
Гулбаҳор Таваккалова. Илон муҳаббати. Ҳикоя 116

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИДАН

Фридеш Каринти. Цирк. Ҳикоя 122

АДАБИЙ ЖАРАЁН МИНТАҚАЛАРИ

Дилшода Муборакова. Миср адабиётида
“янги роман” оқимининг шаклланиши 128

ДАFTARЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Матназар Абдулҳаким.
Нурлар тўккан кўзларингиз. Шеърлар 135
Ҳамдам Абдуллаев. Шеър умри – шоир умри 135

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Раъно Иброҳимова. Ўзбек фантастикаси манзаралари 138
Шоира Аҳмедова.
Адабий танқидчиликда тақризнинг ўрни 145
Одил Якубов. Ойбек ижодий лабораторияси “сир”лари 151
Шаҳноза Абдуллаева. Эркин Воҳидов шеърлятида
ватанпарвар замондошимиз образи 154
Зокир Пардаев. Энг узоқ сафардир кўнгил сафари 157
Ўқтам Назаров.
Омон Мухтор романларида бадиий анъанавий хронотоп ... 160

МАНБАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Машҳура Ҳасанова. Саккокий (Сайронийми? Саброний?!)... 163

ГУЛҚАЙЧИ

Сафар Кокилов. Ҳажвиялар 167
2011 йилнинг умумий мундарижаси 170

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2011

6-сон

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри
тахририят фикри деб қабул
қилинмасин.
Тахририятга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайд.

* Обунага монъелик
кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
«Амир Темур» тор
кўчаси, 2. Республика
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик
компаниясига мурожаат
қилинсин.
Обуна индекси — 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
«Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.12.2011 йил.
Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2135 нусха.
Буюртма № 232-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0562–рақам
билан рўйхатга олинган.
«Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп
этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп
этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:
Ақбарали Мамасолиев
Мусаххих:
Дилфуза Маҳмудова

Copyright © «Шарқ юлдузи»



Ғулом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият тарғибот
маркази раҳбари



ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб ҳаётимизнинг бошқа соҳа ва тармоқлари қатори маънавий тикланиш ва юксалиш, миллий ўзликни англаш масаласига давлат миқёсида катта эътибор бериб келинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, маънавият аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради.

Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдулхлоиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар. Теурийлар, бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин намуналари сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мустақил Ўзбекистонимизнинг йигирма йил давомида эришган беқиёс, том маънода, тарихий ютуқ ва марраларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бу ютуқларнинг барчаси – қайси соҳа ёки тармоққа тегишли бўлмасин – Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, изчил жорий этилаётган миллий тараққиёт стратегиясининг, дунёда “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлининг, халқимиз, жамоатчилигимизнинг ўтган давр мобайнида қилган тинимсиз меҳнати, эзгу интилиш ва ҳаракатларининг маҳсулидир.

Яна бир муҳим жиҳати, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган озод ва обод, фаровон ҳаёт юксак маънавият тушунчаси билан шу қадар муштаракки, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ҳар томонлама чуқур очиб берилган. Агар ушбу асарни синчиклаб ўқиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар жамият ҳаётидаги бошқа барча ўзгаришлар билан нима учун бу қадар уйғун ҳолда олиб борилаётгани яққол аён бўлади.

Маънавият – ҳар бир инсоннинг ҳаёти, унинг қалбида, онгида кечаётган ўзгариш, доимий такомиллашув жараёни. Истиқлол йилларида юртимизда маънавият соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, уларнинг ҳаммасини, агар бугунги кундаги энг замонавий ҳисоблаш технологияларини ишга солганимизда ҳам, санаб адоғига етиб бўлмайди. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: **“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”**.

Яхши эслаймиз, бундан йигирма йил олдин Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан: **“Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажакги, албатта, буюк бўлади”**, деган даъваткор сўзларни айтганларида, бундай улғу мақсадга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Ҳозирги кунда эса юртдошларимизнинг бирортаси ҳам ўзини ўтган асрнинг 90-йилларидаги кайфият билан юрган инсон деб ҳисобламайди. Шу маънода, маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз – халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидир.

Президентимизнинг халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган – **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** китобида бу ҳақда қанчадан-қанча ҳаётий воқеалар ҳақида сўз боради. Ушбу китоб мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида юртимизда олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихига доир ноёб фундаментал асар, истиқлол арафасида чуқур инқироз ҳолатидаги Ўзбекистоннинг бу инқироздан чиқиш борасидаги мардона қадамлари муаллиф томонидан юксак таҳлил салоҳияти билан теран талқин этилган бебаҳо манба эканини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Китобдаги тарихий материалларнинг каттагина қисми бевосита миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш, маънавият масалаларига бағишланган. Бу ҳақда гап борганда, авваламбор, 1990 йил 24 мартда иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик институти жорий этилгани ҳақида тўхталиш зарур. Нега деганда, бу Юртбошимиз томонидан Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиши йўлидаги чинакам қаҳрамонлик намунаси бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мамлакатимиз раҳбарининг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: **“Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман”**, деган сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуга ёзилгандир. Президентимиз орадан 17 йил ўтганидан сўнг ўзининг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида ана шу ҳаяжонли воқеага: **“1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси-дир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”**, дея юксак баҳо берди.

Мазкур китобдан жой олган маъруза ва нутқларда илк дафъа инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда келгусида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт, деган талаб кун тартибига қўйилди. Бошқача айтганда, Юртбошимиз ўша кезлардаёқ, халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилли – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди. **“Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, ҳазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди, – деди Ислоҳ Каримов. – Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак”**.

Президентимиз 1991 йил 29 январда “Известия” газетаси мухбирининг савол-ларига жавобларида ҳам бу мавзуга тўхталиб, шундай дейди: **“Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий танглиқдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади”**.

Китобнинг ҳар бир саҳифаси маънавий ҳаётимизнинг турли қирралари кенг камраб олинган бундай асосли фикрларга, изтиробли қалбнинг оташин нидосига йўғрилган ҳаётий хулосаларга тўла, десак, асло хато бўлмайди. Ислом Каримовнинг 1990 йил 20 июндаги маърузасидаги: **“Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди”**, дея ғоятда куйинчаклик билан айтилган биргина фикри мисолида бу китобда нафақат адабиётимиз ривожига, айна чоғда, бутун миллатимизнинг маънавий тараққиётига бевосита дахлдор бўлган муҳим муаммолар қанчалик теран ва оқилона танқидий-таҳлилий талқин этилганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Китобни мутолаа қилиш асносида адабиёт ва санъат, маданият ва маърифат, таълим ва тарбия, миллий қадриятларимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва асраб-авайлаш йўлида қўйилган дастлабки, айна вақтда, ғоят муҳим ва тақдируламал қадамлар ҳақида кўплаб аниқ маълумотлар олиш мумкин. Шунинг баробарида, кейинги йилларда ҳаётга кенг татбиқ этилган буюк лойиҳаларнинг бевосита иштирокчисига айланган, эндиликда, беқиёс натижалар бера бошлаган дастурларимизнинг самарасидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимиз ана шу эзгу ғояларнинг туб илдизига, таъбир жоиз бўлса, тиниқ чашманинг кўзига назар ташлаш имконига эга бўлади.

Албатта, Президентимизнинг аввалбошданок, маънавий юксалиш масалаларига бу қадар катта ва бу қадар мунтазамлик билан эътибор қаратиб келаётганининг сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, Ислом Каримовнинг 1991 йил 2 февралда “Правительственный вестник” ҳафтаномаси мухбири билан суҳбатда: **“...моддий манфаатнинг ўзигина муҳим эмас. Маънавий ва ахлоқий-руҳий кўтарилиш бўлган вазиятдагина олға томон силжиш мумкин”**, деб айтган сўзлари бу саволга муносиб жавобдир.

Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги учун жавобгарлик ҳақида гап борар экан, Юртбошимиз “оммавий маданият” муаммоларига эътибор бериш зарурлигини ўша вақтдаёқ алоҳида таъкидлаганига ҳам тўхталиш жоиз. **“Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлик руҳи ҳукмрондир, – дейди Ислом Каримов. – Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, дин, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак”**.

Кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда миллий ғоямиз асосида, маънавий тарғибот олиб боришнинг бутун бир тизими яратилган ва бу тизим изчил, мунтазам фаолият олиб бораётган бўлишига қарамай, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғарзли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда, ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бошқача айтганда, Юртбошимиз томонидан 1990 йилдаёқ: **“Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашликлардан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак”**, деб, биз, маънавият тарғиботчилари олдига қўйилган муҳим вазифа ҳали-ҳамон ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Дунёда энг қийин иш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тафаккурини шакллантириш, деган гап бор. Чунки, бу борада куруқ сўз ва ҳатто билим-тажрибанинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу борада, авваламбор, инсон ўзининг амалий иши ва эзгу сазъ-ҳаракатлари, фидойилиги билан мақсаднинг тўғрилиги, ҳаққонийлигини исботлаб бериши керак. Афсуски, тарғибот ишларимизда баъзан чинакам фидойилик, юксак масъулият ва таъсирчан усуллардан фойдаланиш каби хусусиятлар етишмайди.

Масаланинг яна бир жиҳати борки, биз кўпинча ён-атрофимизда юз бераётган янгиликларни сезмай яшаймиз, уларга бепарво қараймиз. Мўъжизаларни четдан кутишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, уларни четдан излаш шарт эмас, улар шундоқ кўз ўнгимизда юз бермоқда: янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, улардаги замонавий жиҳозлар, энг муҳими, кўзларида қувонч ва ҳайрат учқунлари порлаб турган болаларимиз – дунёда бундан ортиқ мўъжиза борми ўзи?

Ёки замонавий темир йўллар ва автомобиль йўллари, уларда халқимизнинг узоғини яқин қилаётган учқур поездлар, ҳар бири кўзни қувонтирадиган энгил автомобиллар ва бундай қулайликлар учун шукроналар айтаётган минг-минглаб юрдошларимизнинг қалб кечинмалари мўъжиза эмасми?

Шу ўринда, марҳум **устоз ёзувчимиз Асқад Мухторнинг: “Каттасини кут-у, кичигидан қолма, кичик мўъжизалар ҳар куни керак”**, деган сатрлари ёдимизга тушади. Ҳақиқатан ҳам, биз ҳар бир дақиқада кўксимизни тўлдириб нафас олаётган бу мусаффо ҳаво – эркинлик ҳавоси, бошимиздаги мовий осмон, умримиз безаги бўлган бугунги тинч-осойишта ҳаёт ҳар куни биз сезмай яшайдиган шундай мўъжизалар эмасми? Аслида, энг буюк мўъжизалар шуларнинг ўзи. Биз уларни англаб, қадрлаб яшашимиз лозим.

Шу маънода, аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган, шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари, жумладан, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг моҳияти ва аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчилар ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда амалга ошириладиган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қароридан Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари белгилаб берилгани мана шундай кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш баробарида, маънавиятнинг мазмун-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишлари ҳам мунтазам равишда олиб борилади.

Жумладан, шу йилнинг баҳор мавсумида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси каби ҳамкор ташкилотлар билан бирга пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида икки ой давомида Президентимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Замонамиз қаҳрамонлари” шиорлари остида шеърят кечалари, мулоқот ва учрушувлар ўтказилиб, “Ўзбекистон тарихи”, “Темурийлар тарихи”, “Санъат”, “Қатағон қурбонлари”, “Олимпия шон-

шуҳрати” давлат музейлари, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Юнус Ражабий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Ойбек, Мухтор Ашрафий, Зулфия, Тамарахоним, Ҳалима Носирова уй-музейларига ҳамда “Ҳазрати имом” мажмуасига зиёратлар уюштирилди.

Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида маданият, спорт, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида **“Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!”** мавзuida 530 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир ўтказилганини таъкидлашни истардик. Бу тадбирларда 310 нафар тарғиботчи, жумладан, 58 нафар олим, 63 нафар ёзувчи ва шоир, 127 нафар хонанда ва санъаткор, 62 нафар спортчи қатнашиб, мамлакатимизнинг қарийб барча туман ва шаҳарлар аҳолисининг турли қатламлари орасида ўтган йигирма йил давомида эришилган ютуқларимиз, кенг кўламли ислохотлар, бунёдкорлик ғояларини кенг тарғиб этдилар. Тарғибот гуруҳлари иштирокида ўтказилган бу тадбирларда 250 минг нафардан зиёд аҳоли қамраб олингани диққатга лойиқдир.

Шуни ҳам айтиш кераки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган маънавий тарғибот фаолияти ўзининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эски даврдаги “пропаганда-агитация ишлари”дан ер билан осмонча фарқ қилади. Бу ҳақда гап борганда, аввало, Асосий қонун – **Конституциямизнинг 12-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”**, деб белгилаб қўйилганини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда олиб борилаётган маънавий тарғибот-ташвиқот жараёни замирида юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан асраш, уларни огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли амалий ҳаракатлар мужассамдир.

Бизнинг мақсадимиз оддий ва ҳаётий – одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятимизда олижаноб фазилатлар устувор бўлишига эришиш. Табиийки, бунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ янги тафаккур, янги ғояларни камол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга моликдир.

Мухтасар айтганда, Президентимиз таъкидлаганларидек, тарғибот ишида юракдан куйиниб, ҳаётимиздаги ҳар бир ўзгаришни сезиб, англаб фаолият олиб бориш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлидир. Бунинг учун ҳар бир тарғиботчи ўзини юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси деб ҳис этиши лозим. Буларнинг барчаси бизга катта масъулият юклайди, ўз фаолиятимизга танқидий баҳо бериб, эл-юртимиз эришаётган залворли ютуқларга муносиб тарзда маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада кучайтиришни, бунда тарғиботнинг расмийликдан ҳоли, замонавий ва таъсирчан усулларида сармаланишни олдимизга долзарб вазифа қилиб қўяди.

Шеърят



Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Алла айтар эпкинлар майин

Илҳом пойтахти

*Қандай нафис сеҳргар оқишом,
Боқсанг, қолмас кўнглингда ҳеч гаши.
Энди билсам, Беҳзод экан хом,
Табиат – энг уста сураткаш.*

*Кўрмоқдаман гўё ширин туш,
Бўш кулбадек сокин майсазор.
Фақат четда чирқирар бир қуш,
Балки эри бергандир озор.*

*Алла айтар эпкинлар майин,
Ухламайман мен ўжар эса.
Печакгул бош эгиб атайин,
Юзларимдан олади бўса.*

*Ўттиолчада ётибман ўйчан,
Юлдузларга қисгим келар кўз.
Итлигига беролмасдан тан,
Завқи жўшиб ирғишлар Тўрткўз.*

*Ҳар галгидек шаршара бедор,
Сувни кутиб гўзаой хаста.
Машираб руҳин шод этиб тақрор,
Сувчи қўшиқ бошлар олисда.*

*Яна ўша девона туйғу
Менга қалам ва қозғоз берар.*

*Яна қочиб кўзимдан уйқу,
Олди-қочди шеър ёзгим келар.*

*Шаҳар асли талотўп овлоқ,
Қишлоқ азал илҳомга пойтахт.
Гулфурушдек шоир ҳам, бироқ,
Излар нуқул шаҳарлардан бахт.*

Яссавийча

*Турмуш таъмин одамлар
Бир-бир ялаб ўтгайлар.
Насиб этса не дамлар
Бир-бир йўлаб ўтгайлар.*

*Чархнинг шўри – ёмонлар,
Экар фитна, гумонлар,
Қалбин кирга нодонлар
Бир-бир булаб ўтгайлар.*

*Этик ямлар поинасин,
Ошна алдар ошинасин,
Адлу имон газнасин
Бир-бир талаб ўтгайлар.*

*Топса текин имконин,
Гаров қўйгай виждонин,
Шайтон очса ҳамёнин,
Бир-бир тилаб ўтгайлар.*

*Ўхшаб чўлнинг зоғига,
Боқмай ҳаром-соғига,
Оч нафсининг чоҳига
Бир-бир қулаб ўтгайлар.*

*Поклар учун нафс – тутун,
Ютсам демас бус-бутун,
Не ризқ берса кунма-кун
Бир-бир улаб ўтгайлар.*

*Олиб бўлгач дарсини,
Ким тинглар кас арзини,
Ноилож жон қарзини
Бир-бир тўлаб ўтгайлар.*

Илинжли дунё

Қақроқ ариқ бүйида
Қуриб битди қайрағоч.
Кўркам эди бир пайтлар,
Энди – шохли симёғоч.

Чехрасида – сўлгинлик,
Вужудида – ажинлар.
Кирар ҳар кун тушига
Ўчоқдаги саржинлар.

Ўйлар: келиб бирон қуш,
Шохимга ин қурмади.
Шунда, зора кесмаслар
Палапонлар ҳурмати.

Бироқ, митти қушчалар
Туғилганди ўта зог.
Умри қисқа дарахтдан
Ўтишарди узоқроқ.

Жараён

Согинч деган ваҳший бир кана
Юрагимни чақар беомон.
Бугун сизни эсладим яна,
Сувдан оқиб ўтганда хазон.

Сувда оққан хазондек ўтар
Айрилиқда кечган умримиз.
Охир тошга айланиб кетар
Момик-момик орзуларимиз.

Хушлашув

Кеч пайқадим мен галварс
Ичингиз муз-музлигин.
Сиздан хафа эмасман,
Хайр, қулча юзлигим.

Мантиқ илмин ҳеч қачон
Қилмаганман ҳақорат.
Нечун муздан ўксинай,
Бермади деб ҳарорат?

Кекса кўнгил

*Куйса ногоҳ бир ёмоннинг дастидан,
Кекса кўнглим эмчи ёронлар тилар.
Қаровдан мўрт дарахт қайтар аслига,
Борлигим – боз, асл бозбонлар тилар.*

*Ширин эпкин чўлга бахи этгай сурур,
Ширин даъват қиличдан кўприк қурур,
Ширин сўз ҳам балки қурбонлиқ эрур,
Ширин тилдан руҳим эҳсонлар тилар.*

*Ҳар саҳарда кўкка қилгум илтижо –
Чархдаги бор алам топсин интиҳо,
Бу дам кўнглим, учраса гар ҳурлиқо,
Лабидан бол эмас, хандонлар тилар.*

*Тиним излар танам ёш ўтган сайин,
Меҳрли дўст қирқадир гамлар пайин,
Эй ганим, сен ҳам ёнимда бўл майин,
Дилим сендан тотли ёлгонлар тилар.*

*Ёш эдим, эл пандидан юз ўгирдим,
Хаёл тахтин айш гориға кўчирдим,
Ёнса бағрим, бода пуркаб ўчирдим,
Энди қалбим дардли вулқонлар тилар.*



Наср



Нурали ҚОБУЛ

КЕЧИККАН ТУРНАЛАР

Ҳикоя



*Кўрган эдим ўрвангни,
Таги тешик тўрвангни.*

Халқ сўзи

I

Сафардалик пайтимда синфдошим уста Мамарасул дунёдан ўтибди.

Қишлоққа отландим.

Куз эрта киргани боис ёз охирламай ёғингарчилик бошланган эди.

Саратон жазирамасидан сарғайган адирлар, сурув-сурув қўйлар туёғидан тақрири чиқиб кетган тоғ этаклари, ангор ва яйловларга яна жон кирди. Бўзқирларда майсалар нишлаб, илк баҳор рангини ола бошлади.

Кейинги пайтларда қишлоққа бормоқчи бўлсам негадир хаёлим қочиб, оғир ўй босади. Ғамгин ва паришон тортиб қоламан. Авваллари эса акси бўларди. Ойқор тоғини кўриш, далаларда яйраб кезмоқ, ҳамқишлоқлар билан дардлашмоқдан завқ туярдим. Хаёлим қатидаги хотираларни қайта-қайта жонлантирганча, сабрсизлик билан эртак каби кечмишда қолиб кетган гўшага ошиқардим.

Раҳматли дадамнинг қайтишлари, бирга ўниб-ўсган дўстим, ўқитувчи ва журналист Шавкатнинг оддий кўричакдан бевақт вафот этиши кўнглимда ҳануз яшаб келаётган романтик туйғуларга бирдан нуқта қўйди. Оиланинг каттаси бўлганим учунми, бир неча кунда чўкиб, бошқа кишига айландим. Ота-она айрилиғига кўниқмоқ қийин кечаркан. Ота-она қайтмоғи мерос деган ақидани эшитганинг билан бошингга тушгани орасида осмон билан ерчалик фарқ бўларкан. Ҳаёт кўз ўнгингда ўзгача рангга кириб, тоғдай кўксинг дарз кетаркан. Умр бўйи йўлдошдай ёнгинангда юрган ота-онангнинг ғанимат эканлигини бағринг ўртаниб туярсансан. Ва бирдан улар олдидаги бурчимни ҳали ўтай олмаган эдим-ку деган афсус, надомат туйғуси борлигини эгалларкан. Бироқ бошингни қайси деворга урма, ҳаёт ҳукми қатъий. Инсон ўлимни бўйнига олиб туғилади.

Узоқ чўпон билан олтинчи синфгача бирга ўқигандик. Олтмишинчи йиллар бошидаги мажбурий кўчирма бизни Нурота тоғларига туташ Жиззах даштига

элтиб ташлади. Отасини эрта тупроққа берган Узоқ бир этак ука ва сингиллари билан қишлоқда қолди. Саккизинчини битирар-битирмай чўпонлик қила бошлади. Шунинг учун уларнинг оиласига кўчирма пайтида тегишмади. Сўнгра у қўй боқиш учун биз томонларга келди.

Минг тўққиз юз олтмиш саккиздан олтмиш тўққизга ўтар йилдаги қаҳратонда амаким Эргаш чўпонга қарашгани борганимда уни отарда учратдим. Машаққатли кунлар бизни яна яқинлаштирди. Яхши кўриб юрган кўшнисининг қизига Раҳмон рабобкомнинг Тошкентда ўқийдиган ўғли уйланганида кечалари кўтоннинг томига чиқиб йиғлагани ҳали эсимда. Уни юпатамиз деб, Эргаш амаким иккимизнинг она сутимиз оғзимизга келган.

Онаси Турсунтош хола кўзига қилқон, хас-чўп тушганларни тили билан оладиган табиб эди. Икки гапининг бирида эркалаб: “Ҳаҳ, санга ман ўлайин, дардигинанг урсин, кўзгинангнинг оғриги урсин, ошгинамнинг қайласи, бетгинамнинг ойнаси”, – дер эди сўз ила ифодалаб бўлмас меҳрли ва ёқимли оҳангда. Галахирмонжойдан сомон ташийётганимизда чап кўзимга қилқон кирганда, энам у кишининг олдига эргаштириб боргандилар. Турсунтош хола айланиб-ўргилиб, жонимни ҳалқумимга келтираётган буғдойиқ қилқонини тилининг учи билан олиб ташлаганини кечагидек эслайман. У киши мен каби мижозларнинг оғирини енгил қилганида воқеадан хабар топган кўни-кўшнилари Турсунтош фалончининг кўзига тилини солибди дейишарди.

Қишлоқда Узоқларнинг, Энача хола ва Хумор момо, Қудрат тоға, Шодибек бобо ва Отабек ўнбошининг боғларидагина ёнғоқ дарахти бўлиб, икки кўзимиз шуларда эди. Хазонлар орасини титкилай-титкилай битта ёнғоқ топиб олсак, дўппимизни осмонга отардик. Дарсдан кейин Узоқларнинг ҳовлисидаги ёнғоқ остида ўйнаб, этакдаги Каттасойда чўмилардик.

Энди ўйлаб қарасам, каттагина қишлоғимизда олти тупгина ёнғоқ борлиги, ёнғоқ эксанг, мевасини ўзинг емайсан, деган гапнинг одамлар онгига ўрнашиб қолганида экан. Обидага айланган бу дарахтлар остида хаёл суриб ўтирарканман, беғубор болалик хотиралари энамнинг эртаклари каби кўз олдимда жонланади. Дарвоқе, умр ҳам бора-бора эртакка айланар экан...

Йўлга чиққанимдаёқ беихтиёр ёдимга Узоқ чўпон тушди. У Ғаллакон тарафларда Тоғвой чўпоннинг ёнида чўлиқ эди. Хўжайини билан гапи тўғри келмай, қишлоққа қайтиб келибди. Ўн беш-йигирма чоғли қўйини кўни-кўшниларникини кўшиб, Каттасойда айлантриб юрганмиш.

Темур дарвозасидан сўнг йўл Сангзор дарёси ёқалаб кетади. Тепаликлар оралаб кўприқдан ўтишингиз билан дарё кичик-кичик ирмоқларга бўлиниб, кенгиш майдонни эгаллаб ёйилиб оқади. Туя ўрқачлари каби пасту баланд тепаликлар, сўнгра парқу булутларга оҳиста ёнбошлаган Ойқор тоғига туташиб кетади. Унинг изғиринларга кўкрак керган азамат қоялари, йил-ўн икки ой қор аримас юксак чўққилари, наъматак ва маймунжон терганимиз шарқироқ сойлари, учи-қуйри йўқ тоғолча ва бодом даралари кўз очиб юмгунча ўтиб кетган умрни эслатади, бугунги ҳаёт ҳақиқати ва умиднинг муждаси каби мени ўзига чорлайди.

Тоққа туташ, кечмишдан ёдгор Дунётепа ва Қўрғонтепа қалбимга шу тупроққа меҳр туйғусини солган илк манбалар эди. Эндиликда мана шу икки тепалик орасидаги қишлоғимиз қабристониди мунғайибгина турган қабрлар менга бобом, энам, отам ва опамнинг сиймоларини эслатади ва мен жуда кўп нарсаларни қайта мушоҳада ва мулоҳаза эта бошлайман.

Масжидинг узоқ бўлса ҳам, мазоринг яқин бўлсин дегандек, қўйинди ҳам шундоққина қишлоқнинг биқинида.

Замонида бу чексиз дара ва адирларга сиғмай от сурган ман-ман деган ҳамқишлоқларнинг энди бир қабристон бўлиб, совуқ мрамор тошлардан маҳзун термилганча сассиз-садосиз ётибдилар.

Дўппайган қабрларда бот-бот юмалоқ хат ёзиб бир-бирини қаматган амалдорлар, бу ҳайҳотдай ҳовли-боғларга сизмай ер учун бир-бирини пичоқлаган ака-укалар, Ойқор тоғида ўрмалаган жонивор борки, қирон келтирган, какликнинг кўзидан урадиган овчиларнинг қазойи қадари етиб, ер билан битта бўлиб ётибдилар.

Гапига қош қайирган одамни таъқибу қувғин қилиб, керакли жойга тиктириб қўядиган, бутун бошли қишлоқни ётқизиб-турғазиб, охир-оқибатда Мирзачўлга кўчирмага тўғрилаб юборган, ғазабидан барча бирдек зир титрайдиган Отабек директордан тортиб, кўни-кўшниларнинг қўлига қараб, улар берадиган ярим коса ёвғон пиёва ва бир бурда нони билан кунини кунлаган опа-сингил Майрам ва Чинни момоларгача энди бирдек қора тупроққа айланиб ётибдилар.

Тупроқ одам ажратмайди.

Буни ҳаёт дейдилар.

Инсон боласи самодаги чақин каби бир чақнаб ўтиб кетаверади.

Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон дерлар. Вақт, замон кечиши билан кишилар кўп нарсаларни унутиб яшайдилар. Зотан араб тилида инсон дегани унутувчи демақдир.

Бу дунёда гўзал ҳаёт бор, гўзал ўлим йўқ...

Охир-оқибат бир газ ер, икки газ бўз...

Шу хаёллар билан икки четига ўрик, бодом ва жийда экилган Ўснат йўлидан ўрлайман. Мол-ҳол кўпайиб кетганидан яйдоқ яйловларда кўзи тилига илинар майса кўзга ташланмайди. Куз ёмғиридан ўзига келган анҳордан намиққан хас-хашак ва қуруқ тупроқ ҳиди кўтарилади.

Отамерос уйимизга етиб келишим билан қишлоқбоп кийинаман-да, дадамдан қолган қадрдон ирғай таёғимни олганча адир ёхуд сой бўйлаб тоғ томон шошаман. Ўлим бўлган уйларга кириб, кўнгил сўрайман, болалигимда келиб юрган эшикларга бош суқаман. Дуч келган ёшу қари, хотин-халаж, бола-бақра билан гурунглашаман. Энг юксак тепаликка чиқиб, болалигимизда бир марта бориб кўришни орзу қилганимиз, уфққа ёнбошлаётган қуёшнинг оловранг тафтида ёниб кўринаётган Самарқанд томон тикиламан. Болалигим шундоққина кўз ўнгимда намоён бўлади.

Вужудида эзгулик туйғуси барқарор кишилар табиат кўйнида болага айланади. Киши ёшлиқда не қадар тезроқ улғайиб, бирор манзилга етмоқ учун тиришса, ёш бир ерга бориб қолгач, беихтиёр болалиги томон талпинади. Табиат бағрида киши ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмайди ва унинг салобатини борича туяди. Фикр – бу кўринмас табиат, табиат – бу кўринувчи фикрдир деган-ку буюклардан бири. Фақат фикрлай олмоқ, мушоҳада эта билмоқ хислати бўлган кишиларгина табиатнинг нозик фалсафасини англаб етишлари мумкин.

Ёғингарчиликдан ўйдим-чуқур бўлиб қолган кўчаларда қўлда таёқ, дилим тўкилган, руҳим сўкилган бир аҳволда ғамгин ва паришон кезишимни доимий суҳбатдошим, адабиёт ўқитувчиси Сафарали муаллимдан бўлак кимса англаб етмайди.

Тоғ этаклари, ёнбағирлари, даралар, сойлигу адирлар, изғиринларга кўкрак керган тепаликлар... Одам оёғи етган ер борки, тартибсиз ва қонунсиз равишда эгалланиб, ўраб олинган. Кўримсиз ва режасиз бинолар қуриб ташланган.

Сойларнинг ўзанини сағноқ, санглоқ дейишади. Бу тошлоқ демак. Бироқ бу санглоқлар ҳам эгалланиб, иту қушга отар тош тополмайсиз. Ташиб кетишган. Ҳатто қоя ва тепаликларни портлатиб, парчалаб шағал қилиб пуллайдилар. Бу аҳволда тоғ ҳам ҳадемай пасайиб, чўкиб қолса кераг-ов дея ўйлайсан, хаёлинг қочиб. Хайриятки, юксак қоялар ва тик чўққиларга қўллари етмайди.

Инсоният шу тариқа табиат мувозанатини бузиб, ўз оёғига ўзи болта уриб яшайвераркан. Шарқираган сойлар суви аллақачон қувурларга солинган. Яйловлар экин-тикин майдонларига айланган.

Дадамнинг Ирғайчи маҳаллалик болалик дўсти, математика ўқитувчимиз Абдуражаб домланинг узоқ йиллар чет элларда ишлаб келган, олти тилни биладиган, Тошкентда яшаб, университетда дарс берадиган Худойкул Жўраев деган фан доктори амакиси бўларди. Домла ҳар йили ёз таътилида Ўсмагга келар, ўзига тўқроқ қариндош-уруғи, ёр-дўстлари қўйми, эчкими сўйиб, топган-туганини олдига қўйиб, навбат билан меҳмон қилишарди. Жўраев домла бизникига ҳам келар, боғимиз тўридаги ўрик остига, бедазорга тўшак солдириб, йиғилганларни оғзига қаратиб, тонготаргача хангома берар ва ётиб қоларди.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, Абдуражаб, – дер эди меҳмон дамсар уриб. – Бу боши юмалоқ, бути айриланинг ҳали-бери одам бўлмайди. Булар учун ўзингни ўту чўққа урганинг бефойда!..

Ота авлод акрабомиз Абдурасул ака пайғамбар ёшида оламдан ўтди. У қишлоғимизга электр олиб келмоқ учун раҳматли Вафоқул тоға билан бирга елиб-югурган ягона инженер эди. Электр идораси район газетаси биноси билан қўшни бўлиб, биз кўпинча ишга бирга қатнардик. Унинг ноҳос ўлими укаси Мамарасулга қаттиқ таъсир этди чоғи, у ҳам кўп ўтмай омонатини топширди.

Уларнинг отаси раҳматли мулло Раҳматуллоҳ бобо қишлоқда ўттиз еттинчи йиллар қатағонидан омон қолган, эскичани биладиган ягона одам эди. Бобом мулла Қобулни олиб кетиб, Сибир сургунига жўнатганларида уй тўла китоблари қолган. Кимнингдир маслаҳати билан Шаҳзода энам бу китобларнинг ярмини тоқчада тахлаб суваттирганлар. Қолганини эса тун яримдан оққанда Раҳматулла бобога элтиб берганлар. Тўққиз ёшли дадам энамга ёрдамлашиб, қоронғи қиш кечасида Хўжатўпи маҳалласига ит азобида қандай бориб келганларини кўзда ёш билан ҳикоя қилиб берардилар.

Тўқсонинчи йиллар бошида одамлар дину иймонга қайтиб, масжидлар қурила бошлаганида уч-тўрт оқсоқолимиз бир ой чамаси овора бўлади. Кимсадан садо чиқмайди. Шунда фақат Абдурасул инженер томорқасининг ярмини масжид учун ажратиб беради. Ўша жойда қад кўтарган масжид эндиликда мулла Раҳматуллоҳ номида...

II

Эртаси куни бутун қишлоқ уста Мамарасулнинг худойисига йиғилди. Дарвозанинг икки ёнида қўл қовуштириб турибмиз. Ўнг томонимда хомуш ва парижонхотир Узоқ ўтирибди. Сўл тарафимда – биздан ёши каттароқ Бозорвой чўпон.

– Ҳа, жўра, шаштинг паст? – аҳвол сўрайман Узоқдан.

– Шу ёшда ишсиз қолдим, жўра. Умр бўйи сурувнинг ортидан эргашиб юрган одам уйда ўтириб қолса сиқилиб, жинни бўларкан. Ҳатто икки қўлинг ҳам ортиқчага ўхшаркан, – сўник овозда жавоб қилди Узоқ чўпон.

– Тоғвой билан ораларингдан қил ўтмас эди-ку?..

– А-а-а-й, Тоғвой чўпон уйни қотирганда, қиззиғар! Қаср дейсан, қаср! – дабдурустдан суҳбатимизни бўлди Бозорвой. – Қандингни ур, азамат! Районда биринчи бўлиб қўйини мингга етказган ҳам Тоғвой! Худо беришдан қисмаса, ҳеч гап эмас экан! Икки ўғлини юрпақда ўқитди...

Орага ёқимсиз жимлик чўқди. Беихтиёр Бозорвойнинг юзига қарадим. Соқоли бир ҳафта чамаси олинмаган, устида яғри чиққан фуфайка, оёғидаги ботинка кийилганидан бери артилмагандек. Унинг назарида энг зўр ва ақлли одам, барча бирдек бўйсунадиган, ҳаммадан амали катта киши эди. Қўйи кўп бўлиб, юртни тўплаб катта кўпқари берган, янги марка машина олиб, данғиллама иморат солган, хонадонига каттаконлар келиб тургани барчадан обрўли одам санайдиган Бозорвой учун нон пайғамбар, ош худо эди. Пойинтар-сойинтар сўзлари билан у аллақачон ҳазил-мутойибанинг мавзусига айланган, қовун тушираверганидан

хамқишлоқлар бир маъракага айтса, бирига айтмас эди. Ўзининг ҳам минг чоғли қўйи бўлиб, давраларда ҳеч кимга сўз бермасди. Минг қўйли бойлар сирасига кирса-да, уйда тайинли қозон қайнамас, эшигидан биров кириб-чиқмас, кийим-кечаги яғир бўлиб, тўкилмагунча янгисини олмас эди.

– Нархи беш чақалик одам саройдек уй қургани ёки қўйини мингдан оширгани билан унинг баҳоси ўн тийин бўлиб қолмайди, – Бозорвойнинг гапини бўлди қишлоқ мактабининг тарих ўқитувчиси Саид муаллим. – Одамлар оғзим бор экан деб, ҳар гапни бир гап деб саннайвермаса-да!

– Етар-ей. Аравакаш тавба қилибди! – гурсиллатиб ўнг қўлини кўкрагига урди Бозорвой. – Гапиришни худо фақат маллимларга чиқарган, қизизғар! Ўқитган ўнта боласидан тўққизтаси ўқишга киролмайди-ю, яна тилини саккиз қариш қилиб, одамларга нарх бичади!

– Муаллимларга тил теккизмаган сен саводсиз қолувдинг! Оғзингни кўпиртириб мақтаган ўша Тоғвойнинг отаси Пардавой подачи кўлида челақ, елкасида нонхалтаси билан оши ҳалол тўплаб, эшикма-эшик юрганини ҳали кўпчилик унутмаган. Бу чўпонман деганнинг тупроғи бир ердан олинган бўлади ўзи. Сенинг ўша иномаркали бойваччанг ўшанда, оёғида тоштовон, отасининг орқасидан эшагини етаклаб, навбат билан “оши ҳалол” деб бақариб юрарди...

– Сенинг отанг ҳам райком-пайком бўлмаган, ука! Ўзинг ҳам зовучни-повучни қилиб юмалоқ-ястиқ ўқишни питиргансан! Таниганимдан бери устингда шу эски кагим! Яна бировнинг оғзига урасан!

– Айтганингдек яхшими-ёмон бир ўқишни битирганман, – бўш келмай сўзида давом этарди муаллим. – Сен каби Тайпоқсой даштида қийшуносликни эмас.

– Сенинг ҳам ота-бобонг чўпон-чўлиқ ўтган, ука-а! Агар сен културний одам бўлганингда чўпонларнинг устидан кулмасидинг. Ўша Пардавой подачининг жанозасига начальник милициялар билан тўртта прокурорини олдига солиб, облас прокурори Мустафоқулов келган. Қўй кўрмасагам қий кўрганмиз, бизам...

– Сен ҳам ҳар ҳафтада битта ширвоз қўзи ёки қирқилмаган улоқни сўйиб, тандиркабобларни совутмасдан элтиб, бўзчининг моксидек елиб-югуриб хизматини қил. Кўрасан, жанозанга ундан ҳам катталар етиб келади. Энг муҳими, обрў борида ва вақтида ўлиш!

– Ҳе-ҳ-е-е! Содда маллим-ей! Ширвозлар ҳолва бўлиб қолди, оғайни! Энди каттадан кичиги кўкидан келади. Гўёки Ойқор тоғининг бир сойда дўллар мошинаси бордай! Худо берганига шукур қилиб, ўзимизни сўмгинани оловир! Тешиб чиқмайди-ку, қизизғар! Расходга тушиб дўлларни қаердан топади сенга? Сўмни шотирларингга бер, ғизиллаб бориб алмаштириб келади!..

– Менга қара, Бозорвой, кўпам ўтлайверма! Гирди мактаб ёки гирди сарой деган гап бор. Иккисини ҳам кўрмагани йўнилмаган таёқ дейдилар! – қўлини пахса қилиб бўш келмасди муаллим. – Қўйсанг-чи шу бемаъни гапларни.

– Аравакаш тавба қилибди дедик-ку! Ҳамма сендек олим бўлаверса қўйни ким боқади? – деди аччиғи чиқиб Бозорвой иягини кўтариб, юзини тескари бураркан. Бу билан у Саид муаллимга “сен ҳам одаммисан” демоқчи эди.

– Сенинг қулоғингга қуйилиб қолган “минг қўйли бой гапирсин” деган замон яна келди чамаси, – ҳамон шаштидан тушмасди Саид муаллим. – Мол топиб, ақл топмасанг, учоворадан чиқиб кетаверасан, оғайни. Тилим бор деб валдирайверма. Сенга насиҳат қилиш бефойда-ку, лекин кези келганда ипингни тортиб туриш керак...

– Ўликни қўйиб тутга югурмайлик. Ҳозир баҳси-мунозаранинг мавруди эмас, домла, – Саид муаллимга юзландим.

Орага яна жимлик чўқди. Узоқ чўпон дамсар урди.

– Тоғвой дўстимизнинг кетига жир битди, жўра, – деди анчадан сўнг чуқур нафас олиб Узоқ. – Бу дунёда оч одамни тўйдирса бўларкан, бироқ тўқни тўйдириш қийин

экан. Жўрамиз босар-тусарини билмай қолди. Кўрмаганнинг кўргани курсин дегани тўғри экан. Қачон кўрсанг, кайфи тарақ, ёнида ҳар хил аёллар. Мен аҳмоқ уни ўша, чоригини судраган Тоғвой жўрамиз деб ўйлаб, насиҳат қилмоқчи бўлибман. Келинкуёвли одамсан. Энди буннай ишлар сенга ярашмайди. Уннай қима. Аяқ-баяғинга қара деппан. Бош ирғаб маъқуллагандай бўлувди. Кейин билсам бошини “ҳа-а, сенми менга ақл ўргатадиган” деган маънода сарак-сарак қилган экан. Менга ўхшаганларнинг кўлидан чўпонликдан бошқа иш келмаса...

– Бекор гапни кўйсанг-чи! Кўлингдан ҳамма иш келади. Сеникидек олмазор кимда бор? Фақат шу касбга ўрганиб қолгансан. Ўттиз-қирқ кўй-эчкини чаканага бериб боқтиришга тоқатинг йўқ. Бошқа бирор иш билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагансан, – унинг гапини бўлдим. – Тўғрими?

– Тўғри! Гапингда жон бор, – юзимга тикилиб қолди Узоқ. – Лекин ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош деганидек, бир пайтлар хизматинг синган одамларга, қорни тўйғач, керагинг бўлмай қолса алам қиларкан, жўра. Менинг ўрнимга иш тополмай юрган болани арзимаган маошга ёллаб, қорнини тўйғазиб, сурув боқтирмақ маъқул кўринди жўрамизга. Одамлар фақат ўтар кунини ўйлаб қолди, биродар. Одамгарчилик отангнинг қулими дер эдилар. Шундай бўлди чоғи.

– Камдан кам ҳолатларда бой ва амалдорлар ўзларидан қуйидагиларнинг сўзларига қулоқ соладилар. Уларнинг аксарийси мен барчадан ақлли бўлганим учун бойман ёхуд шу мансабга ўтирганман деб ўйлайди. Соддалик қилибсан-да, жўра.

– Ўша гап-сўздан сўнг ҳам уч ой чамаси ишладим. Сурув санаш чоғида беҳосдан маошдан сўз очилиб қолди. Ойига битта тўқли беради. Менга озлик қилади дедим. Қўшни Тожикистонда ҳам бир тўқлига чўлиқлик қилишмайди. “Ойлик озлик қилаётган бўлса, майли, ўзинг биласан”, деди шартта жавобимни бериб. “Шошмай тур, жўра, ўйлаб кўрармиз”, деса ҳам бўларди. Ҳаччакалла ёқасига тармашган бўлмасам. Уям бизга ўхшаб чоригини судраган бир чўпон эди. Қайтиб оғзимни очмадим. Ўзинг билган ўша итим Оқтўшни эшакнинг эгарига боғлаб, ўн етти кўй ва тўртта эчкимни сурувдан ажратиб, йўлга тушдим. Ярим йўлда орқамдан етиб келди. “Узоқ, Оқтўшни ташлаб кет. Майли ўша битта тўқлини итинг учун бериб тураман”, дейди йўлимни тўсиб. Индамадим. Ёнида ўтириб келган болага Оқтўшнинг занжирини тутқаздим. Ит бечора менсиз сурувга қайтишни истамайди. Охири алашимдан таёқ билан урдим. Ғингиб, ингради жонивор. Мен ҳам йиғладим...

Гапи бўғзига тикилиб қолган Узоқ йиғиси отилиб чиқиб кетмаслиги учун кўзларини юмиб, бошини эгди. Ёш боладек бир неча бор бурнини тортиб кўйди.

– Эслайсан-а, жўра, Оқтўшнинг онаси Ойбетни, – хириллоқ овозда сўзида давом этди. – Қишлоғимизда иккита ит бор эди. Силарда Олапар, бизда Ойбет. Итмисан ит эди-да. Жониворнинг мендан инсондек кўнгли қолганини эслаб ўкинаман. Ундан зот олмоқчи эдим ўшанда. Қанжиқнинг ўзига ўхшаганини олмасанг зоти яхши чиқмайди. Қасдлашгандек ўзига ўхшаган арлон боласи ўлиб қолса бўладими. Гидикнинг ўлиги уч кун похолнинг устида қолиб кетибди. Шунини кўмишга ақлим етмабди-я! Учинчи кун Ойбет боласини тишлаб бориб, чалдевор остига кўмди. Ўша жойга бориб-келиб, уч кун мотам тутди. Ишонасанми, шу воқеадан сўнг менга муносабати ўзгарди. Гапимни кўзимдан биларди, жонивор. Бирорта кўзини жондор тортиб кетса, почасинимас, қулоғиними топиб келарди. Бўлмаса мол эгасига товон тўлардим. Сурувни олдига ўтиб ётар, отар етиб борса яна бир сой олдинга ўтиб ётарди. Отарни бўлиб юборадиган бурон-чопқин бўлганда айлантириб сурувни тўплайверарди. Сурувга яқинлашаётган жондорни ҳидини олиб йўлига чиқар, қўшни отар итларини чақириб, қашқирларни етти қир ошириб қувиб қайтарди. Энди бундай бўрибосарларни тушда ҳам кўрмайсан, жўра. Кишига меҳрибонлигини айтмайсанми?..

Ҳасратидан чанг чиқаётган Узоқнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Гапи бўғзида қолди.

– Уч ой бўлди, – деди анчадан сўнг ўзига келиб, бўғриққан овозда. – Ўғли уйга битта тирриқ тўқлини ташлаб кетибди. Нега олдинг деб хотинни сўқдим. Хуллас, шундай гаплар, жўра. Бизни қўявер. Очдан ўладиган замон эмас. Ўзингни ишларинг қалай? Камнамосан? Қишлоққа камқатнов бўлиб қолдинг. Бизни ҳамма унутса ҳам сен унутмайсан деб ўйлайман.

Иккимиз ҳам хўрсиндик. Навбатдаги одамлар тўпи келди. Ўрнимиздан туриб ўтирдик. Киши эллиқдан ўтгач, танасидан эт қочади чоғи. Узоқнинг иссиқ-совуқдан тиришган юз-қўллари, бўртиб чиққан чакка суюклари, чўзилгандек туюладиган ияги, кичрайган елкасида осилиб турган эски костюми, ҳорғин ва тушкун тортиб қолган нигоҳи бир йигитнинг умри ўтганидан далолат берарди. Бекорга умр икки ўттиз демайдилар.

– Тузукман, жўра, – дедим унинг ранги ўчиб кетган шими ва оёқ кийимига разм солиб. – Бир нави юрибман. Менга қара, Узоқ жўра. Бир каттанинг, бир кичикнинг айтганини қил деган гап бор. Чорва хусусида сенга ақл бўла олмайман. Гапимни диққат билан эшит. Ёшинг ҳам олтмишни қоралаб қолди. Туғилганиндаёқ пешонанга фақат чўпонлик қиласан деган муҳр босилмагандир. Илгари замонларда кўлидан бошқа иш келмайдиган касби-кори йўқ кишилар чўпонлик қилишарди. Ҳозир эса чўпонлар бойиб, боласини юрфақда ўқитиб прокурор ёки милиционер қилишнинг пайига тушган. Чўпонлик қочиб кетмайди. Чўпон зотига ҳар доим ва ҳар замон эҳтиёж бўлган. Кечаю кундуз, қишу ёз демай, бола-чақадан олисда, тошдан ёстиқ, қордан кўрпа қилиб чўлиқлик қилгандан кўра, раҳматли отангдан қолган ўша зотдор бўрибосарларни кўпайтирсанг бўлмайдами? Ахир бу ҳам меҳнат-ку! Ҳар қандай ҳалол меҳнатнинг айби йўқ. Чўпонман деганга бир неча қўйчивон ит керак...

– Э-э, жўра! Хаёлинг жойидами? Энди келиб-келиб ит боқиб, сотаманми? Одамлар нима дейди? – гапимни бўлди Узоқ, ҳайратдан кўзлари ола-кула бўлиб.

– Ўғрилиқ, ғарлик қилсанг одамлар бир нима дейди. Борингда кўролмаган, йўғингда беролмаганлар билан нима ишинг бор? Отангдан ўнта бўлсанг, оилангда ёлғизсан дейдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Ит сотасанми, бит сотасанми, кимнинг нима иши бор?..

– Нега бўлмаса итни сўраган ҳам, бермаган ҳам ит дейишади? – оғзимга қараб ағрайди Узоқ, яна гапимни бўлиб.

– Сўзимни сўнгига қадар тингла, оғайни. Тўғри, шундай нақл бор. Итинг зотсиз, лайчасифат бўлса ялиниб-ёлворсанг-да, устига пул қўшиб берсанг-да, биров олмайди. Катта шаҳарларда дайди итларни қўярга жой топилмайди. Лондону Москвада эса бир донаси юз минг доллар турадиган итлар, бир миллионлик отлар бор. Хўш, шуларни боқиб етиштирганлар сен билан мендан аҳмоқми?..

Узоқ ўйга толганча жимиб қолди. Тушдан кейин ҳам келган-кетганни қаршилаб анча ўтирдик. Тенгдошлар эртаси куни эрталаб яна Мамарасулникига келиб, шу ерда хайрлашадиган бўлдик.

Яна дўстимизнинг бош эгасиз қолган уйда йиғилдик. Орамиздан чиққан ягона имом мулла Тоштемир қуръон тиловат қилди. Негадир Узоқ чўпон билан Бозорвой кўринмас эди.

– Қурмагур Узоқ Тоғвой чўпоннинг отаридаги итини олиб келгани Ғаллаконга кетибди, – деди Саид муаллим. – Бозорвойни ҳоким Амирқул Соатов бозор-ўчар қилиб кегани Самарқандга юборибди. Районга нозик меҳмонлар келаркан...

III

Ўсмадан чиқиб, Девқўрғонга етганда тўхтадим. Қаровсиз боғ ўртасидаги тепаликка кўтарилдим. Йўлнинг икки четидаги бодомзорлар оша кузда шудгор қилинмай қолган ўнг ва сўлдаги ангорларга тикиларканман, худди шундай, илк баҳорни эслатувчи армонли куз кунларининг бирида дадамнинг эски “Москвич”ида иккимиз Ўсмагга келганимизни эсладим. Тошкенту Самарқандда ишлаб юрганим

боис суҳбат учун бундай қулай дамлар кам бўларди. Ҳаётимда ҳақиқий маънода меҳр-муҳаббатли икки кишини кўрдим. Бириси Шаҳзода энам бўлсалар, иккинчиси дадам эдилар. У кишининг сўзлари беихтиёр қулоқларим остида жаранглайди.

– Бу жойларнинг ўр-қирини яхши биламан. Бу йил ер ҳайдалмай, нафас ололмай қолибди-да, – дедилар дадам ялангоёқ болаликлари кечган, урушдан сўнг опам билан бирга ўроқ ўриб, машоқ терган далаларга армон ва алам билан термилиб.

Сўнгра Девқўрғонда тўхтадик. Дадам олдинда, мен орқада тепаликка чиқдик. Дадам Ғаллакон даштлари, Туятортар даралари ва Сойбўйи соҳиллари томон тикилиб тўймас, йиғламасалар-да, кўзларидан милтиллаб ёш оқарди.

– Чала бойнинг чала уйқуси келмайди, тоза бойнинг тоза уйқуси келмайди. Ҳай-ҳай, камбағалнинг ётса тургиси келмайди, – дедилар йиғига ўхшаш маҳзун овозда. Одам боласининг боши тошга тегиб, астойдил зориқмагунча чин юракдан бир ишга қўл урмайди. Тирикчиликни тирриқчилик билиб юраверади. Оёғимиз остидаги ер шунчаки шудгор эмас, бу ризқ-рўз, эл-юрт дегани. Сени учоворага қўшган эл, етти пуштинг хоки ётган ердан узоқлашма. Оғочидан айрилган шохнинг қисмати шамолнинг ихтиёрида бўлади...

Сибир сурғунидан қайтар экан, қозоқ даштларида сувсиз қолиб, ичи куйиб кетган, эски кўрпа парчаси ва ранги ўчиб кетган шолчани устига кийим ўрнида ўраб, ип билан чашиб олган, бир аҳволда қишлоққа қайтган бобом мулла Қобул ҳам худди шу Девқўрғонга тўхтаб дам олганлар. Бир амаллаб қишлоққа етиб келгач, Ойқорнинг музидан келтириб, кўкрагига қўйганича, муз солинган сув ичиб, тўққиз кун яшаганлар. Шодмон ўрис бошчилигидаги тўрт киши тонг сахарда бобомни олиб кетганларида тирик етим қолган уч бола отаси орқасидан зор қақшаб йиғлаб Девқўрғонга қадар эргашиб келган...

Дадам оталари ҳақида сўзлай олмас эдилар. Бу ҳақда гап очишлари билан кўзлари жикка ёшга тўлиб, сўзлари бўғзида туриб қолар, кўз ёшларини артганча, филт-филт юринардилар. Отам оталарини қалбларига кўмган эдилар...

Кечмишнинг оғир ва қайғули хотирасини елкалаганча Девқўрғонга чиқаман. Боболарим ва отам тикилган сайхонликларга, қир адирларга соғинч ва армон билан термиламан.

Девқўрғондан тўрт тараф кафтдек кўзга ташланади. Зарафшондан ажралиб Сангзорга қуйиладиган Туятортар ирмоғининг кун ботишида кўпчиб ётган Тайпоқсой далалари. Этакда буғдойи белга урадиган Ғаллакон адирлари. Ҳаётнинг ўткинчи ва давомийлигини таъкидлагандек Сангзор буралиб оқади.

Кунчиқишда олисдан қора тасма каби Ғаллакони Ўснат билан боғлайдиган йўл кўзга ташланади. Йўл бошида бир уловли киши Ўснат томон келарди. Эгасининг атрофида гир айланиб ўйнаб чопаётган ит тепаликларга отилиб чиқар ва сакраганча қайтиб тушар эди.

Бу кадрдон кўринишга тикилганча узоқ ўтирдим. Кўз олдимизда жонланган бу манзара болалигимда қалбим ва хотирамда чизилган сурат эди.

Итини эргаштириб Ойқор томон кетаётган киши эса кеча ҳасратидан чанг чиққан жўрам Узоқ чўпон эди. Кечагина кўриб дардлашган бўлсам-да, уни соғиниб қолибман. Ёнига учиб бориб бағримга босиб қучоқлагим, болалигимиз изи қолган адирларни тўлдириб, ўкириб йиғлагим келарди.

Ҳаво очик. Шафақ рангига кирган боғлар япроқларини тўкиб, истироҳатга ҳозирлик кўрар, қуёш илмилиқ нурларини ер томон зўрға узатаётгандек. Янги қор тушган Ойқор қоялари ҳам ўраниб уйқуга ҳозирланган айиқдек ҳорғин узанган. Чўққиларни сийпалаб, турли шаклларга кирган булутлар кунчиқиш томон эринибгина сузар, барқут арчазорларини бағрига босган тоғ водийга ғамгин боқарди.

Борлиқни оғушига олган куз қаҳратон қиш келишидан беҳабардек заминни илк баҳор рангига бўяр, жануб томон учмоққа кечиккан турналар қурейлашганча иссиқ ўлкалар сари қанот қоқишарди.

Дастлаб қалдирғочлар, сўнгра лайлақлар, ниҳоят, турналар ёзлик манзилларини тарк этадилар. Улар ўрнини қишдан дарак бериб, чуғурчиқ, майна ва қарғалар эгаллайди.

Куз шамоли олиб келган дилни қитиқловчи сарин бўй кўклам нафасига ўхшарди...

IV

Қиш ичи қишлоққа ўтолмадим. Наврўзда борганимда одатдагидек қишлоқ айланиб, Узоқ жўранинг уйига бош суқдим. Бир кўйлақ хотини Бувиноор биздан икки синф пастда ўқирди. Ташрифимдан суюнгани боис ўтқизарга жой тополмай қолди. Партибийрон бўлиб чой дамлади. Ўрмақда тўқиган антиқа дастурхонга тегирмон унидан қилинган, энди тандирдан узилган, болаликнинг қадрдон хиди анқиб турган тўртта нон кўйди. Қанд-курс олиб чиқди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳисобот бергандек сўз бошлади.

– Тоғвой чўпон келиб жўрангизни қўярда-қўймай яна олиб кетди. Ишда шундай паст-баланд гаплар бўлади-да, жўра, биздан ўтган бўлса кечир деди. Ўзиям сиқилиб кетганди, бечора. Тўртта кўйни ҳайдаса-ҳайдамаса ҳар куни Ўртақирга бир чиқиб келади. Тоққа қараб дамсар уриб, кўзи ёшовлайди. Оқтўшни болаларига ўғилларинг қараса ҳам бўлар. Мени ишим эмас экан дейди. Икки кун бурун эски ҳоким Апсамат Бўтаюп ҳам келувди. Икки отар суруви бор экан. Бир сурувни олсин деб кетди. Жўрангизнинг талабгори кўпайиб қолди...

Бувиноор билан болагигимизни эслаб, анча суҳбатлашиб ўтирдик. Эртаси куни уста Ҳамза тиккан тоштовонини судраб, елвагай тўни ҳилпиллаб, ҳаллослаганча Узоқ жўранинг ўзи етиб келди. Кулчатой еб гурунглашдик.

Чўпонлар алаҳсиб, отарлар қўшилиб кетганда сурувдаги минг чоғли қўю кўзини бирорта тўқлиқ улоқни ҳам адаштирамай ажратадиган Узоқ дадамдан қолган ўттизта кўйни бир у чакана, бир бу чакана отарга қўшиб, боши қотиб юрган тоғбеги укам Собирга чўпон танлаш борасида астойдил маслаҳат берарди.

– Чўпон деган қийбосқоқ билан қорбосқоқдан эҳтиёт бўлмаса ишини мазаси бўлмайди. Қийбосқоқда кўзи онасининг ичида ириб, иссиқда пишиб қолади ва ўлик туғилади. Биласан-ку, кўтонди эски чалмаси кўмирдан зўр бўлади. Сурувди кўтону кўрадан ташқарида ётоқлатганда ҳам қий тўпланиб қоладиган чуқурроқ жойга эмас, ёнароқ, шамолгаза жойга ётқизиш керак. Ёнада қий турмайди. Кўйди қийидан қувурлардан келадиган газдек зўр газ чиқади. Кўзини жинжак қилаверади. Қорбосқоқда кўй кўзисидан ажралгани учун сўйишдан бошқа иложинг қолмайди. Қалин қорда куёш чарақлаб турганида кўйлар юролмай кўзи қамашиб ҳайкалдек қотиб туриб қолади. Кўзини қор олиб кўяди. Кўй боқишди ўзи бўлмайди, ука. Чўпонди ёстиғи тош, кўрпаси қордан бўганда, бири икки бўлади. Чорвани билганга беру тепасида ўзинг тур. Бўлмаса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Ёмон чўпон бўридан беш баттар бўлади. Жондор кучи етганини, чўпон жонивор эса танлаб ейди. Чўпоннинг кўйи юзга етгунча, териси мингга етади. Чорва бир синса, қирқ йилда ўзига келади...

– Ака, сиз айтганингиз ўтган замонларда қолиб кетган. Ҳозирги бойлар керак бўлса бир кунда сурувини мингга етказди, – Узоқ чўпоннинг гапини тўғрилаган бўлади Собир тоғбеги. – Сиз нима деб юрибсиз.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, укам Собиржон. Энди сиз ўқигансиз-да, биздан кўп биласиз. Ман сизга яна бир гапди айтмай. Ёшингди оширу молингди ёшир дегандай, кўйингизни сонини ҳеч кимга айтманг. Баракаси қочади. Энди, Собиржон укам, бу ёз бизди сурувга Ойқорнинг яхши еридан белат олиб берасиз-да. Кўккўтонни кўзлаб юргандим, элдан бурун Бозорвой эгаллабди...

Суҳбат қизигандан қизиб, тонгга қадар давом этди...





Шеърият

Зебо МИРЗО

*Вақт ийлимни бахтларга
бурган*

**Ер дарахти**

*Нур йўлида мен излаган бахт,
Ҳеч ким билмас ҳаётим – кўкда.
Мен – чақмоқлар урган бир дарахт,
Тик ўсаман қоронғуликда.*

*Умрингизга қилмайман таъма
Ва кирмайман кўнглингиз босиб.
Менинг севгим – энг ёруғ таъна,
Менинг кўнглим – ишққа муносиб.*

*Довуларда силкинса умрим,
Йиллар ўтса бир-бир пичоқлаб.
Мен заминга кучим бераман,
Мен заминни маҳкам қучоқлаб.*

*Қўлларимни тираб осмонга,
Ўғирлайман тоғлар хушини
Ва тинглайман
Қўксимга ботган –
Болталарнинг зил товушини.*

Ёғдуларнинг сирли жаранги
 Баргларимдан ўтсалар сузиб,
 Кўзёшимнинг меваларини
 Юлдузларга бераман узиб...

Ҳаётимдан нур йўлин тўсган –
 Банди бўлсам банди йўқларга:
 Шохларимга тўр солиб ўсган
 Ҳар хил номсиз чирмовуқларга.

Мен, барибир, ўсаман адл,
 Шамолларда силкиниб, яшинаб.
 Шовуллайман тунлари кўкда
 Учаётган оққушига ўхшаб...

Мен – шу юртга тўкилган бир бахт,
 Майли, изланг, илдизим – кўкда.
 Мен – чақмоқлар урган бир дарахт –
 Тик ўсаман қоронгуликда...

Зангор планета

Шовуллаб
 Бошимдан ўтади ойлар,
 Қўёшлар сўнади олис-олисда.
 Дунёнинг

энг ўтқир телескоплари
 Илгар бир юлдузни зангори тусда.

Олис-олисларда
 тўқнашиб кетар
 Улкан метеорит-қоятошлари.
 Шу зангор юлдузни
 англамоқ бўлиб,
 Учар юзлаб сунъий ер йўлдошлари.

Улар бонг уришар
 топилди дея,
 Янги бир ер шари,
 ё Момо Ҳавво
 Бадарга бўлмасдан зулмат тубига
 Яшаб ўтган ўша
 Жаннатий маъво.

У шундай –
 бир лаҳза пайдо бўлар ва,
 У шундай –
 лаҳзада бўлади зойиб...
 Бир лаҳза “ялт” этар осмон кўзида
 Дунёда неки бор, сирли, заройиб.
 Осмон бир лаҳзаси –
 минг йилларга тенг,
 Ҳозир ўртамизда масофалар бор.
 Балки, сен,
 дунёга келган маҳалинг,
 Мен кетган бўлман бундан умидвор...
 Балки учрашамиз, ерда ё кўкда,
 Балки ечилади бир кун асотир.
 Аммо, юрагимда –
 зангор кенгликда –
 Ҳозир мўъжизалар бўлмоқда содир

 Ҳозир бўлинаман
 минг бир бўлакка,
 Жисмим зарралардай сочилар тайин.
 Бу хабар саргайган саҳифаларда
 Сенга етиб борар
 минг йилдан кейин...
 Ёлғизим, ишқ умри ҳасратларга тенг,
 Ишқ – бу сир,
 йўқ унинг бахт формуласи.
 Ишқ – бу
 минг йил олдин
 сўнган юлдузнинг
 Сенга етиб келган олис шуъласи...
 Куюнма.
 Қани деб,
 чекмагил қайғу,
 Вақт менинг йўлимни бахтларга бурган.
 Ахир, етиб келдим.
 Ахир, менман бу
 Титроқ ёшларингда йилтираб турган!

Ойбек. “Навоий”ни ўқиб

*Литиллаган шам ёруғида
Дил қонига ботириб бармоқ,
Ўлтирарди Ҳазрат Навоий
Тангри билан сирлашиб узоқ.*

*Манқалдонда милтиларди чўғ...
...Даричадан тўкилган ойдек,
Аста чертиб ҳужра эшигин
Кириб келди Мавлоно Ойбек.*

*Такаллуф ва иззат-эҳтиром
Ёғиларкан ҳар икки ёқдан,
Янги газал узатар Ҳазрат,
Қуримаган ҳали сиёҳдан...*

*Ечилади Ойбек тиллари
Ҳудо сир деб солган тугундан.
Сўйлаб кетар “Қуш тили”да у,
Тугилгандай гўё бугундан...*

*...Ё туш кўрдим, ёки синоат,
Ақлу ҳушим чорбоғ ичинда.
Мулозимман, мен бир мулозим,
Жим тингладим титроқ ичинда.*

*Гоҳ англаб, гоҳ англамай, лекин
Кўрмоқ учун шу лаҳзани бот,
Сенинг сирли тунларинг бўлиб
Қолгим келар, о, гўзал Ҳирот!*

Ғилон

*Адирларни оралаб ўтиб,
Чиққан каби гўё осмонга,
Асрларни оралаб ўтиб,
Етиб бормоқ керак Ғилонга.*

*Бир-бирига суяниб турган –
Уйлар асли банду банд элдир.
Одамлари бир буюк содда,
Ошиқдилу донишманд феълдир.*

*Бу қишлоққа адашиб келган
Инсон бўлар энг азиз меҳмон.
Том бошига югуриб чиққан
Тандирлари узатади нон.*

*Чаималари юрагингизнинг
Ғамларини кетсалар чайиб,
Ҳурлар ювган кўйлагингизни
Офтобрўйга қўйишар ёйиб...*


*Кечалари ойсупасида
Нурлар ичиб юлдузлар билан,
Қанотингиз ўса бошлайди
Сухбатлашиб кундузлар билан.*

*Қайда эди беҳишт, изламанг,
Минг бир кеча афсонасидан,
Жаннат асли бошланар Ғилон
Тош йўллари остонасидан.*



Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

*Меҳр билан ранлагин
оламларнинг юрагин*



* * *

*Орзунг сурурга тўлар,
Айтма, сирингни айтма.
Ҳар сўзинг ҳикмат бўлар,
Қайтма, йўлингдан қайтма.*

*Ташина бўл, балки саҳро,
Тугамаса ҳам ҳатто,
Дардга ҳамиша даво,
Қайтма, йўлингдан қайтма.*

*Ўқи, излан, англагин,
Ғарибларни тинглагин,
Меҳр билан ранлагин
Оламларнинг юрагин.*

*Балки, бир кун мард билар,
Айтма, дардингни айтма.
Ҳар сўзинг нурга тўлар,
Қайтма, йўлингдан қайтма.*

* * *

*Тушларимни ишғол қилган эй малак,
Сен билан сенсизлик ўртар жонимни.
Севилмоқлик бўлак, севмоқлик бўлак,
Ичаман ўзимнинг ўзим қонимни.*

*Чорраҳалар туташ, айро кетаман,
Менга хаёлинг бас, висолинг эмас.
Олисга борлигинг учун етаман,
Билганимни фаришта билмас.*

* * *

Кимдир ҳисларимга кишан солганми,
 Боқаману чиқармайман ун?!
 Овозимни йўқлик олганми,
 Туйғуларим такроргина, жўн?!

Қаттол бир қиш орқада қолди,
 Синди гажирлатган тишлари.
 Режалари улгурмай толди,
 Етмади менгача тушлари.

Неки, осмон, қанот қоқмоқда,
 Қанча музлар кетдилар эриб.
 Теграмда тентирар чақмоқлар,
 Дардимга кетишар урилиб.

Ҳовлиқиб ёзаман исмингни,
 Пистоқи бир шаҳар қураман.
 Сөгиндим-ку, зангор тусингни,
 Кўклардан тушолмай юраман.

О, борлиқнинг юраги – севги,
 Манглайимнинг сувсиз дарёси.
 Айтгин, ахир, менга не бўлди,
 Рухиятим ҳайрат гадоси?!

* * *

Энди нуқсон кўрдим ўйларимда ҳам,
 Безубор сарҳадлар чангга қорилиб.
 Ичимга қуюлар кўзимдаги нам,
 Хотиранг ярадай ёрилиб.

Бизни ёт ёқларга тақдир отмади,
 Балки севинчимиз кетди улоқиб.
 Гулларни севайлик, гуллар сотмади,
 Фақат доғ қийнайди, қалбда шам ёқиб.

* * *

Сочимдаги оқларни териб,
 Баҳор гуллари деб элтаман.
 Қизил, яшил мевалар бериб,
 Сен – ёз сари чиқиб кетасан.

Йўлимизни тутади ўрмон,
 Тилимизни тушунмас қушлар.
 Бизни ҳар кун софлайди армон,
 Ҳисларимиз китоби – тушлар.

Келар эгонсиз пайдар-пай хатлар
 Бу дунёнинг одамларига,
 Жавобидай елади дардлар
 У дунёнинг одамларига.

Учраштираган тақдир айирар,
 Олдин кимдир чиқади йўлга.
 Ишон, фақат, бу бир доира,
 Эвриламиз сўнгги бор гулга.

Гул бўламиз қирлардаги хуш,
 Улашамиз севги, ҳаяжон.
 Нафрат қочар, тўхтади уруш,
 Тонг уфқида порласак бир он.

Бахтли бўлишнинг ягона йўли – ўз имконияти-
 миздан ташқарида бўлган нарсалар учун таш-
 вишланишни бас қилишдир.

Эпиктет

* * *

Ёмон хизматкордан яхши хўжайин чиқмайди.

Платон

Наср



Шомирза ТУРДИМОВ

МЕЗОН

Киноқисса

ЎНГСЎЗ

Эркин инсон, руҳий эркинлик деган тушунчаларнинг ўлчови, мезони ўта нозик. Қилдай оғиш эркин эркисизликка айлантиради. Дунё ҳакимлари, алло-маю ижод аҳли бу тушунчанинг тимсолини турли қиёс, образлардан излайди.

Шарқда МАЖНУН шундай тимсол.

МАЖНУНнинг асл исми ҚАЙС.

Араб тилида ҚАЙС – улғу, мезон, тарози дегани.

МАЖНУН ҚАЙСнинг сифати эди, ўзига эврилди.

МАЖНУНнинг ЛАЙЛИга бўлган муҳаббати, севгисидан сўзловчи ҳикоят, нақл, дostonлар мағзида эркин инсон ҳақидаги тушунчалар ўз изоҳини топади.

МЕЗОНЛАР МЕЗОНИ

Ҳар бир миллат ҳаётининг тун ва куни, инқироз ва уйғониш паллалари бўлади. Худуди фақат яратгангагина маълум бўлган бу жараён жамият наздида турли белги-ишоратлар, рамз-тимсоллар шаклида зухур этади. Бунинг эврилиши жараёни, тақдир қонунияти ёхуд мезон дейишади. Шомирза Турдимов ижод этган “Мезон” асари мана шундай улкан жараёнлар – МЕ-ЗОНЛАР МЕЗОНИ ҳақида...

Жаҳон адабиётини узлуксизлик ва мунтазамликда кузатганлар яхши билишадики, борлиқ ва инсон руҳиятидаги ўзгаришлар энг аввал сўзда акс садо беради. Яъни бунда карвонбоши вазифасини асл сўз бажаради. У маълум макон ва замон майдонида илоҳий шаклу шамойил касб этгач, бир муносиб кимсани, сабр косаси лиммо-лим тўлган ижодкор бир кимсани танлайди. Унинг руҳияти, онг-шуурини буткул эгаллайди. Уни ҳақиқий Мажнунга айлантиради. Шу тариқа сўз воқеликка – бадиий асарга айланади...

МАЖНУН сўзининг яна бир маъноси девона, дали демак.

Сўфийлар: “Девоналик – озодлик, эркинликдир”, – дейишади.

Омма ўз мезонига сигмаганни девона атайди. Кўпчиликнинг ҳукми озчиликни таҳқирлайди. Омма ҳаммани измида туттишни хоҳлайди. Изнинг издан чиқишидан чўчийди.

Тазйиқлар шундан.

Аслида ҳар бир одамнинг кўнгили тубида бир МАЖНУН яшайди. Омма ана шу МАЖНУНларнинг эркин бўлишидан қўрқади. Омма МАЖНУНни таҳқирлаш эвазига ўз эркинлигини яширади. МАЖНУНнинг ниҳонлигидан, МАЖНУНнинг “олабўжи”лигидан ҳузурланади.

Эрк, озодлик юқини ҳамма бирдек кўтара олмайди. Омманинг МАЖНУНга яқин кела олмаслигининг бош сабаби ушбу нуқтада ойдинлашади. Шу жойдан омма ўлчовлари кучга киради.

МАЖНУНнинг ўлчовини эса МАЖНУНларгина англайди...

I. ҚАЙС – ЎЛЧОВ, МЕЗОН

*Даҳраро тўймоқ ва ўлмоқдир баса,
Сиррини англаб етолмас бир касе.*

Шайх Фаридиддин Аттотр

Дарёнинг ёйилиб, сокин оқаётган жойи.

Қирғоқдаги азим дарахтнинг қуюқ сояси сувда аксланади.

Сув томон чўзилган улкан бир шохага ёғочдан ясалган каттакон тарози осилган. Тарозининг паллалари қамиш саватдан қилингани эътиборни тортади.

Озгин, соч-соқоли олинган йигит тиззасигача сув кечиб, кўлидаги сопол идиш (коса ҳамда кўзани ёдга солувчи)ни сувга ботириб, басма-басига тарозининг бир палласига қуяди. У сувни тўкиши баробарида тарозининг иккинчи палласига тепадан нимадир (тош, барг...) келиб тушади. Паллага қуйилган сув саватдан сизиб пастга оқади. Нарсалар тушаётган палла эса тобора оғирлашиб қуйига оғади.

Йигит жону жаҳонини унутиб сув қуяди, нарсалар эса тушаверади...

Гарчи, эндиликда бу сўз ўзининг асл сеҳру тароватини, рангу тусини бир қадар йўқотган бўлса-да, улкан илоҳий воқеликдан бир улги, бир ишорат ўлароқ ўз ҳаётини бошлайди. Асл сўзни эндиликда жамият, миллат ва бадият мезонлари билан ўлчай бошлайдилар. МЕЗОНда айтилганидек, эндиликда мезонлар ўзгаради, талқин талқинга халал беради, талқин талқинни бузади. Аммо на чора...

Журнал таҳририяти нашр этишга жазм қилган “Мезон” асарини ўқиган дастлабки ўқувчи машҳур “Лайли ва Мажнун” афсонасини эслайди. Сўнгра Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Фузулий ва Алишер Навоийни ёдга олади. Тарихий фактларга кўра, шарқ дунёсида “Лайли ва Мажнун” афсонасига мурожат қилмаган давр ва ижодкор шахснинг ўзи кам. Афсона ва ривоятларни истисно этганда ҳам, бу мавзуда ёзма адабиёт тарихида юз ўттизга яқин асар битилган. Жараён бугунга қадар шиддат-ла давом этмоқда ва унинг интиҳосию сабаби бизга маълум эмас.

Ҳориб чарчаган йигит беҳол тарози палласига таянади.
У гавдасини паллага ташлайди...
Паллалар тенглашади... гоҳ паст, гоҳ баланд бўлиб чайқалади...

II. АЙРИЛИҚ

*Тингела, найким не ҳикоят айлагай,
Айролиқлардан шикоят айлагай.*

Жалолиддин Румий

Кўёш нурлари сув сиртида синиб мавжланади.

Қирғоқдаги қуюқ қамишзор сокин чайқалади. Қамишлар кўкка нола қилаётганга ўхшайди. Қамишлар шитирлашига най овози уланади.

Эҳромга ўхшаш чўққи пойида соч-соқоллари ўсиқ кекса дарвеш най чаляпти. Унинг юмуқ кўзлари, сокин тебранаётган гавдаси сархуш одамни ёдга солади. Най энди кесиб олинган кўм-кўк қамишдан ясалган, ҳатто қамишнинг куйи қисмидаги бир неча барги шилиб олинмаган. Найнинг одатдаги ўлчамидан бирмунча узунлиги кўрар кўзга аниқ билинади. Дарвешнинг олдида сиртдан чилимни эслатувчи хийла катта сопол кўза турибди. Унг ёнбошида эса узун асо ётибди... Кўзанинг оғзидан энгил кўкиш тутун чўлғаниб кўкка ўрлайди. Куй авж нуқтасига етади ва дарвешни бешта дарвеш қуршаб олади. Қолган дарвешлар ҳам куй оҳангига мос тебранишади. Уларнинг ҳам ўнг ёнбошида асолари ерга узала ташлаб қўйилган.

Куй чалаётган дарвеш найни ўртада турган чилим-кўза бўйнидаги тешикка суқиб, ерда ётган асосини олиб кўзанинг ёнига хиёл қиялатиб ўринлатади. Чордана ўтирган ҳолатида чилим томон энгашиб чилимдан тортади. Сунгра чилимни ўнг қўл томонда ўтирган шериги томонга буриб қаддини ростлаганича муқорабага кетади.

Дарвешлар асоларини чилим атрофига ҳар томондан қўйиб, навбат билан чилим тортишиб муқорабага киришади.

Чилим атрофига қўйилган асолар олти бурчак шаклини олади.

Дарё кенг ёйилиб оқувчи ўзан.

Умумий қарашда Шомирза Турдимов “Мезон” дея номлаган асар марказида ҳам шу афсона туради. “Мезон”нинг дунёга келишини адабий-тарихий жараён қолипларига соладиган бўлсак, ажабтовур қонуниятни, яъни соф адабий мезонни англагандек бўламиз. Воқеан, адабий жараёндаги қолиплар ўрнини нисбий эркинлик олган барча даврларда мана шунга ўхшаш асарлар дунёга келганига, мезонлар синиб, шу синиқлар негизида янги мезонлар пайдо бўлганига тарих гувоҳ. Тарихан миллий адабиётимизда ҳам, жаҳон адабиётида ҳам сўз санъатидаги эврилишлар уч омил негизида рўй берган – фольклор, мумтоз ёзма адабиёт ва замонавий дунё адабиёти туташган нуқтада янги адабий воқелик юз кўрсатган.

“Мезон”да шарқ фольклорида мавжуд “Лайли ва Мажнун” афсонасини ҳам, машҳур “Хамса” достонлари гултожи “Лайли ва Мажнун”ни ҳам, борлиқ ва инсониятнинг азалу абад муаммоларини ҳам, қолаверса, бугунги замон нафасини ҳам туйиши мумкин. Ҳазрат Навоий талқин этганидек:

***Лекин чу рақамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун...***

Шу ердан йўл ўтади. Лекин кўприк бузилган. Икки қирғоқда эски кўприкнинг қолдиқлари кўзга ташланади. Узоқдан дарё томон келаётган отлиқ кўринади. У от жиловини тортиб, қарама-қарши тарафга оёқларини узангига тираганича қад ростлаб қарайди. Рўпарадан келаётган суворийни кўради. Суворий ҳам отини тўхтатиб, узангига оёқ тираб, қад ростлаб, бу тарафга келаётган кишига тикилади. Отлиқлар ўз йўлларида юришда давом этади.

Шаршара салобат билан қуйилмоқда. Шаршарадан усти-боши ҳўл ҳолда чиққан дарвеш, қирғоқда, олдига оппоқ рўмол ёйиб соч-соқолини олаётган иккинчи дарвеш ёнига оҳиста ўтиради. У ҳам соч-соқолини қирқиб рўмолга сола бошлайди. Шаршара ичидан бошқа дарвешлар ҳам бирин-кетин чиқиб келишади. Улар ҳам шерикларига қўшилади.

Оппоқ рўмолни бир уюм соч-соқол тўлдириб турибди. Бир қўл келиб, рўмолни тугади.

Олти дарвеш давра қурганича бошларини қуйи солиб ибодат қилишмоқда, ўрталикда оппоқ тугун. Дарвешлар бутун қувватини оппоқ тугунга йўналтиришаётгани уларнинг юз, қўл ишораларидан аниқ сезилади. Дарвешлар бирдан кўзларини очадилар. Тоғ томонда ўтирган дарвеш ўрнидан туриб, тугунни олади. У шаршара тубига бориб тугунни дарёга ташлайди. Шарқираб, кўпириб оқаётган сув елкасида тугун олмадай қалқиб оқа бошлайди. Тугун асов дарё измига ўтади.

Кенг ёйилиб оқаётган ўзаннинг икки қирғоғида икки от сув ичмоқда.

Суворийлар бир-бирини кўриб кўрмасликка олишади; дарё тўлқинида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай келаётган оқ нарсани илғашади. Оқ нарса сув юзасида пайдо бўлган вақтда ўзидан ярқироқ нур таратади. Бу ҳолат диққатни олади ва суворийлар қизиқиш билан тикиладилар. Сув Оқ нарсани сув тубига тортиб, икки харсангтош орасидан олиб ўтади. Бу гал тугун сув юзасига ярми қизил, ярми оқ каттакон олма бўлиб сапчиб чиқади. Қирғоқдаги икки отлиқ бу сирли ҳолатдан сеҳрлангандай тек қоладилар.

Асов тўлқинлар олмани гир айлантриб суворийлар томон олиб кела бошлайди. Ҳар иккисида ҳам олмага эга бўлиш иштиёқи туғилади. Улар худди баҳслашган рақиблардек отларини ниқтаб, сув кечишади. Сув узангигача чиқади. Орадаги масофа тобора қисқаради. Шу пайт шиддат билан оқаётган сув олмани ўзан ўртасида тигдек чиқиб турган тошга олиб келиб уради. Каттакон олма худди атайлаб кесилгандек икки оқ-қизил паллага ажралади. Сув паллаларни икки суворий томон оқизиб

Зотан, бу афсона замонлар ва одамлар ҳақидаги улкан тарихни ўзида ифодаловчи улкан рамз – энг катта мезондир.

Замондошимиз Шомирза Турдимов адабиёт ва ҳикмат денгизидан олган улгилари, билим ва тажрибаси, аллоҳ берган қалби, истеъдоди боис шундай катта мавзуга қўл урган экан, бунини шубҳасиз қувончли ҳодиса, миллий адабиётимиздаги бир янгилик ўлароқ қабул қилмоқ инсофдандир.

Ўқувчи учун у қадар аҳамияти бўлмаса ҳам, адабиётшунос олимларимизни “Мезон” қандай жанрга мансуб деган масала қизиқтирмай қолмайди. Қолаверса, адабиёт назарияси ва адабий жараён мезони деган гаплар бор.

Табиатан ўта камтарин бўлган муаллиф эътирозларидан кўз юмиб айтишини хоҳлардимки, “Мезон”да роман ҳам, қисса ва ҳикоя ҳам, драма ва шеър ҳам бор. У асло маллиф камсуқумлик ила белгилаб қўйган киносценарийнинг ўзигина эмас. Мезон бевосита катта адабиётга дахлдор асар. Катта (ёки янги) адабиётга эса ҳар доим синкретиклик (турли жанрлар қоришиқлиги) хос бўлади. Шу билан бирга, бадиий асар структурасида-

келади. Паллалар отлиқлар олдига етиб, тўхтаб гир айланади. Отлиқлар бу бир тақдир ишораси эканлигини англаб, ҳар бири ўз тегишлисини олиб, шеригининг бор йўқлигини билмагандек от жоловини орқага тортиб, келган йўлига қараб кета бошлайди.

Шаршара ёнида асолари ерга қадалган олти дарвеш турибди. Улар ўрнашган ер, орадаги масофа, тепадан – эҳром шаклидаги чўққидан қаралса, сирли олти бурчли шаклда эканлиги маълум бўлади. Дарвешлар бошларини қуйи солганича тин олиб турадилар ва бирдан асоларини қадалган жойида қолдириб турли томонга йўл олишади.

III. КЎЗА БОЗОРИДА

Бу дунё дегани қизиқли бозор.

Халқ кўшиғи

Эҳром шаклидаги чўққи пойига олти дарвеш қадаб кетган олти асо дарахтга эврилиб, барг чиқариб яшнаб турибди.

Қуйида икки томондан олма бўлақларини олган икки отлиқ биттадан кўзани опичлаб олганича дарахтларга яқинлашиб келмоқда. Кўзалардан бирининг оғзи оқ белбоғ, иккинчиси қизил дуррача билан боғланган. Суворийлар билан бирга икки чақалоқнинг аччиқ йиғиси ҳам яқинлашади. Суворийлар безовталанади. Кўзани у кўлидан бу кўлига олади, худди болани овутгандай ҳаракат қилишади. Лекин чақалоқларнинг овози тинмайди. Суворийлар отдан тушиб асо-дарахтлар ёнига яқинлашадилар. Йиғи овозига ғижжакнинг ноласи уланиб, куй аста-аста йиғини босиб кетади. Суворийлар кўзаларни дарахтлар орасига кўйиб, тиз чўкиб, бошларини қуйи солишади. Куй авж пардага ўтади. Кўзалар атрофини ёғдули оппоқ кумушранг тутун чулғайди. Кўзалар кумуш ёғду ичида кўздан бир зум йитади.

Суворийлар саждадан бош кўтариб, кўзаларини олиб изига қайтишади. Отлиқлар иккига ажралиб, хийла узоқлашгач, куйга чақалоқларнинг йиғиси уланади. Ажралиш масофаси ортгани сари йиғи тобора кучайиб, куй бутунлай тинади.

ги бундай хос ўзгаришлар миллий эстетиканинг янги сифат эврилишига ўтаётганидан далолат беради.

“Мезон”нинг нашр этилиши ва ўқувчилар томонидан мутолаа қилиниши яхши гап. Агар асар ўзининг кинодаги асл эгаларини топиб, бадий фильм сифатида намоён бўлса, янада яхши бўларди. Истагимиз шуки, “Мезон”нинг бахти очилсин.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, ЎЗМУ доценти

IV. АЛИФ, ЛОМ, МИМ

Руҳий эркинлик жунун бадалига берилади.

Нақшинкор икки тавақали катта ёғоч эшик оҳиста очилади.

Ичкарида уламо кўринишли, узун соқолли киши ва озғиндан келган, кўзлари болаларча бегубор йигит юзма-юз ўтиришибди. Ўртадаги каттакон лавҳда хатчўп билан ажратилган китоб турибди. Китобнинг ўнг саҳифасига арабий алифбонинг куфий шакли катта-катта қилиб битилган: АЛИФ, БЕ, ТЕ, СЕ, ЖИМ ... ЛОМ, МИМ ... Чап саҳифадаги сидирға матн дона-дона ёзилган.

Устоз китобга фаромуш тикилиб ўтирган шогирдининг диққатини тортиш учун кироат билан буйруқ оҳангда сабоқни бошлади:

– Алиф!

Шогирднинг кўз ўнгида устознинг хаёлига ҳам келмаган ғаройиб ҳодисалар рўй бера бошлади. Китоб саҳифалари ўзидан ажиб бир кумушранг ёғду таратиб, нур ичидан мовий АЛИФ ҳарфи ажралиб балқиди. Шогирд саҳифа сатҳида товланаётган АЛИФ маромига мос тебраниб такрорлайди:

– Алиф!

Устоз:

– Бе!

Китобнинг нурли саҳифасида балқётган АЛИФ ёнига мовий ЛОМ ҳарфи сузиб чиқади. Шогирднинг чехраси ёришиб, лаб, кўзларида ним табассум пайдо бўлиб, ўқийди:

– Лом!

Устоз шогирдининг жавобидан ажабланади, айтган ҳарфини такрорлайди:

– Бе, Бе!!!

Шогирд кўз узмай тикилаётган саҳифадаги АЛИФ ва ЛОМ ёнига алвон рангли МИМ ҳарфи қўшилади. У ўз-ўзига сўзлаётгандай айтади:

– Мим!

Устознинг жаҳли чиқади. Овозлари титраб, бақириб сабоқни такрорлайди:

– Бе! Бе! Бе!

Шогирддан садо чиқмайди. У китобга худди кўзгуга қарагандай ҳайрат билан тикилади, юз, кўзида тобора ортаётган ҳаяжони акс этади. Устоз бу ноўрин ҳолатдан ажабланади.

Шогирд китобга тикилар экан, ундан АЛИФнинг енгил кўтарилиб, қирғоғи қизғиш кўк қанотини ёйиб учаётган қушга эврилганини кузатар экан, бутун тану жони шу қушга боғлангандек, нигоҳи момиқдек саҳифадан ҳаволанаётган қушда қотганича оҳиста қад ростлайди. Китоб саҳифасидан АЛИФ қушнинг кумушга қорилган зарғалдоқранг шокила-шокила думи узилиб узилмай изидан ЛОМ қуш қанот чиқариб, думи шокила ёяди. Сўнг узун бўйин, тожли бош китобнинг нурли саҳифасидан ажралиб АЛИФ қуш ортидан юқорига парвоз этади. Шогирд қушлар парвозига монанд оёққа туради. АЛИФ, ЛОМ қушлар шогирд боши узра айланиб учади. Парвоз сафига қизғиш МИМ ҳам қушга эврилиб қўшилади. АЛИФ, ЛОМ, МИМ қушлар шогирд тегарасини айланар экан, бир тур қуш сувратига киришади. Устоз шогирдининг ўз-ўзидан қад ростлаб, шифтга аланглаб бир жойда айланиб қолганлигидан бутунлай лол қолади. Устознинг ҳайратини орттирган нарса шогирдининг бир қанча шериклари билан басма-басига рақс тушаётган раққосдек, хона бўйлаб гир айланаётгани, қўлларини ёйиб қуш бўлиб учаётгани, гоҳо тўхтаб, нигоҳи билан ниманидир кўкка кузатиб яна ён-атрофидан нимадир топиб, тушунарсиз ҳаракатлар қилаётгани эди. Чунки устоз шогирдига аён бўлаётган сир-синаотни кўрмасди, ҳатто сезмасди.

Устоз оёққа қалқиб: “Бу жинни, бу жинни!!!” дея тисланиб, хонадан ташқарига қочиб чиқади. Хонада шогирднинг ўзи қолади.

Чиндан йигитнинг қувончдан чақнаган кўзлари ва кўринаётган воқелик ҳайратга молик эди.

Қия очилган эшик ортидан ичкарига қараб турган киши (йигитнинг отаси) ва устоз хона ўртасида рақсга тушаётган йигитни зимдан кузатишади. Кишининг сабри тугайди. Ичкарига шиддат билан киради. Хонада шовқин-сурон бошланади. Эшик олдида воқеани кузатиб турган устоз ўзини беихтиёр четга олади, хиёл энгашиб яна яқин келади. Унинг эшитилаётган шовқинга уйғун хатти-ҳаракатлари, қўл булғаб, бошини сарак-сарак этиб, гоҳ олдин, гоҳ орқага кетиши бароборида хона ичида кечаётган олишувни тасаввур этса бўлади. Бирдан овозлар тинади. Устоз ичкарига киради. Эшик ёпилади.

V. СУВ

Сувратдан сийрат келади.

Коса тутган хизматкор эшикка яқин бориб, хиёл энгашганча қулоғини эшикка босади. Унинг бу ҳаракатидан хона ичкарисида нима бўлаётганини овоздан аниқламоқчи эканлиги сезилади. Ичкаридан ҳеч бир садо чиқмайди. Хизматкор эшикни оҳиста очиб хонага мўралайди. Хона бурчагида мук тушиб, косадаги сувга термилиб ўтирган йигитни кўради. Йигит – Қайс унга эътибор қилмайди. Хизматкор эшикни оҳиста ёпади.

Йигит косани авайлаб ерга қўйиб, меҳр билан тикилади.

Косага сўзлайди:

– Лайли, Лайли!

Коса ўзидан нур таратади, тиниқлашиб, сувда чиройли қизнинг жонли тасвири намоён бўлади.

Йигит ҳаяжон билан хитоб қилади:

– Лайли!

Косадаги қиз ёнида йигит ҳам пайдо бўлади. Қиз йигитга ярим палла олма узади. Йигит олмани олар экан, қўйнидан яна битта ярим палла олма чиқариб, икки паллани бир-бирига туташтиради, ҳовучида бир бутун олма пайдо бўлади.

Эшик шарақлаб очилади. Йигит аввалги ҳолатда ўтирибди.

Ичкарига ота ва хизматкор жаҳд билан киради.

Ота бурчақда косага тикилиб ўтирган йигитни кўрсатиб буюради:

– Ол косани, итга бер!

Хизматкор косани олмоқчи бўлиб интилади. Йигит косани бермайди. Ота жаҳд билан косани тортиб олиб, сўкинганича ташқарига йўналади.

– Итнинг боласи!

Йигит отанинг изидан эргашади. Ота косани эшик яқинида узала тушиб ётган ит томон итқитади. Ит косани ялай бошлайди. Йигит дунёси ютилаётгандай ўзини ит томон отади. Ота ит томон интилган ўғилни тутиб ортга силтаб ташлайди.

Теварақда ўйнаётган болалар текин томошага тўпланишади.

Ерга йиқилган йигит имраниб қўлларини ит томон чўзади:

– Лайли, Лайли...

Ота ғазаб билан нари кетади. Йигит эмгақлаб ит олдига боради. Ит ялаб тоза-лаб қўйган косани юз-кўзига суриб ингранади. Ит емак илинжида унга яқин келади. Йигит итни бағрига босиб, кўзларини юмганча тебраниб ўз-ўзига сўзлайди:

– Лайли! Лайли!

Текин томоша кўриб турган болалар қулишади. Улар итни опичиб турган Қайснинг атрофини айланиб, ирғишлаб, оламни бошларига кўтаришади.

Хизматкор катта таёқ билан болаларни қувлайди. Хизматкордан ҳайиқиб қочаётган болалар Қайсга масхараомуз қилиқлар қилиб, бир-бирига: “Вов-вов, Лайли!”, “Вов-вов, Лайли!”, деб узоқлашадилар.

VI. ТОМОША

*Қайс улки Арабда бебадалдур,
Ҳар фазлда эл аро масалдур...*

Алишер Навоӣ

Кўчада болалар бир итни боғлаб, олдига синиқ идишда сув бериб, ҳар томондан турткилашяпти.

Болалар:

– Мажнун! Ич, ич!

Бошқа бола сув идишни итнинг олдидан тортиб олади:

– Лайли-ку! Ичма, Лайли!

Ит бўшалиб кетишга интилиб юлқинади, ип бўйнини баттар сиқади. Болалар итнинг чиранишидан завқланиб, уни ортиқ қийноққа солишади.

Бирдан ит ипни узиб, даврадан ситилиб чиқиб қочади. Болалар шовқин солиб итнинг изидан тошлар отиб қувлашади.

Ит катта девор тагидаги туйнукдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлади.

Болалар девор ошиб туйнук олдада букланиб, тиззасига бошини кўйганича, ўй-хаёлларига фарқ ўтирган Қайсни кўриб, унинг атрофида айланиб, “Мажнун”, “Мажнун”, “Мажнун”, дея қичқиришади.

Қайс безовталаниб, тобора ғужанак бўлиб олади. “Мажнун”, “Мажнун”, “Мажнун” дея бақиришлар “Лайли, Лайли, Лайли” бўлиб акс-садо беради. У бирдан “Лайли, Лайли, Лайли” дея ҳайқириб, ўрнидан сапчиб туради. Қўлларини озод кўтариб “Лайли, Лайли, Лайли” дея сакрайди. Бу кескин ҳаракатни кутмаган болалар кўрқиб ҳар томонга тумтарақай қочишади. Қайс темиртак топган қулдай “Лайли, Лайли, Лайли” деб, хурсанд ҳолда қўлларини қанотдек ёзиб гир айланади...

VII. ЧЕГАРАНИНГ БУЗИЛИШИ

*Қадам ташланади, ўлчанмайди,
Ўлчаганлар қотилдир.*

Ланг очиқ турган икки тавақали эшикдан ичкарига мўралаган хизматкор шошилинч изига қайтиб тўнгиллайди:

– Яна қочибди! Қочибди!!!

Қарама-қарши уйдан ғазабнок ота чиқиб келади.

– Одамларни йиғ! Топинг! Занжирбанд қилиб ташланг!

Одамлар тўпланиб ҳар томонга тарқалишади.

Дарё бўйи. Эски кўприк бузилган жой.

Мажнун қирғоқ ёқасида қарама-қарши томонга тикилиб турибди.

Нариги қирғоқда қўй боқиб юрган чўпон Мажнуннинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатади.

Чўпон Мажнуннинг дарёга тушиб, бу томон ўтишга чоғланганини кўриб, қўл булгаб қичқиради:

– Қайт! Ҳозирок қайт!

Чўпон Мажнуннинг сув оралаб бежавотир, худди пахта устида бораётгандай, оёғи сувга ботиб-ботмай ўтиб келаётганини кўриб, бир зум лол қолади. Сўнг қўлидаги таёғини ташлаб, ортидан ит қувлаётгандай йўл бўйлаб чопиб кетади.

VIII. ОЛОВ

*Иброҳим с.а.в. оловнинг ичига кирди.
Олов гулзорга айланди.
Бу сир ўзгалардан пинҳон қолди.*

Мажнун дарёдан ўтиб атрофни зимдан кузатади. Ботаётган қуёшга узоқ тикилиб қолади. Қуёш икки ўрқачли қир ортига чўқади.

Мажнун излаётгани қуёш билан кетгандек икки ўрқачли қирни мўлжаллаб юради.

Икки ўрқачли қир ортидаги сайҳон жой. Жулдур кийинган ушоққина чол елкасига ортмоқлаган бир боғ қамишни тоғдек тўпланган ўтинлар уюмига олиб келиб кўшади. Уюлган ўтинни кўрганлар, бу одам бир умр шу иш билан банд бўлганми, деб ўйлаши аниқ.

Чол қонталаш шафаққа тикилиб бир зум тин олади. Кўнглидан шу ўй кечади:

*Хору хошокинени йиғдим бутпараст,
Қақнусдек ўтга солдим ўтпараст.
Хору бутинг, бору будинг совурдим,
Ўтпарастига ҳавасдур, шул ҳавас.*

Қақнусдай ўтин йиғдим, энди куйлаб ёниш навбати етганга ўхшайди, эй аллоҳим, кулимдан не чиқар экан?

Лайлининг ҳовлиси.

Дарвоза олдига одамлар йиғилган.

Чўпон ҳаяжонланиб сўзлайди:

– Сувдан юриб ўтди, жодугар экан, келяпти, бу ерга келяпти.

Лайлининг отаси тўпланганларга буюради:

– Топиб ушланг! Келган жойига ҳайданг!

Одамлар дарё томон чопиб кетишади.

Мажнун икки ўрқачли қирдан ошиб тўхтади. Чол уйган катта-кичик ўтинлар кўзига айқаш-уйқаш қаланган одам – тулуплар бўлиб кўринади.

Чол Мажнунга бир бор кўз қирини ташлаб, четроқда турган қуруқ қамиш боғларини олиб, ўтин уюмининг қирғоқларига зичлаб кўяди. Қўйнидан чақмоқ тош чиқариб қамишга ўт ёқади. Қуруқ қамиш ловуллаб аланга олади. Олов аста-аста ўтинларга чирмашади. Чол бир чеккада турган тўрвасидан сурнай чиқариб, оҳиста ўтиради. Кўзларини юмиб куй чалишга тутинади.

Аввалига гулхандан қуюқ қора тутун кўкка ўрлайди. Гўё гулханни қора шарпалар тарк этаётгандек. Сўнг олов ёли алвон, мовий ва тилла ранг тусланади.

Мажнун йўқотган қуёшининг тафтини ловуллаб ёнаётган гулхандан топгандай олов атрофида қувнаб айланмоқда. Оловнинг ҳар бир ёлидан Лайлининг жамоли жилваланиб уни ўзига бутунлай ром айлайди.

Мажнун олов – Лайли билан телбаларча рақсга тушади.

Қуёш найза бўйи кўтарилган.

Кеча ёнган гулхан ўрнида қизил, оқ, сариқ гуллардан чиқаётган қуёш тимсолини ифодаловчи улкан нақш турибди. Ушбу гулбезак ўртасида Мажнун ухлаб ётибди.

Лайли хонадонининг хизматкорлари икки ўрқачли қирнинг тепасига чиқиб тўхташади.

Хизматкорлар билан келган чўпон гуллар орасида ётган Мажнунни кўриб ҳайрат билан тикилади.

Чўпон (шерикларига):

– Қаранг У! У! Гулларни қаранг!

Шериклар ажабланишади. Улар куйида – кенг сайхонликда доира шаклидаги каттагина куйган ер ва қалин кул ўртасида узала тушиб ётган Мажнуннигина кўришади. Гулзор улардан пинҳон қолади.

Келганлардан бири:

– Гулми? Кул-ку!

Бошқаси:

– Жим! Қочиб кетмасин!

Чўпон кўзларини очиб юмади. Кўз ўнгида манзара ўзгаради, у ҳам гулзор ўрнида кулни кўради, хижолат бўлади.

Шерикларидан бири (чўпонга):

– Сенга жин тегибди, кулни гул дейсан. Сув устида одам юрди дейсан. Ўзингни ўқитиб ол!

Чўпон қизаради, бир сўз демайди.

Арқон, таёқлар билан қуролланган кишилар сайхонликка тушиб, кул теграсини ўраб олишади. Улардан бири оҳиста кулни оралайди.

Гулханнинг устигина бир энлик кул билан қопланган, ости эса қип-қизил чўғ эди. Кишининг оёғи куйиб, додлаб чошиб чиқади.

Келганлар таёқлари билан кулни титиб, ҳамма жой чўғ эканлигига амин бўлишади. Мажнуннинг чўғ устида бемалол, ҳеч нарсани сезмай ухлаб ётганига ҳайратлари ортади.

Келганларнинг бошлиғи:

– Тирикми ўзи? Уйғотинглар!

Ҳар томондан шовқин янграйди.

Мажнун қад ростлайди. Қуёшга қарайди. Одамларга эътибор қилмайди. Чўғ кечиб, кул доирасидан ташқари чиқади. Чўғдан чиқишини кутиб турган кишилар ҳар томондан ташланиб, оёқ-қўлини танғиб боғлашади ва дарё томон судраклаб кетишади.

Мажнун хонадонининг хизматкорлари дарё қирғоғида туришибди. Қарама-қарши томонда Мажнунни судраб келаётган кишилар кўринади.

Хизматкорлар орасида турган суворий отини қамчилаб дарёга тушади. Сув узангисидан ошиб кўмай деганда от нариги қирғоқ томон суза бошлайди.

Мажнунни тутқун этган кишилар уни дарё қирғоғига олиб боришади.

Хизматкорлар бошлиғи:

– Ўтда куймас экан, сувга чўкмайди деганмидинг?

Чўпон юзини гуноҳқорона четга буради.

Бошлиқ буюради:

– Ташланг дарёга!

Мажнунни оёқ-эгнидан олиб сувга отишади.

Мажнун тошдек сув тубига чўкиб кетади.

Бу ҳолни кўрган суворий отини ниқтайди.

Лайли хонадони хизматкорлари:

– Чўкди! Чўкди!

Чўпон оҳиста четга чиқади, чўк тушиб мункиб-мункиб йиғлайди.

Буралиб оқаётган дарё Мажнун гавдасини бир зум юзага олиб чиқади. Отлиқ шошилинч интилиб унинг кўйлагидан тутишга улгуради. Отлиқ кўпқарига кирган чавандоздай чапдастлик билан икки кўллаб Мажнунни сувдан суғуриб, улоқдай олдига ўнғаради. Сўнг от жilовини ортга буриб изига қайтади.

Дарёнинг икки қирғоғида турган оломон шовқин кўтаради.

IX. ТУПРОҚ

Буюрди, бүйсунди, мўмин бўлди.

Мажнун отасининг ҳовли-жойи куйиб култепага айланган. Йўл четида икки тобут кўйилган. Бирига қизил, иккинчисига оқ мато ёпилган. Жаноза аҳли юзларига фотиҳа тортади. Сафдан чиққан киши култепа ёнида чўнқайиб ўтирганича ҳовучида кул со-
вурини билан машғул Мажнунни турғизмоқчи бўлади.

– Тур энди, қаторга ўт! – дейди киши.

Мажнун ҳеч нарсани англамайди. Янада берилиб кул совуришда давом этади.

Сафдагилардан бири (ҳалиги кишига):

– Қўй бу телбани. Бир ҳовуч тупроғи ота-онасига буюрмаган экан.

Тобутлар йўлга тушади.

Мажнун култепа ёнида қолади.

Мажнуннинг кафтида каттагина қумсоат турибди. Қумсоатнинг юқори қисмидан куйилаётган қум пастки қисмга тўкилар экан, аста-аста Лайли сувратига киради. Мажнун қумсоатнинг Лайли сувратли қисмини тепага кўтаради. Суврат эриб паст-
га кул бўлиб тўкилади. Мажнун кул паллани тепага олади. Кул пастга тушиб энди Мажнун қиёфасига киради. Мажнунни бу ғаройиб манзаранинг сеҳри ўзига бутунлай боғлайди. У қумсоатнинг оқиш маромига сингиб кетади.

Қабристон. Тонг.

Янги пайдо бўлган икки қабр ўртасида Мажнун ухлаб ётибди.

Усти-боши тупроқ, бошини белбоғ билан боғлаб олган киши Мажнунни уйғотмоқда.

– Тур эй, девона. Бу не ётиш?

Мажнун бошқа ёнбошига ағдарилиб олади. Киши уни силкилаб қад ростлашга мажбур этади.

– Оч кўзингни!

– Кимсан?

– Уруғман. Ўзинг нима қиляпсан?

– Лайли чақирди.

– Унибсан!

Киши куйида тупроқ юклаб кўйилган арава томон кетади. У эшагининг нўхтасидан тортиб йўлга тушади. Мажнун оҳиста ўрнидан туриб киши изидан боради.

Кулолнинг устахонаси.

Киши – кулол дастгоҳини айлантириб кўза ясамоқда. Қаршисида ўтирган Маж-
нунга эътибор ҳам қилмайди.

Мажнун лойнинг дастгоҳ чархида айланиб, кулол қўлида кўзага айланаётганини киприк қоқмай кузатади.

Кулол қўлида шакл олаётган лой Мажнунга Лайли бўлиб кўринади.

Дастгоҳ, кулол кўздан йўқолиб, рўпарасида Лайли қад ростлайди.

Мажнун сеҳрлангандай Лайли ҳаракатларига боғланади.

Лайли одам бўйи келадиган кўза ичидан хиёл кичикроғини, унинг ичидан яна бошқасини, шундай қилиб, кўзадан ўнлаб кўзачаларни олиб Мажнун теграсини ўрайди. Сўнг енгил бир ҳаракат билан уларни бир уюм тупроққа айлантириб, Маж-
нуннинг бошидан қуяди. Мажнун боши узра куйилаётган тупроққа худди сувда юви-
наётгандай чўмилади. Кўзларини юмиб, ҳовучини олдинга чўзади. Лайли тўкаётган
тупроққа томчи-томчи сув сингишиб, ҳовучидаги тупроқ лой бўлади. Мажнун лойни
хамирдай ийлашга тушади... Лой кўзага, кўзалар тупроққа, тупроқ лойга, лой кўзага
эврилади.

Мажнун бирдан сергак тортиб, кўзларини очиб қўлларига қарайди. Бўм-бўш ҳовучини кўради. Хаёлот оламидан устахонага қайтиб, қаршисида кўза узатиб турган кулолга қарайди. Мажнун кўзани бағрига босганча ташқарига йўл олади.

Х. ҲАВО

Ақл – кўриқчи.

Кўм-кўк осмонда қандайдир қуш давра солиб айланади. У бургутми, лочинми аниқ айтиш қийин. Қуш ердан ўлжа излаяптими, кўкка кўтарилмоқчими, унча сезилмайди. Ҳавода салобат билан оҳиста сузиши диққатни тартади.

Бийдек даштда кўза қучоқлаб, шиддат билан кетаётган Мажнунга гоҳ-гоҳ қушнинг сояси тушиб қолади. Мажнун эътибор бермайди, бирдан тўхтади-да, кўзларини юмиб, ҳавони тўйиб-тўйиб симиради. Шу ҳолатида бир неча муддат қотиб туради. Сўнг кўзасини боши узра озод кўтариб, худди сувга тўлдириб олаётгандай ҳаракатлар қилади. Кўзани пешонасига тўғрилаб, сувни тўкаётгандай оҳиста тўнтради.

Узоқдан, юзини қора мато билан танғиб олган суворийлар тўдаси шамолдай елиб, Мажнун томон келишади. Улар кимсасиз даштда бўм-бўш кўзани боши узра айлантириб, ундан “тўкилаётган” ҳавода чўмилаётган, ўз қилиғидан ҳузур топиб маст бўлаётган Мажнун ёнига етиб, уни ўраб олишади. Мажнун уларни кўрмайди. Ўз завқида кўзадаги ҳавони устидан қуйиб, кўзларини юмганча ҳавони симириб гир айланади.

Безовта отлар бирдан ювош тортиб бошларини қуйи солишади. Улар суворийларнинг буйруғига, жаҳд билан жиловни тортишига бўй беришмайди.

Қароқчилар бошлиғи:

– Тўхта, эй девона!

Мажнун ҳушига келиб ўзини қуршаб турган суворийларни илғайди.

Отлар сергак тортиб безовта бўлишади.

Бошлиқ (шерикларига айёрона тикилиб, масхараомуз):

– Кўзангда нима бор?

Мажнун:

– Лайли.

Қароқчилар қулишади.

Бошлиқ:

– Кўзанг бўм-бўш-ку.

Мажнун:

– Сен мен бўлиб қара.

Бошлиқ:

– Ўз кўзим билан кўриб келяпман, Лайлинг бозорда-ку, булар ҳам кўрди, тўғрими?

Бошқалар:

– Кўрдик.

– Қул бозорда. Ҳа-ҳо-ҳо!

Суворийлар от чоптириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишади.

ХІ. БОЗОР

Бир булоқ бекилса, ўзгаси кўз очади.

Қул бозори. Турли ёшдаги тўп-тўп эркагу аёл, болаю қизларни савдогару даллоллар харидорларга мақтаб кўз-кўз қилишмоқда.

Харидорлар қулларни айлантриб бўй-бастларига қарашади, оғизларини очиб, тишларини кўришади. Савдо қилишади.

Мажнун ўзга оламга кириб қолгандай жавдираб атрофга тикилади. Оломон орасидан кимнидир безовта ахтараётган одамдек гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга кескин бурилиб қарайди. Бошқалар унинг бор-йўқлигига эътибор қилишмайди. Мажнун бўғзига ип боғлаб, белига танғиб олган кўзасини оҳиста силайди. Кўзадан садо чиқмайди.

Мажнуннинг диққатини қарама-қарши тарафдан шовқин солиб келаётган аёл ўзига тортади. Аёл бўйни аралаш қўлларига темир занжир осиб олган, кийимлари ола-чипор, сочлари тўзғиган кўринади. Бир қарасанг сочлари турмакланиб, усти-боши ўзгариб, танноз яллачилардек тус олади, занжирлари пул тўла ҳамёнлар шодасига эврилади. Яна турланиб асл ҳолига қайтади. Аёл гоҳ югургилаб бориб кимнингдир олдида тўхтайди. Гоҳ ўрталиқда тик қотиб, қичқириб гапирди. Бир кулиб, бир йиғлайди. Сўзи қўшиққа, қўшиғи сўзга алмашади. Одамлар бу ҳолатига кўникиб қолишганми, қайрилиб ҳам қарашмайди. Гўёки бу аёл йўқдек, уни фақат Мажнунгина кўраётгандек туюлади.

Аёл ёшгина чўрини харидорга кўз-кўз қилаётган савдогар олдида тўхтаб сўзлайди:

– Сот, отанг бозор, онанг бозор!

Аёл олувчига юз буриб давом этади:

– Ол, онанг бозор, отанг бозор.

Савдолашаётган кимсалар уни эшитишмайди. Аёл сўзланиб йўлида давом этади:

*Лайлининг томига чиқсам, ғозлари ғавғо қилур,
Бу бозор, қизиқ бозор, Лайлисини савдо қилур...*

Мажнун аёлдан Лайли номини эшитиб, югуриб келади.

Аёл Мажнунга зимдан тикилади:

– Сен Лайлининг мажнунисан, мен бозорнинг. Хон билан хон, қул билан қул, мажнун билан мажнун савдолашади. Нима оласан?

– Лайлини оламан.

– Лайлини кўрганмисан ўзи?

– Ўтда кўрдим, сувда кўрдим, ерда кўрдим, кўкда кўрдим, ёмғирнинг томчисида, аёзнинг қамчисида, тун билан кун жангида, шафақнинг рангида, лаҳзанинг ҳаддида, ҳар зарранинг чангида кўрдим!

Мажнуннинг кўзларига ўзгача меҳр билан тикилиб қолган аёл оппоқ либосли фаришта сувратида намоён бўлади.

– Мен Лайлини сенда кўряпман. Бу бозордан сенинг Лайлинг кетган.

Мажнуннинг хаёли қочади.

У “Лайли, Лайли, Лайли!” дея ҳайқириб, кўзини очади. Ўзини бўм-бўш бозор ичида кўради. Ундан беш-ўн одим нарида бозоржойни супураётган киши бу ҳайқириқдан чўчиб бошини кўтаради. Мажнуннинг нима деганини англамай пол тикилади.

Мажнун саволининг давомини сўрайди:

– Қани?

Киши бозор аҳлини суриштираяпти деган хаёлга бориб жавоб қилади:

– Масжидга кетишди.

Мажнун ўзига-ўзи такрорлайди:

– Лайли масжидда, Лайли масжидда, Лайли масжидда!!!

ХII. ЛАЙЛИ МАСЖИДДА

*Интизорлик бирла кутгил ҳар маҳал,
Оқибат бағрингга келгайдир гуҳар.*

Шайх Фаридиддин Аттотр

Мажнун масжид ҳовлисига кириб боради. Кенг очиб қўйилган икки тавақали маҳобатли эшик олдини тўлдириб турган сон-саноқсиз пойабзалларни бир зум томоша қилиб туради. Янги-эски, қиммат-арзон, катта-кичик, бори тизилиб турибди. Мажнун беихтиёр оёқларига қарайди. Ялангоёқ юраверганидан қорайиб, товонлари ёрилиб, чанг бўлиб кетган оёқларини бир-бирига ишқайди. Сўнгра ўзида журъат топиб масжид эшигидан ичкарига киради.

Мажнун улкан масжид ичида қатор тизилган турли рангли пардалар сафини кўради. У бир зум нима қиларини билмай тараддудланади. Шу пайт пардалар қаторасига ерга йиқила бошлайди ва кўзи қарама-қарши тарафдаги очиқ эшик ва унинг тепасидаги ёзувга тушади. Ёзувни ўқиш баробарида Лайлининг овозини эшилтади.

Лайлининг овози:

– Мен у эшикдан кириб, бунисидан чиқдим.

Мажнун Лайлининг изини топгандек, “Лайли, Лайли, Лайли!” дея очиқ эшикдан ташқарига чопиб чиқади.

ХIII. ЛАЙЛИМАЖНУНЧИЛАР

Мезонлар мезонни бузади.

Лайли отасининг қароргоҳи. Бутун қавм йиғилган.

Лайлининг отаси қавмига мурожаат қилади:

– Мажнундан қизимни, қавмимни ким асрайди. Масжидга бориб, жума намозини “Лайли, Лайли” деб бўкириб бузибди. Эл оралаб юролмай қолдим. Энди нима қил дейсиз?

Даврадагилардан бири:

– Ўлдириш керак.

Ёши улғу киши:

– Девонанинг қотили ҳақ! Қавмидан ўч олинг.

Ҳовлиқма киши:

– Қирамиз, яйловларини оламиз, молу мулки ўлжа!..

Лайлининг отаси буюради:

– Қўшинни тўпланг!

Мажнун булоқ бўйида ўтирибди. Беш-олтитача каклик сувлаш учун булоқ томон учиб келади. Какликлар чўчиб узоқроққа бориб қўнади.

Мажнун ўз-ўзига айтади:

– Агар шу какликлар ёнимга тушса, мен Лайлини топаман.

Какликлар булоқ бўйида шериклари тургандай бир-бир учиб келишади, бемалоп сув ичиб, Мажнун атрофида айланиб юришади.

Дарахтлар ортидан кийик мўралайди. Кийик ҳам ҳуркиб тўхтаб қолади.

Мажнун кўнглидан кечиради:

– Шу кийик кўлимдан ўт еса, Лайли мени изляпти.

Кийик дарахт ортидан чиқиб, Мажнун кўлидаги ўтни ейишга тутинади.

Мажнун кийикни эркалайди, бўйнидан қучиб сўйланади.

– Лайли мени изляпти.

Мажнун йўлга тушади.

Сайхонликдан шамол катта-кичик қасмоқ (енгил юмалоқ шаклдаги ўсимлик – пишиб етилгач шамол уни коптоқдек юмалатиб, жарлигу чуқурларга элиб ташлайди)ларни тинимсиз юмалатиб ўтмоқда.

Мажнун уларга эътиборсиз кетиб боради.

Кенг майдон. Бир хил кийиниб, юзларига бир хил ниқоб тақиб олган икки тўп оломон юзма-юз турибди, ҳар бирининг кўлида биттадан турли шаклдаги идиш бор. Олдинги сафда ёғоч от миниб олган ўн чоғли масхарабоз “суворий” ажралиб кўринади.

Биринчи тўп жўр бўлиб қичқиради:

– Лайли, Лайли, Лайли!!!

Иккинчи тўп жавоб қайтаради:

– Мажнун, Мажнун, Мажнун!!!

Тўплар олдидаги ёғоч отлилар идишларни бағирларига босиб, рақиблари томон от солишиб, майдон ўртасида аралашиб кетишади. Бир хил кийим, ўхшаш ниқобда бўлганликлари боис кимнинг кимлигини ўзлари ҳам ажратолмай қолишади. Идишлардаги қора, қизил, сариқ суюқликларни бир-бирларига сеп бошлашгач, манзара бутунлай англанмас ҳолатга келади. Фаройиб жангни кузатиб турган сафдагилар ҳам “Лайлимажнун” деган чақириқларини буткул унутиб, “ким, ким?” дея ўзаро тортиша бошлашади. Идишларидаги суюқликларни бир-бирлари устидан қуйишади.

Майдон ёнидаги тепаликда Мажнун кўринади.

Мажнун бу талотўпни тепаликдан кузатиб турар экан, тугилган мушти билан кўксига қайта-қайта урганича, пичирлаб тақоррайди:

– Даъво ёлғондир! Даъво ёлғондир! Даъво ёлғондир!

Оломон ҳолдан тойиб иккига ажралади. Сафлар қайта тузилади.

Бир томон: “Лайли, Лайли!” деб, иккинчи тараф “Мажнун, Мажнун” дея, ҳайқириб келган жойларига қайтишади.

Мажнун оломоннинг ўртасида қандай ўтирган бўлса шундай ҳолатда қолади. Икки саф ҳам уни ҳайқиріқлар билан кўмиб, бор-йўқлигига ҳам қарамай, кўрмай ўтиб кетишади.

Мажнун тепаликдан тушиб келади.

Майдонда йиртиқ ниқоблар, синган сопол идишлар қора, қизил, сариқ бўёқларга қоришиб ётибди.

Мажнун йиртиқ ниқобларга қарайди. Энгашиб сопол парчаларини кўлига олиб айлантриб тикилади. Тупроқни лой этган қора, қизил, сариқ рангга бармоқларини ботириб томоша қилади. Кўли беихтёр яланғоч кўксига тегади. Кўлини кўкси бўйлаб пастга суради. Баданида беш бармоқдаги қора, қизил, сариқ рангдан из ҳосил бўлади. Кўкрақдан киндиккача келган қора, қизил, сариқ излар ярадай бўртиб қон оқа бошлайди. Мажнунни ҳаяжон чулғайди. У икки кўлини рангли лойга булғаб боши, юзи, бутун баданига чаплайди, чаплайверади. Ич-ичидан бир ёввойи ўкирик келади. У қорли, қора совуқли тунда, ойга қараб увлаган бўридай, чўк тушганича, кўлларини боши узра кўтариб, ув тортади.

Бу фарёд еру кўкни ларзага солади.

Осмонда симобий булутлар гирдоби айланади, бир улкан кўз айёрона боқиб туради, гўёки Қазо ердаги манзарани кузатар экан, оғзини енги билан беркитиб кулади.

Мажнун алам билан Қазога мурожаат қилади:

– Эй, Қазо! Кул, кул! Мен: “Фавғойи жунунға мубталомен, Боштин-оёғимғача ха-томен¹.”

Мажнун белига боғланган кўзасини олиб уни қора, қизил, сариқ ранг қоришган лой билан тўлдиради. Кўзани опичиб бағрига босади.

XIV. ХИЗР СУВИ

...Не матоҳманки, ҳеч харидорим йўқ.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд

Қуриган кекса дарахт мункайган қарияни ёдга солади. Одам қўли етадиган айри шохида каттагина қуш уяси турибди. Уяда уч дона оппоқ тухум бор. Дарахт тубида Мажнунга бир томчи сувдай ўхшаш ўспирин ўтирибди. Фарқи, унинг кўзлари совуқ чақнайди, сочлари силлиқ таралган, бадани тоза, юзи, қарашларида изтиробдан нишона йўқ. Дарахт тубида ўтирган “Мажнун” ўзи томон яқинлаб келаётган асл Мажнунга киприк қоқмай тикилади. Ҳақиқий Мажнун боя жанг майдонидан қандай чиққан бўлса, шу ҳолда келган. Унинг юзи, бутун бадани қора, қизил, сариқ лойга беланган. Қўлида лой тўлатилган кўза.

Дарахт тубида ўтирган сохта Мажнун ўрнидан туриб, кўза тутган Мажнун ёнига боради, худди кутилмаган мўъжиза устидан чиққандай ажабланиб, атрофини айланиб синчил тикилади.

Сохта мажнун:

– Сен менми?

Ҳақиқий Мажнун нима жавоб қайтаришини билмайди.

Сохта мажнун:

– Лайли, Лайли деб элга мени сен масхара қиялсанми?

Мажнун:

– Кимсан?

Сохта мажнун:

– Мен Қайсман? Ўзинг кимсан? Билмасанг айтай! Сен ота-онамнинг қотилисан!

Лайли керакми? Мана ол!

Сохта Мажнун шиддат билан дарахтдаги қуш уясидан битта тухумни олиб оёқлари остига ташлайди. Тухум ерга тегиб-тегмай ёрилиб, ундан “Лайли” чиқиб келади.

Сохта Мажнун “Лайли”нинг биллагидан тутиб, бағрига тортади. “Лайли” нозланиб сохта Мажнун кўксига бош қўяди. Сохта Мажнун “Лайли”нинг сочи, юзи, кўзлари узра қўл югуртириб:

– Шу кўз, юз, бадан керакми? Сенга бердим!

У “Лайли”ни Мажнун томон итаради. “Лайли” қучоқ очиб Мажнунга интилади.

Кўзларида ўт порлаган Мажнун қўлидаги кўзани сохта Мажнун томон жаҳд билан отади:

– Йўқол, малъун!

Кўза тўғри сохта Мажнун томон учиб боради. Кўза етар-етмас у лов этиб оловга айланади, кўздан ғойиб бўлади. У билан бирга “Лайли” ҳам изсиз йўқолади.

Кўза дарахтга тегиб чил-чил синади. Кўзадаги лой дарахт танасига сингиб, қуруқ оғоч танасида сув юриб, кўм-кўк барглар чиқаради.

Мажнун дарахтга яқин келиб қуш уясига қарайди. Уяда учта темир қанот боғлаган палапонларни кўради.

Мажнун палапонларни бир-бир қўлга олиб, силаб-сийпаб осмонга учиради. Қушчалар дарахт тепасида гир айланишади.

Мажнуннинг баданидаги кирлар йўқолиб асл ҳолига келади. У қушчалар ва чексиз осмонга тикилади.

¹ Алишер Навоий.

XV. ХАБАР

*Андоққи тилар муяссар айла,
Оламни анга мусаххар айла.*

Алишер Навоий

Эҳром шаклидаги чўққи пойидаги майдон. Бир замонлар олти дарвеш қадаб кетган олти асо йўғон, чайир дарахтларга айланган. Баргларидан кўра шох-шаббаларига илинган ҳар хил рангдаги латта-иплар кўпроқ. Қуйироқда супалар қурилиб, гиламлар солинган. Ҳар бир супа ёнида ўчоқлар қозони билан турибди.

Эндиликда бу ер катта зиёратгоҳга айланган.

Чўлда Мажнунга дуч келган қароқчилар оддий кийимларда шу ерга келишган.

Қароқчиларнинг иккитаси сўйилган кўчқор гўштини нимталаш билан овора, бири сув тўлдирилган қозонга олов ёқмоқда, бошқаси чой қайнатишга тушган.

Оппоқ кўйлак, шалвар кийиб ялангош, ялангоёқ бўлиб олган қўрбошининг оёқларига темир кишан солинган. Қўрбоши кишанларни шалдиратиб олти дарахт ёнига келади. Оралиқ тўрт-беш одим қолганда чўк тушганча, қўлларини кўкка чўзиб илтижо қилади:

– Эй худо! Бир тирноққа зорман! Гуноҳқорман! Ёлбораман! Менгаям бир фарзанд бер!

Хийла орқада турган тўрт шеригидан бири ёнидагиларга ишорат қилиб, тиз чўкиб, қўлларини осмонга узатади. Шериклар ҳам унга эргашади.

– Шу олти авлиё хурмати, фарзанд сўраб топганлар ҳаққи, бир ўғил бер! Қулинг бўлай! Қолган умримда хизматингни қилай! Бер, художон!

Қўрбоши бошини саждага қўяди, елкалари титрайди. Ортада турганлар ҳам саждага кетишади.

Қўрбоши, кўзларида ёш, бошини саждадан кўтариб, қаршисида ўзига тикилиб турган Мажнунни кўриб доғдирайди. Илтижосини эшитиб кўкдан элчиси тушгандай, Мажнун томон эмгаклаб интилади.

Орқадаги шериклар қўрбоши оёғидан ечилиб, тўпикдан сирғалиб тушган занжир товушини эшитиб бошларини кўтаришади. Беихтиёр улар ҳам эмгаклаб кела бошлайдилар. Қўрбоши Мажнуннинг оёқларини кучиб, бош уриб ёлборишга тушади.

– Хизр бобо, Хизр бобо! Ассалом алайкум, Хизр бобо!

Қолганлар ҳам жўр бўлади:

– Хизр бобо, Хизр бобо, Хизр бобо!

Мажнун кўзларини юмганича жим қолади. Бирдан тилга киради.

– Тур!

Қўрбоши бошини кўтариб Мажнунга тикилади. Кўзлари юмолганча қотиб турган Мажнун нима деганини англолмай бир зум ҳайрон қолади.

Орқадан келган шериклардан бири сўз қотади:

– Хожам, кишан ечилди. Қаранг, “Туринглар! Боринглар” деяпти.

Қўрбоши ортига ўгирилиб, ечилган кишанларни кўради, кўзларидан ёш қуйилади. Бу ҳолат шерикларига ҳам юқади. Уларнинг ҳам кўзларидан ёш оқади. Қўрбоши қандай келган бўлса, шундай тисланиб, Мажнун ёнидан узоқлашади.

Мажнун кўзлари юмуқ ҳолда ўз-ўзига гапирди:

– Лайли тур деди. Шунда тур деди. Лайли келади.

Қолганлар унинг бу сўзларини эшитмайди.

XVI. МАЖНУН – ДАРАХТ

*Ким, умрларида ишқи қотил,
Қилмай нафасе аларни хушди.*

Алишер Навоӣ

Шинам хона.

Лайли чой узатаётган канизагидан сўрайди:

– Отам оқсоқоллар билан кенгашдими?

Канизак жавоб беради:

– Эрта тунда Мажнун дарахтни йўқ қилмоқчи.

– Мажнун тош бўлиб, бошига лайлак уя қўйгани ростмикан?

– Ўзим кўрдим, Қора қароқчи фарзанд сўраб борганида, зиёратгоҳда пайдо бўлибди. Тур, сенга ўғил бердим – дебди. Кейин шу ерда тошга айланибди. Қора қароқчи ўғилли бўлди, деб ҳамма Мажнун дарахтни зиёрат қилиб ётибди. Бир томон бозор бўлиб кетган, тўғриям-ўғриям шунда. Ҳамма отангизни ёзғирмоқда, шунга отангиз Мажнун дарахтни йўқ қилмоқчи.

– Мени деб бир одам тош бўлса, шундай турсам бўлмас, тадбирини топамиз. Отамдан илгари улгуриш керак.

XVII. ҒОР

Чун руҳ ила руҳ топди пайванд...

Алишер Навоӣ

Оқшом дара тубидаги ғор олдида уч отлиқ келиб тўхтади. Улардан бири отдан тушиб, шошилинч ғорга кириб кетади.

Форнинг узун йўлагини ичкаридан тушаётган ёғду ғира-шира ёритиб турибди. Оппоқ деворларда аксланаётган нур юқори борган сари ёруғликни янада кучайтиради.

Отлиқ йўлак тубидаги деворлари оппоқ катта гумбазли хонага етади. Шифтда осилиб турган катта-кичик оқ туз сумалакларнинг баъзи бирларидан сув томчилайди.

Пешвоз чиққан канизак отлиқни таъзим билан кутиб олади. Отлиқ бошидаги бўрк, эғнидаги чопонни ечиб канизакка узатганида, унинг Лайли эканлиги маълум бўлади.

Лайли канизақдан шошилинч сўрайди:

– Ҳаммаси тайёirmi?

Канизак:

– Айтганингиздай, созандалар ҳам кутиб туришибди.

Лайли навбатдаги хонага ўтади, канизак қўлидаги кийимларни қолдириб, изидан эргашади.

Бу хона хийла каттароқ, гумбази ҳам баланд, шифт ва девордаги оппоқ сумалаклар ҳам ваҳимали туюлади.

Хона ўртасида Мажнун худди ҳайкалдай турибди. Унинг бошида лайлак қўйган ин ҳам бор. Лайли ҳайкал олдидаги хонтахта устида турли суюқликлар солинган сопол идишларни бир-бир назардан ўтказади. Ҳайкал теграсига доира шаклида маълум масофа ташлаб териб, ёқиб чиқилган ўн икки шамга қарайди.

Кираверишда, деворга тикилиб, ишорат кутиб ўтиришган созандалар – сурнайчи, гижжакчи ва ноғорачи, нима сир содир бўлар экан дегандек, жим кузатиб туришибди.

Лайли канизагига бош ирғаб, бошлаш ишоратини беради.

Канизак олдиндан тайёрлаб қўйилган оппоқ пардани тортиб, кўрар кўздан созандаларни тўсади.

Парда тортилиши билан оҳиста куй таралади.

Лайли енгил ҳаракат билан Мажнун бошидаги қуш уясини олиб канизига узатади. Канизак уяни хонтахта тагига яширади, қаймоқни ёдга солувчи суюқлик турган идишни олиб Лайлига туттади. Лайли идишдаги суюқликни ҳовучлаб Мажнуннинг бошидан тўқади. Суюқлик тўкилар экан, куй оҳангига уйғун ҳаракатда уларни Мажнуннинг бутун борлиғига суртишга киришади. Суюқлик сингишгани сари тош тана ялтираб, ҳолати ўзгаради. Куй мароми тезлашади.

Лайлининг тепасида мовий рангли капалак пайдо бўлади. Капалак Лайли ва Мажнунтош атрофида гир айланиб учади. Лайли капалакни кўрмайди. Капалак одам бўйи ҳаволаб учади ва ундан яна бир капалак ажралиб чиқади. Жуфт капалак тепада доира ясаб айланар экан, улар ўз-ўзидан кўпайиб тепани капалаклар булутдай қоплайди.

Лайли жазавага тушиб, бутун дунёсини унутиб, идишлардаги суюқликларни Мажнун танасига бошдан-оёқ қуйиб, сингдириб, атрофида парвонадек айланиб, ўргилиб, опичиб, суйиб рақсга тушади. Куй тобора баландлаб, тезлашгандан тезлашади.

Тепада капалаклар ҳам куй шиддатига уйғун учишиб мовий гирдоб ҳосил қилишади.

Мажнуннинг тош танаси мумдай юмшаб нурланади. У кўзларини очади. Лайли кичкина шаффоф идишдаги мовий суюқликни Мажнуннинг оғзига қуяди.

Боядан бери тикилиб турган канизак Мажнуннинг кўзлари очилганини кўриб, ҳайратдан вой деб қичқиради. Қўлидаги идиш ерга тушиб чил-чил синади.

Овоз хона гумбазида акс-садо қайтариб ваҳимали таралади. Созандалар жим қоладилар.

Тепада айланаётган мовий гирдоб тўхтаб яна капалаклар булути кўринади.

Лайли Мажнуннинг елкасидан тутиб силкилайди.

– Қайс! Қайс!

Мажнун ҳайрат билан атрофга қарайди. Унинг нигоҳида қандайдир норозилик, бегоналик кўринади.

Лайли Мажнунни кучади.

– Тирилдинг! Тирилтирдим!

Мажнун Лайлини ўзидан итариб, энди кўраётгандек сўрайди:

– Кимсан?

– Лайлингман.

– Лайлисан? Мен Лайлим ёнида эдим. Қани у?

Мажнун Лайлининг қўлларида ситилиб чиқиб, ташқарига йўл олади. Лайли телбаларча унинг изидан интилади. Оёқ остида бетартиб ётган идишларга суришиб ерга йиқилади. Довдираб қолган канизак уни турғизишга уринади.

Тепадаги мовий капалаклар булути Лайли ва канизак устига қордек тўкилади.

Ғор олдида пойлоқчилик қилаётган икки хизматкор ғор ичидан чиққан фавқулудда ёруғликдан кўзлари қамашиб ҳайрон қарайди. Улар ғордан улкан ёлли, кўзлари чўғдек ёнган баҳайбат шерни етаклаб чиқиб келган Мажнунни кўриб ҳушидан кетишади.

Мажнун шерни ёлидан тутганича етаклаб, уларнинг ёнидан безътибор ўтиб, пастликка йўл олади.

Шаршара ёнида Мажнун шер билан турибди. Шер бошини Мажнуннинг оёқларига суйкаб эркаланади. Мажнун шерни, пешонаси, ёлларини силаб, худди даст кўтариб олмоқчидай кучади. Шу ҳолатда тўхтаб шерга қаттиқ тикилади. Мажнун оғушидаги шер тобора кичрайиб, ҳовучида митти сичқонга айланади. Мажнун сичқонни чап қўл кафтида тутиб, ўнг қўли билан силаб сўзлайди.

– Ботинда ҳам биргасан, зоҳирда ҳам биргасан.

Мажнун кафтидаги сичқонни юзига яқин олиб келиб қуф, дея дам уради. Сичқон лов этиб ёниб, ўрнида бир сиқим кул қолади.

Мажнун кулни шаршара қуйилаётган жойга сочиб юборади.

Кул кўпириб тошаётган сувга араллашиб, уни бир неча сония қорамтир тусга солади.

Янги қуйилган оқим сувни яна асл ҳолига қайтаради.

XVIII. СУВДАГИ ИЗДА ИЗ БОР

*Аллоҳнинг дўстлари худо эмаслар,
Ва локин худодан жудо эмаслар.*

Дарё қирғоғидаги улкан дарахт салобат тўкиб турибди. Унинг бир шохи сувга эгилган. Бу шохга осилган ёғоч тарозининг паллалари олинган. Енгил шамол ёғоч шайин ва палла ипларини оҳишта ўйнайди.

Дарахтнинг бир томонига от, иккинчи ёнига ит занжирбанд қилинган. Тарозининг баркашдек мис паллалари от билан итнинг олдига ташлаб қўйилган. Отнинг палласида иликлар, итнинг палласида бир боғ беда турибди. От ўқраниб бедага, ит ғингиб иликка интилади, етиша олмай қийналишади. От итга, ит отга ёв қарайди. От депсинади, туёқларидан чанг кўтарилади. Ит улийди, ер тирнаб орқа-олдига тупроқ сочади.

Дарахт ёнида Мажнун пайдо бўлади. У отнинг ёлларини бармоқлари билан тарайди. От бўйин эгиб жим туради. Мажнун иликли паллани кўтариб итнинг қаботига ўтади. Паллани итнинг олдига ағдаради. Ит бир катта иликни тишлаганча нари кетади. Мажнун бедани опичиб отнинг ёнига келади. От ўқраниб, қулунлик товуши билан кишнайди. Мажнун бедани отга бериб, паллаларни бир-бирига кийиштириб кўтарганича дарё томон юради.

Мажнун дарахтнинг сувга эгилган шоҳидаги ёғоч шайинни ечиб олади. Сўнг оҳишта сувга киради. Кийиштирилиб, битта қилинган паллаларни сув сиртига қўяди. Паллалар сувда худди қайиқдай қалқиб туради. Мажнун енгил ҳаракат билан палла – қайиқ устига чиқиб, шайинни эшқакдай эшиб, оқимга терс – тоғ томон илдам сузиб кетади.

Мажнуннинг қайиғи асов тўлқинларни кесиб борар экан, қарама-қарши қирғоқдаги қамишлар орасидан олти дарвеш чиқиб келади. Дарвешлар қирғоқ бўйлаб тизилган кўйи тобора узоқлашиб кетаётган Мажнун изидан кузатиб қолишади.



Шеърят



МУНАВВАРА

Кипритимга илинди помъи

Кўнглим

Сувратингни кўриб суйди
 бола кўнглим,
 Ўзи совиб, ўзи куйди
 дала кўнглим.
 Кўрмайгина, суйишига ҳам
 кўнган эдим,
 Ғўр севгини ўз дилимга
 кўмган эдим.
 Севги – қуёш, боқсам
 ўти куйдиради,
 Севги – оғу, тотсам
 мени ўлдиради.
 Ёр-ёр айтиб, узук тақди
 суймаган ёр,
 Остонага олов ёқди
 куймаган ёр.
 Тилсиз суврат бир бор
 кўнгил сўрамади,
 Юз йил суйдим, кўзимга
 бир қарамади.
 Дилимдан зор тушди
 ёрнинг товонига,
 Хайр, демай, мендай
 ранги сомонига.
 Ўзгинангни кўрмай суйди
 бола кўнглим,
 Қўл етмаган тоғлардаги
 лола кўнглим.

Майли эди, тилло узук
 тақмасанг ҳам,
 Йўлларимга олов, оташ
 ёқмасанг ҳам.
 Икки дилга етар эди
 менинг севгим,
 Икки дунё кутар эди
 менинг севгим.
 Ул илоҳий муҳаббатни
 берган худо,
 Тақдирига қул бўлайин
 ёр, алвидо!..

Гапирманг

Кўйинг, гамдан гапирманг,
 Тўлиб турибман ўзим,
 Андуҳ тўла жонингиз
 Кўриб турибман ўзим.

 Титрасам, бармоғимдан
 Тўкилади ерга чўғ,
 Айтманг, бошқа ҳасратни,
 Юрагимда тоқат йўқ.

 Қисмат тутса гардини,
 Кўзимга суртар бўлдим,
 Ким юкинса дардини,
 Елкамни тутар бўлдим.

Кўйинг, замдан гапирманг,
Тўйиб турибман бугун,
Юрагимни бир четга
Кўйиб турибман бугун...

Юлдузлар

Кўёш ботди, фалак қирмизи,
Кўринади митти юлдузлар.
Хулкар, Зухро – фалакнинг қизи,
Қизларимга ўхшайди улар.

Улғайганин билмай қоласан,
Бир қарасанг, ёнингда тиргак.
Кўғирчоғи тушмай кўлидан,
Салом берар, бўлиб келинчак.

Юлдузларга ўхшайди қизлар,
Буни қиз ўстирган билади.
Бир-бирига сирин пичирлаб,
Кўзида ёш билан кулади.

Кўрқув солса гулдираб чақин.
Кўкка чизиб ўтли илдизлар,
Бир-бирига бўлади яқин:
Опа-сингил каби юлдузлар.

Ишонмайман, одамзот ўтса,
Учмоғига битта юлдузи.

Тақдир чиндан шундайин бўлса,
Тугарди-ку, самонинг қизи.

Қизларимга ўхшар юлдузлар,
Уйқуда ҳам кулиб қарайди.
Ўзлари гар озор топса ҳам,
Келиб менинг ҳолим сўрайди.

Қизларимга ўхшар юлдузлар...

Исён

Бугун уйқум юзга бўлинди,
Тушларимда изгидинг роса.
Қарогимнинг қатида түгён
Туйғу билан қилмас муроса.

Хаёл вафо, хаёл хиёнат,
Не кунлар солмади бошимга?
Ўз измига солиб кўнглимни,
Олиб борар сенинг қошинга.

Тонгни кутиб, қийналдим бугун,
Руҳим кирди берк кўчаларга.
Билсанг, бор умрингни берардинг,
Исён қилган шу кечаларга.

Бугун туним мингга бўлинди,
Мижжаларда қолмади мадор.
Майли, бедор ўтай бир умр,
Насиб этса, бир лаҳза дийдор.

Андижон

Кун тигидан бўлса ҳам эсонлар ҳалак,
Ҳиндистонда пишмас балки ҳандалак,
Юрт бошқаю бир экан еру фалак,
Ялпизи бир, буни Бобурдан сўранг!

Самарқандга сайқал бўлмас Тоғмаҳал,
Қовун пишган пайкал бўлмас Тоғмаҳал,
Шоҳ кўнглини овутолган ҳар маҳал
Гул иси бор, буни Бобурдан сўранг!

*Саройига ин қўймади қалдирғоч,
Ерга экса, тол бўлмади минг ёғоч,
Юрагига мадор бўлган ун-умоч,
Нон-тузи бир, буни Бобурдан сўранг!*

*Мусофирнинг кимхоб тўни ридодир,
Юрт қўйида бағри дили адодир,
Бир кафт тунроқ учун борин беродир,
Узуми бир, буни Бобурдан сўранг!*

*Юрт қўрида тоғ учига уй қуриб,
Қайтғум дебон, Ҳиндга сари от суриб,
Умри ўтди она юртга интилиб,
Шер сўзи бир, буни Бобурдан сўранг!*

*Тушларида бедор айлаган макон –
Ҳулкар юлдуз бўлиб кўкда Андижон,
Бир кўринди, чиқмоғига кўнди жон,
Юлдузи бир, буни Бобурдан сўранг!*

Битта йўлда

*Битта йўлда, битта йўлакда,
Бегонадай ўтиб кетдик жим.
Мен ортимга боқмадим, аммо.
Бўғзимга тиқилди юрагим.*

*Олис бўлди – кўринган манзил,
Йўлдан урди хаёл – алдамчи.
Сизни дилдан ўчирдим, аммо,
Кипригимга илинди томчи.*

*Бу куйдирги кўнгил юз буриб
Кетди, бошга солиб савдони.
Ўздан олиб, ўтларга солиб,
Куйдирди мен кўнгли гадони.*

*Битта йўлдан ўтиб кетдик жим,
Не қилайин, кўнглим, тигладим?
Сиздан кечини осондир, аммо,
Ўздан кечолмайин, йигладим.*

Бектемир ПИРНАФАС

Кўнлимга тақлидим



* * *

Ҳамал елкасида кулган беқасам
 Ёйларда манзилим кўзлаган истак:
 Руҳим кийимидан варраклар ясаб,
 Вужудимни сувга оқизар аста.

Яшил ялангликлар бағрида чопган
 Даит – йўлда томири ададсиз сўқмоқ.
 Олиб борар адир устини ёпган
 Қари дарахтларга маъсума япроқ.

Мовий изтироблар – ёдим ўзани –
 Ойни чўмилтирар телба булоқлар.
 Қалдиргочлар чўқиб очар кўзимни,
 Тинглашим қайтарар ҳўл қалдироқлар.

Иймон келтиради шому саҳарга
 Қора харсанглардан таралган нурлар...
 ...Бирдан севиб қолиш мумкин баҳорни,
 Қузни эса севиб бўлмайди бирдан...

* * *

Шундай эди улар ҳаммаси:
 юпун,
 озгин,
 уйсиз,
 дарбадар.
 Лекин синчков эди
 ҳаётга
 умидлари – чароғон, дилбар.

Бирин-кетин:
 ҳар тошдан бир-бир зарб,
 ҳар гулдан бир бўса ўрганиб,

*катта-катта бўлиб кетишиди,
энди кўрсанг бўлмайди таниб.*

*Сен уларга ўхшамайсан-ку,
Ҳамон хаёлпараст, сабрсан.
Ёши боладай йиғлайсан дарров,
Анграясан, қалбга таъбирсан.*

*Йиллар сабоғидан
топганинг –
ўтаётган умринг – бемаъни.
Нега орзу қиларсан висол,
Нега сабринг қиларсан таъна?..*

* * *

*Хотиржамлик ҳоқим
атроф бағрида,
хавотир асраган жимлик бунда йўқ.
Кўнгил ердан ҳам кенг,
осмондан ҳам кенг,
дунё кўрмаганлар мавжуддир унда.*

*Фақат узоқ давом этмади бу
мангулик
нималигин ҳеч кимса билмаганидай...
... Гўё кашф этилмаган кўнгилдек –
кенгликка
ҳеч кимса
келмаганидай...*

* * *

*Ўтаётган кунлар кўзимдан ўчиб,
Бетартиб жойлашар хотиротимга.
Кўнглимга тақлидим сўзимга кўчиб,
Беҳис ном улашар менинг отимга.*

*Турна сафарига айтилган чорлов
Изтиробим ичра маъсум ин қўяр.
Кузги камалакка осилсам порлаб
Насимлар тебратиб, вужудим суяр.*

*Олис теракларда титраган олов
Маҳзун қувончларда сўндирар уним.*

*Кўчаларда ойнанг болалиги яёв
Кезар итлар билан бирга, бетиним.*

*Тонгларнинг ярмида талашиб еллар,
Адашган кемадек учади варрак.
Тўлқинларни унутгандек соҳиллар,
Хотира тўзони қаърида юрак.*

*Сахро деворига уриб бошимни,
Йиғлаб қизартирдим кўзимни уфқдай.
Карвон тўхтамади кўзим ёшига,
Энди, менинг борар манзилим йўқдай...*

* * *

*Денгиз кулар...
Мовий осмонда
оқчарлоқлар излайди кўним.
Қиргоқ йўқдир, тўртта томонга
талпинганча
умидлар сўнар...
...Ва, ниҳоят, қайдандир бирдан
кўринади балиқчи қайиқ.
Сўнгги қадам –
жон халқумида
етишади
қиргоқ бор, тайин.
Энди олис эмас масофа,
қайгу чиқиб кетар ёдидан.
Энди жузжуқ
турмуш
касофат
кўринади кўзи олдида.
Фақат шундай бўлар негадир,
жонга азоб келса – ўлим ҳақ.
Ёлворади, астойдил яниб,
омон қолса унутар барин...*

*Денгиз йиғлар...
Мовий осмонда
учиб борар бир тўп оқчарлоқ...*



Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

ҲАЗРАТИ АТТОР

Маърифий қисса*

8

Етти йиллик дарбадарликдан сўнг Фаридиддин Аттор яна Нишопурга қайтиб келади. Ҳали ота ҳовлисига қадам босмасдан устози уни ўз ҳузурига чорлайди.

Бундан етти йил илгари яшнаб турган боғ яна ҳам гўзаллашибди. Шийпон атрофидаги кўчатлар кўкка бўй чўзиб, дарахт ҳолига келибди. Боғ оралаб ўтган ариқ тўлиб оқаяпти. Гулзор аро чиқарилган йўлакларда турфа гуллар ифори анқиб, атрофни тутиб кетган. Афтидан шайхнинг содиқ мулозимлари сидқидилдан меҳнат қилишган, янги-янги кўчатлар ўтқазиб, кексайган дарахтларни чиқариб, боғни янгилаб туришган кўринади.

Шайх шийпонга солинган кўрпачалар устига қадам босар экан, муридларидан уч-тўрттасини ёнига таклиф қилди. Улар орасида Фаридиддин Аттор ҳам бор эди.

Ҳаммалари чор-атрофдан жой олишгач, ҳазрат Рукниддин жамоатга ваъз айтди.

– Мана ниҳоят олис сафаримиз ҳам ортда қолди. Бу орада айрим биродарларимиздан ажралдик, баъзиларини туфроққа топширдик. Аллоҳга шукурлар бўлсинким, ҳақ синовидан ўтганлар яна она-юрт қучоғига келиб турибмиз. Биламан, кўпчилигингиз уйга шошиляпсиз, бошқа бировлар ҳордиқ чиқариш истагида. Бироқ аввал зиммам-даги бир бурчни ўтаб қўймоқчиман. Қани Фаридиддин ёнимга яқинроқ кел-чи.

Мурид таъзим ила устоз қаршисига тиззалаб ўтирди.

– Айт-чи, шу ўтган вақт ичида Миср, Ироқ, Шом ва бошқа ўнлаб шаҳарларни кезиб чиқдик. Сенинг дафтарингга нечта сўфий исми-шарифи ёзилди?

Фаридиддин халтасидан дафтарини олиб, сўнгги саҳифасига кўз ташлади.

– Кечагиси билан беш юздан ортибдур, устоз.

Шайх Рукниддиннинг серсоқол юзлари хиёл ёришди. Ҳаётда жиддий ва талабчан устоз камдан-кам ҳолатларда лабига табассум ҳадя этар, шунда ҳам тезда ўзини қўлга олиб, аллоҳ зикрига тушарди.

– Аларга тасниф бериб улгурдингму?

– Ҳозирча йўқ, устоз. Энди шу вазифани бажармоқ ниятидамен. Аввал хожагонлар силсиласини тузиб, сўнг улуғлар ҳақиндаги мақоматларни ёзсам деган ўйдамен.

– Орий рост айтадурсен. Аммо не бўлганда ҳам авлиёлар қиссасини Муҳаммад мустафо (с.а.в.)нинг вориси, орифу ошиқ Абу Муҳаммад Имоми Жаъфари Содик розийаллоҳу анҳу ҳазратларидан бошлагин.

* Охири. Боши ўтган сонда.

– Бош устига, устоз, – Фаридиддин яна таъзим айлади.

Шунда қари шотут остида ўтирган муридлардан бири савол берди.

– Ҳазрат, Жаъфари Содиқнинг пайғамбар аҳли байтидан эканлигини билурмиз, аммо қайси хислати эвазига бу қадар эъзоз топганлигидан беҳабардурмиз.

Шайх савол назари билан Атторга қаради. Мурид оҳиста томоқ қириб, жамоатга юзланди.

– Агар унинг жами кароматларини зикр қилсам, тилим бунинг васфига қодир бўлмас. Илм ва ишоратда, тариқат, ҳақиқат, маърифатда комил эрди. Барча валийларнинг улуғи ва сарчашмасидир. Мўминлар имоми ва завқ аҳлининг пешрови, ибодат аҳлининг муқаддами ва зуҳд аҳлининг мукаррамидир. Ҳақиқат илмида мусанниф ва тафсир бобида муфассирдир.

Мен ажабланурмен ул кишигаким, имон ва ислом даъвосини этади-ю, аҳли байт билан аҳли суннат ва жамоат орасида фарқ қилади. Ҳар кимки пайғамбар ҳазратларига имон келтирса-ю, аҳли байтига ва авлодига иқрори йўқ эса, ул Муҳаммад мустафо (с.а.в.) ҳазратларидин йироқдир.

Шайх одатича тасбеҳли ўнг қўлини кўтарди. Ваъз адоғига етди.

– Хўш, яна кимда иштибоҳ туғилур?

Қоп-қора соқоли кулча юзини ёпган, кўзлари катта, кишига ўйчан боқувчи дарвеш кўрсаткич бармоғини осмонга ниқтади.

– Сўйла!

– Ҳамонки суҳбат авлиёлар бобида эркан, Ҳасан Басрийдан бир калима эшит-сак, деган илинжим бор.

Теварак-атрофдан уни маъқуллаган товушлар янгради.

– Тўғри!

– Эшитайлик.

Яна Атторга изн берилди. У қаддини ростлаб, дилида Ҳасан Басрий розийаллоҳу анҳу руҳига салавот йўллади.

– Умму Салама ривояти: Ҳасан ёш бола эди, ҳазрати пайғамбаримизнинг косаларидаги сувни ичиб қўйди. Ул зот сўрадилар:

– Менинг косамдаги сувни ким ичди?

– Ҳасан ичди, – дедик. Шунда рисолатпаноҳ жанобимиз:

– Ҳасан қанча сув ичган бўлса, барчаси илмга айлансин! – деб дуо қилдилар.

Дарвешнинг “ё аллоҳ!” – дея хитоби янгради.

Аттор сўзида давом этди:

– Ҳасан Басрий бир куни Саид ибн Жобирга деди:

– Бекларнинг орасига кирма, аёллар билан суҳбат қурма, ҳатто ул Робия Адавия бўлса ҳам, қулоғингни чолғуларга берма. Шуларсиз гар авлиёлардан бўлсанг ҳам офатлардан қутулмассен.

Ҳазрат айтур: Эр кишига нафли илм керак. Яна амал, ихлос, сабру қаноат керак. Ҳар назарки, ибодатдан эмасдир, саҳву зиллатдир, сўзи ҳикмат эмасдир, айни офатдир. Ҳар ким халқдан узлат этса, саломат бўлур; қаноат қилса, азиз бўлур. Халққа эҳтиёжи қолмас. Ҳасадни тарк этса, тингланиб роҳат олур.

Тасбеҳли қўл яна ҳаволанди. Жамоат сув қуйгандек тинчиди.

– Энди суҳбатга якун ясамоқ фурсати келгандир? – дея сўради шайх Рукниддин.

Шу маҳал ёнидаги муриди ёнбошига қараб, узр сўраган ҳолда, дардини айтди.

– Ҳасан Басрий ҳазратлари номи зикр этилган жойда Робия онамиздан ҳам бир лутф айтилмаса мажлис аҳлининг кўнгли тўлармикан?

Шайх бу таклифни маъқуллади. Фаридиддин бир оз сукутга чўмиб, онахон тўғрисида битган тазкирасидан чиройли лутфни ёдга олди.

– Бир куни Робиядан:

– Нечук турмуш қилмайсан, – деб сўрадилар.

– Сизлар уч саволимга жавоб беринглар, агар билсаларингиз айтганингизни тутгайман, – деди.

– Биринчиси, ўлим вақтида имонимни сақлай оламанми?

– Билмаймиз.

– Қиёматда номаи амолимни қай тарафдан бергайлар?
 – Фикримиз ожиз.
 – Эртага халқ гуноҳкор ва савобкорларга тоифаланганда мен қайси тарафда бўлгаймен?
 – Аллоҳ билур.
 – Ул кишиким, кечаю кундуз бу қайғудан бўшамагай, унга келинлик қайғуси қандоқ бўлур?..

Дарвешларнинг оху фиғони оламни тутди.

– Робия онамизнинг жойлари жаннатда бўлсин! – дея дуоғўйлар кўпайди.

Ниҳоят, авом тинчлангач, шайх Рукниддин салобат ила жойидан кўзғалди.

– Ёронлар, – деди у виқор ила. – Бугун мен истеъдодли муридим Фаридиддинга оқ фотиҳа бергаймен. Илоҳим унинг босган қадами, лутфи каломи, қувваи ҳофизаси дини исломга хизмат қилсин! Илоҳим, ёзган асарлари асрлар оша яшаб, авлодлар қалбига нур, ёруғлик олиб кирсин! Илоҳим, аллоҳим уни ўз паноҳида асрасин! Омин!

Дарвешлар бир овоздан “омин!” дея дуога қўл очишди.

...Ҳозиргина бутун вужудини эгаллаган хурсандлик ота ҳовлисига кириб келиши билан қалбини тарк этди.

Ҳали олтмишга ҳам бормаган онаизор бамисоли саксовулдай ориқлаб, юзларига ажиндан нақш урилибди. Остонадаги пояндозни босиб, ўзини волидаси кучоғига отди. Ҳар сафар кўзда ёш билан кутиб олгувчи бу муштипар она бу гал ҳиссиётини сиртига чиқармади. Фақат анчагача фарзандини бағридан бўшатмай турди.

Сершоҳ дарахтлар соя ташлаган ҳовлига кўни-кўшни, ёр-биродарлар, Атторнинг мухлисларига тўлиб-тошди. Қувончи кўксига сиғмаган қайсидир қариндоши оёғи остига ҳисори қўй келтириб бўғизлади. Фаридиддин бундай дабдабанинг кераги йўқ дейишга ҳам улгуролмай қолди. Дийдорлашув суҳбатлари ярим тунга қадар давом этди. Бетоблигини сездирмаган кампир шу маҳалгача жойига чўзилмай ўғлининг бўшабини кутди.

Ниҳоят, дастурхонлар йиғиштирилиб, ҳамма жой-жойига тарқалганда онаизор ўғли ётган ўриндиққа яқинлашиб келди.

– Ҳожилик муборак, болам! – деди у ҳазин овозда.

Фаридиддин ўрнидан илкис турди.

– Ҳалиям ухламадингизми, онажон?

Кампир ўғлининг юз-кўзларини меҳр билан силади.

– Етти йил ҳижрон азобини тортган она кўзларига ором кўнгайми, болам?

– Ишқилиб, ҳиянларим яхши қарашяптими, рўзғорда ноқислик йўқми?

– Шукур, болам. Менга қолдирган дўконлар аллоҳнинг инояти ила яна кенгайди. Дори-дармону атир-упаларимиз савдоси пеш. Фақат сенинг соғинчинг бағримни ўртайдур. Кўзим очиклигида бошингни иккита қилсам, одамлардай невараларимни кучоғимда эркаласам дейман.

– Иншооллоҳ, онажон! – деди Фаридиддин ерга қараб қизарганча.

Кампир ўғлининг гапидан кўнгли ёришмаганлигини ҳис қилди.

– Болам, энди бу ишни орта суришга ҳожат йўқ. Ёшинг қирқни қоралайдур. Сен тенгилар ўғил уйлаб, қиз чиқармоқчи... Ота қўрғони чироғини ёқиш мавриди келди.

Фаридиддин онасининг қоқ суяк елкасидан авайлаб қучди.

– Хўп, онажон, сизнинг раъйингиз шу бўлгач, мен нима ҳам дердим...

Бироқ онаизор орзуси ушалмади. Тўй ҳаракатлари бошланиб, муносиб келин қидирилаётган кунларда худди Иброҳим Аттор каби саждага бош қўйди-ю, жойнамаздан қайтиб турмади.

Она кўролмаган келин Фаридиддин учун ҳам қувонч бағишламасди. Қалбида аллоҳ ишқи уфурган банда учун дунё ҳою ҳавасларининг пуч ёнғоқчалик қадри сезилмасди. У оила қуриш эмас, дини ислом хизматига бел боғлаш орзусида андармон эди. Шу боис яна рихлатга чўқди. Торгина ҳужрасини ўз корига ярайдиган даражада жиҳозлаб олгач, бутун вужуди ила ибодат ва ижодга шўнғиб кетди.

Аттор намоздан чарчоқ сезганида хонтахта устидаги қоғоз-қаламини қўлга олар, ёзишдан толиққанида яна раббим суҳбатига шошиларди. Қани биров бу ишларига

ҳалал бермаса, вақтини ўғирламаса. Гоҳида ҳафталаб ташқарига чиқмас, одамларга кўринмас, кўлёмаларидан кўз узмай, ишлагани-ишлаган эди.

У қанчалар авомдан қочса унга ихлос қўйиб, тавоб этгани келганлар оқими тобора кўпайиб борар, бир оғиз суҳбатини пойлаб, соатлаб кутишарди.

Кўрдик, бир ўзи кўзлаган ишининг уддасидан чиқолмайди. Шу андиша ила шодияхлик ва нишопурлик ёш муллаваччалардан ёрдамчи ёллаб, кўлёмаларини ҳуснихатда кўчиртира бошлади. Бу тадбир ўзига ҳам маъқул тушди. Бироқ бир жиҳати сал ўзига ёқмай, ўйга толдирди. Негаки ҳали хуфия саналган асарлари халқ орасида овоза бўла бошлади. “Мантиқ-ут тайр” достони халифа кўлигача етиб борибди. Шундан сўнг “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Ҳайдарнома”, “Мухторнома”, “Хусравнома” дostonлари ҳақида чор тарафдан турли фикр-мулоҳазалар ёғилиб кела бошлади.

Мана шу дostonлар орасида “Мусибатнома” анча шов-шувга сабаб бўлди. У муқаддима ва хотимадан ташқари қирқ бобдан иборат эди. Сўфийликда пир ва солиҳ муносабатлари орқали инсон ҳаётининг ибтидосидан токи интиҳосигача батафсил тасвирланган бу дoston айниқса илм аҳллари, уламоларда турлича фикр уйғотди. “Мухторнома” ва “Хусравнома”да ҳам комил инсон тарбияси билан боғлиқ мушоҳадалар турли ривоят, нақл, масал ва ҳикоятлар орқали баён этилган эди.

Ўша кезлари Фаридиддин ҳаётининг энг фараҳбахш мазмунли дамлари эди. Чунки у фоний дунё ташвишларидан бутунлай холи ўз ички дунёсида яшаб ҳузурланарди. Ёзган асарлари оддий одамлар қалбини ром этса, олиму фузалоларни мулоҳазага чорлар, ҳар қадамини ўйлаб босишга ундар, охират амалларини бекаму кўст бажаришга рағбат уйғотарди.

9

Орадан йигирма йил ўтди. Нишопурга куз етиб келган, дарахтлар япроқлари саргая бошлаган, ариқдаги сувлар тиниқлашиб, ҳавода салқин шабода эпкини қанот ёзган паллада Аттот ҳовлисига басавлат бир нуроний қадам ранжида қилди. Фаридиддин мулозимлардан кўра илгарироқ меҳмонга кўзи тушиб, ҳужрасидан югуриб чиқди.

– Ҳазрат, қадамингизга ҳасанот. Ташрифингиздан бошим кўкка етди.

Меҳмон мезбон билан узоқ кўришди. Сўнг унга нигоҳини тикди.

– Билурмисен, бу ёруғ дунёда бешафқат бир куч борлигини?

Улар етаклашиб, дарахтлар соясидаги чорпоёга ўтдилар. Ҳали жойлашиб улгурмасидан аввал кўлга сув келтирилди. Сўнг хонтахта усти ноз-неъматлар, ширинликлар билан безатилди.

– Устоз, – деди мезбон пойгақта туриб тавозе ила чой узатаркан, – дунёда шафқатли унсурлар ҳам ҳозирму десангиз жавобим осонроқ кўчармиди.

Оппоқ соқоли кўксини қоплаган шайх Рукниддин бодом қовоқларини юмди. Бу одат уни йигитлик чоғларидан тарк этмай келарди.

– Афсуски сен ҳақсен. Ҳозир омонат дунёни абадий санаб, сира ўлмайдигандай умргузаронлик қилаётганлар кўпайиб кетди. Аслида босган қадамимиз ибрат, юрган йўлимиз сабоқ, бироқ оёғи остига қарамайдиганлар бисёр.

Шайх қариб, анча инжиқтабиат бўлиб қолганлигини ўзи ҳам сезар, бироқ бу қусурни маҳв этмоққа ожизлик қилар, шу боис мутолаа ва зикрдан бўшаган кезлари тинимсиз ижод ила машғул Фаридиддинни бир оз ишдан чалғитиш, миясига дам бериш мақсадида бу ҳовлига ташриф буюрарди.

– Қани таомга қарасинлар, – овқатга таклиф қилди шогирд.

Устоз тасбеҳини ёнига қўйиб, дастурхонга юз бурди.

– Қара, тириклик даҳшати шу таом устида билинади. Нафс қурғур қанча ноз-неъматни ютиб юборади-ю, асло тўйдим демайди. Гоҳида ўйга ботаман. Қанийди ақл ҳам шу бедаво нафсдан ўрнак олса, сира тўйдим демаса...

Бу мулоҳазага мезбон ҳалимлик ила эътироз билдирди.

– Ақлнинг беағи ҳам шу-да. Ақл тўйганини билур, аммо нафс ҳеч қачон. Нафс шайтоннинг улфати, унда шиддат бору жилов йўқ. Жилов ўша иблисининг кўлида.

Инсоният яратилибдики, уч унсур унга офат ташийди. Бири шайтон, иккинчиси нафс, учинчиси жоҳиллик. Ақлини таниган зот шу уч иллатдан узоқ юради. Ўзини билмаган уларнинг домига илиниб, умрининг охиригача етовда яшайди.

Шайх ёши олтмишдан ортганига қарамай бутун вужудидан куч-қудрат ёғилаётган Атторга меҳр билан тикилди.

– Бу андишаларимиз ўзимиз учун. Одамзот токи пушаймон отлиғ зардобга тўймагунча йўлидан қайтмайди. Тўғри йўл товонига ботади, эгри йўл энгагидан тортади. Худди кўршапалак каби нур кўринган манзилдан қочиб, қоронгидан бахт қидиради.

Аттор ҳеч маҳал шайхни бундай норози кайфиятда учратмаганди. Афтидан умр поёнида устоз ҳам тушкун кайфият қуршовида қолганга ўхшарди. Шу боис суҳбат ўзанини бошқа тарафга бурди.

– Бу кеч ажойиб ҳикоят битиб эдим. Агар рағбат билдирсангиз ҳукмингизга ҳавола этсам.

Чиндан ҳам таклиф устозни жонлантирди. У бир тебраниб, қулоғини Аттор ўтирган тарафга бурди.

– Бу ҳам “Илоҳийнома” туркумиданми?

– Шундоқ, тақсир! Худо хоҳласа бу китобимни йил охирига қадар якунлаш нияти-даман. Сўнги дoston “Шайх Санъон қиссаси” бўлғай.

– Шайх Санъон... Қаердадир эшитганман ёки ўзинг сўзлаб берганмидинг?

– Топдингиз. Лекин бунга ҳам ўн йиллар ўтди. Вақтнинг аёвсиз югуришини қаранг. Шайх Рукниддин Атторни билагидан ушлаб ўзига қаратди.

– Ҳа, баракалла, боя шафқатсиз куч ҳақида сўз очганимда айнан шу вақтни назарда тутиб эдим. Ахир кечагина навқирон ёшда эдик, Шомдан Ироққа қадар пиёда босиб, чарчоқ нелигини билмабмиз. Энди эса вақт юзимиз қолиб, дилимизга-да муҳр уриб турибди.

– Шукурки, вақт аёвсизлигига қарамай бизга хиёнат қилмади. Мана сиз юздан ортиқ муридга тарбият бердингиз, – деди Фаридиддин устознинг қалбига таскин бағишлаш ниятида.

– Сен эса ҳар бири минг мурид савобини бергувчи ўндан ортиқ асарлар яратдинг. Ҳа, айтмоқчи “Уштурнома”ни ҳам бошладинг шекилли?

– Шундоқ, аммо “Илоҳийнома”дан кейин унинг битилиши қийин кечадиганга ўхшаяпти. Аслида икки-уч асарни бирдан бошлаб хатога йўл қўйибман. Мана энди ҳар бири комил устоз каби ўзига чорлайдир. Бирисига қўл урсангиз, иккинчиси азият чеккандай, яна учинчисининг нозу истиғносини айтмайсизми?

– Бу ширин озордур. Худо хоҳласа бир варакайига уч қаср тиклаган меъмор каби қаддинг тик бўлғай. Муҳими, мухлисларинг кўп. Ҳали сиёҳи қуримаган дostonларинг-ни одамлар лутфидан тинглаб, ҳайратда ёқа ушлаганлар қанча. Илоҳим яратган эгам умрингни зиёда қилсин, сен Нишопурнинг ёруғ юлдузисан, Фаридиддин. Раҳматли биродарим Мажидиддин Бағдодий сенга шу номни бежиз қўймаган экан: диннинг яғонаси, ажойиб ўхшатиш. Ҳали тасаввуф оламида ҳам номинг асрларни бўйлағай. Энди мурод ҳосил бўлмоғи учун бояги ҳикоятни бошла, тинглаб дилим баҳра олсин.

Фаридиддин ёнидаги кўлёмани битта-битталаб варақлаб, бошланишини топди. Сўнг устозига бир қараб олиб, ҳикоятни ўқишга тутинди.

– Бир сўфий қишлоқ йўлидан ўтаётган эди, ит ташланди. Сўфий ўзини ҳимоя қилиб, кўлидаги таёғи билан итни урди. Итнинг оёғи синди. Бечора оғриқ азобидан инграб, нола қила бошлади. Синган оёғини судраб, шайх Абусаид Абулхайр олдига борди. Шайх итга термилиб, раҳми келди. Чунки у бу итни билар, унинг бировга озор бермаслиги, диёнатли одамлар эшигида посбон бўлиб, хиёнат қилмаслигидан хабардор эди. Ит синган оёғини кўрсатиб, одамга ўхшаб тилга кириб, гапира бошлади:

– Эй шайх, фалон сўфий менинг оёғимни уриб синдирди. Чақириб жазосини бер, мен сендан сўрайман, – деб илтимос қилди.

Шайх сўфийни олдига чақириб деди:

– Бу тилсиз жониворга нега озор бердинг, қаттиқ жабр ўтказибсан. Бу адолатдан эмас, сен худо йўлига кирган одамсан, раҳму шафқат, адолат йўли сенинг йўлинг эмасми?

Сўфий Абдулхайрга деди:

– Эй пири муршид, бунда менинг айбим йўқ. У менга ёпишиб, йўлимни тўсди ва тўнимни бенамоз қилди. Шу сабаб таёқ билан урдим.

Ерда ётиб нола қилаётган ит эса шайхга термиларди. Шайх итга қараб деди:

– Сўфий гуноҳкор, сен ноҳақ жабрлангансан. Ўзинг айтгин, сўфийга нима жазо берайин? Ҳукмини ўзинг айт, токи жазо қиёматга қолмасин. Агар истасанг, мен уни калтаклатай, сенинг шушнуд бўлишинг учун нима чора бўлса қилурман.

Шунда ит деди:

– Эй шайхи замона, бунинг эғнидаги сўфийлар тўнини кўриб, бу аҳлумлоҳдан экан, унга тегмайман, деб қарор қилувдим. Чунки худо йўлида юрган одамларга итлар ҳам зиён етказмайдилар. Агар сўфийга озор етказсам, бутун вужудим ўртанар эди. Аммо сездимки, унинг тўни сўфиёна бўлгани билан, ўзи риё аҳлидан экан. Тўни саломатлик-фақирлик нишонаси, лекин ботини вайрон унинг. Агар жазо бермоқчи бўлсанг, ҳозир бергил, ҳақиқатан ҳам жазони қиёматга қолдирма: унинг эғнидаги дарвешлар – мардлар тўнини ечиб ол. Шунда унинг касофати ва зараридан одамлар қутилади. Эғнидан саломат аҳли ҳирқасини ечиб олсанг, шу жазо унга қиёматга қадар етади. Мен ҳам шунда рози бўларман.

Шайх Абдусайд Абдулхайр итнинг садоқатига қойил қолди ва айтганини бажо этди.

– Эй инсон! Туфроқ бўл, бир ҳовуч туфроқдан яралгансан. Нечун мунча лофу дағдаға, мунча ёлғон ва риё, бир қорнинг учун мунча азият ва азоб, кирли-фитна-ли амаллар?! Нега бунча беҳудсан, беҳабарсан? Эранлар ўзларини ҳокисор билурлар, олтинни туфроққа тенг ҳисоблаб, шу мардликлари туфайли жон била танни пок сақлаюрлар!

Ҳикоят шу қадар таъсирли ўқилдики, ҳатто муаллифнинг кўзидан ҳам шашқатор ёшлар оқди. Шайх Рукниддин эса анчадан буён унсиз йиғларди. Ниҳоят у ўзини бошиб, юрак-юрақдан:

– Офарин, офарин Фаридиддин, – дея хитоб қилди. Сўнг шогирд кўлидаги кўлёмаларни авайлаб силар экан:

– Бу битиклар сўқир кўзни-да очиб, тош юракни-да эритишга қодир! – деди.

Мезбон ҳамон ўзи ўқиган ҳикоят таъсирида эди, шу боис бош эгиб таъзим қилмоқдан ўзга сўз айтишга мажболи етмади.

– Орий рост фикр шуки, “Илоҳийнома”нинг ҳар бир достони, ҳар бир ривояти ислом қалъасига қўйилган олтин ғишт ҳисобида баҳоланур, – деди муршид қувончи ва завқини яширолмамай.

Дафъатан орадаги сукут муддати чўзилиб кетгандай туюлди. Устознинг йирик кўзлари чорбоғ адоғида шарқираб оқаётган ариқ тарафга тикилган ва у шу ҳолатда яна ниманидир ўйлаиб ўтирарди. Бу жимлик шу қадар сирли, шу қадар ҳузурбахш эдики, гўё боғдаги сайроқи қушлар ҳам сокинлик сабосига қулоқ тутаётгандай чурқ этиб сайрашга ботина олмаётгандай эди.

“Бу совуқ муждани айтмоққа тил ожиз, – ўзича хаёлга берилди шайх Рукниддин, – умрида бировга на лутф, на хатти-ҳаракат ва на қўл билан озор етказган аллоҳнинг мўмин-қобил бандасига жоҳиллар турли тавқи-лаънат либосини кийдиришмоқчи. Кошки Аттор асарлари маънисини чақишга қодир қозикалону муллазодалар эътироз билдиришса... Йўқ, улар ҳамиша сафнинг пана-пастқамидан жой олишиб, олдинга ғофил ва жоҳил мутаассибларни йўллашади.

Тирноқ орасидан кир қидиришиб, ёруғ ёнаётган чироқни ўчиришга, ҳеч бўлмаса хиралаштиришга интилишади. Ахир, Аттор асарлари етти иқлимга етиб, ўз шон-шухрати-ю, юксак мақомини белгилаб олган бир пайтда уларга турли айб-бўхтонлар ёғдириш адолатданми? Тўғри, сўнгги асарларидан бири – “Мазҳарул ажойиб” (“Мўъжизаларнинг кўриниши”)да Аттор тўртинчи халифа Али ибн Абу Толибни мадҳ этганлиги рост. Лекин, у фақат ҳазрати Али эмас, бошқа чаҳорёрлар тўғрисида ҳам қизиқарли нақл ва ривоятлар келтирган-ку. Унинг бирон асари йўқки, ислом олами устунлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирмаган бўлсин. Ҳали ҳеч ким бунчалик рамзу ишорат, ҳақойиқу дақойиқ сўзларни жамламаган. Ҳали ҳеч ким тасав-

вуф олимлари ҳаёти ва амаллари тўғрисида жон куйдириб далиллар тўпламаган. Бугун эса илм пешвоси бошига совуқ сув қуймоқ истагида жазавога тушаётган чала қори, чала мулалар сафи кенгайиб бораяпти. Афсуски, неча йиллар давомида ижод заҳмати-ю, ибодат лаззатидан ўзга туйғуга ошно тутинмаган хилватнишин бу соҳиби қалам ўз теграсида қуюн мисол тўпланаётган қора кучлар муддаосидан бутунлай беҳабар. Очиғи, устознинг бу ташрифи бўлажак хавф-хатардан уни огоҳ этмоқ эди. Лекин шундай ширин шакарғуфторликдан сўнг кайфиятини бузгиси келмай турибди. Бордию айтса эҳтимолки яна қанча асарлар туғилишига зомин бўлиб қолармикин? Бордию тиш ёрмасе мутаассиб суннийлар кутилмаганда ҳужум уюштириб, алломаи замоннинг ҳаётини сўндиришлари ҳам ҳеч гап эмас. Хўп майли, сир очилди дейлик. Шу ёшда у қаерга боради, кимнинг кулбасига сиғади. Мутаассиблар назаридан қолаётган уламони ўз бағрига чорловчилар топилармикин? Жуда қийин. Ҳозир била туриб ари уясига чўп суқмайди, азиз бошини кундага қўйишга журъат этолмайди.

У ҳолда ўзи-чи? Наҳотки суюкли шогирдини қаноти остиде яширолмаеса. Ахир салкам тўқсон ёшни қоралаган инсон учун ўз ҳаёти, ўз тинчлигини ўйлаш ўтакетган бемаънилик-ку.

Фаридиддин Аттор ҳаётини муҳофаза қилишдан бош тортишлик мозийнинг қора супасидан ўзига жой ҳозирламоқнинг ўзи эмасми? Йўқ, бу бориб турган қўрқоқлик, журъатсизлик. Анави муштдай боланинг гапини Фаридиддин дафтариға ёзиб олибди. Қайси гап эди? Ҳа, ёдига тушди. Қаранг, “Айтсанг қўрқма, қўрқсанг айтма!” Бу лутф шу топда худди шайхга қарата айтилган каби бутун вужуди титраб кетди. Беихтиёр суҳбатдошига ёнидан қаради. Фаридиддин оқшом кўнган чорбоғ қиёфасига маҳлиё бўлиб, очиқ кайфиятда ўй сурарди.

– Фаридиддин!

Мезбон ялт этиб устозига ўгирилди.

– Қулоғим сизда, пирим.

Шайх бир оз тин олиб, бошидаги сидирға оқ досторини бостириброк кийди.

– Сизга бир иштибоҳим бор эдики, айтсам дилим, айтмасам тилим куядир.

Аттор жиддий тортди, бироқ сергакланганини сездирмади.

– Устоз, Хоразмда бир истеъдод пайдо бўлибдур. Ўзини кўрмаганмен, лекин таърифиға тараф йўқ. Отаси Иброҳим Валад замонасининг таниқли уламоларидан. Шу ўспирин илк байтни: айтсанг қўрқма, қўрқсанг айтма, деб битибдур.

– Мен ҳам дафтарингиз ҳошиясида ушбу байтга кўзим тушганди. Шу топда изза тортиб ўлтирибман.

– Қисмат пешонаға битилган муҳр, ундан биров қочиб қутилган эмас. Мен кимманки, бу юмушнинг уддасидан чиқолсам. Яхшиси, тезроқ ўша мужда ҳақида гапиринг, бирга муҳокама этайлик, ёмон хабар бўлса яхшиликка йўяйлик.

– Ҳақ гапни айтдинг. Боядан буён ич-этим тирналиб, ўзимни қўйгани жой тополмаётган эдим. Хуллас, гап бундай. Сенинг “Мазхарул ажойиб” достонинг Нишопур амалдорлариға ёқмабдур. Қўрқадурманки, улар сенга бирон зиён-заҳмат етказишмаса.

Кутилмаган хабарни Аттор жуда хотиржам қаршилади.

– Устоз, дарвешнинг жандаю хирқасидин бўлак бисоти йўқ.

– Иссиқ жони-чи, болам? – Бу лутф мутлақо ғайритабиий чиқдики, бундан шайх ўзи ҳам оғринди.

– Қулнинг жони эгасиники эмасми, устоз?!

– Кечир, болам, кексалик заковатни фаромуш этмиш. Лекин ҳар нечук сен бизнинг равоққа кўчиб ўтгайсен. Боғ шундоқ ҳам ҳувиллаб ётибди. Умримнинг охирини сен билан ҳамсуҳбатликда ўтказсам дейман.

Фаридиддин бу таклифнинг самимийлигига ишонса ҳам рўйихушлик бермади.

– Бир жон учун икки жонни нишонга тутиб бериш ақлли бошга ярашмас.

– Э, асти ундай дема. Мен ошимни ошаб, ёшимни яшаб улгурдим. Агар аллоҳ ёрлақаса, шаҳидлик шарбатини ичурмен...

– Қўйинг, устоз. Шундоқ ҳам сафимиз сийраклашиб бормоқда. Билиб туриб парвонадай ўзни ўтга uriш нодонлар иши.

– Модомики шундоқ экан, у ҳолда сен ҳам жон қайғусиға туш. Ҳали ёзилажак қанча дostonлар тафаккурингни банд этиб турибди. Демакки, эсингнинг борида қочиб қол, болам.

– Эҳ устоз, чарх дастидан ким қутилибдики, мен паноҳ топсам. Барибир аллоҳнинг айтгани бўлур.

– Орий рост. Лекин раббим ҳам сақлаганни сақлайди. Бу ҳикматни асло унутма. Фаридиддин устознинг пешини ўпаркан, яна бир бор қуллуқ қилди.

Ушбу суҳбатдан кўнгли тўлмаган шайх Рукниддин тез орада яна келишни кўнглига тугиб хайрлашди.

10

Афсуслар бўлсинким, шайх Рукниддинга бу маърифат хонадонига қайтиб келиш насиб этмади. Ана шу суҳбатдан уч кун ўтгач, жимгина тасбеҳ ўгириб ўтирганча кулбаи хосхонасида омонатини топширди. Бу мужда Атторминг юрагига урилган ханжар тигидай совуқ ва озорли эди. Зотан у неча йиллардан буён авомга қўшилмай, остона ҳатлаб ташқарига чиқмай муттасил ижод ила машғул бўлса-да, бот-бот устози суҳбатига аржумандлик кайфиятини сезар, кўнгил пир дийдорига интилиб қоларди. Шундай кезларда шом намозидан сўнг оёғига эски кавушини илиб, Нишопурнинг тор ва пастқам кўчаларидан яшириниб юриб, шайх қўрғонига етиб оларди. Муршид ҳам доимо уни кучоқ очиб қаршилар, иззат-икромини жойига қўяр, бир коса гулоб ёки эчки айрони билан сийлаб, сўнг дил баёнига тушиб кетишарди.

Мана энди ёлғиз суянчи ҳам уни тарк этди. Ўша куни негадир у қадар ёзилиб гап-лашолмаганди. Эҳтимол, юрагига тугиб қўйган панд-насиҳатлари бордир, эҳтимол, умр поёнидаги сўнги хулосалар, ўғитларни ўзи билан олиб кетгандир. Шайх ажойиб инсон эди. Тариқат майдонига от солиб кирган “чавандозлар” кўп-у, бироқ ўз сулуки, ўз ғоясини илгари сурганлар бармоқ билан санарли. Боязид Бастомий, Мансур Халлож, Абулҳасан Харрақоний, Абусаид Абулхайр каби авлиёлар жунунтабиат, ҳамиша илоҳ ишқининг сархушлари ҳисобланардилар. Жунайд Бағдодий, Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ Ансорий, Абуҳомид Ғаззолий, Нажмиддин Кубролар эса “хушёр” валийлар тоифасига кирардилар. Шайх Рукниддин ҳам ҳаётга соғлом тафаккур ила боқиб яшади, илмда ориқчаликка берилмади, тариқатда ўзига муносиб йўл топа билди. У муридларига нисбатан қаттиққўл, синовлари оғир, машаққатли, айна чоғда ботинан очикқўнгил ва меҳрибон эди. Талабни кучайтиргани сайин меҳрни ҳам кўпайтириб борарди. Бир қўлида тарсаки тортса, иккинчи қўлида пешонангизни силарди.

Фаридиддин Мажидиддиннинг ижоза хатини шайхга берганида бу ҳол унга ёқмади. Мактубни кўз ўнгида бурдалаб ташлади. Кўнгил ёмон, ҳамиша ғайри фикр ёнида ёниб туради. Ёш йигит бу воқеани устознинг ўз салафига нисбатан ҳасадидан деб англади. Чунки Нажмиддин Кубро Рукниддин қолиб Мажидиддинни халифаликка танлаб олганди. Кейинчалик ҳамма сир-синоат шатранж тахтасидаги доналар юриши каби ойдинлашди. Ўшанда бузруквор унинг қалбидаги кибр-ҳавони сўндириш учун шу тадбирни қўллаган экан. Яхшики шу воқеа рўй берди. Бильякс, кимсан Хоразмшоҳ авлоди Нажмиддин Кубронинг суюкли шогирди, шайх ул машойих, ўн беш минг динорни сўфийлар мулки сифатида вақф эттирган зот “ҳовучида сув ичиб келган” Атторминг шайх Рукниддинга “сўз бермаслиги” ҳам мумкин эди. Қолаверса, бу пайтда Фаридиддин элга танилган шоир, кўплаб тазкира ва мақоматлар муаллифи эди.

Энди, орадан йиллар ўтиб англадики, шайх Рукниддин уни жуда осон синов ила зеҳндан ўтказган экан. Акс ҳолда сасиган суяк ғажитиши (Румий шу имтиҳондан ўтган) ёки бозорда жигар сотиши (Бурса шаҳри ҳокими Маҳмуд Худойи ҳам шу тариқа элакдан ўтказилган) мумкин эди-ку. Ҳа, барибир ҳамшаҳарлиги қўл келган бўлса не ажаб. Боз устига устози отаси томонидан уюштирилган маънавий суҳбатларда қатнашган, ўшанда даврага хизмат қилиб юрган ёш Фаридиддинни кўргандир.

Атторминг маросимидан сўнг қабристонда узоқ қолиб кетди. У дунё омонатлигини билса-да, ота-онаси ўтганида ҳам бу қадар ёлғизлигини ҳис этмаган эди. Бошини кўтариб, кўз ўнгида дўмпайган қабрлар кўринганида назарида умри бесамар кечаётган каби туюлди. Ҳазрати Азроил ташрифини ёлғиз яратган билади. Эҳтимол, аллоҳ

унга узоқ умр берар, эҳтимол, паймонаси тўлиб қолгандир. Қандай мавҳумлик?! Лекин шу синоат туфайли одамзот охират ғамини кўрмайди, гўё дунёга устунлик даъвосида яшайди, ўлимни ёдига олмайди. Ўлим эса қош билан қовоқ орасида. Ўлим ҳақ!

“Эй банда! – хаёлан одамзотга мурожаат эта бошлади у, – сен жаҳонни икки эшикли работ деб бил – бу эшигидан кириб, унисидан чиқиб кетасан. Сен ғафлат уйқусидасан ва ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Хоҳласанг-хоҳламасанг қисмат кўлидасан. Агар гадо ёки подшо бўлсанг ҳам, икки газ бўз ва тўққизта ғиштдир охирги мулқинг – дунёдан орттирган матойинг. Сен токи фалак остидасан, озод эмассан. Бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчаларинг бўш ва бемаъни. Ташла бу ҳавойи хаёлларни! Агар мулку бойлигинг еру кўкдан иборат бўлса ҳам, оқибат гадойсан. Аллоҳ меҳрининг гадои! Фоний дунё бамисоли Искандар. Бу фоний дунёдан катарда, Искандардай қудратли шоҳ бўлсанг-да, агар кафан насиб этилса, комронсан!”

Аттор Искандар ва гадо мулоқоти ни эслади. Жаҳонгир мағрибзамин ерларини фатҳ этади. Ўша мамлакат подшоши жангда ҳалок бўлади. Голиб шоҳ аҳолига мурожаат қилиб: “Эй оқиллар, орангизда насл-насаби тоза, ақли ўткир, нафси ўлик зот топилса, мен уни сизларга бош қилишга тайёрман”, – дейди. Одамлар ҳамиша хилватда яшириниб юрадиган, гўристонларда ётадиган донишманд гадо тўғрисида унга хабар берадилар.

Аёнлар ўша гадони топиб, шоҳ қошига келтирадилар. Гадонинг усти юпун, эти устихонига ёпишганлигига қарамай, кўзлари чақноқ, юз ифодаси жасоратли, лутфида олам ҳикмати намоён эди. Унинг кўлида иккита бош суяги бор эди.

– Қўлингдаги суякларни нега кўтариб юрибсан? – дея сўрайди Искандар. Гадо жавоб айтади:

– Мозордан ўтаётганимда очиқ гўрларда шу икки суякка кўзим тушди, аммо уларнинг қай бири шоҳники-ю, қай бири гадоники эканлигини ажратолмадим. Модомики, ўлганда бу икки “мато” бир экан, тириклигидаги низоларга не ҳожат, деган иштибоҳ мени қийнайди.

Бу каломдан завқланган шоҳ уни ўзи босиб олган юртга ҳукмдор этмоқ ниятини ошкор қилади. Бироқ гадо жаҳон фотиҳи олдига тўрт талаб кўяди ва агар шу шартларимни бажаришга қурбинг етса, айтганингга кўнаман дейди.

Искандар кулимсираб, “Шартингни билайлик-чи?” деган маънода ёни-верига қараб кўяди. Гадо дейди: Менга ўлими йўқ ҳаёт бергин; қарилги йўқ абадий ёшлик инъом этгин; туганмас бойлик сўрайман; ғам-андухсиз кечадиган умр ваъда қил!

Искандар бу талабларни яратгандан ўзга адо эта олмаслигини уқтирганида, гадо унга: “Қўлингдан шу арзимас юмуш келмас экан-ку, менга подшоҳлик тожини кийдирмоққа қандай ҳаддинг сиғди, асли кимлигингни унутдингми?” – дея мулзам ўтида қовуриб ташлайди.

Шу ривоят неча йилдирки, Атторга тинчлик бермайди. Назарида бутун дунё сир-синоати, мазмун-моҳияти кафтдай ҳикмат сандиғига жойлангандай. Тўғриси, “Илоҳийнома”нинг ёзилишига ҳам шу ривоят сабаб. Ҳозир бу асар охирлаб қолди. Унинг саҳифалари сўз қудрати ила қанча нодир воқеалар, нақллар, ибратли ҳикоятлар ила зийнатланди. Шунга қарамай, кўнгли тўлмайди, назарида ўша шоҳ ва гадо мулоқотида ифодаланган ҳаёт ва ўлим хилқатини етарлича очиб беролмагандай. Шу боис, китоб аввалида руҳга мурожаат қилиб, қалбидаги исённи, йўқ исён эмас, тийиқсиз оловни тилига кўчиради. У шундай ёзади:

– Руҳ одамнинг ичидадир, шунинг учун ҳам сен ўз ичинга сафар қилмоғинг керак. Ҳизр каби мардлар йўлига қадам кўйгин, токи айланувчи чархи фалак атрофингда гиргиттон бўлсин. Эй Руҳ, маконинг Нуҳ кемаси, замонанг эса аллоҳнинг каломидир. Сулаймон қудрати сенда, Юсуф жамоли ҳам сенда. Шунга муносиб бўл, шунга яраша амал кўрсат. Иброҳим каби содиқ ва собит бўлгин. Исодай ишқда дамсозу Мусодай мўъжизакор бўлгин. Семурғ каби қанотларингни ёз. Сеҳрғар ҳам, яратувчи синоаткор ҳам ўзингсан. Агар ҳар ишга жаҳд этсанг, мустафо бўлур мададкор сенга! Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин. Икки оламнинг асоси сўздир.

– Эй кеча-кундуз ғам чекувчи, ҳирс қўлида ночор киши, сен раззоққа суян, имон-этиқодда мустаҳкам бўлиб ишонгил. Унга сабр қилиб тинчлан бир оз. Фақир йўлини

танла, чунки фақирлик расули акрамдан мерос: агар сен аллоҳнинг фақир нурига йўғрилсанг, банда бўлсанг ҳам, Сулаймон қадар шараф топасан. Расулulloҳ (с.а.в.) хокисорлик, тавозуъ ва камтарликда бемисл эдилар. Ўзлари уй супурар, ўтин ёрар, сув келтирадилар. Туя устида ухлаб олардилар, ҳамма ишни қилардилар. Ҳеч нарсадан орланмасдилар. Ойша онамиз билан бирга хушчақчақ бўлиб югурардилар, масжид қурилишида ғишт ташиб, лой узатиб берардилар. Кавушларини ўзлари тикардилар, гоҳи болалар билан кўшилиб ўйнардилар ҳам. Жойнамаздан қолмасдилар, касал кўришни улкан савоб ҳисоблардилар. Ҳалимлик ва ҳаё кони эдилар.

Бу бизга ибрат эмасми ахир?

Аммо ёлғончи дунё шундайки, ибрат излаганга ибрат, иллат излаганга иллат ҳамроҳдир. Бугунги амалдор пиёда юришни, касал кўришни, жабрдийда арзини тинглашни, авом билан сўзлашишни, ҳаттоки эл-улусга кўринишни ўзига ор деб билмоқдаларки, бу шак-шубҳасиз қалбни раҳмон эмас, шайтон эгаллаганидир. Банда ҳазрат Али гапига қўлоқ тутганида, олам ила охират, мағриб ила машриқ қадарлигини ва бирига яқинлашиш иккинчисидан узоқлашиш бирла баробарлигини англаб етмасмиди.

Банданинг ожизлиги ҳам шундаки, ғам чекиш арзийдирган ташвиш қолиб, ғам келтирадиган ташвиш – дунё ташвишида андармон юргай. Билмайдик, дунё ташвиши дунёда борлигини, охират ташвиши қиёматга қадар елкасида юк эканлигини.

Бугун бой-бадавлат кишилар фақирлар аҳволига кулгай ва бу кулги жаранги ўлим шаробини ичгунича таралгай. Эртага қиёмат кўпиб, ҳақ ила ботил тарозуга кўйилганида фақир нигоҳига ул бадавлат дош беролгаймикан?

Кошки бу сўроқ моҳиятини тириклигида англагучи зотлар кўпайса?

Кошки фоний дунёда одамдан одамнинг фарқи йўқлигини тан олгучилар топилса? Қизиқки, кечагина носқовоққа нон борми дея изиллаб юрган ва фалак гардиши ила чўнтагига кўр тушган бойваччалар ўтган кунини тезда ёдидан чиқаргайлар. Бугун амал супасига чиқиб, таниш-билишларга-да қўл чўзиб саломлашишни ўзларига ор санаганларга не дейсиз. Наҳотки, инсон тафаккури шунчалар мўрт, шунчалар эгилувчан. Наҳотки, бугунги омад умри атиги кўз очиб юмгунчалик оний фурсат эканлигини тушуниб, шунга лойиқ муносабатни йўлга кўйиш оғир кечса?

Дунё яралгандан буён не-не набилар, қанчадан-қанча валийлар ҳаёти, ёзиб қолдирган панд-насиҳатлари бамисоли йўлчи юлдуз мисол инсониятни нурли, чароғон манзилларга чорлайди. Бироқ акс одам ёруғликдан зулматни хуш кўради, кадрини қоронғилиқдан қидиради. Бу жумбоқ сирини очишга қани имкон топилса.

Фаридиддин қабр туфроғини қўллари билан силади. Гўё устозининг серсоқол юзини эркалагандай ожизгина таскин туюб, бемаҳалга қолмай деган андишада оҳиста уйи томон юрди. У қалин пахса урилган мазорбошидан катта йўлга чиққанида ғира-ширада бир тўп одам кўзга ташланди. Аввалига шайх муридлари мени кутиб туришибди шеклли, деган ҳаёлга берилди. Аммо зум ўтмай бу шунчаки хом ҳаёллиги билинди.

– Ана ўзи, уринлар! – деган ҳайқирик атрофни тутиб кетди.

Оломон бир тўп олов қаби думалаб Фаридиддин оёғи остига қадар келди-ю, ҳайтовур ҳеч ким унга ташланишга журъат қилолмади.

Шайх хотиржам эди. У афт-ангори кўринмаётган тўполончиларга босиқлик билан мурожаат этди:

– Тинчликми, биродарларим, бирон нимарса йўқотдингларми?

Қўлига беҳи таёғини ушлаган ўрта бўйли бақалоқ, узун мўйлови чироқ пилигидай осилган одам ортига қараб дадиллангач, баланд овозда дағдаға қилди.

– Биз оромимизни йўқотдик.

Аттор ҳеч нарса англамай елка қисди.

– Унда мenden не истайсизлар?

Бу сафар новча, юзлари ич-ичига ботган, яктаги устида шалвираб, худди полиз кўриқчисидай турган киши гапга аралашди.

– Сиз китобингизда анави Абу Толибни, ўн икки имомни мақтаб, шиалар тегирмонига сув кўйибсиз.

Гап нишоби қаёққа оқаётганлигини билгач, Аттор бошини адл кўтариб жамоатга юзланди.

– Хўш, айнан қайси китобимни назарда тутаяпсизлар?

Бирдан оломон ўртасида ғалати шивир-шивир бошланди. Ойдинлашдики, низо тарафдорларидан ҳеч кимнинг асар ҳақида тасаввури йўқ, ҳатто кўзи билан кўришмаган. Шунга қарамай бояги бақалоқ одам вазиятни бой бергиси келмай уламога қараб ўшқирди.

– Э, қай бирини айтайлик. Биз анчадан буён сезиб юрибмиз, сиз шиалар тарафидасиз.

Ҳазрати Аттор икки қўлини баланд кўтариб, одамларни тинчлантирди.

– Халойиқ, бузғунчиларнинг алдовига кириб адашманг. Мен аллоҳга шукур ахлисунна вал жамоа мазҳабидаман. Ёзган китобларим фақат дини исломга хизмат қилади. Мақсадим, одамларга маърифат улашиш, холос. Масалан, “Уштурнома”ни оласизми, “Мусибатнома”ми ёки “Илоҳийнома” – ҳамма-ҳаммасида...

– Бас қилинг, энди бизни чалғитолмайсиз, – орқа тарафдан норғул, боши катта, кўзлари хунук киши оломонни ёриб, ўртага чиқди. – Мана бу рисола сизникими?

Аттор ҳали хаттотлар қўлида кўпайтирилмаган “Мазҳорул ажойиб” асари қай тарзда ақидапараст мутаассиблар қўлига тушиб қолганидан ҳайратланди.

– Сизлар китобни ўқидингларми ўзи? – устоз энди бир оз саросимага тушиб сўради.

Бу саволга жавоб қайтарилмади. Давангирдай икки йигит унинг икки қўлигидан судрашиб, хонадонига олиб келишди. Ҳазрати Аттор уйдаги тўс-тўполон, босқинчилик, ур-йиқитни кўриб, вазият ўзи ўйлаганидан қалтис эканлигини тушунди. Эссиз, ўшанда устозининг маслаҳатига амал қилиб, Нишопурдан чиқиб кетса бўларкан. Ҳозир чаласавод муллаларга ваъз айтиш, ўзини оқлашдан заррача наф йўқ эди.

– Мендан нима истайсизлар? – деди у бояги норғул кишига юзланиб. – Агар бошим керак бўлса, ана елкамда турибди. Молим зарур бўлса, тортинмай олаверинглар, барибир менга ортиқча дунё керакмас. Фақат тезроқ мақсадга кўчинглар.

Фитна бошлиғи ёқимсиз кулди.

– Бошингиз ўзингизга сийлов. Биз отангиз Иброҳим Аттор хурмати бир қошиқ қонингиздан кечдик. Фақат эрталаб бомдодга қадар шаҳарни тарк этинг. Акс ҳолда Мансури Ҳаллож қисмати сизни ҳам бошингизга тушиши мумкин.

Бирдан хонадон соҳиби сергак тортди. Вожабо, бу товушни илгари қаерда эшитган. Наҳотки тонг каби тиниқ хотиралари келиб-келиб шу пайтда панд берса? Йўқ, бу овоз унга жуда-жуда яқин. Бу гулдурос товуш ҳамон қулоқлари остида жаранглаб турибди. Ҳа, худди шундай. Бу бақироқ одам Мажидиддин Бағдодий қўлида сабоқ олган, кейинчалик унинг синовларига дош беролмай, амал-тақал билан сарой хизматига бел боғлаган Шарифбек эди. Унинг отаси мулла Қосим заргар майиздай мулойим, беозор киши сифатида бутун Шодияхга танилганди. Аммо, онаси Нигина ойим чакки қадами учун заргар хонадонидан қувилиб, отаси Тўхташ дегрез уйига қайтгач, кўп ўтмай Шомга сафарга чиққан қарвонбоши билан тил топишиб, дом-дараксиз йўқолганди. Тўхташ дегрез набираси Шарифбекни Хоразмга – Хоразмшоҳ авлодидан саналган Мажидиддин Бағдодий хизматига топшириб қайтганди. Шарифбек бобосининг акси – одамови эди. Дўстлар суҳбатини сира хушламасди. Толиби илмлар сабоқ олишаётганда у бир чеккага бориб, бош-учи йўқ хаёл дарёсига ғарқ бўлиб ўтирарди. Кимдир уни суҳбатга чорласа жаҳли чиқиб, худди дакан хўроз каби кекирдагини чўзиб, жанжал қўзғашдан тоймасди. Кўпчиликка қўшилолмаганлиги учун ҳам илмдан бешиб, сарой хизматига кирди. Бир ҳисобда ўз табиатини яхши тушунган экан, зулмкорлиги, қаттиққўллиги боис тезда юқори лавозимларга кўтарилиб, охири шайхулисломнинг хос аёнлари сафидан жой олди. У илм кишиси хизматида илмга, илм толибларига қарши иш олиб борарди.

Гўё яхши ўқимаганлиги учун ўзларидан ранжигандай кайфиятда юрарди. У қачон Нишопурга қайтади-ю, қачон навкарбошилиқ мавқеига эришди, бундан Фаридиддин Атторнинг мутлақо хабари йўқ эди. Чархнинг аёвсизлигини қарангки, бир пайтлар Жайхун бўйларида дунё ва охират, яхши ва ёмон, ҳақ ва ботил мавзуларида баҳслашиб юрган собиқ мактабдоши орадан йиллар ўтиб, соч-соқолга қиров кўнаётган етуклик манзилида туриб, ўз юртдошини танимаяпти. Танимаса ҳам гўрга, ҳозир ватанидан жудо қияпти.

– Шарифбек! – Ҳазрати Аттор худди йигитлик давридагидек очиққўнгиллик билан мурожаат қилди. – Наҳотки ҳар нарсага равшан қувваи ҳофизангиз болалик дўстингизни эслашга қолганда ожизлик қилур. Бошқалар менинг тилагим не, қай мақсадда қоғоз қоралагаймен, эҳтимолки билишмас, аммо сиз мени англари эдингиз-ку?

Наварбоши қуюқ қошларини чимириб, худди чўлдан чиққан туя каби беўхшов, бепардоз пишқирди.

– Ҳақ гап, бошқалар сизни фаҳмлашмас, бироқ мен дилингиздаги қора гардни кўпдан илғаб юргаймен. Сиз авомнинг соддалигидан фойдаланиб, аларни эгри йўлга даъват қилурсиз, Пайғамбар (с.а.в.) суннатларидан чалғитиб, Алини юксакликка кўтарурсиз. Сиз шиалар тегирмонига сув куйиб, Нишопур суннийлари оёғига болта урурсиз. Такрор айтаменки, отангиз Иброҳим Аттор паноҳида омон қолгайсиз. Йўқса, бир имо-ишора ила шаҳидлик мақомида чин дунёга равона бўлгайсиз. Майли, эски дўстлигимиз ҳурмати, эрталаб бомдодга қадар сизни ҳоли кўюрмен. Аммо, бомдод намозидан кейин қорангизни кўрсам, ҳатто жойнамоз устида ҳам жонингиз омонлик топмас. Мендан шафқат тиламанг.

Пири комил битта-битта босиб собиқ дўсти қаршисига келиб тўхтади. Унинг тикандай қаттиқ қоп-қора соқоли, тунд афтига узоқ тикилди. Шарифбек бу нигоҳга тоб беролмай, юзини тескари бурди. Аммо жойидан кўзгалмади.

– Сиз мени ўлим бирлан кўрқитурмисиз?!

Кутилмаган савол таҳдидчини анчайин эсанкиратиб қўйди.

– Наҳотки сиз ўлим мўмин учун туҳфа деган ҳадисни ёддан чиқардингиз? Наҳотки бевафо дунёдан ажралмоқни оғир фожиа деб ўйлагайдурсиз?

Наварбоши истехзоли кулди.

– Агар сиз айтганича фикрланса бу дунёда тирик зот қолмас эрди. Ҳаёт инсонга бир марта берилгай ва ҳеч ким дунёдан кўзи очиқ кетишни истамагай.

Аттор қаршисидagi бу одам йигитлик чоғлари олган билимларини-да елга учирганини, вужудини аллақачон жоҳиллик ва зулмкорлик туйғуси банд этганини тушунди. Зотан, нодон билан мубоҳасалашмоқ тушни сувга айтмоқдан ҳам маънисизроқ эди. Шунга қарамай у дилидаги фикрини тилига кўчирди.

– Сиз ҳақсиз, ҳеч ким ногаҳоний ўлим шаробини тотмоқликни ҳавас қилмас. Илло, ўлимга тайёр мўмингина унинг ташрифидан чўчимайдир. Афсуски, аксарият кишилар ўлим ҳақлигини фақат Азроил алайҳиссалом шарпасини сезгандагина англаб етурлар. Ҳолбуки туғилмоқ, ибтидо эрса, чин дунёга рихлат умр интиҳосидир. Ибтидо мавжуд эканму, демак, интиҳо ҳам аниқдур.

Бадбахт Шарифбек ҳозир бундай суҳбатга орзуманд эмасди. Унинг мақсади битта – шаҳар қозиси амрини вожиб этиб, суннийлар орасида норозилик кайфиятини уйғотган мана шу инсонни юридан бадарға қилиш, ҳовлисини, мол-мулкани тортиб олиш, шу хизмати эвазига ҳукмдорлар эътиборини қозониб, янада юқори мартабага эришиш эди. Шу боис у гапни чўзиб ўтирмади.

– Тонг яқинлашмоқда, вақтингиз зиқ. Қўрқаманки, бу тонггингиз шомга, дилингиз хуфтонга айланмасун! Эсни борида этагингизни ёпиб, ўзингизни махфияга тортинг. Акс ҳолда мендан илгари бошқалар гўштингизни хомталаш қилиб юборишгай.

Наварбоши фавқулдда таъсирли нутқ ирод қилганидан мағрурланиб, ҳовли саҳнидаги ўрик шохига боғланган тулпорига сакраб минди-ю, сағрисида қамчи босди. Чунки унинг бир парча гўштдан иборат юрагида тундан-да қора ниятлар уя қуриб олган эди.

Вазиятни тушуниб етган Аттор бор бисоти – энг зарур китобларини хуржуннинг икки лунжига жойлаб, елкасига илди-да, ортига ҳам ўгирилмай киндик қони тўкилган ватанидан бош олиб чиқиб кетди.

Аллоҳ инсонни азизу мукаррам яратди. Ёруғ дунёдаги на тирик ва на жонсиз унсур бу каби эҳтиром тахтига ўлтирмаган. Не тонгки, ҳеч бир мавжудот эришмаган юксак мартаба соҳиблари бот-бот ўзининг кимлигини унутиб қўйса. Раббим ёрлақанган махлуқни бошқа бир махлуқ хорласа. Ўша хорлаши баробарида ўз ярат-

гувчисига исён кўтараётганини сезмаса. Ақл танимоқ қанчалар узоқ давом этгувчи риёзат, қанчалар машаққат. Аммо тирноқлаб тўпланган тафаккурдан ажралиш шунчалар жўнми, осонми? Инсон киссасидаги сариқ чақадан жудоликка бардош бериши нечоғлиқ оғриқли, азобли, билъакс ақлни ўғирлатмоқ худди ёнғоқ пўчоғидан ажралмоқ каби енгил кўчса-я. Агар қозию имомлар, мутаассиб домлалар эс-хушини бадарға қилишмаганида олтмиш йилдан буён илм излаган инсонга бу қадар бепи-сандлик, бу қадар ҳурматсизлик кўрсатишмасмиди?

“Мазҳарул ажойиб” (“Мўъжизаларнинг кўриниши”) аслида тўртинчи ҳалифа Али ибн Абутолибни мадҳи эмас, бу асар инсон руҳиятидаги улғў ўзгаришлар, шиддату зиддиятлар ҳақидаги ички кечинмалардан иборат, холос. Лекин биров гул ифорини сезаркан, бошқаси фақат тиканига аҳамият бераркан. Бу тикан ўзгага озор учун эмас, балки ўша гулғунча муҳофазаси учун зарурлигини ҳамма ҳам бирдай биллавермайди, шекилли. Билмаслиги нуқсон саналмас, бироқ билмаганидан уялмай билгувчиға кафан бичишлари чинакам фожиа. Бу шундай фожиаки, унда жаҳолат маърифат йўлини тўсур, илм хорланур, нур сўндирилур.

Рости, оқшомги можаро Атторминг жисмоний ранжига сабаб бўлса-да, руҳан чўқдирмади. Боиси у юрагининг туб-тубида барибир шундай ҳол юз беришини кутиб яшарди. У аллоҳнинг синовини билиб-билмай йўл қўйган хатолари учун кафорат деб тушунди, ботинида ажиб бир ҳузур лаззатини ҳис қилди.

У Нишопурни неча бор тарк этган бўлса, барибир аллоҳ айтган кун яна қадам ранжида қилишиға умид ила хотиржам йўлга тушарди. Боз устиға у ҳеч қачон аниқ манзилни кўзламасди, изн оёқларида, фикр эса ўзиге етишмоқ орзуси ила банд эди. Назарида узоқ муддат ижод кучоғидан бўшамагани боис, яратган эгам уни гўё олам билан таништирмоқ, ҳаётни яқиндан қузатмоқ сайриға чорлагандай. Уйда оёғиға иш қолмай, тафаккурға зўр берган эди. Энди ақл-идрок бир оз тин олиб, оёқ пайлари чўзилур дамлар келди.

Йўл текис, тевараги кўм-кўк майса гиёҳлар билан қопланган эди. Олис-олисларда виқорли тоғлар тўшини қуёшға тоблаб, куч-қудратиге ўзи маҳлиё бўлиб, ястаниб ётгандай. У билмайдики, бу қудратда на маъно, на мазмун ва на орзу-умид бор. Турган-битгани шу яланг савлати, холос. У минг ғурурга тўлмасин, минг бора керилмасин, Атторминг каби оддий ялангоёқ ҳам депсаб кетиши мумкин. Негаки, инсонда онг ва аллоҳ ато этган жон бор. Тоғларда қадди-қомати, тик қоялардан бўлак ҳеч вақо йўқ. Тоғ асрлар оша мудраб, кўз очгани эриниб ўтади. Инсон зеҳни, ақл-идроки билан тошни ёради. Шу боис ҳам олам одам билан гўзал. Бу борада маънавий пирлари Боязид Бастомий, Мансур Халложлар ажойиб фикрлар қолдиришган.

Ҳазрати Атторминг туфроғи кўпчиган пода йўл адоғидаги қияликда бир оз тин олмоққа эҳтиёж сезди. У ҳоригани учун эмас, шунчаки Қубайс тоғи этагидан туриб, булутларға санчилган чўққилар виқорини яна бир карра дилдан туймоқ умидида тўхтаган эди. Елкасини эзган оғир хуржун залвари энди билинди. У китобларни туфроқли ерга қўйгиси келмай, ёни-верига кўз тикди. Агар яна озгина қадам босилса, яккам-дуккам арча дарахтларига етиб олиши мумкин экан. Пири комил шундай қилди, дастлаб дуч келган баҳайбат арчанинг қуриган шохига хуржунини илиб, ўзи сийраккина ўт-ўланлар қоплаган сайҳонликка ўтирди. Негадир боя хаёлида ярқ этган Мансур Халлож сийрати дилиға ўрнашиб қолди. Эринмай жойидан кўзғалиб, хуржунини титкилади. Туя териси қопланган мовий муқовали дафтарни очиб, керакли саҳифасига кўз югуртирди.

“Мансур Халлож! Тенги йўқ олим, буюк ишқ соҳиби эрди. Ўн саккиз ёшида Абдуллоҳ Тустарий хизматига кирди. Тустардан Басраға келди. Абу Амр Ўсмон Маккий билан саккиз йил суҳбат тутди. Яъқуб Оқто каби замонасининг улғў алломаси қизини унга раво кўрди. Бироқ инжитмади. Бағдодға борди. Жунайд билан танишди. Феъл-атвори анча терсроқ эди. Жунайддан қаттиқ масала сўради. Жунайд бундан оғринди, сукутни афзал билди. Аммо дилидан ўтганини кейинроқ ошкор этди:

– Яқин орада сени дорға осгайлар ва гўштингни парча-парча қилгайлар.

Мансур ҳам чекинмади:

– Мени дорға осиган куни сен суратингни ўзгартириб, бошқа кийимлар кийгайсан. Менинг қатлимға фатво бергайсен.

Вақти келиб ҳар иккала авлиёнинг башорати ҳақиқатга айланди.

Ўшанда Жунайд ҳазратлари қаттиқ изтиробда қолиб, ўз хатти-ҳаракатини шундоқ изоҳлаган экан. Яъниким, “Биз унинг зоҳирини ҳукм қилурмизким, қатл қилинувчидир. Ботинини аллоҳ билур”.

Мансур Халлож таълимотини шайх Абдуллоҳ Хафиф, Абул Қосим, Абу Саид, Абул Хайр, Абу Али Фармадий ва Абу Юсуф Ҳамадоний давом эттирганлар.

Ҳазрати Аттор беш, балки ундан-да зиёд авлиёуллоҳлар зикрини қоғозга қоралади, амалини ўрганди, аммо Мансур Халлождайин марди-майдонни билмади. Асли валийлик мардлик саналур, илло Мансур мардларнинг марди эрди.

Ундан сўрадилар:

– Аллоҳга йўл қандайдир?

Деди:

– Икки қадамдир: бир қадам дунёдан ўтказгайсан, бир қадам охиратдан ўтказгайсан, токи аллоҳга етишгайсан.

Яна деди:

– Дунёни тарк айламоқ нафс зуҳдидир. Охиратни тарк айламоқ кўнгил зуҳдидир. Ўзини тарк айламоқ жон зуҳдидир.

Мансурни тушуниш осон эмасди. Ўзи эса мени фақат аллоҳ билса бўлди, раб-бимни қўйиб, ҳаққа юзланмайман, деб туриб олди. Шу боис уни элликта шаҳардан қувиб солдилар. Алалхусус, дорга осилди.

У қатл этилган кеча шайхлардан бири намоздан фориг бўлгач, хотифдан бир овоз эшитди:

– Биз Халложга асроримиздан бир томчи ошкор этдик. У бу сирни фош айлади. Ҳар ким султонлар сирини фош этса, жазоси будир!

Шайх Шиблий тушида уни кўрди.

– Сенга шунчалар азобу ситамни раво кўрган халқни ҳақ нима қилди?

Халлож жавоб берди:

– Ҳар икки тоифани ҳам раҳмати билан сийлади. Алардан бир гуруҳи ҳолимни билиб шафқат этгани боис раҳмат қилинди. Бошқа гуруҳ эрса ҳолимни билмай, ҳақнинг амри вожиб бўлсин деб азоб берганди. Шунинг учун улар ҳам ҳақ раҳматига сазовор бўлди”.

Ҳазрати Аттор ёзганларини ўқир экан, дилини шу қадар маҳзунлик эгалладики, ҳатто уйдан қувилганида ҳам бу каби забунликка тушмаган эди. Шу вайдан дарров рафторни ёпиб, устоз руҳига атаб икки раакат нафл намозини адо этди. Шунда унинг дилидаги ғашлик ва хавотир тарқалиб, вужудини руҳий сокинлик қоплади.

У пешин намозини ҳам арча соясида адо этиб яна тепаликка қараб ўрлади. Гарчи бадарға қилинганида олдида аниқ мақсади йўқ эрса-да, энди фикрлари тиниқлашиб, борар манзили ойдинлашаётганди. У ота ҳовлисидан чиқиб, бот-бот шу кимсасиз тоғ сўқмоқларида ҳафталаб беҳудлик ҳолатида юрган, ўзинида унутиб, фақат аллоҳ дий-дориға етишмоқ орзусида хилватга чекинган пайтлари бўларди. Кенг уйга сиғмаган муштдай юрак тоғ ёнбағирларида, бир-бирига чирмашиб ётган тўқайзору чакалакзорларда, товонини тешадиган майда тош зарралари устида ададсиз таскин топарди. Ана ўша кезлари у бир буюк ҳақиқат юзини очди: жон қанча азоб чекса, руҳ шу қадар ҳаловат топади. Вужуд қийноғи дил хотиржамлигига калит. Инсон танаси бамисоли бир либос, у аллоҳнинг омонати сақланадиган жасад. Жон эса ўша жасадга нур бағишлайди, унга чирой беради, асл мақсад сари чорлайди.

Ҳазрат шу ўйлар оғушида яна анча юрди. Энди тоғ йўли тасма каби кичрайиб борар, олға босиш ҳам шунга яраша қийинлашарди. У дуч келган арча танасига суяниб, яна озгина нафас ростлади. Бошини кўтариб, виқор-ла қад керган тоғларга тикилди. Ҳали Қоплондарагача озроқ йўл босиши зарур. Агар бир оз шошмаса шом қоронғисига қолиб кетади. Аслида тик йўл бўлса-ку тирмашиб ҳам чиқиб оларди. Афсуски, ойнадай силлиқ харсангларга оёқ босиш хавфли, сал сирғалдингми, қушдай қанот ёзмай тубсиз жарликка қулаб кетиш ҳеч гап эмас. Яхшиси, тоғ ёнбағрига чирмашган синашта йўлдан адашмай юргани маъқул. Қош қораймай Қоплондарага кўтарилиб олса, у ёғи бир чақиримлик масофа ҳам кенг сайҳонлик. Билмаган одам булутларга

бурун санчган тоғ елкасида бундай кенг ва хушманзара чаманзор борлигини етти ухлаб тушида ҳам кўрмайди. Ҳазрат эса бу ердаги ҳар туп дарахт, ҳар бир гиёҳни беш панжасидай билади. Чунки, болалигида отаси Иброҳим Аттот билан доривор ўт-ўланлар, томирлар қидириб оёғи етмаган жой қолмаган. Гоҳида Қоплондарадаги Касрат ғорида ҳафталаб қолиб кетишарди. Ҳаттоки, озиқ-овқати бор-йўқлигига ҳам аҳамият беришмасди. Чунки ёз ва куз фаслида дара атрофидаги ёввойи мевалар, ёнғоқ ва цитрус ўсимликлари ғарқ пишиб ётарди. Камдан-кам одам чиқадиган бу ўшани табиатнинг ҳали гард кўнмаган, шаффоф жаннатига қиёслаш мумкин эди.

Меваги дов-дарахтлардан ташқари турли шифобахш, доривор ўтлар, дармондори илдизлар танга шифо, дардга даво эканлигини тажрибали ҳаким Иброҳим Аттот жуда яхши биларди.

Фаридиддин Аттот бир амаллаб дарага кўтарилганида бу ердаги турфа хил гуллар, ям-яшил ўт-ўлан, майса-гиёҳларни кўриб кўзи яшнади. Айниқса бу ернинг ҳавоси бўлакча, худди ўпкага ўзи қуйилаётгандай. Ҳазрат табиат жозибасига завқланиб анчагача қилт этмади. Сўнг ёлғиз оёқ йўлдан сайҳонликдаги гулзор оралаб Касрат ғори томон қадам ташлади.

Ғор унчалар чуқур эмасди. Аммо ёмғирли кунларда, саратон офтоби олов пуркаган кезларда баҳоси йўқ бошпана эди. Қизиқки, ғор ҳамиша покиза, табиий ҳолатда сақланарди. Тўғри, шаҳар ғала-ғовуридан зериккан ёш-яланглар, табиатга ошфта кишилар бот-бот бу манзилга келиб туришарди. Шунга қарамай, ҳеч ким бу ошён тозалигига гард кўндирмас, ўзларидан ахлат ёки овқат қолдиқлари қолдирмасди. Бунинг сабабларидан бири ғорда фаришталар яшайди, агар у ифлосланса фаришталар қочиб кетади, деган ривоятнинг тарқалганлигида эди.

Ҳозир ҳам худди келинчак тушган хонадондай файзли кўринган Касрот ғори ҳазратнинг гўё қадрдон хонадонидай туюлди. У тош супа устига хуржунини ташлаб, юмшоқина ўтлоқ узра чўзилди. Ана шунда илк бора вужудида чарчоқ аломати пайдо бўлганлигини туйди. Ёш ўз ҳукмини ўтказаетган экан, демаски, мўлжалдаги ишларга улгурмоқ, авлиёлар китоботига тартиб бермоқ, тўплаган манбаларини тезроқ қораламоқ лозим. Аммо, бу масаланинг бир жиҳати, холос. Ҳали олдинда қанчадан-қанча номи унутилаёзган, эл-улуснинг хотирасидан кўтарилаёзган шайхлар, султонул орифинлар, авлиёлар бор. Чашма кўзи энди очилмоқда. Бу илм ва тафаккур булоғидан минг-минглаб қалблар баҳра олишлари, фикр жавоҳирларидан баҳраманд бўлишлари керак. Фақат умр етса бас, фақат жон танни тарк этмай турса бас.

У ёнбошига ўгирилиб, бўлажак “хосхонаси”га кўз югуртирди-ю, кутилмаганда бутун вужудида титроқ уйғонганлигини, қалби жунбишга келиб, ҳис-туйғулар уммонига кўмилаётганини туйди. Фақат бир фикр туфайли у шу фараҳбахш онларни бошидан кечираётгандай эди. Шу топда у пайғамбар (с.а.в.) ҳам, аллоҳ томонидан ваҳий нозил бўла бошлаган кезлари Хиро ғорига келиб, инсониятни саодатга чорлагувчи оятларни дилига муҳрлаган тенгсиз дамларини хаёлида жонлантирғанди. У ўз ҳаётини расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётидаги воқеаларга монанд яратган аллоҳга ҳамд-санолар айтиб, кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларини тия олмасди.

Кўздаги ёш тинди. Бу зумрад томчилар қалб ойнасини чиннидай тозартириб, гардини ювгандай эди. Вужуди укпар парчасидек енгил тортғанди. Ажиб ҳол; худди тоғлар унинг остида ҳайрат ила боқаётгандай, қанотини сезмайди-ю, булутлар орасида сокин сузаётгандай. У илгари ҳам беҳудлик лаззатини тотғанди. Аммо бу сафаргиси ўзгача кечди. Гўё икки дунё ҳаловати қандайлигини туйди. Ва бу ҳол аллоҳнинг қудрати қанчалар улуғ, қанчалар чексизлигидан далолат каби узоқ давом этди. Фикрлари чашма суви каби шаффофлашди, тил жиловланди, дил жунбишга келди. Юрагининг қат-қатидан “Илоҳийнома” аввалида айтилиши зарур бўлган ҳамди беҳад уфуриб, гўёки осмони фалакни тутгандай эди. Шунда у яна бир бор аллоҳ тилсимига тасанно айтди, шукур шарбатини димоғида туйди.

Бу ҳолатни таърифлашга сўздаги сеҳр, шеърдаги ҳикмат камлик қилади, инсон тафаккури тоғ олдидаги мунчоқ каби кичрайиб кўринар, қалбдаги қувонч, шодлик ва хузурбахшлик даражотини ўлчагувчи мезон топилмасди. Шунда у яна бир бор Қуръони каримдаги “Мен денгизлар, ўрмонлар, тоғу саҳролар, фалакка, аршу кур-

сига сиғмайман, аммо мўмин одам қалбига сиғаман” деган оятни эслади. Эслади-ю, мўминлик бахти ҳар қандай бой-бадавлатлиқдан, сийму зардан, подшоҳлигу амалдорлиқдан беҳад юксак эканлигини кўнглидан ўтказди. Ўша покиза кўнгил қат-қатидан ушбу нидо янгради:

“Тангри таоло номи-ла бошладим. “Илоҳийнома”ни, барча номалар маъноси унинг номи-ла безанур. У шундай улуғ зотки, мулки завоёл билмас. У ҳақда сўзлагувчининг ақли хираланиб, тили лол бўлур. Унинг номи номларни шарафлаб, дилларга шодлик бағишлар, девонлар мундарижасининг боши ҳам шу ном. Бу номдан жонларнинг оғзи шарбатга тўлур. Уни ёдга олувчининг тили дуру гавҳар сочар. Унинг номисиз бирор нарса йўқ. Барча мўъжизалар, хушбўй ҳидлар, рангин манзаралар, кудрат ва сифатлар, шону шараф, ору номус шу номдандир.

...Унинг зоти билан мавжуд олам шундай мустаҳкам вобасталик, боғлиқликка эгаки, сувдаги балиқдан фалақдаги ойгача жами мавжудот бир-бири билан узвий алоқадор. Лекин кўриниб турган бу дунё унинг чексиз олами олдида қилнинг қора рангидай мўъжаз ва кичик бир нарса.

Унинг марҳамати шундай улуғки, агар иблис ундан бир қатра баҳра олганида, барча нобакорликлари учун тиззасидан ерга кириб уяларди. У шундай ҳайбатки, сояси қуёшни сўндирар.

У шундай улуғ даргоҳки, хизматига ошиққанлар ҳузурига йўл тополмас. У шундай безавоёл мулк-салтанатки, абадул-абад йўқолмас, эскирмас, вайрон бўлмас, емирилмас, камаймас, асло тугамас.

Бутун оламда ундан ўзга ёр йўқ. Шу олий ҳақиқат мағзини англамоқ учун азизу мукаррамлик етмасму, ақл-заковат машъоми хиралик қилурму? Нега чин дунё қолиб ўзи ёрдамга муҳтож бандадан мадад сўрайсан? Агар юзта ошно-дўстинг бўлса ҳам, мард дарвешлигинга имон келтириб, барини бегона ҳисобла. Чунки чин дўст унинг ўзидир. Агар сенда тоғнинг сабри-ю, денгизнинг сафо ва софлиги бўлса, дўстга етишиш йўлидаги андуҳ-ғамлар осонгина барҳам топажак. Агар ажалдан олдин нафсингни ўлдиролсанг – олам сеники. Билки, у сенга яқин, сен ундан узоқдасан. Агар худо йўлига лойиқликка сабринг етишига ишонсанг ҳою ҳавас кўшқини тарк эт. Дунёга ҳавас кўзи юмилган чоғдан, илоҳий нигоҳинг ҳақ сари бошлайди.

Агар гадо ёки подшо бўлсанг ҳам икки газ бўз ва тўққизта ғиштдир охирги мулкинг, дунёдан елиб-югуриб орттирган матоҳинг. Энди айтчи, шу арзимас бисот учун имонни сотмоқ, риёга бурканмоқ, ишратга алданмоқ, зулмга эрк бермоқ, алапхусус ҳақдан чалғимоқ инсофданми? Бу нафақат инсонлик сийрати-ю сифати, айни чоғда аллоҳ берган ақл-идроққа ҳам хиёнат саналмасму? Ўйла, дунё ҳеч қачон сени деб ғам емайди-ку, нега сен унинг ёлғон жамолига кўнгил қўйиб, надомат чекасан. Жаҳоннинг сендай нодон ошиқлари бисёр, унинг кайф-сафосидан сархуш кимсаларнинг адоғи йўқ, лекин у ҳеч бирига вафо қилмаган, қилмайди ҳам.

Эй кеча-кундуз ғам чекувчи, ҳирс қўлида тутқун кимса, сен ақлинг бутунлигида раззоқча суян, имон-эътиқодда мустаҳкам бўлиб ишонгил унга. Фақир йўлини танла, чунки фақирлик расули акромдан мерос: агар сен аллоҳнинг фақир нурига йўғрилсанг, гар бандасан, Сулаймон қадар шараф топгайсан. Пайғамбар (с.а.в.) ҳокисорлик, тавозе ва камтаринлиқда бемисл эдилар. Ўзлари ўтин ёрар, сув келтирар, уй супурар эдилар. Болалар билан қўшилиб ўйнардилар, кавушларини ўзлари тикардилар. Жанозадан қолмасдилар, касал кўришни катта савоб ҳисоблардилар. Ҳалимлик ва ҳаё кони эдилар.

Бу бизга ибрат эмасми, ахир?!”

Ҳазрати Аттор қачон қўлига қалам олиб, қачон бунчалар илҳом ва завқ-шавк ила қоғоз қоралаётганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ёзганларини яна бир сидра ўқигач, “Илоҳийнома” асли шу нидо билан бошланмоғи, бусиз ундаги 282 ҳикоятнинг мазмун-моҳияти хира тортмоғи, асл муддао мағзи чақилмай қолмоғи мумкинлигини англади. Ана шу кемтикликни фазлу каромати ила тўлдиришга чорлаган яратганга яна бир бор ҳамд-сано айтди.

Ҳазрат гордаги ҳаёти давомида ўзини уйидагидан-да ҳур ва эркин ҳис этар, кимсасиз тоғ бағрида яккаю ёлғизлигига шукроналар келтирар, зеро мана шу сукунат

оғушида бутун вужуди ила ҳақ таолога арз-қол тўкаётганидан беҳад шодланар эди. У аввалига кунларни санаб, вақтни ҳисоблаб юрди. Кейин бу ҳам ўткинчи дунёнинг арзимас юмушларидан бири эканлигини тушунди. Ахир омонат нарсанинг мустаҳкам ҳисоб-китоби бўлармиди.

Фордаги кунларнинг самараси икки ҳисса ортиқроқ эди. Чунки, бу ерга уни йўқлаб келувчилар йўқ. Асосий машғулоти ибодат ва риёзат, ёзув ва мушоҳада билан ўтарди. Албатта, иссиқ жон, тан сиҳатлигини тутиб турмоқ важдан тамадди зарурияти ҳам бор эди. Лекин сайхонлик адоғидаги беҳисоб дарахтзор, ўрмонзорда истаганча ёввойи мева, ҳар хил уруғлар, қоқи ва бошқа егуликлар тўлиб-тошиб ётарди. Қолаверса, нафсига ҳоким инсон учун уни тинчлантирмоқ у қадар мушкул вазифа саналмасди.

Валиуллоҳ “Илоҳийнома”ни қайтадан оққа кўчириб чиқди. Ундаги воқеа асосини олти шаҳзоданинг шоҳ отаси билан савол-жавоби ташкил этарди. Ҳар бир саволга берилган жавоблар асносида дунёни тутиб турувчи эзгуликлар – меҳр-оқибат, хушхулқлик, одоб-ахлоқ, адолатпешалик ғоялари илгари сурилганди. Ҳар бир ўғил мажозий тимсол қиёфасида тасвирланганлиги боис дostonда улар нафс, шайтон, ақл, илм, фақир ва тавҳид маъноларини билдирарди.

Шу билан бирга Фаҳриддин Гургоний, Маҳояти Хўжандий, Робия Балхий ҳақидаги ҳикоят у ривоятлар тарихий шахслар ҳаёти асносида битилганлиги билан дostonнинг аҳамиятини янада оширарди. Чунки, Робия Балхий каби дилбар ва зукко аёл ҳақидаги фожиали қисса халқ орасида тилдан тилга кўчиб, қалбларга муҳрланиб улгурганига қарамай, бу мавзуга бошқа бирон шоир қўл урмаганди.

Аллоҳнинг иродаси ила китоботиға ҳамди беҳад битилганлиги улуғ июнотлигини ҳис этган шоир энди пировардида хотиматул фикр ҳам зарурлигини англади. Шу вайдан “Илоҳийнома”нинг сўнгги варағига кўз тикди. Бу саҳифадан “Шайх Шиблий ва новвой ҳикояти” ўрин олганди. Беихтиёр ўз қаламидан томган мисраларга нигоҳи қадалди.

“Бир шаҳарда бир новвой яшар экан. У Абубакр Шиблийнинг шухратини эшитиб, ўзини кўрмай унга кўнгил боғлабди. У кечасию кундузи бузрукворни бир кўрсам, қўлларидан ўпиб, тавоб этсам, оёғи босган туфроқни кўзларимга суртсам, дея аллоҳға муножаат айтиб йиғлар экан.

Кунларнинг бирида новвой дўкони ёнидан бир кекса дарвеш ўтиб қолади. У ниҳоятда оч-наҳор, ҳоли забун, эти устихонига ёпишган, вужуди майиб-мажруҳдай бир алфозда эди. Нотаниш одам нон исини димоғида туйиб, пештахтаға яқинлашиб деди:

– Аллоҳ йўлида бир бурда нон бер, шояд тил уқмас нафсим мени тинч қўйса?
Новвой ҳали савдони бошламаган эди.

– Қани, йўлингдан қолма, сен каби бекорчиларға берадиган нон йўқ, – деди у ғазабини сочиб.

Дарвеш ноумид бўлиб нари кетди. Шунда соҳиби хонадоннинг илмли шогирдларидан бири устознинг ёнига югуриб келди.

– Мени афв этинг, ҳозир сиз ҳайдаган зот доимо яратгандан суҳбатини тилаганингиз жаноби Шиблий эдилар!

Новвойнинг ранги ўчди, кўзлари ола-кула бўлиб ҳазратнинг ортидан чопди. Етиб олгач, узр сўради, садоқати, муҳаббати ва ихлосидан сўз очиб, меҳмонга таклиф этди.

– Яхши, – деди шайх ўйга толиб, – у ҳолда яхшигина зиёфат мажлисини ҳозирла, мен борганим бўлсин.

Зиёфатга шаҳарнинг казо-казолари, бой-бадавлат, мартабали кишилари чорланди. Қўйилган ноз-неъматлар дастурхоннинг белини синдиргундай тўлиб-тошиб кетганди.

Суҳбат роса авжига чиққанида азизлардан бири Шиблийға мурожаат қилиб сўради:

– Эй шайхи муршид, айтинг-чи, дўзахий ким ва жаннатий ким?
Шиблий жавобда деди:

– Агар дўзахийни кўрмоқчи бўлсанг, шу зиёфат соҳибига назар сол. Шухрат учун шунча пул сарфлаб, бизни чақирди. Аммо худо йўлига бир бурда нонни дарвешга бермади. Агар у муҳтож дарвешга саховат – ҳиммат кўрсатиб нон берганида жаннатийлар қаторидан жой топарди...

Шундай экан, худопараст бўлсанг, ихлос-эътиқод билан яша. Худони аввало ихлос билан севмоқ керак. Ихлос – халос, яъни худога ихлос қўйган киши қолган барча тамаъ, шухрат, ғаразлардан халосдир. Риё эса худопарастлик эмас, балки итпарастликдир. Ит учун ҳозир у нозир бўлсангۇ ҳақ учун тайёр бўлмасанг, шубҳасиз, кофирсан.

Сўз айтдим, тамсил келтирдим, маъносин уқиб ол, доно инсон. Ҳирс нима, нафс нима, билиб ол. Ҳақни севган кишиларнинг имони сенга ёр бўлсин! Ҳақ тасло ҳам имонлиларни ёқтиради. Бу раббул оламин билан бандаси ўртасидаги улғу ахддир”.

...Ушбу ипакка терилган дуру жавоҳир каби сўзларни ўқиш асносида сўфийнинг қалби титради. Шундай забон, шундай фикр, шундай тариқот ва тавҳид ато этган раббимга шукроналар келтирди ва ўша жозиба таъсирида “Хотиматул китоб” ибораларини бита бошлади.

“Аттор сўзини тингла, Аттор шеърини ўқи. Менинг шеъримнинг денгизи қирғоқларга урилиб, тошиб чиқди, ундан чашмалар отилиб чиқди. Бу чашмалардан нур базми яралмишдир, бу ишқ ва маърифат нури бўлиб, қиёматгача оқиб туради. Аттор “Илоҳийнома”сини кўкда малаклар, жаннатда руҳлар ўқийди. Чунки менинг шеърим барчаси пок тавҳиддир. Шунинг учун у кўпроқ аҳли тавҳидга ўз жамоли-ю, сийратини кўрсатишидан асло ажабланма.

Эй Аттор, сўзинг одамлар қалбига ғулғула солсин, ғофилларни огоҳ этсин, мудроқларни бедор қилсин, шарафлиларга шараф бағишласин!..”

Аллоҳнинг валийиси китоб муқовасини қийинлик ила ёпди. Вожабки, шу топда ғула каби йўнилган харсанг устидаги шамчиноқ ўчиб, ғор оғзидан субҳ сабоси қанотида қуёшнинг заррин нурларини олиб кира бошлаганди. У вужудидаги тетиклик, илоҳий жозиба кучини сезди. Ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Тоғ чўққиларига илинган қуёш бутун оламни – қир-адирлар, ўрмонлар, ўтлоқлар, пастда йилтираб оқаётган дарёлар, ирмоқлар, чумолидай ўрмалаётган одамлар, бутун бошли шаҳар ва қишлоқларни мунаввар айлаётганди. Ё раб, кўнглига келган ташбеҳдан қалби ёришди-ю, борлигини яна титроқ босди. Тилидан шукроналик ва ҳамдани қўймагани ҳолда ўзини босишга, тинчланишга уринди. Аммо хаёлига келган фикр залвари юракни ёргудай қудрат ва тилсимга эга эди. У шу пайтда қалбининг хазинаси – “Илоҳийнома”сини мана шу дунёни ёритаётган қуёшга менгзаганди.

12

Дарахтлар барги сарғайиб куздан дарак бераётган кунларда ғор оғзида телбанамо бир йигит кўринди. У йиқилган заранг танасига жойлашиб олиб, оёғидаги сармуза йиртиғини ямай бошлади. Соч-соқоли тикан мисол ўсган, кўзлари бургутникидай ўткир, қиррабурун, оғзи катта бу кимса қай тариқа хилватнишинга чиқиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Аммо табиатнинг “қўл тегмаган” бу гўшасида ажиб бир сокинлик, руҳий ҳаловат зоҳирлиги боис, ҳар қандай серзарда, жоҳил ва бесабрлар ҳам ўзларини хушҳол, осойишта сезишарди.

Дағал юзли йигит аланглаб осмонга тикилди, бутуқлари бошига тегиб турган наъматак мевасини кўриб, унга қўл чўзди. Шохлар бандидаги ингичка тиканларни писанд этмай сидирғилаб кафтига мева тўплаб, тезда оғзига солди. Наъматак нордон эди, шундай бўлса-да, аччиқ ширасини сўриб, туппасини туфлаб ташлади. Гўёки шу билан чарчоқ қўнган киприкларини найзадай ростланиб, баданига тетиклик югурди.

У кимсасиз сайхонликда танҳо ўзимман, тирик жон йўқ, деган фикрда эди. Бирдан хиёл эгилиб чиқиб келаётган одамга кўзи тушди-ю, бутун вужуди саксовулдай донг қотди, серсоқол юзида саросималик ва кўркүв зуҳурланди.

– Ё аллоҳ, ўзинг сақла! – беихтиёр хитоб қилди у.

Ҳазрат йигитнинг аҳволини фаҳмлади. Шу боис юзига табассум ёйилиб, салом берди. Бироқ нотаниш йигит ҳамон қарахтликдан чиқолмас, юрагини эгаллаган ваҳима титроғи босилмас эди.

Ҳазрат битта-битта боса келиб меҳмоннинг бошини силади. Мўъжизакор қўл тафти эс-хушини йўқотган вужудга бир оз таскин бағишлади. Лекин ҳамон тил калимага келмас, тана қалтироғи босилмас эди.

– Йўл бўлсин, болам? – сўради ҳазрат йигит ёнига ўрнашиб.

Меҳмон олазарақ бўлиб ёнига ўгирилди. Тоғлар хоқонидай туюлган оппоқ соқолли нурунийга сергакланиб боқди. Унинг юз ифодаси, кичик кўзларидаги самимиятдан кўнгли ўрнига тушди. Шошиб дарахтдан тушиб, мезбоннинг этагини пешонасига суртди.

– Мени кечиринг, устоз... Адашмасам сиз ўзимизнинг нишопурлик Фаридиддин Аттор бўласиз, шундайми?

– Шундай, бўтам, – деди ҳазрат ўйчан оҳангда, – мен сиз айтган нишопурлик Аттор ва аллоҳнинг қулиман.

Меҳмон яна бир бор тавоб учун энгашган эди, шайх унинг норғул елкасидан тутди.

– Болам, банданинг бандага сажда қилишида маъно йўқ, аммо гуноҳи азим бор. Яхшиси хотиржам гаплашайлик. Гарчи сенинг ташрифинг менинг хаёлим ва вақтимни ўғирласа-да, барибир ёлғизлик фақат ўзига хос, ўзига ярашиқли экан.

Йигит нигоҳини ердан узмаган кўйи сўради:

– Оддий халқ сизни йўқотиб, кўп ранжу азият чекишяпти. Асарларингиз қўлма-қўл ўқияпти. Сиз бадарға қилинғонингиздан сўнг аҳли илм, толиби илм орасида машҳурлигингиз ўн чандон ортди. Сунний амалдорлар таъқибига қарамай кўп мухлисларингиз пана-панада дostonларингизни мутолаа қилишяпти, ширин суҳбатлар қуришяпти.

Бу мужда ҳазрат дилига таскин бағишлади. Демак, неча йиллик заҳматлари бе-кор кетмабди. Демак, танлаган йўли хато эмас.

– Исминг нима, ўғлим? – Ҳазрат хаёллар оғушида шу савол тилига кўчганига ўзи ҳам лол қолди. Бироқ инсон борки унинг қулоғига азон айтиб чақирилган исми бор. Мўмин мўминни кўрганида исмини билмай суҳбат қуришлик одобдан эмас. Эҳтимолки, таниш чиқар.

– Исминг Хафиф, асли насл-насабим Шероздан.

– Бу тоғу тошларда адашиб юришинг боиси недур?

– Ҳазрат, мен йўлдан эмас, қисматдан адашган кимсамен. Эс таниганимдан илм ўрганиш иштиёқида ёнамен, аммо ҳадигим зўрки, илмни хор қилмасайдим.

Аттор йигитдаги соддадилликни беғубор ёшлигига қиёслади. Асли инсон бола-си ақли чархлангунича мусичадай беозор, кўйдаи ювош, ит каби садоқатли бўлади. Кейинчалик чарх ғилдираги уни не-не синовлар, не-не машаққатлар, не-не ғофил бандаларга дуч келтирмайди дейсиз. Одам умр сўқмоқларидан юқорилагани сайин яхши фазилатлар билан бирга инсонга хос қусурларни ҳам ўрганиб, ўзига сингдириб бораверади. Вақтики келиб, ақли билан худони танигач сийратидаги гардлардан тозаланиш учун ўзида куч-қудрат топа олади, шайтон измига кирган нодон кимса эса ҳасад, ғараз, жоҳиллик, дунёга ҳирс қўйиш каби иллатлар ботқоғига ботиб, бу дунёлиги ғам-ташвишда, у дунёлиги азоб-укубатда қолади. Хулоса шуки, яхши одам болалигидан беғуборлиги ва покдомонлигини йўқотмай, эҳтиёт қилиб асрай олса, шунинг ўзи комилликка кифоя. Бироқ самимий туйғуларни жаҳолат ва разолат тўфонидан асраб-авайлаб сақлаш фақат илмни, мард инсонларнинг қўлидан келади, холос.

Бундан ташқари камолот чўққисига кўтарилмоқ, яъни чин инсоний фазилатларни ўзида мужжасам айламоқ асли наслининг тозалигига ҳам боғлиқ. Палаги тоза хомак ширин қовун бўлиб етишади. Арпа сепилган ердан ҳеч ким буғдой ололмайди. Жоҳил ота ҳукмронлик қилган оилада тарбияланган ўғиллар меҳр-муҳаббат тушунчаларини бағрига жойлаб ололмайди.

Нега шундай? Нега Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳаво онамиз зурриётлари бир хил эмас. Худди экин уруғи айнигани каби наҳотки насл ҳам айниса, залолатга юз бурса. Айнигани шуки, Мансур Халложни асл нияти, мушоҳадаси маъносини тушунмай дорга осдилар. Пири муршид Маждиддин Бағдодийнинг айби не эдики, сувга чўктирдилар. Энг аламлиси, донолар доноси сифатида тан олинган Яҳё бин Муозни ўз суюкли фарзанди бошига тош билан уриб ўлдирди. Нега оқиллар жоҳилларга ни-

шон бўлиб қолаверади. Ахир орифлар оламни илм нури-ла нурафшон этмоқчи, инсониятга маърифат улашмоқчи, огоҳликка даъват этмоқчи-ю, ғаддор кимсалар ҳамиша яхшилиқ йўлига тўғаноқ, эзгулик илдизига болта ургувчи, саховат ва мурувват дастурхонига бурун артгучи бўлиб чиқаверишади. Ҳали инсоният тарихида биронта оқил инсон жоҳил банда тагига сув қуймаган, ўч олмоқ қасдида уни қийнамаган. Ва шунинг эвазига ўзи ноҳақ қурбон бўлиб кетаверган. Бу аччиқ жумбоқ ечимини ким топар экан? Бу оғриқли саволларга жўяли жавоб айтгучи борми? Бу қисмат сирасорининг охирига ким етади?..

Аттор сездики, йигит жавобга илҳақ. Жиловсиз хаёлларини жамлаб, унга жилмайиб боқди.

– Илмни хор қилишдан кўрқайсен, шундайми? – саволни такрорлади устоз. Сўнг оҳиста гап бошлади.

– Унда мана бу ривоятни эшит: сен каби навқирон йигит саҳобалардан Абу Зарр Фифорий ҳузурига келиб: “Мен илмга ошуфтамен, аммо икки ҳолатдан кўрқамен”, дебди.

– Айт, илм олишнинг қайси ҳолати сен учун душвор? – сўроқлабди саҳоба.

Йигит дебди:

– Биринчидан, илмга амал қилмаслик, иккинчидан, уни хор этишдан ҳадигим бор. Абу Зарр ўйланиб, шу жавобни айтибди:

– Барибир бу бошни жаҳолат билан эмас, маърифат билан тўлдирган фойдали.

Йигит жавобдан қониқмай, энг заковатли ва суюкли саҳоба Абу Дардога йўлиқиб, ўша саволни ўртага ташлабди. Абу Дардо узоқ фикрлаб, ушбу гапни дилидан тилига кўчирибди:

– Билгинки, инсон қай ҳолатда ўлган бўлса, охиратда шундай тирилади. Демак, сен жоҳил бўлиб ўлган бўлсанг, жоҳил бўлиб тириласан. Агар оқил бўлиб ўлган бўлсанг, оқил бўлиб кўз очасан.

Толиби илм энди Абу Хурайра разияллоҳу анҳуга учрабди. У саволини айтиб-айтмай туриб, саҳоба гапни кесиб кўйибди:

– Илм олмаслигининг ўзи илмни хор этганингдир!

Бу ривоят Хафифга жуда таъсир қилди. У бошини кўтармай узоқ сукутга чўмди. Сўнг бир қарорга келиб, ҳазратга юзланди.

– Эй аллоҳнинг суюкли валийси, мени ўз тарбиятингизга олинг, умрбод хизматингизни қилай. Шояд қалб кўзим очилиб, ҳақни танисам.

Аттор оҳиста бош чайқади:

– Болам, ҳаргиз мени аллоҳнинг суюкли валийси, деб атамагин. Мен бор-йўғи бир қулман. Иштибоҳим шуки, қул иккинчи бир қулга илм-тарбия бера олармикан?

Хафиф, илк бора нигоҳини нуруний сиймога тикди. Шунда вужудида кучли ҳаяжон, ҳузурбахш, лаззатбахш титроқ уйғонди. Ўзини тўтолмай энгашиб, ҳазрат жандаси этагини ўпмоққа ҳозирланди. Бироқ авлиё яна уни бу манзаматдан қайтарди.

– Камтарлигингизни яратган билиб турибди. Кошки мен сизнинг қаламингиздан учган бир ҳарф бўлсам, кошки риёзатингиз юкини енгиллатишга озгина ҳисса қўшолсам. Илтижоим ерда қолмасин, тақсир, бусиз бўйнида арғамчиси йўқ бузоқ каби бутун “ўтлоқ”ни пайҳон этурмен. Ўз ҳолим ва феълим ўзимга аён. Йўқ деб билиб-билмай гуноҳга ботманг.

– Хафиф, болам, асти гуноҳдан сўз очма. Елкамизда қанча савобу қанча гуноҳ борлигини кошки билолсак. Аслида шунча қилмишларимизга қарамай тик юрганимизнинг ўзи мўъжиза...

Энди илтимосингга келсак. Тўғриси мен мурид тутиш илмидан беҳабарман. Кўрқаманки, ўз манзилини билмаган одам шеригини ҳам тўғри йўлдан чалғитмасму деб. Шундоқ экан, илмдан илгари одоб ўрганмоғинг ва бу масалада мендан пешроқ улуғлар ҳузурига бормоғинг дуруст кўринадир.

Шу ерда Хафиф қизикқонлик қилди.

– Устоз, асли илм пешми ёки одоб. Қай бирининг фойдаси кўпроқ? – Ҳазрат ода-тича кўзларини юмиб, сукутга чўмди. Бу сукутдан мақсад фикрни бир жойга қўймоқдан ҳам кўра одобнинг аввали шошилмаслик эканлигини англамоқ эди.

– Арабларда Абдурахмон Қосим деган бир донишманд ўтган. У айтибди: “Мен йигирма йил имоми Молик хизматида юрдим. Шундан ўн саккиз йилида одоб ўргандим, икки йил илм олдим. Энди таассуфдаманки, ўша икки йилда ҳам одоб ўрганмоғим афзал экан”. Уқдинги, болам, одобсиз илм пўсти йўқ дарахт, либоссиз танадир. Илминг аввали одоб. Шунга айтадилар-да, олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин деб.

Ҳазрат шундай дея ўрнидан туриб, йигитнинг кенг пешонасига лаб босди.

– Мен сени мурид деб аташга ҳаё қилурмен, аммо бугундан эътиборан дўстимсан. Билки, дўстлик заҳмати муридникидан кам эмас. Ибн Хаддод демишки, дўстликдан мақсад фойдаланиш ва фойдалантиришдир. Афсус, айрим дўстлар бу иборанинг кейинги фикрини ёддан чиқариб қўюрлар.

Хафиф устоз ёнида қолди. Бу елкадошлик пирга ҳам маъқул тушди. Энди унинг таҳоратига сув келтирадиган, обиёвғон тайёрлайдиган, қораламаларини жон-дили билан тинглайдиган шерик топилганди. Бироқ бу дўстлик ортидан озгина бесаранжомлик ҳам юзага келганлиги кейин ойдинлашди. Гап шундаки, Хафиф юмуш ила пастга тушганида ҳазратнинг қароргоҳини айрим мухлисларига гуллаб қўйибди. Шу билан ёз ичи тинчлик-осойишталик ҳукм сурган сайҳонликка энди битта-иккитадан зиёратчиларнинг қадами етиб келди. “Нодон дўстдан ақли душман афзал” деганлари шу-да”, ичида ўйлади ҳазрат. Аммо бу иддаосини тилига чиқармади. Иккинчи тарафдан барибир қиличини яланғочлаб қиш яқинлашаётганди. Хоҳласа-хоҳламаса пастликка тушиши муқаррар. Тез орада шундай бўлди ҳам. Биринчи қор чўққиларга инган куннинг эртаси Шодиях яқинидаги чекка қишлоқда қурилган янги хонақога кўчиб ўтдилар. Бу сафар Хафиф устози ҳақида бировга чурқ этиб оғиз очмаслиги тўғрисида жиддий огоҳлантирилди...

13

...Ҳазрати Атор савма ичидаги бўйрага тиз чўқди. У доимо шу ҳолатда жойлашар, кўп ибодати боис тиззалари туя туёғидай қавариб кетганди.

– Хўп, бугун кайфиятим чоғ, кўнглимни ёза қолай...

...Устознинг ҳикояси шогирдга қаттиқ таъсир қилди. У суҳбат давомида гоҳ йиғлади, гоҳ чеҳрасига табассум қўнди, гоҳ чуқур ўй-хаёллар уммонига ғарқ бўлди.

– Мана, бу ёғи ўзинга аён, ўша тоғдаги учрашувимиздан буён орадан ўттиз йил ўтибди. Ўшанда мен пайғамбар ёшида, сен эса йигирмадан ўтиб-ўтмаган бўз йигит эдинг. Бугун тўқсонни қоралаб ўтирибман, сен ҳам ярим аср заҳматини чекибсан. Қара, ўттиз йилки, бир нафасчалик салмоғи йўқ. Шунга айтадилар-да, умр оқар дарё деб.

Хафиф қумга кўмилган мешдан муздай сув қуйиб пирига тутди.

– Устоз, сўнги мушоҳадангизга шубҳам бор.

Ҳазрат қўлидаги косани бўйрага омонат қўйиб, муридига қаттиқ тикилди.

– Англамадим, очиқ сўйла!

– Сиз ўттиз йил салмоғи бир нафасга тенг эмас дедингиз. Фикри ожизимча, сизнинг “бир нафаслик” ижодингиз ўттиз йил салмоғига сизмас, ҳаётингиз йўл ва ёзув билан ўтмоқда, аммо ҳеч ўзингизга роҳат-фароғат тиламайсиз, шиддатингиз нашъаси сўнишига имкон бермайсиз, танни орзиқтириб, жонни қийнайсиз.

– Болам, бунчалар енгил ўйлама. Қачонки тан азобланур, шунда руҳ роҳат олур. Ёдинда тут, инсон то ўзлигини ва ўз илоҳини танимаса, у чин инсон эмас. Ўзлигини танимаган киши қурт-қумурсқа, паррандаю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Инсон эса бу дунё кудуғидан қутулиб, оламни қучиши даркор. Бунга илоҳий маърифатни эгаллаш, ҳикмат ва билим орқали эришилади.

Илоҳий маърифат кўнгил жомиди тўлиб, кишини маст этади ва қаноатлантиради. Кўзингни каттароқ очиб қара, дунё худди қайнаб турган қозондай жўшиб-тошиб турибди, сен ҳам шу қозон ичида қайнабсан. Асосий мақсад шу қозонда пишиб етилиш ва “жонни жанонга қўшиш”дир. Шунда қудуқдан қутулиб, илоҳий саодатда ўзлигингни қайта аён этасан.

Устоз ўз фикрлари таъсирида беихтиёр хаёл дарёсига ғарқ бўлди. Шундай ширин насиҳат таъми кўнглидан кўтарилмаган мурид уни “уйғотмоқ” умидида гап қўшди.

– Сиз менга “Жавҳаруз зот” моҳиятини англатьяпсиз. Аммо неча бор мутолаа қилишимга қарамай ундаги мажозий тимсоллар моҳиятини англамоққа қувва и ҳофизам етмайди.

– Сен ҳақсан. Бу китоб тилсими бор.

– Наҳотки шундай? У ҳолда ўша тилсимни нега мендан яширурсиз?

– Бу яширилмайдиган, қалб кўзи очиқлар дарҳол топадиган сиру асрордир. Яъни, “Жавҳаруз зот”ни билмаклик ибтидоси Мансур Халлож асарларини ўрганмоқдан бошланур. Мен маънавий пирим айтган фикрларни ақл тарозусига солиб, мутаассиблар ғазабини жунбишга келтирмайдиган тарзда ёритдим, холос. Шунда ҳам ҳақиқатни англатьмоқ қанчалар оғир ва машаққат ила кечаётганлиги ўзинга аён.

– Пирим, ўша мисралар сизнинг лутфингиздан ўзгача жаранглашига неча бор гувоҳмен. Андишам шундаки, мағзи тўла ёнғоқнинг мағзини билолмай ҳасрат ўтида қовуриламен. Ёнғоқ қўлимда, аммо мазасини тотий олмасам бу неъматдан менга не наф тегур?

Устоз одатича бу муножотни жимгина тинглади. Сўнг савма пештоқиға қистирилган таниш дафтарга қўл узатди. Керакли саҳифасини очиб, яна бояги жойига келиб ўтирди.

– Қулоқ сол, наҳотки ўз тилингда битилган ашъор қалбинга кириб борса-ю, лек уни ёритмаса: “Аналҳақ” – “мен ҳақман” деган бошини кесди, энди бу дoston оғизларда юрибди. Эй дўстим, “аналҳақ” деган одам ҳақ бўлди, чунки куллиятни истаб, ягоналик кўрсатиб, ҳақ дўсти бўлди. “Аналҳақ” деди ва буни ошкора қилди, натижада ўзини-ўзи пора-пора қилди. “Аналҳақ” деб бирлик-вахдатдан сўз очди, дарҳақиқат у ҳақ эди ва ҳеч шубҳага бормаи ҳақ деди: “Аналҳақ” дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий қолди”. Наҳотки шу сўзлар маъносини чақиш сенга оғирлик қиладур?

Хафиф ёш йигитлардай не деярини билмай оёғи остидаги қумга тикилди. Шу топда у тафаккур доираси қанчалар чекланганлигидан афсусда эди. Бироқ ожиз банда бу идрок заифлигида аллақандай ташқи куч таъсири, яна ҳам аниқроғи, шайтон қутқуси бор деган иштибоҳдан изтироб чекарди. Ўйлаб-ўйлаб дилига келган фикрни тилига кўчира қолди.

– Тақсир, агар Мансур Халлож ҳақидаги ички кечинмаларингизни, унинг таълимоти тўғрисидаги қарашларингизни мажозий тимсоллар орқали эмас, соддагина ифодалаганингизда эҳтимолки биздай чаламуридлар ҳам улуғ устознинг илм офтобидан баҳраманд бўла олармиди?

Ҳазрати Аттор йиллар мобайнидаги суҳбатдошлик, йўлдошлик асносида шогирдининг хом-хатала саволларига ўрганиб қолганди. Бундай пайтларда у имкони бори-ча масала моҳиятини кенг ва атрофлича уқдиришга киришар, қоронғи бошини илмури ила чароғон этишга бел боғларди. Бунинг боиси шуки, шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқот мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти хусусида ваъз-насиҳатлар қилаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърий парчалар ёки ихчам ҳикоятларни мисолга келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан руҳланиб, пирнинг тафаккури сарчашмаларини чуқурроқ англар эдилар.

Аммо Хафифга ана шу иқтидор, таъсирчанлик ва заковат ноқислиги панд берарди.

– Болам, – дея юзини шогирдига бурди ҳазрат. – Пайғамбар алайҳиссалом бекорга шеърда ҳикмат бор, деб марҳамат қилмаганлар. Ашъор юракнинг муножоти, куйи. Бу куйни англаган одам завқ-шавққа тўлади, ҳақ ила ботилни тезроқ ажратади. Бир мен эмас, силсилаю шарифда номи зикр этилганлар, тасаввуф осмонида юлдуздай порлаган шайхлар ҳам шу усулдан фойдаланишган.

Шогирд учун тарки одат-амри маҳол эди, яна шошиб гапни бўлди.

– Ҳатто, Мансур Халлож ҳамми?

Яхшики бу шаккоклик ўз хаёлотни уммонида сузиб юрган пир дилини ранжитмади. Ёши улғайгани сайин бандаи мўмин табиатидаги зарарли иллатлар – жиззакилик,

жаҳлдорлик, араз, кўнгил оғриши каби қусурлардан мосуво бўлади шекилли. Ҳозир ҳазрат ҳам худди онадан янги туғилган чақалоқ каби беғубор, дунё ташвишларидан холи, аниқроғи, расули акрам фазилатларини ўзига сингдирган беозор ва бехархаша нурунийга айланганди.

– Мансур Халлож шу аънанани қўллаб-қувватлаган зотлардан. Наздимда бу ибрат Ҳасан Басрий ва Робия Адовия онамиздан бошланур.

Кейинчалик Боязид Бистомий, Абусаид Абулхайр, Абдуллоҳ Ансорий, Абулҳасан Ҳарақоний, Нажмиддин Кубро каби буюк зотлар гўзал бир тарзда давом эттиришган.

– У ҳолда нега зиммамга оз вазифа юклагансиз, нега улуғларнинг асарларини ўқишга, ўрганишга буюрмагайсиз?

– Хафиф, болам, илоҳиётда аввал амал, сўнг илм дейилган. Ақлли одам нарвонга битта-битта босиб чиққай, акс ҳолда унинг сўнги зинасига етолмагай. Мен юқорида муборак номларини зикр этган устозлар илми ирфон кўёши, самоъ мажлисларининг ширин забони, амал отининг чавандози саналурлар. Мен ўзим бўйламаган самога қай юз ила сени чорлагаймен.

– Тақсирим, шу йўлга отланганимга ўттиз йил бўлибди, сизники ундан ҳам ортиқ. Ҳақни қидирамизу манзили кўринмайди, лоақал шарпаси сезилмайди. Бу ҳолат умидни сўндирмагайми?

– Асло, инсон ўз олдига қўйган пок нияти учун умр бўйи интилгай. Сен илоҳий шарпа ҳақида сўз очгайсан. Қизиқки, битта ёнғоқ мағзига тиши ўтмаган ожиз банда аллоҳнинг асрорига назари етурми? Бу иштибоҳингда шубҳа бисёр, болам.

– Одам боласининг идрок этиш қобилияти асл мақсад – аллоҳ ҳақиқатини англашдан ожиз экан, нега унда у бошқа ҳайвонлардан афзал аталур?

– Ажаб, дунё яратилмишки, шу сўроқ кўп бора, турли одамлар томонидан қайта ва қайта такорланур. Билсанг, Искандардай соҳибқирон ҳам бу савол билан ўз устози Арасту ҳақимнинг ақлу ҳушини ўғирлаган.

– Демак, менинг саволимга ўша даврдаёқ жавоб топилган экан-да?

– Шундай. Арасту ҳақимнинг фикрига кўра, “Инсон ҳамма нарсани идрок этишга қодир. Ҳайвонларда эса бу хусусият йўқ. Шунинг ўзи уни ҳайвондан фарқлаш учун етарли эмасми?”

– Сиз ҳам шу жавобни оқлайдурсизми?

– Албатта, исбот талаб этилмас ҳақиқатни исботлашга уриниш ўша ҳақиқатга шубҳа уйғотади.

– Шундайку-я, ўзи билиши зарур бўлган хилқатга тиши ўтмаса, бундай онгтафаккурнинг писта пўчоғидан ортиқ қадрни бормикан?

– Яна адашяпсан, болам. Хўп майли, қулоқ сол. Одам чиндан ҳам ўзида яширинган хазинани билишдан ожиз, чунки бу тилсим унинг ақл-заковатидан юқори, баланд туради. Аммо билмаслигини билиб, бу мақсадга идроки етмаслигини англашнинг ўзи буюк фазилат. Билмаслигини билиш ҳам билим, яъни юксак тафаккур, зеҳн, ақл-идрок ҳосиласи эмасми?

– Бу тушунарли. Лекин билим ва билмаслик чегараси қайси мезон билан ўлчанади. Инсон бир хил мавжудот. Лекин мен ўз тушунчамни сизнинг даражангизда деб билишим бориб турган нодонлик бўлур эди. Модомики шундай экан, нега яратган эгам барча яратилгувчиларни бир хил ақл-идрок, бир хил зеҳн-фаросат ила сийламади?

– Болам, нега шаккоклик қиласан? Нега ақлинг англаган ҳақиқатни қалбинг тан олмайди? Ахир бешиқда ётган икки гўдак заковатида фарқ борми? Асло! Энди мушоҳада қил. Қабрдаги икки калла суягига боқиб, ким султон, кими гадо эканлигини ажратишга қодирмисан? Йўқ! Чунки аллоҳ барчамизни баб-баравар, тенг яратган ва рўзи маҳшарда ҳам шу мезон бузилмагай. Барча бузғунчилик, чалкашлик шу омонат дунё хийла-найранги, одамзотнинг тутган тутуми. Кимдир ақл таниганидан қувониб, уни тўйғазади. Кимдир ақл таниганидан фойдаланиб, нафсини семиртиради. Нафс семириб тўлишгач, ўз халоскори ҳисобланган ақлни бўғиб ўлдиради ёки ҳибса олиб, кўз очишига имкон бермайди. Бунинг учун азизу мукаррам инсон худодан гина қилиши керакми ёки ўзидан? Ақли соғлом зот яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни

ҳам тақдири азал ҳукми деб билади. Ёмон одам эса, ёғ ичганида севиниб, қон кечганида замонни, қисматни лаънатлайди...

Ҳазрати Аттор шу ибораларни дона-дона қилиб таъкидлар экан, жойидан оғир кўзгалди.

– Ана кўрдингми, икки кун оёққа дам берувдик, бугун юришга унамай турибди. Ақл ҳам шундай, бўш қўйсанг сира ишлагиси келмайди, ақлни доимо чархлаш лозим. Болтанинг бети қайтса ўткирлаш осон, ақл ўтмаслашса инсон ҳолига вой, болам. Қани энди йўлга отланайлик, илоҳим босган қадамимиз бизларни ўзига яқинлаштирсин...

14

Сахро чекинди.

Ўлик юзидай рангсиз адирлар, қиру ўрлар ортда қолди. Табиат чирой очган келинчақ мисол жонлана бошлади. Олисдан биллур тасма каби жимирлаб оқаётган сой кўринди.

– Ҳазрат, неча йилки сарсон-саргардонлиқда кун кечирдик, муборак Каъбатуллоҳни зиёрат қилдик, шукурки бугун ватан сарҳади кўринур, – деди Хафиф.

Фаридиддин Аттор бу пайтда юздан ошган, соч-соқоли қировдай оппоқ, кўзлари кичкина ихчамгина нуронийга айланган эди. Аммо вужудини ҳали ҳам куч-қувват, миясини ақл-идрок, қалбини жўшқин туйғулар тарк этмаганди.

Улар яна бир кеча юришди. Шаҳар остонасидаги ўша таниш тоғ, тоғ ёнбағридаги қалин дарахтзор ўрмон, қушларнинг турфа овоздаги нолаю фиғони ҳамон боягидай эди. Не ажабки, вақт бутун бир ёшлик-навқиронлик, бутун бир умрни ютмоққа қодир бўла туриб, табиат чехрасига совуқ нафас уролмабди. Аллоҳ асраганда хавф-хатар чикора.

Улар дарахтлар соясидаги юмшоқ гиёҳлар устига ўтириб нафас ростладилар. Энди Хафиф аввалгидай кучли, чаққон эмасди. У ҳам суви қочган чол қиёфасига кириб улгурганди. Эҳтимолки, бу ҳар иккала мўсафиднинг сўнги сафари бўлиб қолар.

– Устод, – деди у кўзларини юмганича муроқабага (қалбан аллоҳни ўйламоқ) юзланган ҳазрати Атторга ўгирилиб қараб, – хуржунларимиз ёзув-чизувларга тўлди, не-не валийлар ҳаёти қоғозга тушди, энди нафас ростлаб, дам олмоқ фурсати ҳам етгандир.

Пири муршид бу саволни жавобсиз қолдирди. Зотан у мудроқ бир ҳолатдан чиқолмаётган каби сокин ўтирарди. Хафиф бемаврид савол берганидан хижолат чекди. У гапларим устоз қулоғига кирмагандир, деган иштибоҳга ҳам борди. Аммо бу хато фикр эди. Ҳаққа таважжуҳ қилаётган зотнинг бутун вужуди сергак туришини у ҳалдан қочирганди. Ниҳоят муршид ўзига келиб, ангишвонадай митти кўзларини очди.

– Хафиф, кўп нуқсонли саволлар берурсан, – деди хиёл норози оҳангда, – тирик жон бу дунёга дам олмоқ учун эмас, риёзат ғамида келганлигини ҳануз англаб етмадинг. Сен ўйлайсанки, бизнинг ибодат ва тақвоимиз аллоҳ дийдорини кўрмоқ учун кифоя деб. Бундай шубҳали ўйдан ўзи асрасин.

Шогирд оппоқ соқолини тарашлаб, ўз фикрини ойдинлаштирмоққа чоғланди.

– Ахир ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди...

– Ибодат ва таваққулга ёшнинг қандай алоқаси бор? Шукурки, қўл-оёғимиз соппа-соғ, ақл-идрокимиз тиниқ. Билсанг, бу неъматлар фақат охираат зироати учун аталганки, бир нафас фурсатни бой беришлик қиёматга қадар пушмон отлиғ либосни кийиб юришликка сабаб бўлмоғи мумкин... Ҳа, айтмоқчи, мен сенга адашинг Абу Абдуллоҳ Хафиф ҳақида сўйлаб эдимми?

Хафиф жойидан судралиб, устозга яқинлашди.

– Йўқ ҳазрат, рости, хотирам заифлигидан сира эслай олмаяпман.

– Ҳазрати Абу Абдуллоҳ Хафиф (қодасиллоҳу сирраҳул азиз) шайхлар шайхи эди. Машойих илмида китоб тасниф этибдир. Ўзи бекзода эди. Ҳазрати Абу Муҳаммад Руъям ибни Ато ва ҳазрати Жунайдни кўрибдир. Ул зоти шариф билсанг, бомдод намозидан сўнг кейинги кечага қадар икки минг ракаат намоз ўқир эдилар. Вафотига қадар қирқ бор чилла ўлтирган. Аслида ҳар тўрт йилда бир марта чилла ўлтиришликни ихтиёр этгандилар. Сўнги чилласида дунёдан кўз юмди.

Бу мухтарам зотни эсламоқдин маъни шулдирким, шайхнинг бир ўғити сенинг саволингга малҳам каби жавоб бўлур.

– Бутун ихтиёрим измингизда, пирим.

– Унда қулоқ сол, – деди ҳазрат ҳамон нозик гавдасини қимирлатмай, – Абу Абдуллоҳ айтар:

– Бир куни: “Мисрда муроқаба ва таваккул била ўлтирган бир пир ва бир йигит бор”, деб хабар бердилар. Уларни зиёрат қилмоқни дилимга тугиб, йўлга отландим. Кўрдим. Қиблага кўз тикиб ўлтиришарди. Салом бердим. Зикрдан бўшамадиларки, саломимга жавоб берсалар.

– Ўшал топинганимиз аллоҳ ҳақи! Мен томонга бир боқинг, муборак чехрангизни кўрай, – дедим. Ул йигит кўз қири ила менга қаради:

– Эй Абдуллоҳ! Бу дунё бир соатликдир. Шу бир соатни ҳам бесамар ўтказмайликми? Озгина фурсат ичида кўпроқ насиба олмоққа интилмайликми?

Ўша пайт оч ва чарчоқ ҳолатда эрдим. Уларни кўриб бу ранжлар дил ва вужудимдан ариди, жоним тинчланди... Сен эсанг мени нуқул ҳордиққа чорлайсан, мақсаддан чалғитасан.

– Маъзур тутгайсиз, ҳазрат, мен оёғим остидан нарини кўролмай ҳасратдаман.

Хафиф ёшлигидаги каби бир муддат кўзларини ерга тикиб, уялганини билдирмаслик тадоригини кўрди. Сўнг, бирдан хаёлига келган фикр миясида чақмоқдай ёришди-ю, хижолатпазликни ҳам унутиб, устозига нигоҳ бурди.

– Кечиргайсиз, Абу Абдуллоҳни Муҳаммад Руъям, Ибни Ато ва Жунайд ҳазратлари суҳбатига эргашганидан боши кўкка етган экан, ўшал аллоҳнинг валийлари кимлар эди?

Ҳазрати Аттот қўл ишорати ила дарахт шохига илиб қўйилган хуржунни кўрсатди. Мурид уни Муршидига келтириб берди. Хуржундан мовий рангли дафтар олган ҳазрат уни узоқ варақлади. Сўнг керакли саҳифасини очиб, ўқимоққа тутинди. Аввал кўзларини юммай ўзига тикилган ҳамсафарига бир қараб қўйди.

– Эшит, Бағдодда Жунайдни “ҳақиқат аҳлининг султони” деб атардилар. Ўзи орифлар орифи Сирра Соқотийнинг муриди ва жияни эди. Муборак ҳаж зиёратига ҳам шу тоғаси олиб борган.

Ўшанда етти ёшли бола эди. Кейинчалик катта мартабаларга эришди. Тоғаси доимо “Жунайд менинг муридим, аммо муомала бобида мендан ортиқ” дея эътироф этган. Қирқ йил хуфтон таҳорати билан бомдод намозини ўқиди. Доимо рўза тутар эди. Лутфларида маъно ва мантиқ кучли эди. Қара, устоз нима дебдилар?

– Инсонни йўлдан урувчилар кўп, энг кўрқинчлиси: макр, қаҳр ва хушомад саналур.

Яна айтдики:

– Орифнинг етмиш мақоми бор. Биттаси – ҳаргиз бу жаҳон муродини тиламаслик; оқил улдирким – ёлғизликни севар. Узлат икки қисмдир: биттаси – халқдан, иккинчиси эса – нафс истакларидан мосуволик.

– Содиқ улдирки, ўзига зиён етадиган жойда ҳам тўғри сўзлағай...

Шу сўзлардан сўнг ҳазрат қўлларини дуога очиб, Жунайд Бағдодий ҳақиға икки дунё саодатини тилади.

Бу вақтда Хафифнинг маънавий чанқоғи ўн чандон ортиб, яна устоз лутфига илҳақ кўз тутарди. Бу илҳақликни ориф сезди:

– Абу Муҳаммад Румъям чиндан ҳам Жунайднинг ёронларидан эди. У фикҳ, тафсир ва Қуръон илмида ягона ҳисоблангани боис Жунайд унинг ҳузурига ошиқар, суҳбатига муштоқлик сезарди. Ул зот ҳақида шундай ривоят эшитибман: “Андоқки, Румъям ҳазратлари жони чиқаётган онда кулар эди. Жонини таслим этди. Ўша қиёфаси ўзгармади. Табиб уни тирик деб ўйлади. Қўлини нафасига тутди. Ул ҳазрат эса аллақачон ҳаққа етишган эди”. Ёдингда тут, аллоҳнинг севиқли бандалари учун ўлим олий бир тухфа саналур.

Унинг бир лутфини эслатурмен. Дебди: “Ихлос – ўқиган намозинг ва бошқа тоатларинг учун икки жаҳонда ҳам эвазини тиламасликдир”. Ажабки, бул замон кишилари намозда дунё тамасини қўймаслар, сўрарда бойлик, мол-мулк неъматини

тилидан туширмаслар, ибодати эвазига гўёки аллоҳни қарздор қилгандай манзарат кутгайлар. Ўйлаб ўйимга етолмасмен, бу тирик махлуқот нега кўпи қолиб, озини сўраётганига ақли етмас...

Ҳафифнинг кўзларида ҳайрат зухурланди. Не тонгики, у тез таъсирлангани ба-робарида завқ-шавқи ҳам тез босилар, худди қайнаётган қозонга сув қуйилган каби паришонлик бутун вужудини эгаллаб оларди. Ана шу илм танбаллиги комиллик мақомига кўтарилишига тўсқинлик қилиб, қувваи ҳофизаси теранлашиши, қалбига нур инишига монелик кўрсатарди. Баъзан ҳар бир ҳикмат ва ривоятни жон-қулоғи ила тинглаб, ҳадсиз қизиқишини тўхтатолмас, гоҳида эшитганларинида тезда ёдидан чиқариб, бу йўқотиш залварини сезмай яна хотиржам юраверарди. Муҳими у куни ўтаётганлигидан, шундай ҳалим ва сабрли зот хизматиға яраётганлигидан боши осмонга етиб қувонар, ўзгача ҳаётни тасаввурига сиғдирилмасди. Чунки уларни наинки кунлар ва ойлар, балки узоқ йиллар силсиласи бир-бирларига пўлат занжир каби ўраб-чирмаб ташлаган эди.

– Пирим, биламен, сиз толиқдингиз. Аммо ибн Ато ҳақида икки оғиз ташбеҳ эшитмагунимча кўнглим тўлмас. Аллоҳ умрингизни-да, илмингизни-да зиёда этсин, не-не авлиёлар лутф каломини, тариқатини авлодлар илқиға тутмоқдасиз.

Ҳазрат бир тебраниб, муридига ғалати қаради.

– Яна ҳамд-сано! Бу иллатдан тириклик чоғи қутулмоқ умидинг борми?

Ҳафифнинг меҳри офтоб янглиғ уфуриб, тилининг жилови ечилди.

– Тарки одат-амри маҳол. Боз устиға кимгадир иллат туюлган бу одат менга зийнат. Ахир эс таниганимдан буён этагингиздан маҳкам ушлаб келмоқдамен. Билганим ёлғиз аллоҳу, унинг валийси ҳазрати Аттор. Шундай бўлгач, яна кимга мақтов ёғдирай, меҳримни кимга сочай. Мана шу қаршингиздаги тоғлар гувоҳлиғида сизга қўл берганим ёдимда. Айланиб, ўргилиб яна шу жойға қайтибмиз. Илло, армоним шул эди, танимни она туфроғим бағриға олса, деган ният менга осойиш бермасди. Шукурки, шаҳримиз остонасида турибмиз, буёғи яна ўзига ҳавола. Аммо сўнги нафасимға қадар хизматингиздан чекинмайман.

Устоз муридининг гапларидан таъсирланганини сездирмаслик илинжида бошини қалин муқовали китобидан кўтармай узоқ ўйға толди. Сўнгра хаёл уммонига шўнғиган шогирдиға юзланди.

– Кўнглингдаги тилакларинг рўёбға чиқишиға роббим енгиллик берсин. Энди эшит, ибн Ато не дебдур: “Ботин – ҳақ назиргоҳи, у фақат покликка лойиқ. Ҳар кимнинг кўнглида охират андишаси бўлмаса, шубҳасиз, шайтон уни ўлғунича дунё андишалари билан машғул этар. Ҳар кимки, адабдан маҳрум қолди, барча яхшиликлардан ажралди...”

Бир куни ибни Ато ҳазратлари ёронларидан сўради:

– Одам юксак мартабаға қай тариқа эришгай?

– Кими тоат билан, кими мушоҳада билан, кими риёзат билан, кими садақа ва эҳсон билан... дедилар. Ўзлари эса:

– Яхши феъл-атвор билан эришгай, – дея лутф этдилар.

Мана бу ривоят ҳам ибрат сандиғиға ўхшайди.

– Шайх ибни Ато ҳазратларининг ўн ўғли бор эди. Азим ва кўркама кўринишли, жамоли хуш, феъли очиқ йигитлар сифатида танилгандилар.

Бир куни оталари билан келишаётганда саҳро ичида қароқчилар қўлиға тушдилар. Бетавфиқлар тўққиз ўғилнинг бошини кесдилар. Ҳар гал ибн Ато муборак юзини кўкка тутиб, “шукур, сендан келган қазоға шукур”, дер ва кулар эди. Қолган биттасини ҳам тутиб, кўзини боғлашди.У:

– Сен отамизсан, бизни кўз ўнгингда битта-биттадан сўйишди, бир оғиз сўз айтмадинг! Яна кулиб, шодлик кўрсатяпсан! – деди.

Шунда ибн Ато ҳазратлари:

– Эй ўғлим! Бу ишни қилган ул подшоҳға (тангри таолоға) сўз айтмоқ ярамай-дир! Зеро, у ҳолимизни кўрар ва эшитар. Кучи етгай эдики, сизларни сақлашға. Мен бунда ожиз бандаман. Унинг ишиға не сўз айтаман? – деди. Қароқчилар сардори бу сўзлардан қаттиқ таъсирланиб, ўғлини қўйиб юборди.

– Эй пир! Агар шу муножотни бошида айтсанг эдинг, биронта ўғлинг ўлмасди, – деди.

Ибн Ато ҳазратлари:

– Бу шундоқ ёзилмиш эди. Қисматга даъво йўқ! – дея жавоб қайтарди.

– Қисматга даъво йўқ, – негадир хомуш такрорлади Хафиф. – Агарчи шундоқ бўлмаганида эҳтимолки ҳаётимиз ўзгача кечармиди, биз ҳам бошқалар каби болачака орттирармидик.

Ҳазрати Атторга бу тавалло ёқмади. Лекин шогирднинг бот-бот фикрдан адашиб қолиш одатини билгани боис бу зорланишига ортиқча урғу бермади. Шунинг баробарида ўз даврида халифаликка унамаган муҳтарам зот Суфёни Саврийнинг эътирофини хотирлади. Ва шу заҳоти бу хотирот хаёлидан кўтарилмай дафтарига муҳрланди. Ривоят мазмуни қоғозга шундай тушди.

“Суфённинг ёшлик чоғида бели букилган эди”.

– Бу недандир? Туғишганларинг барчаси тик, адл қоматли, бундай нуқсон боиси недур? – дея сўрашди ундан. Суфён жавоб берди:

– Фоят олим бир устозим бор эди. Ундан илм ўрганардим. Бу зотга мавти (ўлим) ҳолати яқинлашди. Мен бошини ушлаб ўлтирардим. Ногаҳ кўзини очиб айтдики:

– Эй Суфён! Кўряпсанми, мени нима қилурлар? Эллик йилки одамларга дарс бераман, халқни тўғри йўлга бошлайман. Энди бу замон мени керак эмассан дейдилар... Ҳар қанча имон талқин этмайин, унамади. Бир гина туфайли дунёдан беимон кетди. Энди буни кўрган кишининг бели букилмай нима қилсин?! – деди у.

Хафифнинг озорида ҳам шунга ўхшаш гина зоҳир. Ишқилиб аллоҳ уни имондан айирмасин.

Пири комил беихтиёр мункиллаган шогирдига кўз ташлади. Вожаб, у кекса арча остига жойнамоз ёзиб, нафл намози ўқимоққа тутинганди. Одатда у ҳеч қачон устозидан аввал, ибодатга машғул бўлмасди. Ҳозирги хатти-ҳаракати анчайин эътиборли ва қайсидир маънода тушунуқсиз эди.

Шайх унга ҳалал бермаслик учун яна битикларига кўз югуртирди. Шу пайтга қадар мингга яқин азиз-авлиё ҳақида маълумотлар тўплабди, айримларини дафтарига тушириб улгурди. Бироқ ҳали қиладиган юмуши кўп. Ўзига қолса юртга қайтмай яна Шому Ироқ оралиғида дунё кезмоққа рағбати бисёр эди. Иккинчи тарафдан шу тўплаган ривоятга нақллари жамлаб, уларга тартиб бермоқ заҳмати ҳам анча вақт олмоғи тайин. Умр эса ўз интиҳоси сари жадалляпти. Ана шу мулоҳаза уни навбатдаги ҳаж сафарини ортга суриб, Нишопурга йўл солишга ундагани аниқ эди. Мақсади ота кўрғонини тиклаб, хонадон чироғини ёқиб, умрининг охириги дамларини ўзи учун азизу мукаррам саналган Шодиях қишлоғида умргузаронлик қилиш эди.

Зоҳиран ўйланса Хафифнинг бояги андишасида адолат рухсори кўрингандай туюлур. Аслида-чи? Аслида бу риёдан ўзга нарса эмас. Юрт кезинмоқ, мусофирлик ранж-аламини тотмоқ асносида дунё неъматига етишмоқ муддаоси зуҳурланса, билинки, бу энг озига даъвогарликка розилик аломатидир. Искандар каби курраи заминни кафтига жойлаштирган кимса ҳам алалхусус ёруғ дунёда жуда кам бойликка кўнганлигини ўлимидан кейин англайди. Омонат олам ҳузур-ҳаловатидан кечган оқимнинг ниятида буюк мақсад ётади. Яъниким, бу мақсад охиратда ҳаққа етишмоқ саодатидир.

Афсус, ният ила қисмат мезони фарқига бормай, мансаб, амал, дунё учун имонидан юз ўгирадиганлар қанча? Нафс гапига кириб, одамийлик қиёфасини йўқотишдан кўрқмайдиганлар даврнинг қули, яна ҳам аниқроғи, нуқсидирлар. Қозикалонлар, амалдорлар, амирлар ва шу каби омонат дунё тузоғини тожу тахт деб билганлар омонат нарса учун чин дунёсини алиштирган нодонлар ҳисобланади. Акс ҳолда Суфёни Саврий: “Ҳаром мол топмоқ қиёмат ҳисобига ишонмасликдир, кимки қиёмат ҳисобига ишонмаса, кофир бўлур”, дея огоҳлантирмас эди.

Миллатнинг чироғи – имоми жаҳон номини олган Абу Ҳанифаи Куфий ҳазратлари ҳеч орасини узмай ўттиз йил рўза тутган эди. Бутун рамазони шарифда олтмиш мартадан ортиқ, умри мобайнида етти минг марта Қуръон хатм қилганди. Эллик беш бора Каъбатуллоҳга борган ва ўттиз жилдли “Мабсут” асарини ёзиб, олтмиш тўрт мингдан

ортиқ фатво берган буюк зот, қозилик мартабасидан кўра, ўлимни афзал билганида қандай ҳикмат зоҳирлигини англамаган инсонлардан яна нима кутмоқ жоиз.

Тўғриси ҳам шу: бу дунёда кўнгил тусаб, қўлга илингудай нима борки, ақлли одамнинг унга майли ортса... Бу дунёнинг сирти гўзал, холос, ботини эса алдамчи, чиркин ва жаҳолатга ботиб кетган.

Шул ваҳдин Абу Туроб Нахшабийнинг муриди Ҳамдуни Қассор айтмиш:

– Ҳар ким ўзини устун қўйса, фиръавндан баттар бўлур. Ҳар кимки дунё талаби билан бўлса, охирати хор бўлур. Ҳар кимки дунёни хор тутса, дунё аҳли унинг кўзига улуғ кўринмас. Ҳар кимки мусибатга кўниб сабрни унутса, аллоҳ билан жанг қилган бўлур...

Шу топда ҳазрати Аттот бошини қуёшдан яширган дарахт сояси қисқариб, офтоб забига ола бошлади. Ана шундагина устоз ўз “ҳазина”сига андармонликда вақт нафасини сезмай қолганлигини англади. Наҳотки аср намози хаёлидан фаромуш бўлмиш. Нега Хафиф бунчалар жим, нега устозини огоҳлантирмади?

Пири муршид дафтарларини эҳтиётлаб хуржунга жойлагач, шогирди ибодат қилаётган томонга юз бурди. Хафиф саждага бош қўйганича миқ этмай турарди. Ҳазратнинг вужудини ажиб хавотир эгаллади. “Ишқилиб, ухламаган бўлсин-да!” У шу мулоҳаза билан қалин ўт-ўланларни битта-битта босиб, танаси тилим-тилим баҳайбат арча дарахти томон юрди. Қўли билан Хафифни уйғотмоққа чоғланди. Озгин панжалари юрагига яқин шогирдининг чаккасига текканида юраги шув этди.

– Хафиф, тур ўрнингдан!

Шогирддан садо чиқмади.

Шунда у, намоз одобига хилоф бўлса-да, ибодат соҳибининг пешонасидан ушлади. Шундай иссиқда ҳам пешона муздай эди.

Ҳазрати Аттотнинг дилига чўғ тушди. Не бахтки, неча йиллик дардқаши, ҳамсуҳбати, дўсти ва биродари Хафиф ўз юрти остонасида жойнамоз устида ҳузури муборакка равона бўлганди. Не бахтки, унга айнан шундай ўлим насиб этибди. Демак, у аллоҳнинг суюкли бандалари қаторидан жой олган экан-да. У бундай шарафга пок қалби ва самимияти туйғайли эришган бўлса ажабмас. Қанийди, ўзи ҳам шундай содат неъматига лойиқ топилса, қанийди аллоҳ ҳузурига шаҳидлик мақомида кетса...

Ҳазрати Аттот тошлар орасини очиб, шомга қадар қабр қазиди. Неча йиллар ёнида юриб хизматини ўтаган содиқ шогирдини ўз қўли билан жойига қўйиб, жанозасини ўқиди. Яна янги тонг отгунича қабр ёнида ўлтириб, Қуръони карим оятларидан ўқиб, унинг руҳига бағишлади. Эрталаб қуёш тоғлар ортидан минг истиҳола ила мўралаётганида у неча йиллик ҳижратдан сўнг яна гавжум Нишопур шаҳри остонасини ҳатлаётган эди.

15

Орадан яна ўн беш йил ўтди. Ёши бир юз ўн тўртга етган ҳазратнинг ҳаракатлари ҳамон тетик, қадди бир оз букчайганлигига қарамай, ўз хизматига бемалол ярайдиган даражада.

У отасидан қолган эски ҳужраларда, халқдан бутунлай ажралиб, фақат ёзувчизувлари ила андармонликда узлатда ҳаёт кечирарди. Даставвал у юртга қайтган ҳамона ҳукамолар суҳбатига аржумандлик билдиришиб, тез-тез йўқлаб турдилар. Аммо дунё ишларию бойлиги, фисқу фасод, таънаю маломат, зулм ва ҳасадгўйликдан иборат бундай машваратлар аллақачон пирнинг бадига урган эди. Фақат падари бузруквори Иброҳим Аттот қонидаги меҳмондўстлик, тавозе ва хушодоблик важдан бош-учи кўринмайдиган зиёратчилар хуружига дош берар, билъакс, сира суҳбатга рўйихушлик бермас, беҳуда каломга оғиз очмас, мулоқотга кўр қаламас эди. Аммо кунларнинг бирида бу оғир юмушнинг уддасидан чиқишга сабру бардоши заифлик қилиб қолди.

Ўшанда саратон тафти босилиб, файзиёб куз ўз кўркини намоён этишга чоғланган эди. Гарчи ҳовли саҳнидаги анжир, анор, хуросон нашватисию, шом пўртахоли пишмаган эса-да, бошқа ноз-неъматлар дастурхонни безаб, замин саховатини кўз-

кўзлаётгандай. Сухбатга шаҳар қозикалони Мухосибий, имоми аъло Абдул Раҳмон ва яна бир неча дин пешволари ташриф буюришганди. Машварат бундан неча замонлар муқаддам устозлар устози шайх Рукниддин билан сўнги бор учрашган ўша кенг ва кунгурадор чорпояда ўтаётганди. Меҳмонларнинг мақсади аён – яъниким Фаридиддин Атторни шаҳар мухтасиблигига даъват этмоқ эди. Аммо турли диний қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар, тўс-тўполонлардан безган, қолаверса, дунё ишлариданда муҳим мақсад сари умрини бағишлаётган зот учун бу таклиф ердаги хас каби арзимас ва қадрсиз эди. Лекин аъёнлар учун бу лавозим юксак мартаба, қиёси йўқ шон-шухрат, ҳадсиз ишонч саналарди.

– Аъло ҳазрат, яъниким Нишопур волийси сизнинг асарларингиздин беҳад мутаассирланиб, ўз ахкомлари ёнидан жой олишингизни истайдир, – деди йўғон овозда мухосибий, мошгуруч, қалин соқолини силаб. – Илло сиздайин алломаи давронларнинг саройга яқинлашуви маърифат зиёси тағинда порлашига йўл очгай.

Мезбоннинг қиёфасида заррача ўзгариш сезмаган Абдул Раҳмон қозикалонга ялтоқланиб, фикрини маъқуллади.

– Адолат шамшири, ҳақиқатзабон қозикалонимиз ори рост сўзлайдир. Ахир неча йиллик илм қудратини эл-улус равнақи, авом фароғати учун сарфламаслик гуноҳи азим эмасму. Илм амал билан зийнатланур.

Чиндан ҳам мезбон ўз ўй-хаёли ичра асири лутф эди. Унинг қочқин фикрлари шу топда ота-она хонадонидан қувилган кунларга қанот ёзиб турарди. Чунки, Атторни шиалар тарафдори деб ёзғирганлар ҳам, асарларини оловга отганлар ҳам, ўзига лаънат тамғасини босганлар ҳам шулар эди. Қизиқки, энди бу иддаолар ўрнини тамомила бошқаси эгаллабди. Гўё орада ҳеч қандай гап-сўз ўтмагандай, гўёки мазҳаблар ўртасидаги маънисиз, мақсадсиз курашлар барҳам топгандай, гўёки чиркин ва қора ниятларга ҳожат қолмагандай.

– Мен ҳамиша мўмин-мусулмонларнинг тинч ва осойишта, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирिशларини истагаймен, – дея ўз мулоҳазасини ўртага ташлади ҳазрати Аттор. – Аслида ўз диний қарашлардаги айирмачилик динимизни яхши билмаганимиздан, унинг моҳиятини англамаганимиздан. Ахир, ўйлаб кўрайлик, Жалолиддин Румий сўнги китоботида динимизни етмиш уч фирқага бўлинишини айтиб, ҳар бир қавм алал-оқибат бир манзилда учрашажагини баён этибдилар. Ахир, ният ва маслак муштарак бўлгач, ким қайси тарафдан бориши шунчалар ғалаёнга арзирмикан?

Меҳмонлар қўлларини таомдан тортишди. Қозикалоннинг ғилай кўзлари совуқ ёнди, гўёки соқоли туклари таранглашди. Пойгақдан жой олган қорни қаппайган, калласи катта, бурун катакларидан тук чиқиб, мўйловига қўшилиб кетган миршаблар бошлиғи тўрдаги қозикалонга хавотирланиб қараб қўйди. Албатта, ҳозир волийнинг буйруғи бор, акс ҳолда шу бир оғиз калима олимнинг бошига не ғавғолар солиши ҳеч гап эмасди. Вазият қалтис тус олди. Барчанинг нигоҳи юксак мартаба соҳибига қадалди. Мухосибий (отаси қодарий масҳабидан бўлган, замонасининг шайх ул-машойих номи ила машхур авлиё Ҳариси Мухосибийнинг авлоди) бундай ҳолатлардан ҳамирдан қил сугургандай осон чиқиб кетиш қобилиятини кўрсатди.

– Устоз, сиздай пири муршид неча йиллар илгари йўл қўйилган хато учун гинахонлик қилиб юриши бизни кўп хижолатга солмоқда. Очиғини айтсам, бугунги юришимиз сабаби аввало сиздай муҳтарам зотдан узр сўрамоқ ва кейин ана шу андиша жароҳатига малҳам сифатида кадр-қимматингизни азиз тутмоқ эди.

Мезбон ноқулай аҳволга тушди. У қозикалондан бундай мулозамат ва азмойиш кутмаганди. Шу боис соддадиллик билан ўзини оқламоққа киришди.

– Мен фикримни аниқ тушунтиролмадим чоғи. Айтмоқчиманки, мусулмон кишилар ҳеч қачон сохта муҳолифотга берилмай, Каломуллоҳ, пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва авлиёлар лутфларига ишониб, амал қилиб яшамоқлари жоиз. Ахир исломнинг мағзи аҳиллик, биродарлик, меҳр-оқибат эмасми? Бу дунёи дунга барчамиз бир кечалик меҳмонмиз. Надоматларким, меҳмонлигимизни унутиб, ўзимизни мезбондай сезамиз, арзимас ташвишларни оламнинг фожиаси сифатида баҳолаймиз, бемаврид ва бесамар жанжал кўтариб чарчамаймиз. Риёзат, қаноат бобида машхур

шайхлардан Абу Сулаймон Дороний айтибдурким: “Ҳар кимки дунёни тарк этди, кўнгли мунаввар бўлди”. Биз ожиз бандалар учун дунёдан воз кечмоқлик қийин туюлур, боиси анинг вужудимизга ёпишган иллат эканлигини идрок этолмасмиз. Ахир, иллат ҳам нажосат каби ўзидан бадбўй таратур, инсонни ҳидоят йўлидан чалғитиб, залолат маконига тортадур.

Устоз негадир берилиб сўзламоқда эди. Аммо у сувни сингмайдиган жойга сепаётганини ҳам сезиб турарди. Филҳол, ёмғир ҳарсангни юволмас, аммо муттасил оққан томчи тошнида тешар.

Бирдан қозикалон Абдулло ибн Муборак ҳаётига оид ривоятни эслаб, Фаридиддин Атторни мулзам этмоқчи бўлди.

– Ҳазрат, билурсизким, Абдуллоҳ ибн Муборак аёл зотиға бефарқ эмасдилар. Беайб парвардигор, деганлари шу ваҳҳдан эрмасмикан?

Мезбон қулоқлари динг меҳмонларга бирма-бир нигоҳ ташлади. Мухосибийнинг топқирлигидан завқланган аҳли давра бир тебраниб, Аттор оғзини пойлади. Бу қалтис савол замирида алоҳнинг валийлари обрў-мартабасини оёқ ости қилиш, топташ ҳузури ётгани аниқ эди.

– Хотирангиз бунданда зиёда бўлсин, тақсир, – деди пир дастурхондан бошини кўтармай, – Андоқким хўп ажиб воқеалар дилингизга муҳрланур. Одам фарзанди у шундоқ турур – нимани севса ўшандай хотиротлар кўнглига нақш каби чизилур...

Ҳеч ким Аттордай синиқ, ҳалим ва эҳтиёткор донишманддан бундай журъатни кутмаган эди. Жавоб ўқи нафақат димоғдор қозини, шунинг баробарида аёнларнида оғзига нос пуркалган илон каби тўлғонтириб юборди. Бироқ ҳеч ким қиличини қайрашга ботинолмади. Сабаби ўртада волий топшириғи турарди.

– Ибн Муборак атиги бир дафъа кўз зиносига эрк берди. Шуниси ҳам борки, унинг маъшуқаси оддий аёл эмас, фаришта эди. Агар фаришта бўлмаса шундай жавоб айтурмиди?

Абдурахмон домла ингичка овозини авж пардасида сўроққа тутди.

– Ажаб, ул жувон нима деганди?

Ҳазрат ҳам атайлаб шу ўртанишни кутганди, оҳиста лутф айлади:

– Эй Муборак ўғли! – дея хитоб қилганди париваш. – Уялмайсанмики, тонгга қадар нафсинг учун оёқда тик турдинг, мени пойладинг. Агар имомга эргашсанг, имом ибодатда Қуръонни сал чўзса, сенга малол келар эди...

Шу лутф боис Абдуллоҳ ибн Муборак зуҳд йўлини танлади, шоҳаншоҳи уламо даражасига кўтарилди. Илм ва шижоат, ҳунар ва саховатда назирини йўқ эрди.

Гурунг қиёмига етганида аёнлардан бири энди Ҳусайн Розий раҳматиллоҳи алайҳи шаънига номуносиб сўз айтди. Бу даъво ҳазратни кайфиятига қаттиқ таъсир этди. Боис у кечагина шайх Юсуф бин Ҳусайн Розий ҳақидаги таснифини ниҳоялаб, ул зот ҳақиға узундан узоқ дуо ўқиган эди.

– Сиз ҳазрати Юсуфни билурмисиз? – нафис лаблари қалтираб сўради Муршид.

Меҳмон дум-думалоқ кўзларини умидворлик ила қозикалонга йўналтирди. Бу пайтда ҳолва шимийетган Мухосибий гап пайновини илғамай қолганди.

Сухбатга бемаврид ўт қалаганини фаҳм этган аён ўзини гўлликка солишдан ўзга нажот тополмади.

– Сиз Юсуф пайғамбарни назарда тутяпсизми?

– Маъзур тутинг, меҳмон, мен айнан сиз тилга олган Ҳусайн Розий ҳақида изоҳ бермоқчиман.

“Бир куни у араб қабиласи ўрнашган манзилга борди. Араб бекининг қизи уни кўриб ошиқ бўлди. Қиз ғоят соҳибжамол ва латофатли, гўёки бир қошиқ сув ила ютгудай сулув эди. Йигит ишқида ақлу ҳушидан мосуво санам охири севгилисини қидириб келди. Учрашган жойлари дарё қирғоғидаги дарахт ва гулларга бурканган чаманзор эди. Қиз дарҳол ўзини йигитга таклиф этди. Аммо Юсуф гуноҳга қўл урмади – аллоҳдан кўрқди. Нафсини тийиб, пок ҳолида изига қайтди.

Ўша кеча туш кўрди. Тушида кўкаламзор, чор-атрофи гулларга бурканган боғдаги баланд тахтни кўрди. Тахтда юзига ўн қават парда тортилган подшоҳ ўлтирибди, атрофида яшил либосли йигит-қизлар хизмат қилиб юришибди. Юсуф улардан сўради:

- Сизлар кимсизлар?
- Бу тахт соҳиби Юсуф пайғамбар, атрофидагилар эса фаришталардир.
- Қаён борурсизлар?
- Биз шу манзилда яшайдурган Юсуф бин Розий зиёратига чиқиб эдик.
- Ё аллоҳ, ахир мен кимманки зиёратга лойиқ инсон бўлсам, – деб ҳайронлигини билдирибди у.

Шу вақт тахтдан Юсуф пайғамбар тушиб келибди, уни қучоқлаб бағрига босибди, қўлидан ушлаб ўз тахтидан жой берибди.

– Араб бекининг қизи ўзини сенга бағишлади. Сен аллоҳ қўркувидан уни тарк этдинг... Ҳақ таоло ҳазратлари сени улуғ валийлар силсиласига қўшганлигини айтмоқ учун мени жўнатди...

Раббим ёрлақанган зот бошига маломат ёғдирмоқ мўминлик белгиси саналмас...”

Аслида нодонга жавоб сукут эди. Лекин ҳазрат ҳаргиз бировни нодонликда айб-ламасди. Бироқ нодон шунинг учун нодонки, манзаратни хушомаддай, ҳурматни мажбуриятдай тушунади. Ақли ноқис кимса ҳозир изза тортганини тан олмай яна мавзунини давом эттирмоққа уринди.

– Хўп яхши, – деди чийилдоқ товушда. – Юсуф Розий шафоатга муносиб эркан, гуноҳи елкасидан тўкилибди. У ҳолда Утбат ул-Фулом тўғрисида не деурсиз?

– Утбат чиндан ҳам зинокор кимса эди. Навбатдаги аёлга киши қўйди. Аёл менинг қаеримга ошиқ бўлибди, деб сўради. Жавоб келдики, қаро кўзлари юрагини ўйнатиб юборибди. Парда ичидаги аёл сира иккиланмай кўзини ўйиб, тобоққа қўйибди.

– Кўзимни севган бўлса, олсин! – дебди.

Бу ҳолдан қаттиқ таъсирланган Фулом чин дилдан тавбага юз бурди, Ҳасан Басрий хизматига кирди.

Вақти келиб, сайрда бир ҳур қизга кўзи тушди.

– Ё Утбат! Мен сенга ошиқман, ҳеч қачон мени қўйиб бошқа аёлни истама, токи мен сенга қарам бўлмайин... – деди ўша ҳур. Утбат жавоб берди:

– Мен дунёни уч талоқ қўйдим! Киши уч талоқ қўйгани билан қандоқ яшагай?

Авлиёлик наслидан ўтадигани мартаба эмас, унга фақат ихлос, тавба ва зуҳд орқали эришилади. Одам борки, бир тасодифий гуноҳ орқали шафоатга эришади, одам борки, бир гуноҳини кейингиларига улаб умргузаронликда давом этаверади. Бу ҳам бир сир-синоатки, унинг моҳиятига етиш маҳол.

Орага жимлик қўнди. Боядан буён ибратли лутфи каломларни бир қулоғи ила тинглаб, иккинчисидан чиқариб юборган Муҳосибий қалин, гўштдор лабларини ҳафсала билан сочиққа артиб, мақсадга кўчди.

– Хўш, биз Халифанинг ҳам дўсти-шони олий волий ҳазратларига сизнинг ишончингиз боисинда не хабар айтмоғимиз лозим кўрилуру?

Фаридиддин Аттор шунча гапдан сўнг яна шу масала кўтарилганига ҳайрон қолди. Ниҳоят, бир оғиз гап билан муаммога нуқта қўйди.

– Жанобингизга етказинги, менга саройдан кўра охират яқинроқ турибди. Кекса одам манзилининг қисқароғини танлаб қоларкан.

Меҳмонлар бу гал миқ этиб оғиз очишмади. Тезда дуога қўл кўтаришиб, Аттор ҳовлисини тарк этишди. Бу пайтда замон қалқиб, бутун курраи заминни Чингизхон даҳшати қамраб келаётган эди...

16

Деразадан тушган ой нури пастаккина ҳужрани хира ёритарди. Ҳазратнинг кекса қалби ҳам шу тахлит ним қоронғи. Во ажаб, неча йилки, уйдан остона ҳатлаб кўчагада чиқишга вақтини қизганган, ҳаётининг мазмунини ибодату риёзат деб билган, дунё лаззатлари ҳақида ўйлаганида кўнгли беҳузурлик сезиб, шу биргина ҳаёлотини учун ҳаё, андиша ўтида қовуриладиган зотнинг бугун қўли ёзув-чизувга бормай турибди. Бу не ҳол? Бу таннинг руҳга қарши исёними? Неча йиллар давомида саркашлик нелигини билмаган идрок нечун бугун даштдан чиққан от каби тайсаллаб қолди? Нега ақл шамчироғи худди булутлар орасига беркинаётган ойдан андоза олур? Бу одатий ва оний чарчоқ хархашасими ёки дил безовталиги ибтидоси?

Қизиқ, ёшини яшаб, ошини ошаб, бир инсон елкаси кўтаргудай юмушларни-да адо этиб, фоний дунё захматларига чидаш баробарида, боқий дунё тадоригини кўриб улгурган кекса одамга дил ғалаёни қайдин ёпишди? Ахир, у бундай туйғулар таъсиридан қутилмаганмиди? Йигитлик чоғи ўша дарвеш кимса бирлан мулоқоти-ю, соҳиби кароматнинг омонатини осонгина эгасига топширганидан сўнг инсоний истак ва ҳавасларидан мосуво бўлганди-ку?! Нега кўнгли ғаш, нега қалби бунчалар безовта, нега ичини ит тирнаётгандай?! Бу жафо асрори яхшилиқданму ёки ёмонликдан? Умр нарвонининг энг юксак поғонасида одам учун ўлим даҳшати у қадар кўрқинчли эмас. Бор бисотидан айрилиши ҳам соқолининг бир мўйи тўкилишидай арзимас ҳол. Унда инсонни саросима ва ҳадик қаърига етаклагувчи яна қандай хавф бор экан?!

Ҳазрат илкидаги китобни ёпиб, анчагача деразадан ташқарига тикилиб, хаёл умонига шўнғиди. Отаси Иброҳим Атторнинг барваста, доимо залварли қадам ташлагувчи кўркам қиёфаси кўз ўнгига келди. Гўёки, деразадан ташқарида туриб, ўглининг ҳолатини кузатаётгандай туюлди. Отанинг юз-кўзларида аввалги бегуборлик, самимият ва меҳр уфураётгандай. Ҳазрат ҳам сезмаган ҳолда падари истиқболга пешвоз чиқмоққа пешланди. Бироқ дунё йўлларини роса чангитган оёқлар кўнги амрига бўйсунмади. У чорасизлигини англаб, хижолат чекди. Энди томирлари қаламдай бўртган қўллари билан дераза раҳига ёпишди. Бироқ бу хатти-ҳаракати ўзини-да овунтирмади. Боз устига ўғлига маъюс боққанча Иброҳим Аттор секин-аста ундан узоқлашиб борарди.

– Ота! – унинг овози заиф эшитилди. Шу заиф сас ҳам гўё оламни тутгандай янгради.

– Кетманг, ота! Нега келдингизу нега бир оғиз сўз айтмай қайтмоқдасиз? Ёки мендан ранжиганмидингиз?

Ё кудратингдан! Дераза ортидаги оппоқ шарпа кўз кўрадиган оралиқда муаллақ тўхтади. Оппоқ саллалли бош ортга ўгирилди. Ўша серсоқол, мулойим лаблар ҳаракатга келди.

– Болам, аллоҳ рози бўлган фарзанддан ота рози бўлмайдимми?

Бу лутфни қулоқлар эшитмади, лекин, қалбга нур каби куйилиб кириб, ақлни беҳад чароғон этди. “Худо рози бўлган фарзанддан ота рози бўлмайдимми?” Бу ўнгими ёки ширин туш?! Агар ухлаётган эрса, шу ҳолатда кошки уйғонмаса. Агар ўнгида кўраётган бўлса, унда нега соғинтирган зот ичкарига қадам босмай қайтаётир?!

– Муҳаммад, болам! Аллоҳнинг ваҳдонияти ва илми ирфони ила битган асарларинг номини ўзингдан эшитмоқ умидида ёнингга келган эдим.

Аттор ўз руҳиятида илгари сира туймаган хотиржамликни ҳис қилди. Тафаккур сарчашмалари ҳаёти мобайнида ёзган китоблари сари учди.

– Эҳ, отажон, уларнинг қай бирини айтай, қайси дostonимдан сизга сўз очай?

Қалбда нидо кўтарилди.

– Барча, барчасини айт, болам. Бугун фарзанднинг отага ҳисоби куни. Ҳа, шундай деб атасам, адашмасмиз.

– Яқинда “Илоҳийнома”га нуқта қўйиб эрдим. Сал барвақтроқ “Асрорнома”, “Мушибатнома”, “Ҳайдарнома”, “Мухторнома”, “Хусравнома”, “Булбулнома”, “Уштурнома” каби китобларга тартиб бергандим.

– Яна эсла! Назаримда, энг асосийси хаёлингдан кўтарилган кўринадир.

– Орий рост, ота! Бу асаримни ҳануз тилга олгани тортинамен.

– Сабаб?

– Боисини билурсиз...

– Билсам, сени қистамас эрдим. Бугун юрагингда нон увоғидай сир қолмасин, кўнглингни бўшатиб ол, болам.

Ҳазрат деразадан боқмоқликка ўзида куч топа билмади. Гўёки у айни балоғат ёшида-ю, ўз кечмиш дафтларини минг истиҳола ила падарига баён этаётгандай.

– Нега сукут сақлайдирсен, ахир, андишага йўл қолдирган жойинг йўқ-ку?

– Шундай, бироқ, “Жавҳаруз зот” туфайли суннийлар билан шиалар ўртасидаги нифоқ ўти андак аланга олган эди.

– Куйинма, бу ўринда сенда қусур ҳам, нуқс ҳам йўқ. Сенинг асаринг мутаассиблар учун бир баҳона, холос. Агар “Жавҳаруз зот” эрмаса, бошқа бир баҳонаи сабаб топилур эрди. Қани, давом эт!

– “Мантиқ-ут тайр”га ўзимнинг-да ихлосим баланд.

– Сендан аллоҳ рози бўлсин!

– Жами шеърий асарларим икки юз эллик минг байтдан зиёд.

– Назаримда сўнги битикларингни сир сақламоқчига ўхшайдирсен...

– Асло! Ҳаётим давомида интилганларим ва излаб-излаб топганларим ҳақида севинч ила сўз айтмасам кўнглим ўрнига тушмас...

– Сен “Тазкирот ул авлиё”ни назарда тутмоқдасен, шундайми?

Ҳазрати Аттот ҳайрат ила бошини кўтарди. Отаси ҳамон унга жилмайиб боқиб турар, кўзларида ажиб бир меҳрга йўғрилган қувонч, шодлик зухурланарди.

– Сиз бунга қайдин билурсиз?

– Бунга билмаслигим ҳам борми? Агар ҳақиқатни эшитмоқ истагида ёнсанг, қулоқ сол. Сенинг мана шу хизматларинг эвазига яратган эгам бизларни ҳам ёрлақди. Сен ёруғ дунёдаги энг бахтли фарзандсан, биз эса боқий дунёдаги энг бахтиёр ота-онамиз. Билиб қўйки, сендан кейинги авлодлар ҳам қолдираётган бебаҳо ҳикматларингдан баҳраманд бўлиб, ҳидоят йўлини адашмай топишгай. Сен туфайли не-не адашган кимсалар ҳақиқат ва тариқат этагидан тутгай, ёмонликдан қочиб, эзгулик тарафига ўтгай. Минг-минглаб мусулмонлар дуоси икки дунёингни обод этгай, бошингдан раҳмат ва мағфират ёмғирлари ёғилгай.

– Наҳотки шу эшитганларим ҳақ сўздир?

– Болам, руҳлар риядан холидирлар.

– Аллоҳга шукур. Ахир раббимдан у ёлғиз умидим ҳам шул эрур. “Тазкирот ул авлиё” аввалидаги илтижоларим юрагимга муҳрланган. Ёзибманким, “Ҳар ким бу китобни сафо ва сидқ билан ўқиса, унга авлиёлар асроридан бошқа бўлгай ва мен заифни бир фотиҳа ила ёд қилгайлар, токи ул фотиҳа барокоти ила менга туфроқ ичида раҳмат эшиклари очилсун”.

Ҳазрат шу ерда тўхтади. Давомини эсламади. Йўқ, эсламаслиги мумкин эмасди, эслади. Фақат дилида айланган фикрларни тилида ифода этмоқдан тийилди. Аммо отаси бу андишани тўлдирди. Унинг ҳайратини янада ошириб, ўйлаганларини ўзи ошкор эта қолди.

– Мана бу панди-насиҳатларинг ҳам ибрат кўрғони каби пишиқ ва мустаҳкамдир. Ёзибсан: “Нечукким, Яҳё бин Муоз раҳматуллоҳи алайҳ дунёдан ўтганидан кейин уни тушда кўрдилар ва сўрадилар:

– Аллоҳ таоло сенга не қилди?

Айтдики, “ё Яҳё! Менинг сен билан қаттиқ жазолов ишларим бор эди, аммо бир кун мажлисда мени сўзлар эрдинг ва сўзлаб-эслаб таъзим бажо этардинг. Менинг валиларимдан бирови уни ердан ўтар экан, сенинг таъзим ила мадҳ-саноингни тинглаб, вақти хуш бўлди ва сени дуо қилди. Ўшал валининг дуоси барокоти ила дўстларим қаторига қўшиб, сенга раҳмат айладим.

Фарзанд ўз қулоқларига ишонмай донг қотди.

– Наҳотки бу ривоятни ёд билурсиз?

– Яхшиси давомини тингла. Али Абу Даққоқ қаддасаллоҳу сирраҳул азиз ҳазратларидан сўрадиларки, “Эранлар сўзини эшитмоқдан фойда бормики, эшитгай-у бу сўз билан амал қилмагай?” Ул зоти шариф буюрдики, “Эранлар сўзини эшитмоқдан икки фойда бор: бири улдики, агар толиб бўлса, ул сўз уни қавм ҳиммат этгай ва истаганини топиб, муродига ноил бўлгай, иккинчи фойда улки, эшитганнинг кўнгли равшан тортгай, шайтон васвасасини ва дунё ҳирсини, мосуво севгисини унинг қалбидан чиқаргай. Агар басир бўлмаса содиқни ва ёлғончини фарқ этгай...”

Ҳазрат ўз шууридан қайнаб-тошган ҳикматлар жарангини падари лутфидан эшитиб, юрак-бағри сел бўлиб оқди. Неча йилки намлланмаган киприклари аро томчилар тизилди. Бу хушҳоллик туфайли бояги дил изтироби ариб, энди унинг ўрнида тоқатни туюб юборар даражадаги соғинч ҳисси бош кўтарди. Афсуски, дераза ор-

тида қоп-қора зулмат ғужгон ўйнар, кўзга йилт этиб ташланувчи нур ёхуд мавжудот кўринмасди.

Шайх англадики, бу ҳақиқат ва хаёлот оралиғидаги бир хилқат рухсори эди. Бу воқеа замиридаги вожибот асрорини уқмоқ учун ортиқча идрок талаб этилмасди.

– Отажон, шошманг, этагингиз пешини кўзларимга суртай, муборак илкингиздан тўйиб ўпай, кетманг...

Йўқлик қаъридан юракни ўртагучи кескин сас эшитилди.

– Тинчлан ўғлим, худо хоҳласа дийдор яқин...

Яна бирпасда борлиқни сукунат эгаллади. Бу шириндан-ширин ва санокли дақиқаларда содир бўлган мужда унинг юрагига кўркув, даҳшат эмас, аксинча, руҳий осойишталик бағишлади. Беихтиёр у набийи акрамнинг “Ўлим – мўмин учун тухфа” деган каломини яна бир бор ёдга олди. Ўрнидан илқис кўзғалиб, бу буюк сафар тадоригини кўра бошлади. Хужрасидаги барча китоб ва ёзувларини тахлаб, дўкандорлигида орттирган сандиққа жойлади. Сўнг ҳовлига чиқиб, бутун умрига гувоҳ бўлган дов-дарахтлар, ариқда сокин оқаётган сув, пастак-пастак уйлар, сахндаги шинамгина гулзор, хуллас, ҳамма-ҳаммаси билан видолашди.

Ҳовли этагидаги ҳаммомда покланиб чиқиб, нафл намозини ўқиб, бомдодга ҳозирланаётганида дарвоза секин чертилди. У жойнамоз устидан турмай, овоз келган тарафга қулоқ тутди. Хайрият, хизматидаги ўспирин бола уйғониб, эшик зулфини туширди.

– Ҳазратни уйғотдингму?

Шайх бу ўктам овоз соҳибини таниди. У устози шайх Рукниддиннинг набираси мулла Қосим эди. Мулла Қосим ёши эллиқдан ортганига қарамай қомати адл, нигоҳи бобоси каби ўткир, ўта жиддий киши эди. Гарчи у бу хонадон остонасини тез-тез босиб келса-да, лекин ҳеч вақт бемаҳалда йўқламасди. Демак, шу безовталиққа арзигулик кор-ҳол бўлгандирки, тонг саҳарлаб эшик қоқмоқда.

Шайх жойнамоз этагини букиб, томоқ қирди. Бу киришга ижозат бергани эди.

Мулла Қосим хужрага бош суқиб, тезда шайхнинг этагини ўпди. Сўнг шошиб мақсадга кўчди.

– Пирим, фалокат босди. Лаънати мўғуллар шаҳар остонасига яқинлашиб қолди. Волий душманнинг пойига пояндоз солмоқчи. Бой-бадавлат кишилар сичқоннинг ини минг танга деб жуфтакни ростлашяпти. Хуллас, биз ҳам бу ерни тарк этмасак ҳолимиз хароб. Босқинчилардан яхшилик келмайди. Эшитишимча ёғий мўғуллар дин пешволари, олим ва орифларни хушламас эмиш.

Ҳазрат ўзи учун ўғлидай бўлиб қолган қора соқолли кишининг меҳрибонлигидан анчайин таъсирланди. Беихтиёр кечаси, тун ярмидан оққанда рўй берган манзара кўз ўнгида гавдаланди. Ана шу хаёлот ичида Мулла Қосимнинг елкасини силади.

– Болам, мен душмандан қочиб қутилишим мумкин, аммо ўлимдан, ҳазрати Азроилнинг илқидан қаерга ҳам яширина олардим.

– Ҳазрат, нималар деяпсиз, бу саҳройилар Азроилдан ёмон. Ҳозир мунозара фурсати эмас. Мен от-уловларни тайёрлаб қўйдим. Айтинг, нималарни юклайлик. Ҳар бир дақиқа ғанимат.

Устоз бу оғир-вазмин кишиники шунчалар безовталиқ эгаллабдими, алалхусус вазият чиндан-да қалтис эканлигини фаҳмлади. Шу боис бутун бор бисоти – дуб дарахтидан ишланган, нам ўтказмайдиган сандиқни шогирдига кўрсатди.

– Мана, болам, шу менинг 114 йиллик бойлигим. Фақат илтимос, уни кўз қорачиғидай асра. Билки, шу китоблардан қай бири йўқолса, мен қайтадан ўлган бўламан.

Мулла Қосим пирининг гапларига дарҳол эътироз билдирди. У оғир сандиқни даст кўтариб эшикка юзланаркан, хонадон соҳибини шоштирди.

– Қани тезроқ чиқинг, биз кўпчиликмиз.

Чиндан ҳам пир дарров остонада кўринди. Бироқ у уй кийимида эди. Мулла Қосимнинг ўғли Абдул Раҳим нуронийнинг қўлтиғидан ушлаб, отга миндирмоққа чоғланди. Бироқ оқсоқол қўли билан уни тўхтатди.

– Мендан хавотирланманглар, сизларни аллоҳим ўз паноҳида асрасин!

Бу пайтда карвон бошида куймаланиб юрган мулла Қосим дуони эшитиб, югургилаб пири пойига етиб келди.

– Биз сизни ташлаб кетолмаймиз. Қани, отга мининг, устоз!

Ҳазрат қатъий бош ирғади.

– Болам, мен бундай қилолмайман. Шу муаззам туфроқ ота-онамни, сенинг бо-бонгни бағрига олган. Мен улардан узоқлашишни истамайман.

– У ҳолда биз ҳам сиз билан қоламиз.

Ҳазрати Аттор мулла Қосимнинг гўштор, қалин кафтига кафтини босди.

– Ҳажарлик қилма. Сизларнинг йўриғингиз бошқа. Билки, Нишопурда таним қолғай, жони-жаҳоним сенинг илқингдадир. Мени десанг, ашёларимни олиб, тезда тоққа чиқиб кет, юрт тинчигунча ўша жойларда жон сақла, китобларимни халққа етказ, иложини топиб кўпайтир. Илоҳим сендан аллоҳ рози бўлсин. Омин!

Мулла Қосим учун эътирозга ўрин қолмаган эди. У оёғини аранг судраб карвон олдига ўта бошлади.

Карвон йўлга тушди. Пир эса анча маҳалгача ўзи учун жон қадар азиз бўлиб қолган одамлар ортидан қараб, кўзларига ёш олди.

Истилочилар узоқ куттиришмади. ...Улар гарчи волий билан сулҳ тузган эсалар-да, оддий халқни бало-қазодай таладилар, мўрумалах каби бутун Эрон, Мовароуннаҳр ҳудудига ёпирилиб кириб, шаҳар ва қишлоқларни аёвсиз ёндирдилар. Энг аввало босқинчилардан расадхоналар, масжид ва мадрасалар, зиёхоналар талафот кўрдилар. Маҳаллий халқнинг миллий қадриятларига алоқадор барча осори-атиқалар ер билан яксон қилинди, уламолар сўйилди, китоблар гулханга улоқтирилди, аёлларнинг номуси топталди, бегуноҳ гўдаклар ҳам зolimлар дастидан омон қолмади. Гўёки қиёмат-қойим бўлаётгандай эди.

Бу манзараларга хотиржам қараб туришга эр кишининг ғурури йўл қўймасди. Ҳазрати Аттор озодлик ҳаракатини бошлаган оддий ҳунармандлар, деҳқонлар, ўрта ҳол кишилар сафида босқинчи мўғулларга қарши курашга отланди. Бироқ кучлар мувозанати мутлақо тенг эмасди. Мўғулистондан токи Мовароуннаҳргача қон кечиб, жангу жадалларда дийдаси қотган қаттол душманга бас келиш игна билан қудуқ қазийшдай гап эди. Лекин бу исёнда олийшон бир мақсад ётарди: тиз чўкиб яшамокдан тик туриб ўлмоқ шиори мужассам эди.

Қаттиқ жанглардан бирида ватан ҳимоячиларидан аксарияти қириб ташланди. Юзлаб ўликлар орасига қора қузғундай ёпирилган мўғул аскарлари ўлжа қидириб юриб, харобазор ерда узала тушиб ётган нуронийни учратиб қоладилар. Қариянинг оппоқ соқолига қон сачраган, қўлида узун найза, кўзлари юмук, чалажон эди.

– Бир оёғи гўрда-ю, яна урушга кирганига нима дейсан, – деди уни топиб олган сувсар қалпоқли, қисик кўз мўғул.

– Қани олдимга туш!

Ҳазрати Аттор куни битганини тушунди. Индамай туриб бориб дарахтлар остида тўпланган асирлар сафига қўшилди. Қуёш тиккага келган маҳал уларни сазойи қилиб шаҳар кўчалари бўйлаб ҳайдаб кетишди. Ёш жувон ва қизлар йўл-йўлақай сотилиб кетди. Нишопурнинг тор кўчасига киришганида маҳаллий бойлардан бири мўғул аскарига мурожаат қилди.

– Жон биродар, мана шу қўли боғланган оқсоқолни менга сот!

Босқинчининг кичик кўзларига ғазаб қуйилди.

– Ҳой, форсий забон, ўзинг ҳам бандилар орасига кирмоқчимисан? Шу исқирт чолни сотиб оламан деб устимдан кулаяпсанми?

Бадавлат нишопурлик жиддий боқиб, аскарнинг қўлига минг динор тутқазди.

– Мана шунга розимисан энди?

Мўғулнинг эсхонаси ўйнаб, ҳазратнинг нозик қотма гавдасига кўз тикди.

– Ақлингни йиғ, келгинди, у мени яхши танийди, шунинг учун сув текинга харид қилмоқчи. Аслида нарҳим баланд.

Босқинчи бу иддаога ишонди. Биринчи дуч келган одам суриштирмай минг динор таклиф қилганида бошқаси кўпроқ бериши аниқ. У харидорга ўдағайлади.

– Бор, тошингни тер, бу чолнинг баҳоси йўқ.

Мўғул аслида ихтиёрсиз айтди бу сўзни. Лекин ўша ихтиёрсиз гапда ҳақиқат зоҳирлигини ўзи англашга ожиз эди.

Йўлда давом этишди. Шаҳар чеккасида деҳқонлар буғдой янчиш билан овора эдилар. Душманга қарши курашга бел боғлаган ҳамюртларининг аҳволига қараб ачинган деҳқонлардан бири югуриб келди.

– Мана шу мўйсафидни менга бергин, – деди мўғул аскарига ёлвориб.

– Хўп, яхши, – дарров рози бўлди у, – қанча берасан?

Деҳқоннинг ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳайрон бўлиб елка қисди. Сўнг ортига ўгирилди, гарам-гарам сомонга кўзи тушди.

– Сенга бир қоп сомон бераман, – деди у иложсизликдан.

Аскарнинг фиғони фалакка кўтарилди, нигоҳини нафрат билан ҳазратга бурди.

Авлиё мутлақо хотиржам эди.

– Наҳотки сенга шундай нарх қўйишса? – деди у бутун вужуди қалтираб.

Ҳазрати Аттор битта-битта босиб, босқинчига яқинлашиб:

– У ҳақ, чиндан ҳам бундан ортигига арзимайман, – деди.

Мўғул аскар таажжубланди. “Сал аввал унга минг динор ваъда қилаётган эдилар. Орадан кўп ўтмай эса бир қоп сомонга баҳолаяптилар. Бир қоп сомон? Ундан кўра...” Қони қайнаб турган мўғул аскари қиличини қинидан чиқариб баланд кўтарди ва... Бирдан у қўлидаги қиличи эгилиб-букилиб эриб кетганлигини, кўкда кўзни кўр, қулоқни кар қиладиган даражада момақалдироқ гулдираганини эшитиб, юраги қафасидан отилиб чиққундай даражада ураётганини сезди. Зум ўтмай мўғул аскарининг жонсиз танаси отдан қулаб тушди. Худди шу дамда ҳазрати Атторнинг муборак вужуди узра ёрқин ва оппоқ нур таралиб турарди. Кўз очиб юмгунча содир бўлган бу синоатни кўрган халойиқ ҳам, босқинчилар ҳам ҳайратланиб қотиб қолдилар. Ёғийлар юрагига чексиз бир кўрқув ғулу солган эди. Дунёни илоҳий сўз билан тўлдирган, маънолар қошифи улуг шайх Фаридиддин Аттор ана шу тариқа кофир кўлида шаҳидлик мақомига эришиб, ўзи интилган парвардигор ҳузурига йўл олди.

* * *


Орадан йиллар ўтиб, буюк бобомиз Алишер Навоий унинг бир асрдан зиёд ҳаёти ва ижодини бир жумлаи жаҳон ила шундай ифодалади:

“Ҳазрати Аттор ўт ичида туғилиб, илоҳий ишқни ёниб қуйлаш шавқидан олов чиқариб, атрофга аланга таратадиган ва ўзи ҳам шу чўғга қўшилиб ёниб кетадиган афсонавий қақнус қушига монанд умргузаронлик қилди...”

Улуг шайхнинг жасади Нишопур шаҳрига дафн этилди. Ҳазрат Навоий XV асрга келиб бу ерда янги сағана зиёратгоҳ барпо этди. Бу зиёратгоҳ ҳозир ҳам минглаб покдомон қалбларни ҳидоят нури ила мунаввар айлаб, комиллик манзилига чорлаб турибди. Зеро, тафаккур ҳамма замонда ҳам инсонни азизу мукаррам қилувчи неъмат бўлиб қолган. Ҳаёт чархпалаги айланаверади. Замонлар, тузумлар ўзгариши мумкин, лекин инсониятни ҳидоятга чорловчи тафаккур мангу яшаб қолади. Инсоният гўзал жамият, икки дунё саодатига фақатгина тафаккур туфайлигина эришади.



Шеърят



Рустам ЭМИН

Кўксимла юлдузлар Кўнади

Сирдарём менинг

Қадим чўллар ўрни гуллаган воҳа,
Бир ёнда пахтазор, бугдой етилган.
Келинчак мисоли оқар Сирдарё,
Қишлоғу кентингда ёшлик уфурган.

Сен момо Тўмарис, сен Широқ юрти,
Бугунинг порлоқдир кечадан кўра.
Келажак йўлингда гуллар очилган,
Тақдиринг кулмоқда, атрофга қара.

Қарагин, ўғлонлар, барчин қизларинг,
Қўлларин узатса, кўкларга етар.
Сирдарё деганда, инсоннинг қалби
Дарёю азимдек мавжланиб кетар.

Қадим юрт, наволар таралган Ватан,
Бағри кенг ўзбекнинг бир арзандаси.
Гар қора чапласа сенга кимлардир,
Фарзандинг гоз турар, қайнар зардаси.

Сен қадим Сирдарё, ёшлик маскани,
Гуллаган маконим, мардлар макони.

Умид

Сен кетдинг, қайтмайсан, чинқирар поезд,
Қулоғи том битган йўллар йиғлайди.

Қалбда қотиб қолар
Сўнгги армонлар,
Энг сўнгги қувонч ҳам
Сочлари саргайиб ўйга толади.

Сен кетдинг, армонлар
Қарга мисоли
Қанотин қоқади
Хунук овоз-ла,
Яна саломини етказар бизга.

Сен кетдинг,
Қайтмассан, балки, ортингга.
Балки, қучмоқ истаб мени сўнгги бор,
Очарсан қучоқ.
Балки... кутарсан,
Кутгандай ҳар баҳор баҳорни?!

Кўнглимга

Ёлгон севгилардан безовта кўнгли.
Бебурд ўйинига бўлма маҳлиё.
Ойни этак билан ёполмагандек,
Барибир, борлиқни қоплолмас рўё.

Ер шарин ҳажмича этак бўлса ҳам,
Бир туйнук топилар, билки, барибир,
Барибир, ой нурин сочаверади.

Ҳақ нури кўзларни қамаштирар, рост,
Покликдан кўзини юмган кўзларни,
Кўнглим, кўзларингни очгин каттароқ.

Балки

Эликка етмайин, балки кейинроқ,
Бир гулни ҳидласам керак паришон,
Балки осиларман унинг баргига.

Мендан қочиб кетган гулдек ёшлигим,
Чўпонга эш бўлган таёқ, қоятош,
Яна йўлларимга чиқадир пешвоз.

Ўттиз бир баҳорда эргашиган соя –
Дардларнинг охири кўринар, балки,
Суюнчи сўрайди мендан мусича.

Ўшанда, ўрнимда даст турсам, балки,
Сочимни силайди оймомо қучиб,
Кўксимга юлдузлар қўнади, балки.

*Балки, ўзим билан гаплашиб ҳар тун,
Ўзимга, умримга битарман достон,
Бинафша, мен сенга эртак айтарман.*

*Ҳар нима бўлиши мумкин кейинроқ.
Ийманиб, кимдандир изн сўрарман,
Оёғим остига қарашим учун.*

*Ҳар нима бўлади ёш ўтган сайин,
Ҳар нима бўлади кун ёришмаса,
Уйқуда ширин туш кўради одам.*

*Лек, нега уйқуда, уйғонганда ҳам
Туш кўрса бўлар-ку, шириндан-ширин.*

*Балки... Мен энди дарчани қияроқ очиб
Ухларман, тушлардан чарчадим жуда.
Шунда хонам узра елар шаббода,
Онамнинг қўлларин ёдимга солиб.*

Қиш

*Қулогига сирга тақибди,
Шўрўзак бўйида жингил,
Тустовуқ шод қанот қоқади.*

*Сув юзасин шиша қоплаган,
Минг тикилгин истаган ёққа,
Беш қадамдан нари кўринмас.*

*Мўрилардан кўкка ўрлайди
Уй ичидан чиқётган зубор,
Кўкдан эса ерга қайтар қор.*

*Бир сиқим кун, тез оқшом тушар,
Қоронғулик қоплайди яна
Шоқолларнинг куни тугади.*

*Дарё бўйи, қор босган ҳар ёқ,
Қумлар оппоқ кўрна остида,
Отнинг босган изи кўринмас.*

*Ҳаммаёқ жим, фақат узоқда
Елиб борар ҳориган отлиқ,
Келажакка хабар тутганча.*

Сирдарё

Бобомурод ЭРАЛИ

Ёски равоқ



Туркум

1

*Юлдузларга қараётган дарахтларнинг
Узоқ-узоқ сукутида қанча ҳикмат бор.
Анҳор тунда оқиб ётар боғ аро маҳзун,
Дилгирликни оширар у ёхуд гамгусор.*

*Томчилаган ёмғирларни ҳайдайти шамол,
Бу равоқда хаёл сурмай чиқиб бир қара.
Зўрга илғаб сўлиш тортган гулларки бу чоғ,
Қуш патидай учиб кетар, тўзғир хотира.*

*Шу боғ аро сочилган дур-марваридларни,
Ҳали биров терган эмас, қараган эмас.
Ким ҳам очиб қўяр тунда деразаларни,
Богдан чиққан оҳангларга қулоқ-ку солмас?!
Қоронгулик тўрин ёяр, тин олар дунё,
Хув, олисда эринганча кенгликлар мудрар.
Кўкда ўчиб қолганида ой шамчирогги
Парвоналар бир-бирининг жасадин судрар.*

2

*Ўт-ўланлар, гуллар узра ёгилар шудринг,
Биллур қадаҳ тўлаётир сабуҳий майга.
Бир шарпа жим айланар-у, тўхтаб, дафъатан,
Синдирмасдан жўнаб қолар бу маҳал қайга?*

*Бу тун аро юрагингни очиб қўймасанг,
Ҳаяжонинг вужудингда тўлиб-тошмоқда.
Бу тун аро сен шамолга айланолмасанг,
Туйғуларинг ирмоқдайин қайга шошмоқда?*

*Бу тун аро ёйиб қўйсанг хотираларни
Қарай-қарай зерикади осмон варақлаб.*

*Сенинг бундай дил изҳоринг ўқий олмас у,
Турса ҳамки ойдинликдан атроф чарақлаб.*

*Ой нурини эмаётган борлиқ мириқар,
Гўзал аёл қучогида гўдак ётгандай.
Бундай ёруғ кечаларни унутиб бўлмас,
Юрагингга йўл топиб у мангу қотгандай.*

3

*Аста эриб оқа бошлар тўнгиған шамол,
Юракни ҳам худди шундай эритармикан?
Қуш дилдирар ўтган фасл ортида қолиб,
Патларини ой нурида қуритармикан?*

*Сирли кўза янглиғ бу кеч бўшаган кўнгиш,
Ана лим-лим тўлғизилган гулкосани ол.
Сенга туннинг таровати, шамол ўкинчи,
Ҳилол сунган ёғдуни ҳам, майли, олақол!*

*Анҳор бундан оқизади ойнинг аксини,
Ниначилар қармоқ таишлар олиб қолмоққа.
Бог ҳам тўлар гўзал-гўзал капалакларга,
Ҳашаротлар келаёттир, қара сўқмоққа.*

*Сайрга чиқ, тун қоплаган сайҳонликларда
Шитирлашлар авжланар – дилга яқин сас.
Ҳали шошма, олиб қочар хаёлларингни,
Ҳали шошма, қулоқ тутсанг бўлгани бирпас.*

4

*Йилтираган осмонни ҳам бошга кўтариб,
Чирилдоқлар бог саҳнида чолғусин чалар.
Чор атрофни лол қолдирар, лекин биргина
Дарахтлар индамасдан хаёлга толар.*

*Хум оғзини пойлаёттир бир четда шамол,
Богбон қайда қотиб ухлар, сузгин мусаллас.
Дил губори, рутубатни ювмоқ истасанг,
Ҳали бундай мусалласни дунё кўрганмас.*

*Ёруғ кеча. Ой нурлари тушиб турганда
Учаргилам тўқиб олгин, шошмай бемалол.
Боглар аро енгилгина сайр этганча
Ҳали қайтмас ётоғига заркокил ҳилол.*

*Олисларга қараяпсан сен бу равоқда,
Қанча вақт ўтиб борар, сукутда чорбоғ.*

*Сен тенти раб юрганигда йўлни тополмай,
Бу боғ нурга чулганади мусаффо, оппоғ.*

5

*Кўкка ҳайдар қувлаб-қувлаб капалакларни,
Ой ёғдуси ёгаётган ҳовуз жимирлар.
Ўҳ, бу қадар ойдинликда ўт-ўланларнинг
Орасида нималардир юрар, гимирлар.*

*Ана шунда чирилдоқлар парвозини кўр,
Ғуж-ғуж бўлиб кўтарилар ой сари учиб.
Бутун борлиқ чиройини кўзгуга солар,
Бундай кеча оғушида уйқудан кечиб.*

*Ажиб бўйлар таралади гулзорлар бўйлаб,
Дарахтлар сени кўриб ҳайратланишар.
Гул-чечаклар олқишлайди, япроқларидан
Пояндозлар тўшамоққа ҳозирланишар.*

*Сен юксакка кўтарилгин, борлиқни унут,
Бундай сайр гашитини не билсин бу равоқ.
Еру осмон қовушгандек, сен орада йўқ,
Ҳув пастликда қолиб кетар кимсасиз чорбоқ.*



Наср



Темир ҚУРБОН

ЎЛИМ ШАРПАСИ

Ҳикоя

Умаршайх мирзо Сайхун бўйига бемурод чўккалади. У тўлин ой жилвала-наётган сокин дарё жозибасидан кўнгил чигилини ёзмоқчимиди ё ётлар қолиб, ўз қариндошлари ёвга айланганидан озурда дил достонини беозор сувларга айтмоқчимиди? Буни ўзи ҳам билмайди. Ўргимчак тўридек ҳар томондан қисиб келаётган ёғий ҳалқаси уни бир қадар фаромуш қилган эди.

Шундоққина Аҳси кўрғонига бош уриб оқаётган Сайхун чиндан-да гўзал эди. Айниқса, тўлин ойнинг соҳир нурлари уни янада сеҳрли қилиб кўрсатарди. Атрофда бўлаётган воқеаларга безътибор Сайхун шошилмасдан, бир маромда оқар, тун сукунатини бузгиси келмагандай шовуллашни ҳам ўзига эп кўрмасди.

Умаршайх мирзо билан бирга келган ўн-ўн беш чоғли мулозим ва беклар бир-бирларига сўз қотмас, дамани ичига ютганча уни узоқдан кузатишарди. Эгар-жабдуқларидан озод бўлган отлар ҳам эркинлик нашидасини суриш ўрнига эгалари каби атроф-жавонибга сергак боқишарди.

Сўнгсиз ўйлар уммонига ғарқ бўлган Умаршайх мирзо сокинлик ҳукмрон сув сатҳида жимирлаётган нурлар рақсини ҳайрат тўла нигоҳи билан томоша қиларкан, йигирма-ўттиз қадамлар чамаси қуйироқда тизза бўйи келадиган ўтларнинг шитирлагани эшитилди. Ички бир ҳадик билан ортига ўгирилган эди, хизматига шай турган мулозимларига кўзи тушди. Унинг хавотирни ҳали буткул аримай, шитирлаш яна такрорланди. Сал фурсат ўтиб, Сайхуннинг яланг қирғоғида сув ичаётган оҳу кўринди. Унинг тим қора кўзлари Умаршайх мирзога суюкли кенжа хотини Қорақўзбегимни эслатди. У на ўрнидан туришни ва на бошқа бир ҳаракат қилишни билмай, оҳунинг сув ичишини томоша қиларди. Оҳу эса серрайиб турган мулозимларга ҳам, унга ҳам эътибор бермай, чанқоғини қондирарди. Эҳтимол, оҳу ўзига таҳдид қилиши мумкин бўлган хавфни сезгандир-у, лекин саратоннинг жон олғучи иссиғига дош беролмай, дарё бўйига келгандир.

Қизик, нега у ёлғиз, тўдадан ажралиб бир ўзи келган? Ундай деса, Умаршайх мирзо ёлғиз эмасми? Айниқса, ҳамма қариндошлари бирлашиб, бир ўзига ҳамла қилишаётган-да... Шунинг учунми, мирзо ҳатто мулозиму кўрчилари қуршовида ҳам ўзини ёлғиз сезарди. Эҳтимол, табиатнинг бу тилсиз жонивори ҳам ўз тўдадагилари билан тил топиша олмагандир...

Оҳу сув ичиб бўлиб ҳам бошини кўтармади. Сув юзида жимирлаётган ранглар жилвасига бир муддат тикилиб турди-да, кейин қуралай кўзларини тўлин ойга

қадади. Худди ой билан сўйлашаётгандай ва сўзларини тасдиқлаётгандай бошини силкитиб-силкитиб қўйди. Сўнгра лойга ботиб қолган олд оёқларини ялаб, ела кетди.

Оху ўздан узоқлашган сайин Умаршайх мирзода уни тутиб олиш иштиёқи ортди. У ўйлаб ҳам ўтирмай, дуч келган биринчи отга яйдоқ минди-ю, охуни қува бошлади. Таъқибни сезган оху бошини буриб қараган эди, унинг тим қора кўзлари яна Қорақўзбегимни эслатди. Нима қилиб бўлса ҳам, уни тутиб олиш қасдида Умаршайх мирзо отига пайдар-пай қамчи босди. Аммо сезгир оху ундан олдинроқ ҳаракатини қилиб дашт сари юзланди. Шамолдай елиб бораётган охудан ортда қолмай, измаиз келаётган мирзонинг оти хунук ириллаган товушдан хуркиб илким тўхтади. Ўзини ўнглаб ололмаган мирзо от устидан учиб тушди. Олд оёқларини осмон бўйи кўтарган от ҳам мувозанатини йўқотиб, унинг устига қулади. Оғриқнинг зўридан дунё кўзига қоронғи кўриниб, шердек ўкириб юборди...

Таҳликали тунни ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган Қорақўзбегим билан ўтказган Умаршайх мирзо ўз овозидан чўчиб уйғониб кетди. Хайрият, туши экан. У ҳали ҳам темирчининг босқонидек кўтарилиб тушаётган сержун кўкрагига туфлаб, ёнига ўгирилиб қаради. Мирзонинг эҳтиросли эркалаларидан толиққан Қорақўзбегим ҳеч нарсадан беҳабар ширин уйкуда эди. У бегимнинг тим қора кўзларига соя ташлаб турган қалин киприкларига меҳр билан нигоҳ ташларкан, яна ўша беҳосият туш эсига тушди. Тавба, туш ҳам шунчалик аниқ-тиниқ бўладими? Ахир, у сувларнинг ой нурида жимирлашини, хуркович охунинг тим қора кўзларини худди ўнгидагидек кўриб, ўт-ўланларнинг шитирлашини, хунук ириллаган товушни ўз қулоқлари билан эшитди-ку...

Умаршайх мирзо зарбининг зўридан не-не баҳодир йигитлар ер ўпган забардаст қўллари билан сержун кўксини ғижимларкан, раҳматли отаси Султон Абусаид мирзонинг (аллоҳ ундан рози бўлсин!) овози қулоқлари остида жаранглаб кетди: “Ўғлим, тушда яйдоқ от кўрсанг, эҳтиёт чорасини кўрмоқ лозим. Илло, у ўлим шарпасидир...”.

Умаршайх мирзо тўшақда ўтирганча тушини яна бир бор бошдан-охир эслаб кўрди-да, шахт билан ўрнидан турди. Ҳаво дим бўлгани учун одатдагидан енгилроқ кийинди ва сармаст уйкуда ётган Қорақўзбегимни ёлғиз қолдириб ҳарамдан чиқди. Эшик олдида турган қўрчиларга эътибор ҳам бермай, саройнинг кунчиқар қисмига қараб юрди.

Неча йилдан буён садоқат билан хизмат қилаётган офтобачи мирзонинг ташрифини интиқлик билан кутаётган эди. Умаршайх мирзо мушк-анбарлар кўшилиб махсус тайёрланган сувда роҳатланиб чўмиларкан, бир зумга бўлса-да, хаёлини банд қилган бадбин ўйлар гирдобидан халос бўлди. Лекин бу оний лаҳзалар узоққа чўзилмади. Пахтадай момиқ сочиққа артаётган юзларини кўзгуга солган мирзо негадир унда ўзини эмас, балки қанчалик гўзал бўлса, шунчалик қаҳри қаттиқ Фотима султон оғани кўргандек бўлди. Эҳтимол, уни қийнаётганларнинг бошида айнан Фотима султон оға тургандир. Унда эндигина бир мучалга тўлган Бобур мирзонинг ҳоли не кечади?! Ота-боболари унга ишониб топширган салтанатнинг-чи?

Саодатли кунлари туғаб, қабоҳатли тунлар яқинлашаётганини ич-ичидан ҳис қилган Умаршайх мирзо машварат чақиргани эсига тушиб шошилди.

Тонг отишига ҳали анча бўлса-да, машваратхона эшиги олдида гурунглашиб турган сарой аъёнлари кўринди. Мирзо уларнинг уйқусизликдан киртайган кўзларига, ҳорғинлик муҳр босган юзларига қараб, бу тун сарой аҳлининг ухламаганига амин бўлди. Ўзи тунни қизи тенгги Қорақўзбегим билан ўтказганини эслаб, ичидан ғижиниб қўйди.

Умаршайх мирзо танобий хона тўрига қўйилган нақшинкор курсига ўтираркан, бекларга қўли билан ўтиришга ишорат қолди. Анъанага кўра, ҳар ким ўз мавқеига қараб жойлашди. Аъёнларнинг ўтиришини кутган Умаршайх мирзо бир муддат нигоҳларини бўшлиққа қадаб турди-да, кейин машваратга йиғилганларнинг ҳар бирини зимдан кузата бошлади.

Эшик оға Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой мирзонинг маъноли қарашларига тоб беролмай, рапидадек кенг юзида зўрға кўринадиган бит кўзларини оёғи остидаги қипқизил чўғдек туркман гиламларига тикди. Кўринишидан бекка ҳам ўхшамайдиган, доимо фақир одамлардек одми кийиниб юрадиган Хожа Ҳусайнбекнинг рангпаргина юзидан мирзо ҳеч қандай маъно уқиб ололмади.

Саройда энг юқори мартаба ва мавқега эга бўлган шайх Мазидбек эса ҳали у қарамасдан олдинроқ мудом ёшланиб турадиган кўзларини четга олиб қочди. Унинг равиш-рафторини кўрган мирзонинг юрагини совуқ ўйлар шириллади ўтди.

Наҳотки, туғишган биродаридан ортиқ ишонган одамлари, бор давлатини бўлиб берган беклари, содиқликка қасам ичган аҳли умароси энг қийин паллада унга хиёнат қилса?! Наҳотки, тушида аён бўлган ўлим шарпаси мана шу танобий хонада кезиб юрибди?! Унинг ҳар бир сўзини амри вожиб деб билувчи бу беклардан қай бири мирзони мавҳ этиши мумкин? Бир эмас, икки марта ёвлашган Али Мазидбекми?! Ё қанчалик мардона бўлса, шунчалик фитнага ўч Ҳасан Ёқуббекми?!

Садоқати зоҳир Қосимбек қавчиндан гумон қилиш густоҳликкина эмас, ақли кўтоҳлик ҳам бўлур эди. Шунинг учун ҳам мирзо ундан сакратган нигоҳини Бобоқули Бобо Алибекка қадади. Йўқ, гарчанд, рўза тутмаса-да, бенамоз юрса-да, унга ҳар қачон ва ҳар қаерда ишонса бўлади.

Оға-ини Али Дўст ва Мирғиёс бугун ҳаммадан кўра хотиржамроқ кўринарди. Эҳтимол, сиртига сув юқтирмай ўтирган ана шу мўғул амирзодалари унга панд беришни мўлжаллашаётгандир? Ахир, хотин томонидан мирзога уруғ саналган оға-иниларнинг ҳар иккаласи ҳам хулқ-атворию совуқ қилиқлари билан ҳаммага отнинг қашқасидек маълум-ку. Айниқса, мунофиқлигу фитнакорликда уларнинг олдига тушадиган одам зоти йўқ. Ундай деса, куракда турмайдиган беъмани ишларини билса-да, падари бузруквори замонидагидек ҳар иккаласининг ҳурматини жойига қўйиб келяпти-ку.

Пойгақдан жой олган Али Дарвеш билан Қанбар Алидан мирзонинг кўнгли тўқ. Али Дарвеш илгари отаси Султон Абусаид мирзо хизматида бўлган, кейин Умаршайх мирзо хизматида ўтган, содиқ беклардан эканини бир неча бор исботлаган. Қанбар Али мўғуллардан бўлиб, Ахтачидан эди. Қайнотаси Юнусхон қошида офтобачалик қилиб, кейин беклик рутбасига эришган. Бундай одамдан ёмонлик чиқишини мирзо хаёлига ҳам келтиролмасди.

Аммо кўнгли сезиб турибди: фитна эҳтимолдан холи эмас. Унга суиқасд қилмоқни дилига тукканлар ҳам шу ерда, рўпарасида ўтиришибди. Лекин ким бўлиши мумкин? Эҳтимол, улар кўпчиликдир...

Умаршайх мирзо иккинчи бор, фақат бу гал олдингисидан тезкор, йиғилганларни кўздан кечира бошлади. Нигоҳи, ногаҳон Али Мазидбекда тўхтаганда, эҳтимол, буни кутмагандир, беихтиёр типирчилаб қолди. Гўштдор бурни, кенг пешонасида резареза тер кўринди. Қозондай катта салласи остидан дўнг пешонаси орқали кўзларига тушаётган шўр томчиларни артишга ҳам ҳоли бўлмади ўтирган ўрнига сингиб кетди.

Хавотирга тушган шайх Мазидбек нигоҳи билан далда бериш учун Али Мазидбекдан кўзини узмасди. Бироқ, у оғир жиноят устида қўлга тушган одамдек бошини кўтаролмас, нафақат рўпарасида ўтирган шайх Мазидбекка қарашга, ҳатто чуқурроқ нафас олишга ҳам ҳадиксирарди.

Орага тушган узоқ жимликни бартараф этиш ҳамда шошилиш кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларни келишиб олиш учун Умаршайх мирзо забардаст муштумига қисқа йўталиб олди-да, бекларга юзланди:

– Хўжанд суйининг жануб жонибидан черик тортган Султон Аҳмад мирзо ва шимол тарафидан бостириб келаётган Султон Маҳмудхон қўшинлари кун сайин пойтахтга яқинлашаётгани сизга аёндир. Ҳозиргина Исфара ҳам ёғий илкига ўтгани ҳақида хабар олдик. Энди Марғилондан чопар келишига илҳақмиз. Агар Марғилон ҳам ёвга таслим бўлса, Андижон кўрғони хавф остида қолади.

Ҳамма бирдек сукутга чўмди. Фақат биринчи вазир даражасидаги эшикоға Хофиз Муҳаммадбек дўлдойгина сўз қотишга жазм этди:

– Ҳазрати олийлари, эҳтимол, тагин бошқа чопар юборурмиз?

Умаршайх мирзо эшик оғанинг сўзларини эшитмагандек унга жавоб қилмади. Нафсиларини айтганда, янги чопар юборгандан не наф? Униям ё йўлда душманлар ушлаб олишади, ё ўзи ёғий томонга ўтиб кетади.

– Эрталабгача кутамиз. Агар Марғилондан бирор хабар бўлмаса, унда... унда “қанотли чопарлар”ни юборамиз. Машварат тамом. Ҳаммага ижозат.

Аёнлар озодлик теккан мактаб болаларидек “гур” этиб ўринларидан кўзгалишди-ю, кейин нима қилишларини билмай тек тураверишди. Одатда, машварат

тугагач, танобий хонани биринчи бўлиб Умаршайх мирзо тарк этар, сўнгра бошқа беклар чиқишарди. Ҳозир эса мирзо нақшинкор курсидан кўзғалмас, ўз хаёлларига шунчалик берилиб кетгандики, ҳатто атрофи жавонибида нималар бўлаётганини ҳам илғамас эди.

Ноилож қолган аъёнлар олдин эшик оға Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойга, кейин шайх Мазидбекка савол назари билан қарашди. Эшик оға бир муддат тараддудланиб тургач, тўрда ўтирган Умаршайх мирзога таъзим бажо келтириб, орқаси билан эшик томонга тисарилди. Шайх Мазидбекнинг унга таассуб қилгани бошқаларга ҳам далда бўлди-ю, ҳамма бирин-кетин машвратхонани тарк этди.

Умаршайх мирзо хаёлот денгизига шунчалар шўнғиган эдики, аъёнлар қачон чиқиб кетишганини ҳам сезмай қолди. Нигоҳини бўшлиқдан узиб, эрон ва туркман гиламлари устига осиб қўйилган турли яроғ-аслаҳалар, сеvimли машғулоти бўлган шикорлардан эсдалик бўлиб қолган ҳар хил мўйналарга қадаркан, дафъатан уни сўнгсиз ваҳима чулғади. Назарида, деворга илиғлиқ камон ўқлари уни нишонга олаётгандек, ўткир тигли найзалар кўксига санчилаётгандек туюлди. Ҳадик тўла нигоҳини қаерга яширишни билмай оёғи остига тикилди. Нақшу нигорлари ҳар тусда товланиб турган чўғдек гилам уни яна хаёлот уммонига ғарқ қилди...

Ўшанда Умаршайх ўттиз ёшли қарчиғай йигит эди. Неча бор жанг қилиб, тахту юрт таллашиб, талофат кўрган бўлса-да, тавбасига таянмаган жувонбахт мирзо яна акасига қарши жангга кирганди. Қайноғасининг мададига таянган Умаршайх мирзонинг бу гал Самарқанд тахтини эгаллашига ишончи комил эди. Ўзининг ўн беш минг аскарига қўшилган Султон Маҳмуднинг ўттиз минг кишилиқ кўшинига акаси Султон Аҳмаднинг дош бериши амри маҳол...

Уч томондан баравар сафар бошлаган черик Шоҳруҳияда тўқнашиши лозим эди. Аммо мағлубият муқаррар эканини билган Султон Аҳмад пири муршиди Хожа Аҳрорга одам юборган экан. Беҳуда қон тўкилишини сезган фуқаро ва акобирлар пуштипаноҳи ҳазрати эшон шошилич йўлга чиққанлар. Замоннинг аъжубаси бўлган Каъбаи мақсуднинг келишидан хабар топган хон ҳам, мирзолар ҳам юрак ютиб қонли жангга киришолмадилар.

Илоҳий сирлар орифи ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ ўшанда яна бир бор каромат кўрсатган эдилар. Мухораба майдонига етиб келган Хожа Аҳрор Султон Маҳмудхонни ҳам, ака-ука мирзоларни ҳам қошига чорлади. Улар етиб келганда муборак ёшлари саксондан ошган, қордан яралгандай бошдан-оёқ оппоқ либосга бурканган ҳазрати эшон ерга тўшалган чоғроққина бир гилам устида тасбеҳ ўгириб ўтирардилар.

Каромати бисёр эшон жаноблари аввал Султон Маҳмудхонни, сўнгра уришқоқ ака-укаларни гиламга таклиф қилди. Табиийки, ўшанда улар нималар бўлаётганини англамаётган эдилар. Эшон ҳазратлари уларнинг саросима тўла кўзларига бир-бир боқиб шундай дегандилар:

– Нечун шу кичик бир гиламга сиғишган одамлар неча минглаб гилам тўшалса жойлашадиган кенгликка сиғмайди. Башарти, учовингиз бир гиламга сиғишиб ўтира олсангиз, беҳуда қон тўкмоклик нечун?!

Султон Маҳмудхон ҳазратнинг бу жўяли саволига не деб жавоб қилишни билмасди. Султон Аҳмад муршиди комили эшон ҳазратларининг кароматларига ичида таҳсин ўқиб ўтирса-да, қилган ишидан мулзам эди. Умаршайх мирзо бошини эгиб сукут сақлашдан ўзга чора тополмади.

Умаршайх мирзони бирда эшон ҳазратлари, бошқа сафар эса, қайнотаси Юнусхон не-не муқаррар мағлубиятлардан асраб қолган эди. Афсуски, энди ҳар иккиси орада йўқ – охират сафарида...

Ўзини ожизу нотавон сезган Умаршайх мирзонинг юраги сиқилди. Назарида кенг-мўл танобий хона ҳам торлик қилаётгандай, кўкрагидан зилдек юк босиб, на-фас олиши қийинлашди. Яна бир оз ўтирса, шифт босиб қоладигандек илкис ирғиб турди.

Умаршайх мирзо чорпахил гавдасига қараганда енгилроқ қадам ташлаб ташқарига чиқди. Паст бўйи ва қўба юзига мос тегирма соқоллик иягини қашлай ту-

риб кўзлари ногаҳон милтираётган юлдузга тушди. У бир кўзга ташланар, бир яна йўқликка юз тутарди. Негадир ҳозирги ҳолатини ана шу бемажол ва бенажот юлдузга менгзаб, кўнгли бузилди. Ғайришуурий тарзда хотирада яна ўша беҳосият туш жонланди: тим қора кўзли оҳуни яқиндагина никоҳига олган Қоракўзбегимга, яйдоқ отни эса бош хотини Фотима Султон оғага қиёс қилди. Бу ўхшатишдан ўзи ҳам кўрқиб кетди. Ахир, яйдоқ от ўлим шарпаси-ку!

Эҳтимол, унга томирида мўғул қони оқаётган Фотима Султон оға чоҳ қазиётгандир. Ахир, кўз очиб кўргани бўлса-да, Бобур мирзодек валиаҳднинг онаси Қутлуғ Нигор-хонимнинг саройдаги мавқеи нафсониятига тегаётгани кундек аён-ку! Эҳтимол, у зимдан Умаршайх мирзога қўшиб Бобур мирзони ҳам маҳв этиш ва ўғли Жаҳонгир мирзони тахтга ўтқазиб режасини тузатаётгандир. Агар ўн ёшли гўдак подшоҳ деб эълон қилинса, давлат тизгини онаси Фотима Султон оға қўлида бўлади-да...

Умаршайх мирзо ваҳимали хаёлларини унутиш учун Ахсикат кўрғонининг баланд деворларига қаради. Уларга ёғийнинг илки етмаслигидан мамнунлик туйди. Айниқса, кўкка бўй чўзган бу салобатли деворлар орти тубсиз жарликлардан иборат эканлиги ҳадик тўла кўнглига таскин берди. Узоқни кўзлаб кўрғоннинг даштга туташ шимол томонидан ҳам икки-уч жарлик қовлатгани яхши бўлган экан. Мана энди ҳамма томондан берк кўрғон деворига тармашган ёғий учун бу жарликлар очик мозор бўлажак, иншооллоҳ...

Умаршайх мирзо баланд деворларга боқиб кўнгли ўсганча кўрғоннинг ғарбий жавонибига қараб юрди...

* * *

Айни шу дамда шайх Мазидбек эндигина оёққа турган бемордек бўшашиб қолган Али Мазидбекнинг қўлтиғидан олиб, уни кўрғоннинг кунчиқар томонига бошлаётган эди. Бу дарвозахонага олиб борадиган йўлак бўлиб, у ерда ҳеч зоғ кўринмасди.

– Намунча шалвирамасангиз, – норози оҳангда тўнғиллади шайх Мазидбек. – Рўзани бузиб қўйиб, мухтасибнинг қўлига тушиб қолган мўминдек кўзингиз жавдирагани-жавдираган. Сал бўлмаса, мирзо жаноблари сезиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

– Айтишга осон, – ўзини оқлашга уринди Али Мазидбек. – Ахир, биз ўз валинеъ-матимизга қарши бош кўтаряпмиз. Буни бандаям, худоям кечирмайди.

– Бўлар иш бўлиб, бўёғи синиб бўлди, – хотиржам қўл силтади шайх Мазидбек. – Энди туямижозлик қилишингиздан ҳеч бир наф йўқ. Ҳатто валинеъматингизга бориб иқрор бўлсангиз ҳам барибир бошингиз кетиши тайин.

– Мен иқрор бўлайлик деётганим йўқ, – дарҳол эътироз билдирди Али Мазидбек. – Сир очилиб қолса-чи! Унда нима бўлади. Ана шундан хавотирдаман.

Али Мазидбек овозида қанчалик ҳадигу хавотир бўлса, шайх Мазидбекда шунчалик хотиржамлик ҳукмрон эди.

– Худо хоҳласа, сир очилмағай. Аввали худо, аммо камина ҳам вақтида тадоригини кўриб қўйганман.

– Қандай қилиб?!

– Авваламбор, менинг кўрғонимда сизни кўрганлар аллақачон Сайхундаги балиқларга ем бўлган. Сониян, биз мирзони қатл этмаймиз. У ўз ажали билан ўлади.

– Ўз ажали билан ўлади? – Али Мазидбекнинг ҳайронлиги ортди. – Қачон Азроил келиб, жонини олади деб кутиб ўтирсак, Султон Аҳмад мирзо билан Султон Маҳмудхон иккимизнинг ҳам бошимизни силамас.

– Боракалло, – мамнун жилмайди шайх Мазидбек. – Шуни яхши биларкансиз, нечун мунчалар саросимага тушасиз. Ҳеч нима бўлмагандек бемалол юраверинг. Фақат менга ваъда қилган олтинларни беришни унутмасангиз бас...

Бир ҳафта бурун ярим тунда Шайх Мазидбек шаҳар чеккасидаги кўрғонига Али Мазидбекни чақиртирганди. Хавф-хатар ҳаддан ортиқ бўлса-да, у бекникига ёлғиз боришни маъқул кўрганди. Қолаверса, Шайх Мазидбек ҳам шуни тайин қилган экан. Иккаласи хуфия учрашиб, Султон Аҳмад мирзо билан Султон Маҳмудхоннинг таклифларини маслаҳатлашмоқчи, маъқул бўлса, аниқ бир режа тузиб олишмоқчи эди. Улар тонггача мубоҳаса қилиб, оқибат Умаршайх мирзони орадан кўтариш билан ўз мақсадларига етишга келишиб олишди. Фақат Умаршайх мирзони кўрага

кўзи, отарга ўқи бўлмаган Али Мазидбек негадир, бу ишда қанча харажат бўлса кўтаришни, аммо ўзи шахсан иштирок этмаслики лозим кўрди.

Ҳозир ўша суҳбатни эслаган шайх Мазидбек Али Мазидбекнинг мурданикидек оқариб кетган юзини кўриб кулгисини тиёлмади.

– Биров ўламан деса, сиз куладирсиз, – бадтар аччиқланди Али Мазидбек.

– Асабни асранг, биродар, асабни, – истехзоли илжайди шайх Мазидбек. – Ўладиган ахир сиз эмас, Умаршайх мирзо-ку.

– Секин сўзланг, – кўрқиб кетди Али Мазидбек, – деворнинг ҳам қулоғи бор-а...

– Хавотир олманг, ҳамма беклар биз томонда. Сиздан кейин эшикоғадан тортиб Бобо Алигача ҳар бири билан алоҳида гаплашдим. Уларга ҳам бизнинг режа маъқул бўлди.

Нафсиламрини айтганда, шайх Мазидбек бекларни кўндириши осон бўлмади. Бошда Султон Аҳмаднинг одамига ўзи ҳам рад жавобини берганди. Аммо гоҳ Султон Маҳмуд, гоҳ Султон Аҳмад юборган одамлар келавериб, минг турли ваъдалар беравериб, ҳоли-жонига қўйишмади.

Шайх Мазидбек Умаршайх мирзо даврида кўнгли тусаган неки бўлса, бориға эришиб, давру даврон суриб юрса-да, ботинан уни ёқтирмасди. Шунинг учун тақлифларга рози бўлгиси келар, аммо оқибатини ўйлаб иккиланарди. Ахир, нима бўлганда ҳам хоинлар бегона эмас: бири хонга жондек жигар, иккинчиси қайноға. Эртага улар суиқасд иштирокчиларини, ҳеч бўлмаса эл кўзига, қатл этмаслигига ким қафолат бера олади?!

Шайх Мазидбек кўнглидан кечган шубҳаю гумонларни такрор этиб, бошқа беклар ҳам бошда оёқ тираб туриб олишди. Аммо у ким билан қандай муомала қилишни яхши биларди. Кимга мирзонинг сархуш пайти етказган озорини, кимга ботиний душманлигини эслатиб, ахийри, айтганига кўндирди. Кажбаҳслик қилганлари ҳам Умаршайх мирзонинг куни битганини, агар бирор тасодиф билан яна тахтда қолса-да, шу бадфеъллиги-ю, уришқоқлиги омон бўлса, бир вақтлар Юнусхонга тақдим қилиб юборганидек, бутун Фарғонани бўлак-бўлақлаб бошқаларга инъом этиб юборишини айтганда, шайх Мазидбек томонга ўтишдан ўзга чора топа олишмади.

Ҳамон нимадир Али Мазидбекка тинчлик бермасди.

– Маъқул, бек жаноблари. Аммо ўйланган режани қандай амалга оширурмиз. Боз устига, ўзимиз четда қолурмиз?

Шайх Мазидбек юзига тантанавор тус бериб, шодон ишшайди.

– Бир ҳафта ичинда Марғилон билан Қўқонга неча бор чопар юборишди. Яна денг, энг учқур отларда, энг тезкор чопарлар. Аммо улардан нечаси қайтиб келди? Буни ҳеч ўйлаб кўрмадингизми, бек? – Али Мазидбекнинг диққати ортди. Шайх Мазидбек энди унга эътибор қилмасдан давом этди. – Йўлга ўз одамларимиздан қўйиб қўйганман. Агар чопарлар хушхабар олиб келаётган бўлишса, гумдон қилишади. Акси бўлса, ўтказиб юборишади. Тўрт оёқли жониворларни миниб кетган икки оёқли хабарчилар қайтиб келмагач, мирзойингиз “қанотли чопарлар”ини юборишга мажбур бўлади...

– Буни яхши ўйлабсиз, – деди Али Мазидбек, сал тинчланиб. – Лекин суиқасдга бу тадбирнинг нима алоқаси бор?

– Бўлганда қандоқ, – жонланиб кетди шайх Мазидбек. – Биласиз, кабутархона жарлик лабига қурилган. Ишонган одамларимга кабутархона остини қулашига бир баҳя қолгунга қадар ковлаб, томидаги ёғочларни арралаб қўйишни буюрганман. Мирзо жаноблари кабутарларни ўз қўллари билан учиришни ёқтиришлари сизга аён. Агар омадимиз келиб, бу гал ҳам мирзо кабутархона томига чиқсалар, том қулаб тушади. Унинг зилдай гавдасини кўтаролмаган омонатгина кабутархона кучли зарбдан пастга ағанаши турган гап.

– Салоҳиятингизга салламно. Лекин...

– Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ, – унинг гапини чўрт бўлди шайх Мазидбек. – Кабутар боқувчи ҳам одам эканини, унинг ҳам сизникидек оғзи борлигини унутманг. Қолаверса, бу оламда олтиндек сариқ иблисга сотилмайдиган бани одамнинг ўзи йўқ. Худо хоҳласа, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Мана энди ўйлаган режамизнинг ипидан-игнасиғача хабардорсиз. Ҳарқалай, бир оз бўлса ҳам ўпкангиз босилгандир.

– Бек жаноблари, мен қуёнюрәк әмасман. Бирәқ бу тузлуққа тупуриш бўлмасми? Хавотириим шундан, холос.

– Э, Али Мазидбек, – яна унинг кўзларида истехзо учқунлади, – ҳали шу юрак билан Хонзодабегимдек шернинг урғочисига эгалик қилмоқчимисиз?

– Бек жаноблари, ҳаддингиздан ошманг, – Али Мазидбекнинг қўллари беихтиёр камарига осилган яроққа югурди.

– Бўпти, бўпти, – шайх Мазидбек қалтис ҳазили зилга айланиб кетишини сезиб бир оз ён берди. – Тонг ҳам оқариб қолди. Бориб саҳарлик қилайлик. Ҳадемай мирзо ҳазратлари йўқлаб қоладилар...

* * *

Кун чошгоҳдан ошгунга қадар сабр қилган Умаршайх мирзонинг охири тоқати тоқ бўлди. Аммо на Марғилон ва на Қўқондан чопар келди. Ноилож қолган мирзо сўнги чорани қўллаб, “қанотли чопарлар”ини юборишга жазм этди.

Умаршайх мирзо ўн-ўн беш чоғли мулозим ва беклари билан жанубий дарвозадан чиққанда куёш заминни забтига олиб бўлган эди. Мирзонинг негадир тихирлик қилаётган отига қамчи босиш учун кўтарилган қўли ҳавода муаллақ қолди. Наҳотки, туши ўнгидан келса?! Наҳотки, ҳали қирчиллама қирққа ҳам тўлмай бу фоний дунёни тарк этса?! Эҳтимол, остидаги арғумоғи ҳам ўша тушида аён бўлган ўлим шарпасидир ва уни муқаррар ўлим сари олиб кетаётгандир...

Отлиқлар жар лабига етиб келишганда кабутарларнинг безовталиги янада ортди. Ўзи шундай ҳам улар кечадан буён сувга ҳам, донга ҳам қарамас, юз бериши мумкин бўлган қандайдир хавф-хатарни сезгандек, ўзларини кабутархона деворига уришар, ташқарига чиқиш йўлларини излашарди. Кабутар боқувчи ҳам нимадандир безовталаниб, оёғи куйган товукдек типирчилаб, ўзини қўйгани жой тополмасди.

Ҳалиям тинимсиз хаёлларини бир жойга йиғолмаган Умаршайх мирзо Марғилонга учадиган кабутарнинг бошини силаганча кабутархона томига кўтарилди. У залворли қадамлари зўридан ғичирлаб турган зинадан юқорилагани сайин шайх Мазидбекдан тортиб кабутар боқувчисигача ҳамма боши эгилиб, ердан кўзларини узолмай туришди. Фақатгина Қосимбек қавчингина бу ҳолдан ҳайратда эди. Нега улар бу қадар безовта? Бу ерда қандай сиру асрор бўлиши мумкин?!

Қосимбек қавчин саволларига жавоб топгунча нимадир қарсиллаб синди-ю, қўлларига кабутар ушлаган Умаршайх мирзо кўз очиб-юмгунча кабутархона ичига қулаб тушди. Қосимбек ўрнидан кўзғалишга улгурмай, жар лабига ўрнатилган кабутархона пастга қараб инди. Таги нураган қирғоқ ҳам унга қўшилиб жар тубига қулади. Саросимада қолган Қосимбек шер наърасига монанд ҳайқириқни баралла эшитди-да, бошини сараклади. Умаршайх мирзо кабутархона ичида ётганича пастга қуларкан, хаёлида раҳматли отаси айтган сўзларнинг охири бот-бот такрорланарди: “Ўлим шарпаси... Ўлим шарпаси...”.





Ғазалхонлик

ЧОРШАМЪ

Ҳақиқатни тугдайин билиб



* * *

*Мен ҳаётга боқиб яшайман,
Тинмай киприк қоқиб яшайман.*

*Умр деган улкан уммоннинг
Мавжларида оқиб яшайман.*

*Фикр этиб ҳар бир нарсани
Маъносини чақиб яшайман.*

*Бир нур кўрсам иқболим кулиб
Қалбим жўшиб, балқиб яшайман.*

*Зулумотдан эса ҳамиша
Бағримда дард, қалқиб яшайман.*

*Ҳақиқатни тугдайин билиб,
Тумордайин тақиб яшайман.*

*Шу сабабдан кўпларга Чоршамъ
Гоҳ ёқмай, гоҳ ёқиб яшайман.*

* * *

*Танингда бор экан жонинг, авайлаб-асра кўнгилни,
Куйиб кетмай хонумонинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Сени обод этай деб, у келибдур арши-аълодан,
Саломат бўлсин иймонинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Кўнгил асли ҳаётингдур, қанотингдур, нажотингдур,
Саротонда соябонинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Уни шаффоф тутар бўлсанг, сени шодмон этур доим,
Қиёматли қадрдонинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Бирор-бир гард тушурсанг, бил, сени расво этар охир,
Қаро бўлмай азиз номинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Югур, елгин, у кўрсатган макон, манзил сари ўктам,
Камол топгай шараф-шонинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

*Кетур жисму танинг тупроқ бўлиб Чоршамъ, ҳаётсанки,
Фаниматдур гўзал онинг, авайлаб-асра кўнгилни.*

* * *

*Мен юрган йўллардан юрасан сен ҳам,
Мен кўрган гулларни кўрасан сен ҳам.*

*Шу азиз ватаннинг шайдоси бўлиб,
Мен суйган далани суясан сен ҳам.*

*Тозу тошлар ичра, чўлу дашт ичра,
Мен кезган тарихни кезасан сен ҳам.*

*Ҳаётни англай деб, ҳикмат топай деб,
Мен титган китобни титарсан сен ҳам.*

*Кўнгил кўчаверар, руҳ кўчаверар,
Мен туйган ҳисларни туярсан сен ҳам.*

*Дунё тураверар бизни кузатиб,
Мен боққан самога боқасан сен ҳам.*

*Шундай яшайверсанг, шундай яшасанг,
Мен билган Чоршамъни биларсан сен ҳам.*

* * *

*Сенинг каби нозанин олам-жаҳонда йўқдур,
Сўзлари болдай ширин олам-жаҳонда йўқдур.*

*Бир кўрдиму йўқотдим ҳузур-халоватимни
Бўйингга мендек мафтун олам-жаҳонда йўқдур.*

*Ҳусну жамолингни ҳеч чиза олмас мусаввир,
Чунки бундайин ҳусн олам-жаҳонда йўқдур.*

*Олма деса, олмадан юз бора қирмизи ул,
Юзлари мунча майгун олам-жаҳонда йўқдур.*

*Яноқлару дудоқлар, димоғлару соқоғлар,
Ким нима деса десун, олам-жаҳонда йўқдур.*

*Висолингни истаб ёр, тунлари кезган бедор,
Мендек ошиқи Мажнун олам-жаҳонда йўқдур.*

*Сени кўрмаган оним, чиқиб кетгудай жоним,
Чоршамъ каби мустарин олам-жаҳонда йўқдур.*

* * *

*Дунёни ҳис этурман туйғуларим етгунча,
Дарду алам чекурман қайғуларим етгунча.*

*Кўнгил деган неъматнинг сир-асрори беадад,
Қаърига кўз тикурман сезгиларим етгунча.*

*Етишмаса ҳаётда омад, бахту саодат,
Ҳою ҳавас этурман орзуларим етгунча.*

*Тушларимга кирар гоҳ ўнгимда кўрмаганим,
Уйгонмайин ётурман уйқуларим етгунча.*

*Мени тушунмагувчи гофил, жоҳил, бемурод
Одамлардан кулурман кулгуларим етгунча.*

*Бандасидан умидим қолмади бу жаҳонда,
Тангрига интилурман ҳу-ҳуларим етгунча.*

*Зулмат қўйнида гарчи ҳаёти жовидоним,
Чоршамъ бўлиб ўтурман ёғдуларим етгунча.*

Наср



ОТАУЛИ

РИСОЛА

Воқеий ҳикоя

Қадимшунослик (археология) институтининг янги директор ўринбосари эски илмий котибни ҳузурига чақириб, кўлига бир кўлэзма тутқазди:

– Вилоятда яшайдиган бир бошловчи олим шуни жўнатиб, биздан фикр сўрабди. Ўқиб, олдингизга келганида фикрингизни муаллифга айтарсиз.

Шу ҳам иш бўлибдими! Атиги юз бетгина кўлэзмани ўқиб чиқиб, фикр айтишдан осони бор эканми! Бунақасини энди кўриб тургани йўқ! Ун олти йилдан буён институтнинг ўчоғидан кириб-кулидан чиқиб, етти йилдан буён илмий котиб сифатида уззукун ишхонага танда қўйган эмасми, раҳбарлар билан муомалада ўзи ўрганиб қолган сўзларни айтди, албатта:

– Хўп бўлади, ака!

Кўлэзмани бир кундаёқ ўқиб туширди. “Йўқотилган ғов” деган думбул тадқиқот, хом-хатала нарса, чала илмий рисола! Қадимда ота-боболаримиз, гарчи Хитой деворичалик бўлмаса-да, ҳар қалай, ёвнинг келар йўлига ўзига хос тўсиқ, баррикада, ҳимоя қобиғи, хуллас, ғов тиклаган эмиш. Бу ғов девор эмас экан. Тупроққалъани бунёд этишдан аввалроқ ота-боболаримиз сой сувидан, қалин ўрмонзордан, яна бошқа тўсиқлардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланган эмишлар. Бундай ғовлар кейинчалик – тупроқдан девор тиклана бошлангач, вақти-соати билан йўқолиб кетган эмиш...

Бўлса бордир! Бир қарашда янгича илмий фикрга ўхшайди бу! Тарихимиз Тупроққалъадан ҳам қадимийроқ дейилмоқчи! Бу-ку яхши! Лекин... ҳар қандай илм аниқ далилларга, мустаҳкам асосларга эга бўлсагина илм! Ўша далил, асос бўлмаганидан кейин... ҳаммаси шунчаки ҳавойи гап-да! Қайси бир қадимий қалъа харобаларининг атрофида ҳалқа бўлиб оққан сой ўзани сақланиб қолган, хўш?! Бизнинг минтақамизда қайси шаҳарнинг атрофи қачон қуюқ ўрмон билан ўралган?! Қайси ёзма манбада шу ҳақда маълумот келтирилган? Аниқ далил, мустаҳкам асосга эга бўлмаган ҳар қандай фараз... чинакам илм эмас, шунчаки тахмин, тусмол, оддийгина хомхаёл бўлиб қолаверади-да! Илмий рисола эмас, фантастик асар бўлсаки, аравани қуруқ олиб қочаверсанг! Ҳолбуки чинакам фантастика ҳам далилию асоси бор илм ҳисобланади. Шунинг учун у илмий фантастика деб аталади!..

Кўпни кўрган қадимшунослик институтига кимлар келиб, кимлар кетмайди, иши игна билан қудуқ қазिशдек дўзах азобига менгзагулик олимликни кимлар ўзича ҳавас қилмайди дейсиз! Бу оламда ким кўп – ҳаваскор тадқиқотчи, хонаки донишманд кўп! Ҳар бир ўқилган кўлэзма муаллифига, агар у шаҳри азимнинг қоқ марказида яшаган

тақдирда ҳам, “Марҳамат, келиб фикримни эшитинг!” деб хабару таклиф қилиш кимга нима учун зарур? Туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади-да! Фикр кимга керак, фикр эгасигами ёки фикр сўраб турган ҳавасманд тадқиқотчидами?..

Кунлардан бир куни илмий котибнинг хонасига бир йигит кириб келди ва бундай деди: “Мен фалон вилоятда яшаб турган “Йўқотилган ғов” рисоласи муаллифининг жияни бўламан. Тоғамнинг мазалари йўқ эди, мен қўлёмзани тезда қайтариб олиб борар эканман, нашр этадиган ҳимматли ҳомий топилибди”. Табиийки, илмий котиб масалани аниқлаштирди: “Мен овора бўлиб қўлёмзани ўқиб чиқдим. Энди фикримни кимга айтаман?..” Жиян қўшимча тушунтириш берди: “Фикрнинг кераги йўқ экан дедим-ку! Қўлёмзанинг ўзини қайтариб берсангиз бўлди, ака! Тоғам бетоқатланиб кутиб ўтирибди!..”

У йигитни бошлаб ўринбосарнинг олдига кирди. Афсуски, раҳбар қандайдир йиғилишга кетибди. Бу ёқда йигит “Қўлёмзани бугун етказиб оборишим керак!” деб қисталанг қилиб турибди. “Фалон жойда яшовчи фалончининг фалон қўлёмзаси, мен у кишининг туғишган жияниман”, дея ўзи ўз оғзи билан аниқ-тиниқ айтиб турганидан кейин... ҳужжатига қараб, тилхат ёздириб ё бошқа расмиятчиликларга берилиб ўтирмади-да, қўлёмзани йигитчининг қўлига тутқазди-юборди! Қўлёмза керак эканки, олаверсин, ана! Ўзи келар Лайлихон, ўзи кетар Лайлихон! Зоримиз бор, зўримиз йўқ! Ҳар қалай, институтнинг ҳам, ўзининг ҳам бунақанги бўш рисолага муҳтожлик жойи йўқлиги аниқ!..

Орадан озгина вақт ўтар-ўтмас шунақанги кутилмаган ғалвалар бошланиб кетдики!.. Аввалига Фанлар академияси президенти номига ёзилган шикоят хатини котиба қиз олиб кириб илмий котибнинг қўлига тутқазди. Шикоят хати билан танишиб унинг миёсига қон тепди. Хатда Қадимшунослик илмий тадқиқот институтининг илмий котиби ўзининг “Йўқотилган ғов” илмий рисоласи қўлёмзасини еб қўйгани, ичиб қўйгани, ўзлаштириб олгани айтилган эди! Табиийки, янги директор ҳам, унинг янги ўринбосари ҳам эски илмий котибдан тушунтириш сўради. У оғзаки эмас, батафсил ёзма тушунтириш берди. Шу билан кўнгли хотиржам бўлди: ҳаётда бунақа англашилмовчиликлар бўлиб туради. Муҳими – уларга аниқлик киритилди-ку! Қўлёмзани етти ёт бегона эмас, туғишган жиян олиб кетди-ку ўшанда! Ана, муаллиф бегонадан эмас, ўз жиянидан сўраб-суриштираверсин-да!..

Орадан яна озгина вақт ўтиб-ўтмай котиба янги бир расмий хатни олиб кириб илмий котибнинг қўлига тутқазди. Энди Фанлар академияси эмас, бирйўла улкан мамлакат раҳбари номига ёзилган шикоят хатининг мазмун-моҳияти... даҳшат! Ноҳақликка барҳам бериб, адолатни қарор топтириш, нопок, қўли эгри, кўчирмачи, масъулиятсиз илмий котибга тегишли жазо бериш, ҳеч бўлмаганда Қадимшунослик институтидан бадарға қилиш сўралган эди ўша хатда! Ана халос, пишди гилос! Масаланинг бундай жиддий тус олишини ким ўйлабди дейсиз?! Негаям ғаллат босиб жиянга қўлёмзани ақалли бир жумла тилхатсиз оғзаки гапга ишониб шундоққина бериб юбора қолди ўзи ўшанда?! Қачон бу халқ ўзбекона ишонувчанлигу соддадилликдан қутулар экан-а?! Балки, аслида, жиян эмас, бутунлай бегонадир, бундан чиқди? Уша муаллиф билан икки ўртага бир ғаламис қуюшқонга қистирилгандек қистирилиб, маккорона ишини битириб кетган бўлса-чи? У ёқда муаллиф ҳомий топиб китоб чиқараман деб турганда қўлёмзасини қайтариб ололмай хуноб, бу ёқда қўлёмзани қўшқўллаб тутқазган илмий котиб!.. Энди нима қилиш мумкин?! Ҳозирги вақтда чекка бир вилоятга бориб, “масала”ни аниқлаштириб, ҳақиқатни қарор топтириб келиш осонми?! Қолаверса, бунинг оқибати қандай бўлишини ким олдиндан айта олади?! Институтдан аввалроқ ўша вилоятдан бадарға қилиниши эҳтимолдан ҳоли эмас!.. Ўйлай-ўйлай, қўлидан келгани – яна бир тушунтириш хати ёзиш бўлди. Ўринбосарга ёзма тушунтиришга қўшимча оғзаки тушунтиришларга ҳам зўр бериб анчагина зўриқди. Янги раҳбар унга тасалли-таскин берган бўлди: “Ҳай, майли, мана, яна бир марта батафсил ёзма тушунтириш берибсиз-ку, балки шу билан тинчиб кетар, ўзида қўлёмзанинг бошқа нусхаси бордир, шунчаки ваҳима қилаётгандир, майли, кўп куйинаверманг энди, бу ёғи бир гап бўлар, соғлигингизни ўйланг-да!..”

Орадан яна озгина вақт ўтиб, институтнинг юқори маҳқамадаги масъул мута-сэддис бевосита уйига қўнғироқ қилиб айтдики: “Қўлимизда фалон вилоятда яшай-

диган фалончи олимнинг устингиздан ёзилган янги шикоят хати турибди. У киши сизни судга бермоқчи экан! Марҳамат қилиб ҳузуримизга келиб, хат билан танишиб, масалани ҳал қилиб кетинг, ака!”

Яқиндагина олимликдан воз кечиб, арбоблик кўчасига муккасидан кетган бу “укаси”нинг инсоний феъл-атворини яхшигина билади у! “Лўлидан арбоб чиқса чо-дирига ўт қўяр” деганларидек, шахсий манфаати йўлида ўзи чиқиб келган не бир муқаддас жойларни ҳам булғалашга таппа-тайёр бир мансабпараст! Баланд жойларга кўтарилмасдан аввал ҳам унинг антиқа феъли-хўйини бир неча маротаба яхшигина кўрган-билган эди у! Шу боис ўта хушмуомалалик билан оғзаки тушунтириш берди: “Институт раҳбарларини хабардор қилмай тўппа-тўғри сизнинг ҳузурингизга чиқиб бораверишим қоидага ҳам, одобга ҳам тўғри келмайди, укажон. Шунинг учун мен билан эмас, раҳбарларимиз билан гаплашганингиз ҳар жиҳатдан маъкул бўлар деб ўйлайман, нима дедингиз?..”

Кутилмаган кўнғироқни раҳбарларга айтиб подадан олдин чанг чиқариш ҳам, ўйлаб қаралса, одобдан эмас. Чақимчиликми-шикоятга ўхшаб кетади-да! Қолаверса, асли дилхиралик бўлганидан кейин! Лекин айтмаслик... тагин қандай талқин қилинар экан?! Бу учинчи шикоят хатида, масъул ходимнинг айтишига қараганда, “нодир асарнинг ноёб қўлёзмаси ягона нусхада ёзилгани, уни ҳам институтнинг илмий котиби ўзлаштириб олгани” қайта-қайта ўқтирилганмиш! Қўлёзма топилмаса, айбдорни судга берармиш! Энди нима қилиш мумкин?!

Табиатан ўта таъсирчан эмасми, бошига бехос ёғилган ўт балосию сув балосидан даҳшатлироқ тўхмат балосини, ҳаттоки етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган суд балосини ўйлайвериб-ўйлайвериб, ич этини еб, афсус-надомат чекавериб... ахийри касал бўлди. Шифокорлар бирор ҳафта уйда хотиржам ётиб даволанишни маслаҳат бердилар. Лекин бундай аҳвол-руҳияда қанақасига хотиржам ётиб даволанасан киши?! Айни эллик ёшда, эрта-индин докторлик ишини ҳимоя қиламанми, гарчи кечроқ бўлса-да, менинг ҳам елкам офтоб кўрадим, ўн олти йилдан буён шу илм даргоҳининг тупроғини ялашдан муродим ҳосил бўларми экан, мана, янги раҳбарлар келишди, улар, билишимча, табиатан яхши одамлар дея, не бир орзу-умидлар билан юрганида... энди бу балойи ногаҳонни қандай даф қилиш мумкин?! Оқибати нима бўлади бу бехос бошланган ғалванинг?!.

Шундай бири биридан машъумроқ ўйлар исканжасида изтироб чекиб, уйда тўлганиб ётган кунлардан бирида котиба қиз кўнғироқ қилиб айтдики, “Сизни директор билан ўринбосар бетоқатланиб кутиб ўтирибди. Агар юра олсангиз, касал бўлсангиз ҳам, бирров идорага келиб кетар экансиз!”

Борса, директор билан ўринбосар иккаласи уни ростдан ҳам бетоқатланиб кутиб ўтиришган экан. Хонага кириши билан директор қайгадир кўнғироқ қилиб, гўшакни унга узатди. Тинглаб қараса, ўша мутасадди укажон! Касаллигига қарамай, ўзининг ёзган яна бир тушунтириш хатини ўзи олиб ҳузурига зудлик билан етиб боришини талаб қилиб турибди! Беихтиёр миясига қон тепди. Яна ўша гапми?! “*Ҳангомталаб бўлсангиз Маҳкамага йўрта кўр, Уч эчкини бир лўли Афсун билан ўйнатур*”. Роппароса бир аср муқаддам бир юраги ўртанган ҳақгўй баайни юрак қони билан ёзиб қолдирган тўртлик-да бу! Хўш, ҳозир-чи? Маҳкамада ким кимни ўйнатмоқчи бўлиб турибди?! Анови укаси ўзини лўлидек авраб, айикдек ўйнатмоқчими? Энди шу янги етишиб чиққан ҳаваскор ўйинчининг ноғорасига ўйнаши қолувди!.. Гапни қисқа қилди: “Истасангиз, яна бир тушунтириш хати ёзиб бераман, майли, агар давлат миқёсида жиноят қилган бўлсам жазолайверарсиз, лекин тушунтириш хатимни ўзим кўтариб касал ҳолимда сизнинг ҳузурингизга чиқолмайман, укажон! Ҳеч ким менга бунақа ваколат берган эмас, сизга ҳам!..”

Шу пайт симнинг нариги тарафидаги гўшакни кимдир олиб, унга ўшқира кетди: “Ўша тушунтириш хатларингизда ёзганингиздек, қўлёзмани директор ўринбосаридан эмас, бизнинг ҳузуримизга чиқиб, шахсан манови укамизнинг қўлидан олган эдингиз, эсингиздами? Ўшанда мен гувоҳ бўлиб турган эдим! Олганингизни марҳамат қилиб қайтаринг-да энди!..”

Бу укасининг феъл-атвори унга яна-да аёнроқ! Аслида, олим бўлиб олим эмас, ёзувчи бўлиб ёзувчи эмас, журналист бўлиб журналист эмас, нақ аросатда

қолган бир бандаи ожиз! Фақат айни чоғда бутун олимлар-у илмий муассасалар мутасаддиларининг каттаси – юқори маҳкамадаги нуфузли бўлим мудирини! “Савлатидан от хуркади” деганларидек, арбоблик шаҳду шижоатидан не бир донгдор олимлар ҳам чўчиб-ҳадиксираб туришади! Лекин қоқ тепангда ўтириб олиб, бунинг устига, қуёшқонга қистирилиб, ошқора балохўрлик қилиши!.. Бунисига қандай чидаб бўлади?! Ўзини имкон қадар совуққон тутиб, гапни қисқа қилди: “Кечирасиз, шу топда баланд идорада ўтириб менга очикдан-очик тухмат қиялпсиз! Мен сизнинг ҳузуригизга ҳеч қачон чиққан эмасман, ҳозир ҳам чиқмоқчи эмасман!”

Ўшақни директорга қайтариб берди-ю, беихтиёр бошини чангаллади: “Нима иштади ўзи булар мендан-а?! Икки марта тушунтириш хати ёзиб бердим, керак бўлса, учинчисини, тўртинчисини, бешинчисини ёзиб беришим мумкин! Ахир, қўлёмани, мана, ўринбосардан олганиму жиянига берганим аниқ, демак, анови ўзингдан чиққан арбоб шундай обрўли маҳкамада ўтириб ошқора балохўрлик қилаётгани ҳам аниқ-равшан кўриниб турибди-ку! Очиғи, ўн олти йилдан буён шу даргоҳда бошимга қаёқдан қандай бало ёғилар экан деб, бор куч-қувватимнинг ярмидан кўпини балогардон қидиришга сарфлайвериш адои тамом бўлдим, яшамай қаридим!..”

Чин юракдан бўзлаб айтилган сўз ҳар икки раҳбарнинг қалб торларини қаттиқ чертиб ўтди, шекилли, улар ўзаро бир кўз уриштириб, бараварига овути бошлади-лар:

– Аслида, бизнинг ҳолимиз ҳам шунга яқин, ука!

– Қўйинг, кўп куйинаверманг, соғлигингизга қаранг!..

Бир пайт ўринбосар ўрнидан сапчиб туриб, унга кўрсатма берди:

– Майли, ука, сиз кўп қизишмай, хонангизга чиқинг-да, яна бир тушунтириш хати ёзиб беринг! Уни сиз эмас, мана, мен олиб чиққаним бўлсин юқорига! Хатни менга беринг-да, ўзингиз уйингизга қайтиб, хотиржам даволанаверинг!..

...Орадан бирор ой ўтиб, илмий котиб соғайиб ишга чиқди. Ўринбосар, ҳайтовур, ҳеч нима бўлмагандек, очик чеҳра билан кўришиб, ҳол сўраб, “Соғайиб ишга чиқдингизми?” дея навбатдаги топшириғини берди. Шундай қилиб, хайрият, у ҳадиксираб кутганидек ҳеч бир ортиқча гап-сўзсиз ўз ишини давом эттирди. Орадан тагин бирор ҳафтача ўтиб хонасига бир киши кириб келди-да, ўзини таништирди: “Мен ўша “Йўқотилган ғов” рисоласининг муаллифи бўламан!” Сунгра қўлини кўксига қўйган кўйи ундан узр сўрай кетди: “Ўша сизни касал қилган шикоят хатларини ёзишга мажбур бўлганим учун сиздан кечирим сўраб келдим, ука! Иложи бўлса, мени кечиринг, қаттиқ пушаймонман! Очиғини айтсам, мени алдашди, укажон!..”

Зимистон кўнгли дафъатан ёришди. Ўтган ўтди, ўтган ишга салавот деганлар! Ҳар қалай, мана, ҳақиқат бор экан-ку! Мана, рисоласи хомроқ бўлса ҳам, ўзи рисоладаги ОДАМ экан, кўз олдида ўтирибди! Кўксига виждони тинчлик бермаган эканки, ўз қилмишига пушаймон бўлиб, атайин келиб узрини айтиб турибди! Лекин бу соддадилни алдаб, унинг қўли билан яна бир соддадилни қон қақшатиб, икки ўртада ўз ишини битирмоқчи бўлган ғаламис балохўрлар... уларда ҳам виждон борми экан? Уларнинг виждони ҳам қачонлардир қийналарми экан?! “Қозончида ихтиёр, қайдан қулоқ чиқарса” деб, қозон бошида ўтириб олиб, билган номаъқулчилигини қилишдан тап тортмаган ғаламислар, “Эрта бир кун шу жойга келгунимизга қадар анови ғовни икки ўртадан кўтариб ташласак-да, буткул кўздан йўқотсак-чи?” дея ўзича маккорона режа тузиб, тил бириктирган ғажурлар... Улар ҳам қачонлардир инсофга келармиканлар? Уларнинг виждони қачон уйғонар экан-а?! Қачондан бошланган эди ўзи бундай ўз виждонини арзимас баҳога сотишлар?! Ўзига ғов деб билган одамни ҳар боб билан босиб-янчиб, исканжага олиб, ёппа талаб, буткул кўздан йўқотишга уринишлар! Тупроққалъанинг кули кўкка совурилган даврларданми? Изсиз йўқолган Шумер давлатиданми? Ё Нуҳ тўфонидан ҳам аввалроқми?! Бугунги кунда яна бир тўфон кўпмаслиги учун виждонсизларда қандай қилиб виждонни қайта бунёд этиш мумкин экан-а?! Мумкинми экан ўзи шу иш?! Буқрини-ку қабр тўғрилар, лекин виждонсизни қаерда нима тўғрилай олади ўзи?!

Шеърят



Носиржон ЖҰРАЕВ

Мухаббат - энг гўзал

ПИЛСИМ

Мактуб

*Кўксим аро совуқ шамол эсган дам,
Сенинг томонларда илиқмиш ҳаво.
Ташилаган эмишсан кўкламга қадам,
Ўтли вужудингга тўлганмиш наво.*

*Наволар қўйнида юраркан сархуш,
Қўлларинг титрармиш китоб варақлаб.
Ҳар тонг турармишсан кўриб бир хил туш:
Севгини шарафлаб, дардни шарафлаб.*

*Шараф бўлсин, демак, сенга муҳаббат,
Сизга таъзим бўлсин, гўзал оҳанглар.
Шу умрим ҳурмати сизга ҳам раҳмат,
Баҳор номи билан тўкилган ранглар.*

*Ранглар қамаштирган кўзларимда нам,
Йўлингга термулиб ўтяпман ҳамон.
Богларга қўшилиб кетган азизам,
Куз оёқ босмасин, асло, сен томон.*

*Кўксим аро илиқ шамол эсган дам,
Билмам, қандай экан сен ёқда ҳаво?
Бир ҳадик кетмайди бугун дилимдан:
Этмоқдами-йўқми баҳоринг давом?*

Устоз ва шогирд

*Ёш шоир шеър ўқир жўшиб бағоят,
Чертиб-чертиб айтар ҳар бир сўзини
Унинг келажакин қилар башорат
Устоз олисларга тикиб кўзини.*

*Ёш шоир шеър ўқир яна бетоқат:
Эмишки, муҳаббат – энг гўзал тилсим...
Айни мана шундан кўрмаган роҳат
Устозин ўтмишин қаёқдан билсин?*

Шеърим

*Шеърим, яна ўзинг яхилсан...
Усмон НОСИР.*

*Дарёга қуйилмай қўйди ирмоқлар,
Бир-биридан елка тортди алп тоғлар,
Йўллар айро тушди вақт ўтган сари,
Олтига бўлиниб кетди ер шари.
Кейин ой, қуёшни атадик ҳар хил,
Ер узра тарқалди аллақанча тил,
Энди, агар борсак океан ортига,
Қандай тушунамиз “ёт тил” дардига?!
Улар бизга боқар бўлиб лолу гунг,
Гапирсаям, асло, қизимас гурунг.
Ўзга сайёрадан келган меҳмондай
Одамзот бир-бирин танимас шундай.*

*Ногоҳ, бир-биридан қўл тортди дўстлар,
Бошқа-бошқа манзил излади кўзлар.
Майли, мақсадлари ўзларига тан,
Майли, ўзиб кетсин улар ҳаммадан,
Аммо, ҳар узилган ришталар учун
Бой бериб боряпмиз она ер кучин.
Лекин, сен қўлимни маҳкам тут, шеърим,
Сенга келар қўлларни ҳам кут, шеърим.
Гарчанд, дарёларга етмайди ирмоқ,
Гарчанд, бир-бирини суямайди тоғ,
Гарчи, милён тилда сўйласин олам,
Шеърим, сен тут, лекин, қўлимни маҳкам.*

*Шунда, сенинг ёруғ йўлларинг ҳаққи,
Ер шарини қучган қўлларинг ҳаққи,*

Ҳаёт давом этар, давом этар сўз,
 Сенинг иродангга дунё тиккан кўз –
 Бос, десанг – дунёни сув ютди, кўрдим,
 Бас, десанг – ҳар томчи сувда гул унди.
 Энди, айт, бу олам бирлашсин тезроқ,
 Одамлар бир-бирин қучсин қаттиқроқ,
 Йўқолсин манглайдан тиришларимиз,
 Юзимиз буришиб юришларимиз,
 Айт, Сағри теридек¹ кўринмасин ер,
 Ва бошқа ҳеч қачон бўлинмасин ер!

Натюрморт

Ерга олтин муҳр босди куз,
 Ҳар тўкилган япроқ – бир имзо.
 Қилганича ҳосилин кўз-кўз,
 Шовуллайди ҳаёт – узумзор.

Неъматлари бунчалар тотли,
 Анор каби уваланар сўз.
 Тилло рангга бўяб ҳаётни,
 Бог тўридан чиқиб келар куз.

Фарқ

Менинг кўзим тундаги чақмоқ,
 Сенинг кўзинг офтобдай чақноқ.

Менинг сочим бўрон, шамолдир,
 Сенинг сочинг бир мажнунтолдир.

Менинг кўксим гулдираган тоғ,
 Сенинг кўксинг осойиштароқ.

Менинг қўлим қартайган илдиз,
 Сенинг қўлинг энг хушбўй ялпиз.

Менинг бошим ўтди эгилмай,
 Сенинг бошинг ўтди дард билмай.

Менинг қалбим муҳаббат, аммо,
 Сенинг қалбинг бундан мустасно.

¹ Бальзак асарига ишора



Муҳаммад ҒАҒҒОР

*Оқ қозоғ устима руҳим
помӯилаф*

* * *

*Қуёшни
Гулларга бос
Сачраб кетсин
Гулларнинг ифори
Сачраб кетсин ёғдулар*

*Осмон оғзин очсин
Юлдузларнинг куйсин кўзлари
Дарахтлар гуллаб юборсин*

* * *

*Ой
Осмондан
Тушиб келар
Аста
Аста
Аста*

* * *

*Тонгга айт
Гулларни қўрқитиб юборди хўроз*

*Бинафша титраб турар
Севиб қолган
Қизга ўхшаб*

Жон-Поль Сартр

*Кўп нарса йўқотдим
Кўп нарса топдим*

*Нимани йўқотдим
Нимани топдим*

*Ичимда юлдузлар бор
Ичимда қуёш
Бўйнимда ялтироқ қилич*

*Ой ҳақида эса
Тасавурум
Бошқача*

Мусича

*Ушоқ деб келасан тилдираб,
Эй қушча, биламан отингни.
Деразам олдида мўлтираб,
Бунчалар хўрлайсан зотингни?*

* * *

*Ой ёлғиз
Сен ёлғиз
Киприкларинг
Бунча кўп*

* * *

*Юлдузлар сачрар
Гумонлар кўприги булут
Йиғлагиси келар дарахт*

Осмон осилиб қолган унинг шохига

* * *

*Кетгинг келар
Узоқ-узоқларга
Кўйларни ҳайдаб*

*Кетгинг келар
Оппоқ-оппоқ
Булутларга эргашиб*

*Янтоқ
Энди гуллаган
Пайт*

* * *

*Отаётган тонг
Силласи қуриган дарахт
Ўрмалаб кетаётган чумоли*

*Пешонаси йиртилган шамол
Титраб-титраб турар
Ёлғиз оёқ йўл*

* * *

*Нимани ютқаздим, нимани ютдим,
Атиргул чўғига кўзим санчилар.
Мажнунтол оҳига суриниб кетдим,
Оқ қогоз устига руҳим томчилар.*



Ўктам ТОПВОЛДИЕВ**Ватан**

*Момолар алласи мисол зўр қўшигимсан – Ватан,
Оромижон жаннат гўша, ҳур бешигимсан – Ватан.*

*Таърифингга ҳожат йўқдур, қиёсингга ҳожат йўқ,
Остонасида тонг кулган, нур эшигимсан – Ватан.*

*Онам огушидек иссиқ, меҳри қайноқ ошён,
Гулзорида булбул ҳушхон, тинч элимдурсан – Ватан.*

*Ватаним сен бор экансан, бошда туғим – туғром бор,
Дўстлар аро очиқ кўнглим, пок дилимдурсан – Ватан.*

*Менга олмон ҳавас эмас, ҳавас эмас фаранг ҳам,
Ҳинду Хитойдан аълосан, гултоғимдурсан – Ватан.*

*Вужудингдан сирқиб чиққан туркий зотлар насли бу
Ўктам ўғлингга онасан – Ўзбекистонсан – Ватан.*

Сиз беқиёс яралмишсиз

*Тўлин ойдек жамолингизни тенги йўқ, баҳоси йўқ,
Сарвдек хуш қоматингизни бўйлашар даъвоси йўқ.*

*Икки қайрилма қошингиз камонга ўхшатай, десам,
Камон ҳам чорасиз қолгай, тенглашарга асоси йўқ.*

*Кипригингиз наштар дейму, нафис лабларингиз гунча,
Тенгсиз париваишсиз шунча, таърифингиз адоси йўқ.*

*Қирқ ўрим кокилларингиз қиёсига қалам оғсиз,
Бўй олмаса гуллар сиздан, гулзорнинг хуш ҳавоси йўқ.*

*Сиз беқиёс яралмишсиз, равзаи жаннат гулисиз,
Вужуду бўй-бастингизнинг Ўктам каби гадоси йўқ.*

Улугнор

Тўлин ойдек жамолингиз

Наср



Гулбаҳор ТАВАККАЛОВА

ИЛОН МУҲАББАТИ

Ҳикоя

Ғор оғзи мағрибга қараганлиги учун уфққа чўкаётган қуёшнинг сўнгги нурлари кираверишда ғоят бир сирли ойдинлик кашф этганди, гўё ёруғлик қоронғилик билан бўлган жангда қонга бўялиб йиқилгандек туюларди. Ғира-ширада бир четдаги харсанг устида ярим қулча бўлиб олган илонни писта дарахтининг ғорга кириб турган шохига ўралиб олган яна бир илон томон узун бўйнини чўзиб вишилламас, сезиш қийин эди. Илонлар навбат билан бафуржа сўзларди.

– Йўқ, ўлиш озод бўлиш эмас. Қалбингдаги изтироблар бу билан ечим топмайди. Азоблანаяпсан, кечинманг узук-юлуқ. Ҳаммасини батафсил гапирсанг, таскин топасан.

– Бир одам онамни ўлдирган эди. Отам билан қасос олиш мақсадида керакли ўйни излаб топдик. У минган қора от ҳовлида боғлиқ турарди. Бизни кўриб безовта пишқирди. Қотил чорпояда ухлаб ётарди. Отам уни чақиб ўлдирди. Ҳеч нарсадан беҳабар ўғли айвонда аллақандай иш билан банд ўтирар, ниҳоятда чиройли эди. Ичимда нимадир титраб, қўрқув ва ҳаёжон билан англамсиз бир туйғу қўшилиб кетди.

Бу воқеадан кейин орадан узоқ кунлар ўтиб, баҳор келди. Лекин ўшанда уйғонган қизғин туйғу ҳануз кўксимни тарк этмаганди. Уни, яъни ўша ўғлонни яна бир марта кўриш истаги борлиғимни худди куйдириб юбораётгандек эди. Бора-бора бутун вужудим истакка айланди. Мен яна ўша қишлоққа йўл олдим. У айвонда ёғоч йўниб ўтирар, ишига берилиб кетганидан гулзор ичидан чиқиб боқаётганимни сезмас эди. Нотаниш қувончдан довдираб қолдим. Ҳаммаси ғалати туюларди. Ахир бу... Қандай қилиб... Бўлиши мумкин эмас!.. Лекин ақлимга қарши кучли истак бутунлай ғолиб эди ва ўзимда тийиқсиз бир куч туйдим.

Кўктош тўдасидаги Кай менга негадир ўзини душман тутиб юрарди. Бунга парво қилмасам-да, рости, ундаги нафрат қаршисида ожиз эдим. Бир кун қишлоқдан чиқиб, Оқғор томон бораётиб ўша Кай билан тўқнашиб қолдим. Негадир у кўзимга

ғалати – кичкина, бечора кўринди. Унга ҳатто раҳмим келиб, ёнидан жимгина ўтиб кетаётган эдим, туйқусдан ташланди. Унинг аламзада типирчилашидан менга ҳеч зарар етмасди. Ўзимни ниҳоятда баҳайбат махлуқдай сезардим. Вазмин бир ҳаракат билан бўйнидан тишлаб аста улоқтирдим, натижада у ҳавода чирпирак айланиб наридаги арча шохига осилиб қолди. Йўлимда гўё ўқдай учардим-да, бу ғалати ҳолатимдан ҳайратланиб, ҳеч нарсага тушунмасдим. Тобора тўлиб-тошиб ҳайқиргим келар, энг кучли ғанимларимни олишувда энгишимга ишонардим. Ўлжамни шундай тез тутардимки, бунга ҳайрон бўлардим. Лекин луқма таъмидан аввалгидай лаззат сезмай қўйгандим. Баъзан телбаликка берилиб, ўзимни сойга ташлаб, тошдан тошга урилиб, узоқ-узоқларга оқиб бораман.

Қишлоққа ҳар кунни шомда йўл олардим. Чунки У бу пайтда севимли ишига берилиб тер тўкарди. Бир кун аста ёнига бордим ва зимдан кузата бошладим. У оддий ёғочга гуллар шаклини шундай чиройли қилиб ўярдики, улар чинакам мўъжизага ўхшарди. Завқдан ичимдаги ўт баландроқ ёнди. Унинг нозик уйилган қошлари, сал қисилган чиройли кўзларига қараб... ичимда тагин ғалати тўполон бошланди.

Бир оздан сўнг ҳушим йиғилганида сўнгсиз азобда қийналардим. Илк марта У мендан қанчалар узоқлигини алам билан ўйладим. Орамиздаги тубсиз жарликда тўлганиб парчаланар эканман, бу чидаб бўлмас бахтсизлик мени ақлдан оздирди.

Оқғор томон йўлга чиққанимда ҳали тонг ёришмаган эди. Энди ўзимда энгиллик эмас, руҳсиз паришонлик сезиб илгарилардим. Аммо юрагимдаги олов минг ҳисса ортиқроқ алангаланар эди. Отам аҳволимни кўриб кўрқиб кетди. Атрофимда парвона бўлди. Узоқ вақт уямда танҳо қолдим ва ҳароратим аста-секин пасайди. Уни қаттиқ соғинган эдим. Бир бора кўрсам яна тенгсиз кучга тўладигандай, шомда қандайдир безовталиқ билан яна қишлоққа жўнадим.

Уйда негадир одам кўп эди. Аллақандай шовқин-суронли овозлар эндигина дарддан турганим учун тез толиқтирди. Жавдираб изларканман, У бир тўп кишилар билан уйга кириб кетаётганини кўриб ҳапқириб кетдим. Анча таскин топиб, ҳовли охиридаги ўрик дарахтига чиқиб одамларни томоша қила бошладим.

Анча вақт ўтгач, ҳовли сув сепгандай тинчиб қолди. Бир оздан кейин дарахтдан тушиб айвонга келдим. Айвонда ҳам, уйда ҳам чироқлар ёниқ, деразалар берк эди. Ҳеч нимага тушунмай, соғинч танимни эритиб юбораётгандай уй ичига саб-сиз шошилдим. Охири узун устунга ўралиб чиқиб, кўндаланг ёғочлар орасидан ичкарига йўл топиб қувондим.

Хона аввалгидан бошқача: безатилган эди. У мен томонга орқасини ўгириб турар, ёлғиз эмасди. Қиз болани кучоқлаб ва суйиб эркаларди. Мен азоб ичра тўлғандим. Кўзларим олди қоронғилашиб, бошим ғувуллаб айланди.

Улар эса... улар бахтли эдилар.

* * *

Кунларнинг бирида сени эсладим. Кўришгим, суҳбатлашгим келди. Лекин сен сари олиб борувчи йўлларим ҳам берк эди. Бироқ сен билан учрашиш ва ҳасратлашиш истаги кўнглимга ҳеч тинчлик бермасди. Отам сени Улуғ одам ғорида яшашингни айтганини эсладим. Бу ерга биринчи марта келганимда мана шу шохга осилиб, бошингни қуйи солинтирганча зикр айтаётган экансан.

Мен аллақачон ёлғизланиб қолибман. Буни сени топганимдан кейин ҳис қилдим ва охири яна йигитнинг ҳовлисига ошиқдим. Аёл киши ҳовли супуриб юрарди. Узоқ тикилиб туриб, юрагимда унга нисбатан заррача ғараз йўқлигини сездим. Лекин мен Уни соғинган эдим. Ҳозир У қаерда? Бир марта кўрсам эди. Секин уйга кирдим. Лекин энди ўзимни аввалгидай эркин сезмасдим, худди ўғрига ўхшардим. Уйда эса... бешиқда гўдак бола ётарди... Оҳ, кўзлари, юзларидаги нафислик менга

Уни эслатди. Беихтиёр йиғлай бошладим. Негалигини билмасдан йиғлайвердим...

Отамнинг айтишича, одамлар бизларни басир деб билишаркан. Лекин улар кўришни фақат ўз кўзлари имконияти даражасида тасаввур қилсалар керак. Кўриш ҳам ҳис этиш ва сезиш каби кўп қиррали мўъжиза эканлигини тушунмасалар керак. Лекин биз ҳам кўрамиз, ҳис этамиз, йиғлаб, қувонамиз, севиб, нафратланамиз, соғинамиз, виждон азобида қийналамиз...

Гўдак муқаддас маъбуда сингари маъсум эди. Уни шунчалар кўнглимга яқин олдимки, ҳатто унга худди бутпарастлар каби сиғингим келди.

Болага яқин бордим. У менга қараб момиқ кўлларини узатди. Завқим тошдида, бешикка ўралиб чиқдим ва рўпарасига думимни туширдим. Бола думимни ушлаб олишга ҳарчанд уринмасин, тутолмай қийқиради.

Бирдан аёл кишининг қичқириғидан чўчиб ўзимни ортга ташладим. Аёл менга томон шаҳдам келарди. Кўрқмасди. Бу қандай журъат? Онам ёдимга тушди. Болалигимда қандайдир махлуқ уямизга хужум қилиб, оға-иниларимни нобуд этди. Ёлғиз мен қолганимда қайдандир онам пайдо бўлди ва ўзидан бир неча барбар катта махлуқ билан олишиб, уни енгди. Бу даҳшатли манзара ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Энди ўзим она қаршисида сўзсиз ожиз эдим, шу туфайли тезда жўнаб қолдим. Боладан узоқлашдим ва бу ерга яна қайтишимни билардим.

* * *

Атиргул тиканининг захри ёмон эканини ўйлаб, танам тирнала-тирнала айвонга яқинлашдим. У жуфти билан уйдан чиқиб келиб шундоқ рўпарамда суҳбатлашди. Негадир кўзлари хорғин, нигоҳлари аввалгидек чақнамас, назаримда одамлар қавмига хос тирикчилик етишмовчиликлари чарчатганди. Ундаги ташвиш энди менга кўчганди.

Шу пайт ичкаридан боланинг хаста йиғиси эшитилди ва тўдамининг муқаддас хазинасини хотирладим. Миямга келган даҳшатли фикрдан кўрқиб кетдим, аммо ўйлаб ёки ҳадиксираб ўтиришнинг вақти эмасди. Тезлик билан йўлга тушдим.

Форнинг тор йўлаги тугаб кенгликка чиқишим билан кўриқчи илон учради. Унинг олдида худди чувалчангдек эдим. Мени танигач, қайта ўрнига чўзилиб, кўзларини юмди. Тошлар орасида тахланиб ётган улкан хазина худди ялмоғизнинг совуқ кўзларидек ёлғон жилва қиларди. Беихтиёр руҳим сесканиб кетди. Илонлар қандай қилиб шу совуқ нарсадан қувват оларкин? Нега одам бу ялтироқ матоҳни севаркин?

Мен муқаддас хазинадан ўғирлик қилдим!

Бу менинг яна бир гуноҳим эди.

Ўша кунни Уникага қоронғида бордим. Тонг отишини кутдим. Уфқ ёриша бошлаганида уйга кирдим. У жуфтига тескари – эшик томонга қараб ётар, ҳатто уйқусида ҳам ғамгин кўринар эди. Шу лаҳзада унга узоқ тикилиб тургим келди. Лекин бунинг иложи йўқ, бирпасдан кейин тонг отади. Аста бориб оғзимдаги узукни ёстиғи устига қўйдим-да, секин ортимга бурилдим.

* * *

Йигит дийдори қалбим ва вужудимга қайта куч беришини ҳис этиб, яна кишлоққа бордим. Яширинча уйга кирдим. Бешикда ухлаб ётган фариштага термилиб тўймасдим. Бир пайт миёвлаб чағир мушук пайдо бўлди. Мени кўрмади шекилли, нарироқдан ўтиб кетди. Кузатиб турдим: тахмонга йиғиб қўйилган кўрпатўшаклар устига чиқишга шайланарди. Бола ухлаётган бешик эса тахмон биқинида эди. Мушукка ташлансам у фаросатсиз махлуқ қочиб тепага интилишини ўйлаб, тезлик билан ҳовлига чиқдим-да, ўчоқ бошида куйманаётган аёл рўпарасида вишилладим. У сапчиб ўзини орқага ташлади. Мен эса кўз олдида уйга томон

ўрмаладим. Аёл ҳам ортимдан югурди. Ўйлаганимдай, мушук кўрпаларни бешик устига йиқитиб юборган, ўзи эса юқорида бемалол панжаларини ялаб ўтирар, бўғиқ ингалаш эшитиларди. Аёл мени ҳам унутиб кўрпаларни ирғита бошлади. Нафаси қайтаёзган боласини ечиб олди-да, бағрига босиб титраб йиғлади. Кўнглим таскин топиб уйдан чиқиб кетдим.

Бир неча кундан сўнг келсамки, кечки пайт бўлишига қарамай, аёл боласини кўтариб қаёққадир жўнаётган эди. У жуфтини ташқарига кузатиб чиқди. Болани ўпиб эркалади ва тезда изига қайтди. Анча ўзгарган, дадил ва шод эди. Шундан кейингина атрофдаги ўзгаришларни пайқаб севиндим. Лекин қоронғи қуюқлашгани сайин кўнглимга ғашлик чўка бошлади. Юрагим сиқилиб томга кўтарилдим. Тун яримлаб қолса ҳамки, безовталигим тарқамас, қандайдир катта бахтсизлик рўй берадигандай туюларди. Хавотирланиб пастга тушдим. Уйга яқинлашганим сари жоним бўғзимга тиқиларди. Бешик гўё бурчакка қисилганча қўрқувдан зир-зир титраётганга ўхшарди. Ажабланарлиси, шивир-шивир овозлар, ингроқ товушлар эшитиларди. Аста яқин борсам... У... У... аёл билан... лекин... оҳ, бу бегона аёл эди!.. Ўша ондаги ҳолатимни айтиб беролмайман. Юрагим муздай совиди. Аввалгидай Уни суйиб қизганмадим. Фақат чексиз нафрат кўзларимни қонга тўлдирди. Тилим ўрнида гўё алам ўйнади. Бўғилганча олға отилдим. Ҳали бўйнига тишларим чуқур ботиб улгурмай бирдан аёл чинқириб юборди (назаримда у мени кўрмади), ақлдан озган кўйи бир хил сўзни такрорлаб шошиб кийинди ва йиқилиб-туртиниб жўнади.

Мен эса ҳамон қотиб турардим. Қанча вақт ўтганини билмайман. Уй ичи ёриша бошлагач, нафис чеҳра элас-элас кўринди. Ичимда яна нимадир аланга олди. Ёнига бориб хўрсиндим. Ахир тузукроқ чақмасимдан нега ногоҳ жони узилди? Нега?!

– Ҳа, сен неча йиллар тўлиб яшадинг. Сен ютган азоблар захрининг кучи бунга қодир эди.

– Гуноҳим шуки, мен инсонни севдим. Уни муқаддас, мукамал деб ҳис этдим. Аммо бу гўзаллик ва улуғлик маъбудаси кўз ўнгимда парчаланди, қулади...

Илонлар суҳбат қурган Улуғ одам ғоридан ажиб нур тўлқини коинот кенглик-лари томон ёйилиб борарди...



Болалар дунёси



Хуррам РАЙИМОВ

Бошимизда офтоб поғлар

Илиққина музқаймоқ

*Диловар бир нарсани
Доим ўйлаб юради,
Нега унинг томоғи
Тез-тез оғриб туради?*

*Қизалоқни холаси
Тинглар, гўёки, ўртоқ:
– Қани, бўлса – дер қизча, –
Илиққина музқаймоқ.*

Оёғида қулоғи

*Кенг далани тўлдириб
Чириллайди чигиртка.
Қиш келдимми, унида
Ғимирлайди чигиртка.*

*Энг қизиги шундаки,
Ажабтовур оёғи.
Бор товушни эшитар –
Оёғида қулоғи.*

Болакай

*Бола дер: – Дада менга
Олиб беринг машина.
– Катта бўлсанг оламиз, –
Дейди ота жимгина.*

*Болакай сўзни яна
Илиб кетади шартта:
– Аввал машин олайлик,
Кейин бўламан катта.*

Оймомо

*Ҳой, оймомо, оймомо,
Сен-ла, гўзал кенг само,
Гулдай ёшингга сени
Эпми аташ, деб, момо?*

*Ҳой, оймомо, оймомо,
Сулувликка бой момо,
Ўхшайсан бувимизга,
Эртак айтиб бер бизга.*

Хайр боғча, хайр боғча!

*Хур диёрда гўё гунча,
Баҳти қулган болалармиз.
Соғломжонмиз, полвонжонмиз,
Очилган гул-лолалармиз.*

*Оқ ювдию оқ таради,
Боғча опа бунда бизни.
Билдик асл маъносини:
Қанду, асал, нону тузнинг.*

*Хайрлашиши етди вақти,
Хайр боғча, хайр боғча!
Гул улашдинг, нур улашдинг,
Меҳр бердинг шу чоққача.*

*Ҳар зинаси гўё тилло,
Энди бизни мактаб чорлар.
Қутиб йўлда зўр истиқлол,
Бошимизда офтоб порлар.*

*Озод Ватан, обод Ватан,
Очиб турар бизга қучоқ.
Вақти келиб уни, албат,
Ёритамиз мисли чироқ.*

Денов



Жаҳон ҳикоялар хазинасидан



Фридеш КАРИНТИ,
венгер ёзувчиси

ЦИРК

Ҳикоя

Мен цирк ва скрипкани бутун вужудим билан яхши кўрар эдим. Қизиқишларим эвазига менга скрипка олиб беришди. Аммо циркка яқин йўлатишмади. Шу сабабли бўлса керак тушларимга фақат цирк кира бошлади. Бир сафар уни тепалик ортида кўрдим. Кимдир мени у ёққа етаклаб кетаётгандек туюлди. Бошқа сафар шаҳарнинг марказий майдонидаги цирк ёнига, унинг икки тарафи вестибюлли кириш эшиги олдига келиб қолдим. Менда билет ҳам бор эди. Бироқ ҳамма нарса аввалги тушларимдаги каби чалкашиб кетди ва мен ичкарига кира олмадим.

Кунларнинг бирида тушимни охиригача кўрдим. Мен кириш эшиги ёнида турардим. Ёнимда соқолли, оқсоқ бир одам куймаланиб юрарди. Афтидан у директор эди. У бир кўли билан пардани ушлаб олган ҳолда “Циркка кеб қолинг, ҳозир бошлаймиз, марҳамат, марҳамат, кириг!..” деб такрорлар эди. Аскарлар, хизматкорлар, шляпа кийиб олган хонимлар, пўрим жаноблар, хуллас, турли хилдаги одамлар ўзаро кулиб, гаплашган ва бир-бирларини туртган ҳолда ичкарига оқиб кирмоқда эдилар. Ўйлаганимдек, директор кўлимдан ушлаб олди ва норози оҳангда “Марҳамат, марҳамат... қани чипта борми? Бор бўлса марҳамат, йўқ бўлса, қани марш!” деди. Қўрқинчдан юрагим шувуллаб, гапларим чалкашиб кетди. “Мен томошага кирмоқчи эмасман, мен хоҳлайманки... мана, менинг скрипкам”. Узимни бутунлай йўқотиб қўйган ҳолда, қўлтиғимга қистириб олган скрипкамни кўрсатдим. Директор эгилиб оғзимга термилганча чиптам йўқлиги ҳақидаги ғудранишларим қачон тугашини кутиб турди. Мен ичкарига кириб, ўзим яратган куйни мана шу скрипкамда томошабинлар олдида чалиб беришни хоҳлаётганимни амаллаб тушунтирдим. Бунга эшитган директор оғзини карнайдек очиб, томоғининг тўртини кўрсатиб хохолаб кулди: “Эй эси йўқ бола! Сен билан пачакилашиб ўтиришга вақтим бор деб ўйлайсанми?!”. Мен ушбу кичкинагина мусиқамни фавқулодда ажойиб мусиқа деб ҳисоблаб, завқланиб гапиришим директорнинг кўнглига ўтирганини дарров сездим. У бир оз юмшаб деди: “Майли, сен болакай, бир оз кутиб тур, балки бирор нарса ўйлаб топармиз... Кетиб қолма, ҳали гаплашиб оламиз”.

Бир оздан сўнг у мени қолдириб кетган қоронғи йўлакка келди. Титроғим ҳали босилмаган эди. У қувноқлик ва очикўнгилик билан: “Скрипкада куй чалиш бу силлиққина бир иш”, деди. Гапларидан скрипкада бирор яхши натижага эришишимга унда ишонч йўқлигини англадим. Мен эса худони ўртага қўйиб қасам ича бошладим. Шундан сўнггина у жилмайишдан тўхтади. “Унда синаб кўриш мумкин, бироқ аввал ҳарбий қўмондонликка хабар бериш керак, улар императорлик ёки қироллик кагали аъзолиги тўғрисида нишон беришади”, деди. Бу ишлар битгунча цирк нима-

лиги ва томошабинларга нима кераклиги ҳақида фикрга эга бўлишим учун циркнинг ҳамма жойини – актёрларни, йиртқишларни кўрсатадиган бўлди.

Циркка кириш имконияти пайдо бўлганидан ва айна пайтда қўрқаётганимдан юрагим қинидан чиқаёзди. Мен скрипками қўлтигимга қисган ҳолда бесаранжом бўлиб бор кучим билан ўзим тўқиган мусқани унутиб қўймасликка ҳаракат қила бошладим. У мени турли-туман расмлар чизиб ташланган сон-саноксиз пардалар орасидан олиб ўтди. Мен артистларни ёки чавандозларни кўраман деб ўйлаган эдим. Бироқ тепада ишлаб юрган қизил кийимли кишилардан бошқа ҳеч кимни кўрмадим. Биз тўсатдан жуда ҳам узун зинапоя олдидан чиқиб қолдик. Директор зинадан елиб кета бошлади. Мен унга зўрға етишиб юрардим. Кейин биз ҳамма жойига бахмал қопланган хонадан ўтдик. Мен тасодифан бир эшикни туртиб юбордим. Ичкаридан кучли шовқин чиқарди, чайқалиб турган жуда кўп бошлар кўринди. Директор менга қўполлик билан бақирди: “Ҳозироқ ёп, томошабинларнинг кўзлари бу ёққа тушмаслиги керак!”

Кейин у унча катта бўлмаган темир эшикни очди: пастда ярим доира шаклидаги катта зал кўзга ташланди. Бу ажойиб залнинг ўртасида қадду қомаги келишган бир эркак тишларини ғижирлатиб, кўзларини олайтириб бир аёлни бўғмоқда эди. Аёл эса оғир хириллаб фиғон қилмоқда, хуллас, қўрқинчли томошага ортиқ тоқат қила олмадим. Мен бор кучим билан бақириб, ҳаммани лаънатлаган кўйи аёлни ҳозироқ озод қилишларини талаб қилишга тушдим. Бироқ директор қўлимдан маҳкам ушлаб олиб пишқирди: “Аҳмоқ, бу менинг актёрларим-ку, буларнинг ҳаммаси бир ўйин, бунинг устига улар ҳақиқий эмас, мумдан ясалган қўғирчоқдай гап”. Мен яхшилаб қараб, аёлнинг юзи ғайритабиийлиги ва кўзлари шишадан эканлигини пайқадим.

Хижолатга кўмилганимдан гапни бошқа томонга буришга ҳаракат қилсам ҳам юрагимнинг безовта уриши босилмади. Директор мени худди мактабдаги каби парталарга ўтириб олган, олачипор кийимдаги, юзлари бўялган ўғил ва қиз болаларга тўла бесаранжом бир хонага олиб кириб, улар қаторига ўтқизиб қўйди. Сўнг ҳаммани навбатма-навбат минбарга чиқара бошлади. Болалардан бири қўли билан юриб кўрсатди. У ҳаракати давомида бир неча марта бошини ерга уриб олгани боис директор уни машқни қайта бажаришга мажбур қилди. Кейин бир катта ёшли кишини чақирди. У пичоқ билан ўз кўкрагини ёриб ташлади. Ярадан қон отилди. Кўкрак қафасида ўпка очилиб қолди. У қаттиқ инграниб ерга йиқилди. Директор бошини мамнун силкиди.

– Маъкул, – деди у, – бу ҳаммага ёқади.

У киши ўрнидан туриб жойига ўтирди. Партадан игна ва ип олиб оғриқдан юзларини буриштириб, жароҳатни тика бошлади. Мен унинг кўкраги шундай тикилган чандиқларга тўлиб кетганини кўрдим.

Саҳнага бошқалар ҳам чиқишиб ўз томошаларини кўрсатишди. Улар орасида лабларини қимирлатмаган ҳолда одамлар ва ҳайвонлар товушларини чиқарувчилар ҳам бўлди. Уларнинг товушлари шунчалик ишонарли эдики, мен ҳатто қулоқларимга ишоналмай қолдим. Улардан бири оғзини очмасдан, лабларини қимирлатмасдан жон бераётган чақалоқ овозини шундай ишонарли ва таъсирчан чиқардики, бу товушни эшитиб кўзларим ёшланди. Яна бири лаънатлар ёғдириб бўзлаётган аёл товушини, бошқалари аёлларнинг турли хил товушларини чиқариб беришди.

Директор олдида турган китобга бир қараб олиб менинг исминини айтди. Мен ўрнимдан турдим. У менга қараб тезда сўради:

– Сенинг қўлингдан нима келади?

Мен скрипками олдинга узатган ҳолда тилим тутилиб яна ўзим тўқиган куй ҳақида ғудрана бошладим. Хонада кулги товуши эшитилди. Директор норози ҳолда столни муштлади:

– Яна скрипкангни ўртага тикаяпсанми! – жаҳл билан бақирди у. – Бунинг бир пулга қиммат!

Мен куйим ўзига хос эканлигини, чалиб беришга рухсат беришларини илтимос қилмоқчи бўлдим. Бироқ директор қандайдир бир болани чақириб, у билан боришимни, менга ҳар хил асбоблар кўрсатишини айтди.

Мени бошқа хонага олиб ўтишди. Бу ер турли хил машина ва механизмлар билан тўла экан. Ҳаммаси мусиқа асбоблари эди. Бу ерда босқон ёрдамида пуфлана-

диган, пуфланганда момақалди роқдек товуш чиқарадиган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражада улкан карнайлар бор эди.

Бундан ташқари катталиги хонадек келадиган учбурчак мослама мавжуд бўлиб, унинг буғда ишлайдиган болғаси ҳам бор эди. Қулочга сиғмайдиган барабан устида қўлда ясалган филлар ҳаракатланиб оёқлари билан уни дупурлатар, бошқа бир электр токи билан ишлайдиган ғайритабиий мослама бир вақтнинг ўзида ўттизта клавиш ва мингта карнайни ишга туширар эди. Карнайлардан энг каттаси заводнинг трубасича келар эди.

Дирижёр баланд минбарга чиқиб олиб, қўлини силкиши билан оркестр бор овозда гумбурлади. Китобдан кўзларини узмай турган кўзойнакли мусиқачилар олдидаги клавишлар ҳарф терадиган машина каби тез ишлай бошлади. Залда гирдоб пайдо бўлгандек туюлди. Бундай мусиқа асбоблари-ю, бундай ғаройиботларни кўриб мени бу ердан улоқтириб ташлашларига гумоним қолмади.

Директор ўтирган хонага қайта бошлаганимизда бошим айланиб қулоғим шанғиллаб қолган эди. Мен бу асбобларни аввал кўрмаганим ва уларни чалишни билмаслигимни айтдим. У эса елкасини қисиб афсусдалигини ва менинг ишларим пачава эканлигини айтди. Бу пайтда мен аренага олиб чиқувчи парда билан тўсилган икки эшик ёнида турган эдим. Турлича гриммдаги артистлар шу эшиклар орқали шошилиб кириб кетишар, ҳар сафар парда сурилганда ичкаридаги турли рангдаги лампалар ёғдулари кўзимни қамаштирар эди. Мен ҳам улар ордидан бормоқчи бўлдим, бироқ директор ҳеч нарса қўлингдан келмаса бошланишига ўликхонани кўрганинг маъқул деди.

Биз бошқа эшикка кирдик. Эшик ортидаги қоронғи йўлак ертўлага олиб тушар экан. Йўлакнинг икки тарафида ҳар-ҳар жойда эшиклар бўлиб, улардан кўкимтир ёруғлик туриб турар, бу ёруғликда у ёқдан бу ёққа ўтиб турган, оқ халат кийиб олган, бироқ юзлари кир хизматчилар кўзга ташланар эди. Кўркувнинг зўридан ичкарига киришга ўзимда куч топа олмадим. Йўлакнинг охирига етганимизда директор тўхтаб ким биландир гаплаша бошлади. Мен яширинча у ёққа қараб, девор бўйлаб териб қўйилган темир билан қопланган узун столларни, уларга ётқизиб қўйилган ҳар хил одамлар – болалар, қарияларнинг таналарини, баъзи жойларда эса тана қисмларини кўрдим. Нафасни бўғувчи формалин хидига тўлиб кетган бу жойдан пастга қараб яна ҳам қоронғи бошқа бир йўлак бошланган эди.

Директор мен ҳақимда гапирмоқда – мени шу ерда қолдиришни маслаҳатлашмоқда эди.

Доктор қоронғи йўлак томон ишора қилди.

Шунда мен бу ерда қолмаслик чорасини кўришга киришдим, аренага чиқиш учун зарур бўлган ҳар қандай нарсани ўрганишга тайёр эканимни айтдим. Улар бошларини силкитишди. Доктор томошабинлар акробатикага интиқлиги ва бу яхши машғулот эканлигини уқтирди.

Мени томи баланд бир хонага олиб киришди. Кичик бир тешикка кўзим туриб, ундан шаҳарни кўрдим. У анча пастда эди. Хонада арқон, эспандер ва тўрлар сочилиб ётар, деворларига суяб қўйилган ингичка ва узун нарвонларда қизил трико кийиб олган болалар машқ қилишмоқда эди. Нарвонлардан бирини рўпарамга қўйишди. Мен унга чиқишим керак эди, аста тепасига кўтарилар эканман, илкис пастки учини кўчанинг нариги тарафига улоқтиришди. Мен бор кучим билан унга ёпишиб пастга қарадим. Пастда бутун шаҳар, кўчаларда юрган чумолидек майда одамлар кўринди. Мен секин инграниб ҳушимдан кетдим.

Бироқ мен шу заҳотиёқ яна цирқда пайдо бўлиб қолдим ва узоқ вақт ҳафталар, ойлар давомида нарвонга чиқишу туришни машқ қилдим ва бу машғулотга анча ўрганиб қолдим. Аста-секин нарвон тепасида мувозанатимни ушлаб туришни, кейинчалик эса нарвонга икки ва уч стулни қўйиб унинг устига чиқишни ўргандим. Узундан-узоқ кунлар шу тарзда ўтди.

Ниҳоят қутилган вақт келди. Мен аренага чиқдим. Фақат бу пайтда циркнинг барча бурчаклари яхши таниш бўлиб қолганди, юзим мен биринчи марта кўрган болаларникидек, бўялганидан ташқари, ажин босиб қийшайиб кетган, ёшим улғайиб қолган эди. Энд мен қизғиш трико кийиб олган ҳолда хира тортган декорациялар олдида бепарво юраман. Олдимдан гилам кўтариб ўтиб қоладиган махсус кийим кийган цирк ходимлари ва бошқаларга ҳам эътибор бермайман. Агар нимадир зе-

рикарли ва бўғиқ овоз чиқариб қолса у билан қизиқишга ҳам ўзимда куч топа олмайман. Тўсатдан рўпарамдаги бахмал парда очилиб чидаб бўлмайдиган даражада тиниқ ёруғлик таралди. Парда ортида кўплаб бошлар кўринди. Бир муддат қарсақ чалинди ва кейин пашша учса эшитиладиган сукунат чўкди.

Мен аренада: гилам устида, ёрқин нурда сузмоқчидек олдинга ҳаракатланаман, нур менга эргашади, илондек ҳар икки тарафга – ложега таъзим қиламан. Кейин нарвонни ушлаб, енгиллик билан ўз оғирлигимни ҳам сезмаган ҳолда тепага – беш қаватли бино даражасидаги баландликка кўтариламан. Нарвоннинг охирги зинасига чиқиб, бир сония мувозанатимни ушлаб тураман. Менга узун таёқда темир оёқли стул узатишади. Мен стулни олиб унинг икки оёғини нарвоннинг охирги ёғочига кўйдим. Бу осон кечмади. Кейин бир сакраб стулнинг устига чиқдим. Мувозанатимни сақлаган ҳолда тик турдим. Шундай тарзда иккинчи стулни, кейин оёғини осмонга қилиб учинчи стулни ўрнатдим. Унинг бир оёғига катта кубни жойлаштирдим. Тагимдаги бутун “иншоот” тирик жонзот каби қалтирар, томир уришим бу иншоотнинг ердаги учигача етиб бораётгандек туюлар эди. Кейин менга лангарчўп узатишди. Мен уни кубнинг юқори бурчагига ўрнатганимча бир неча дақиқа вақт ўтди. Мен секин унинг устига чиқа бошладим. Ва ниҳоят лангарчўпнинг устига чиқиб қаддимни ростладим. Танамдаги ҳар бир мускулим зўриқиб тортилган камон ипидек қалтирар, юзимдан шовуллаб тер оқмоқда эди. Мен кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ушбу қурилма қачон қалтирашдан тўхташини кутиб туриб қаддимни ростладим ва трикомга қистириб кўйилган скрипкамни олдим...

Қалтираётган қўлларим билан скрипка таёғини олдим ва оҳиста лангарчўпдан қўлимни бўшатдим. Шу кўйи олдинга интилдим. Бир неча дақиқа чайқалиб тургандан сўнг... оммавий кўркүвдан ва чўккан жимликдан фойдаланиб, бир пайтлар жангланган, қалбимни ларзага солган ўша қадрдон куйимни эҳтирос билан чала бошладим...

*Рус тилидан Манзура ШАМС
таржимаси*



Бир дарахт новдалари



**Гулнора
НУРЛЕПЕСОВА**

Созингли бир сезим

Кузги япроқлар

*Кузги япроқлар-ей, жонимни ўртар,
Бир инсон умрининг битгани каби.
Согинчли бир сезим қалбни титратар,
Одамнинг одамни кутгани каби.*

*Ол-қизил, кумушранг, сарғиш япроқлар,
“Чирт...” этиб, дарахтдан узилаётир.
Саф тортган турналар аста йироқлаб,
Олис-олисларга йўл тортаётир.*

*Шул дамда... онамнинг иссиқ дийдори
Согинтириб, кўздан бир-бир ўтади.
Сарғиш рангнинг ортган каби хумори,
Япроқлар шивирлаб-шилдирашади.*

*Суп-сулув, сап-сарик япроқлар аро
Онамнинг меҳрли кўзи кўринар.
Согинч, мунг эгаллаб кўнгилни дарров,
Айрилиқ азоби бағримни тирнар.*

*Қайтиб келса эди болалик чоғим,
Онамга яна бир эркалар эдим.
Кузги япроқлардай кўнглимнинг доғин
Бирма-бир баёнлаб, тўпилар эдим.*

*Аттанг, болалигим – беғам давроним,
Ўтган шодлик мавсум тутқич бермайди,
Узоқларга кетган жон – онажоним,
Ёлгончи дунёга қайтиб келмайди...*

*Шундай, манов кузги сарик япроқлар
“Биз қайтиб келмаймиз”, дейишаётир.
Танасин титратиб совуқ шамоллар,
Япроқларнинг жони узилаётир...*

*Япроқлар шитирлаб тушади ерга,
Бу ҳам – куз фаслининг таниш суврати.
“Ҳар инсон – бир япроқ фоний умрда...” –
Деб эслатиб турар дунё ҳикмати.*

*Оҳ, кўзги япроқлар жонимни ўртар,
Бир инсон умрининг битгани каби.
Согинчли бир сезим қалбни тебратаар,
Инсоннинг инсонни қутгани каби...*

Қизларим менинг

*Кўзларимнинг оқу қораси каби,
“Қиз” аталмиш қавмнинг сараси каби,
Киприкларнинг ҳар бир толаси каби,
Жон қадар қадрдон қизларим менинг.*

*Ҳар қизим – бир юлдуз, кўзга қорачиқ,
Юрсам-турсам қапталимда¹ ярашиқ,
Уйда улар ишларимга қарашиб,
Юким тортишади қизларим менинг.*

*Сал уҳ тортсам, етиб келар ёнимга,
Кўзлари термулиб, куяр ҳолимга,
Шунда, мен, шукур дейман қизнинг бориға,
Меҳрибон, сезимтал² қизларим менинг.*

*Халқим қиз болани қизил олтин, дер,
Қизлар обод қилган бурун халқин, дер,
Бул элда “Қирқ қизлар” бўлган ботир, эр,
Шу қизлар урпоги қизларим менинг.*

*Қиз бўлиб, ўгилдан зиёддир улар,
Пайт келса, эл дардин гарданга олар,
Тўмарис, Гулойим, Хумор оналар,
Донгини ёяди қизларим менинг.*

*Қиз бола бўй етса – эл-халқнинг кўрки,
Ким бўламан деса – қўлинда эрки,
Уларнинг келажак обрўйи шулки –
Халққа таянч бўлар қизларим менинг.*

*Ҳар бири – бир уйнинг чирोगи, нури,
Дунёни тебратаар ҳур тафаккури,
Элни – эл, эрни – эр қилар гурури,
Оналар тимсоли қизларим менинг...*

...Халқим қиз болани қизил олтин дер...

**Қорақалпоқ тилидан Музаффар АҲМАД
таржимаси**

¹ Сезимтал – зийрак, фаҳмли, сезгир.

² Қапталимда – ёнимда.

Адабий жараён минтақалари



*Дилшоода МУБОРАКОВА,
тадқиқотчи*

МИСР АДАБИЁТИДА “ЯНГИ РОМАН” ОҚИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Миср романчилиги замонавий босқичга қадам қўяр экан, жаҳон адабий жараёнидан ажралмаган ҳолда, турли хил воқелик касб этиб, ривожланди. Миср романчилиги миллий мерос, адабий анъаналар, реализмнинг турли оқимлари, модернизм, ҳатто, постмодернизм кўламида ҳамда тарихийлик нуқтаи назаридан янги образлар ва жанрлар натижа-сида, ўзига хос миллий қиёфага эришди. Ҳозирги кунга қадар миср романи услубий хил-ма-хиллиги, адабий шаклларининг ранг-баранглиги, тил воситаларининг бойлиги бўйича араб мамлакатлари орасида энг тараққий адабий соҳалардан бирига айланмоқда.

XX аср олтмишинчи йиллари замонавий араб адабиётида насрий жанрлар сил-ласида қисса (новелла, ҳикоя), қисса-товила (қиссалар), ривоя (роман) кабилар яна-да ривожланди. Араб романи илк пайдо бўлган даврда Ғарб романчилигидаги ада-бий шаклларга эргашган бўлса, у миллий-маърифий романлардан тортиб, то XX аср Европа адабиётида кенг тарқалган реалистик роман-эпопеялар яратиш даражасигача юксалди. Европа ва рус адиблари романларининг услуби, композициясидан ўрганиш, Ғарбнинг илмий, ижтимоий-фалсафий ғоялари орқали кечди. XX аср эллигинчи-олтми-шинчи йилларида Мисрда Европа романнавислари Жойс, Кафка, Камю каби адиблар романларининг асли ва таржималари кенг тарқалди. Шу билан бирга, романнавислар Фолкнер, Хемингуэй каби америкалик адиблар ижодлари билан яқиндан танишдилар, француз “янги роман”¹и муаллифлари Ален Роб-Гей ва Натали Саррот асарларини ўқидилар. Шунингдек, югослав романнависи Иво Андрич, юнон адиби Казандакис, лотин америкалик Гарсиа Маркес, ҳинд ёзувчиси Прем Чанд ижодидаги этник қадриятлар ва турли адабий шаклларнинг тажрибаси билан танишдилар.

Вақт ўтиши билан Европадан келадиган таъсир кўпроқ ёзиш технологияси таъ-сири билан кифояланганлигини кўрамыз. Миср адибларида фақат Европа адиблари ижоди билан қизиқиш ва интилиш эмас, жаҳон адабиёти йўналиши ва бадиий тажри-басига қизиқиш ҳамда ҳамкорлик руҳи кучли сезилади. Бир томондан, жаҳон адабиё-тининг бой тажрибаси, иккинчи томондан, миллий мерос анъаналари миср адабиётида ўзига хос шакл ва услубларга эга “янги роман” ривожига катта туртки бўлди, мазкур давр араб романчилигини юқори поғоналарга олиб чиқди ҳамда миллий шакл ва ус-лубдаги ўзига хослик романнавис адибларнинг ижодида ёрқин намоён бўлди.

Ҳар бир давр роман жанрига ўзига хос қандайдир янги, бошқача хусусиятларни олиб кирса-да, ўзидан олдинги даврлар адабиётига олиб кирган хусусиятлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Бундан ташқари, анъанавий деб ўрганган шакллар (ёки тур-

¹ “Янги роман” 60-йиллар охири 70-йиллар бошида Францияда вужудга келган адабий мактаб. Унинг асосчиси Ален Роб-Грей.

лар) узоқ вақт давомида инсон тафаккурига таъсир қилади ёки ёдида қолади. Лекин бу ҳолнинг эътиборга молик томони шундаки, шундай адабий шаклларни ўша давр адабиёти қабул қилмаса-да, ўзининг узвий тарихий тараққиёти давомида адабий даврни юзага келтиради. Зеро, ҳар бир ёзувчи услубида турлича бадиий талқин ва тасвир қўлланилади, ҳар бир романда жанрнинг янги имкониятлари кашф этилади. Бинобарин, нафақат ҳар бир ёзувчи, балки ҳар бир роман ҳам ўзининг индивидуаллигини намоён қилади. Яъни, ҳар бир роман индивидуал бўлиши билан бирга, асарга талқин учун жалб этилган мавзу, қаҳрамон ҳаёти, замон ва жамият инъикоси жамиятнинг бадиий-эстетик тафаккури даражасини ҳам ифодалайди. Шу маънода миср ёзувчиларининг жаҳон адабиёти тажрибасини тезлик билан ўзлаштиришга бўлган табиий интилишлари, бунинг натижасида шакл мураккаблашуви, ёзувчиларнинг инсон ва борлиққа бўлган муносабатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ёзиш техникасида янги услубларни қўллашга интилиш каби адабий тажрибалар ҳам “янги роман”нинг шаклланишига анчагина ёрдам берди. Шу билан бирга, олтмишинчи-етмишинчи йиллар миср романнавислиги адабиётда рўй берган “янги мавж” йўналишида кенг тарзда ривож топди. Бу йўналиш XX аср олтмишинчи йилларида ижодга кириб келган ёш адиблар орқали юзага чиқди. “Янги мавж” адабиётдаги тамойиллар ёзувчилар томонидан дунёни субъектив кўриш ва ўз индивидуал тажриба эстетикасини тасдиқлаш каби хусусиятларда кўринади. Уларнинг наздида олдинги романнавислик тажрибалари инсонни фақат “тор” маънодаги ижтимоий-чегараланган тарзда тушунишда намоён бўлди. XX аср биринчи ярмида шаклланган “яҳлит” реалистик услуб устунликни йўқотиб, унинг билан бирга янги бир қанча индивидуал услублар шаклланди.

“Янги мавж” йўналиш вакиллари ёзувчилар орасида кўпчиликни ташкил қилади. Буларнинг орасида Муҳаммад Ҳофиз Рағаб, Иброҳим Аслон, Дия аш-Шарқовий, Жамол ал-Ғитоний, Муҳаммад ал-Бусатий, Мажид Тобиа, Абдал-Ҳаким Қосим, Аҳмад Ҳошим аш-Шариф, Ҳасан Мухассиб, Яҳё ат-Тоҳир Абдулла, Баҳа Тоҳир кабилар бор. “Янги мавж” йўналиши вакиллари дастлаб ҳикоянависликда ўзларини синаб кўрган бўлсалар, кейинчалик романчиликда самарали ижод қилдилар. Олтмишинчи йилларнинг охирига келиб миср романи инқироздан чиқиб, янги ўзанда ривожланувчи жанр сифатида шаклланди ва эътибор топди.

“Янги мавж” сифатида танилган бу йўналиш вакиллари – ёш адиблар ўзларини *ал-воқеуна ал-жудуд* – янги реалистлар деб номладилар. Мазкур адиблар ижодидаги асосий хусусиятларидан бири, воқеликни субъектив нуқтаи назардан ўтказиб тасвирга олиш эди. Ёзувчилар маълум ҳодисага шахсият орқали, ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қарай бошладилар. Воқеликка аввалгидек фақат ижтимоий шартланган нуқтаи назардан эмас, балки психологик, физиологик, тарихий, биологик, этнографик омилларга асосланган ҳолда ёндашдилар ва ўз асарлари тасвири доирасига олам муҳитида шаклланган инсонни эмас, балки инсон онгида ва унинг ҳиссиётлари орқали шакл топган олам ҳақидаги тушунчаларни асос қилиб олдилар ҳамда шахс ёки индивидни намоён эттиришда ижод эркинлиги, тахаййул эркинлигига амал қилдилар. Шунингдек, шахсий тасаввурлари орқали инъикос этилаётган воқеа-ҳодисаларни, ўзига хос янгича шаклни қўллаган ҳолда тасвирлашга ҳам катта эътибор бердилар. Шундай ёш адиблар сирасига ижодий ҳаётини ҳикоянавис сифатида бошлаган, кейинчалик забардаст романнависларга айланган Жамол ал-Ғитоний, Суналлоҳ Иброҳим, Муҳаммад Юсуф ал-Қуайид каби ёзувчиларни киритишимиз мумкин.

Англашиладики, миср адабиётида бир томондан, воқеа-ҳодисаларни субъектив ҳиссиётлардан ўтказиб ва шахсий ҳаётини тажрибани асос қилиб олган, иккинчи томондан, ҳужжатли асосга таянган, ҳақиқатни, тасвирланаётган воқеликни ҳаққоний эканлигини кафолатловчи автобиографик шаклга мойиллик билдирган “янги роман”нинг турли кўринишларининг ривожланишига ва босқичма-босқич такомиллашишига олиб келди.

“Инсон шу вақтгача барча нарсанинг мазмуни, барча оламлар мазмуни ва унинг мутлақ эгаси эди... Ҳозирда бундан ҳеч нарса қолмади”, деб ёзади “янги роман” мактаби асосчиси Ален Роб-Грей. Бундан келиб чиқадики, “янги роман” дея эътироф этилган асарларда энди инсон образи воқелик марказига қўйилмайди ва уни фақат янги ижобий томонлари кўрсатилмайди. Шунингдек, романларда характерлар эмас, ҳолатлар тасвир-

ланеди. Жумлалар ўта узун ёки телеграфик-қисқа шаклда бериледи. Энди муаллиф ўқувчига ўргатмайди, балки ўқувчини мушоҳада қилишга ва унинг ўзини воқелиқдан хулоса чиқаришга ундайди. Албатта, янги романнавислар авлоди кўрсатилган умумийликдан ташқари, ҳар бири ўз қалами соҳиби ва ўзи афзал кўрган мавзулар кўламига эга эди. Масалан, Юсуф ал-Қуайид юқори миср қишлоқларини тасвирлар экан, улардаги қоқоқ ижтимоий, маданий ҳаётни ва, шу борада, дастлабки, ўзгаришларни кўрсатишни ўзининг адиблик бурчи деб биларди.

Юсуф ал-Қуайид романида қаҳрамонларнинг “онг оқими” лаҳжада берилган ва бошқа персонажлар билан бўлган суҳбатлар билан қоришиқ тарзда келтирилган. Албатта, бундай услуб матни ўқиш ва тушунишга ёрдам беради. Адибнинг яна бошқа бир тажрибаси “Қуш сути” романи араб адабий тили бўлган *ал-фусҳадан* фарқланувчи миср сўзлашув тили *ал-аммийда* ёзилгандир.

“Янги мавж” вакилларида яна бири, замонавий миср адабиётида ўз ўрни ва са-лобатига эга моҳир ёзувчи Жамол ал-Ғитоний ҳам миллий адабий мероснинг услубий шакллари, унинг миллий хусусиятларини замонавий романларида фаол ишлатади. Романни адабий аъъанавий жанрлар (сийра, мақома, ҳикоят, сафарнома, ёзишув, та-рихий хроника ва бошқалар)га мослаш ҳаракати адиб ижодида миллий хусусиятни ку-чайтирди.

Миср “янги роман”и йўналишининг асосий жиҳатларидан яна бири, вақт изчилли-гини сақламаслик, замон чегараларида эркин силжиш, хаёл ва ҳақиқатнинг қоришуви, ҳар хил талқинларга элтувчи рамзийлик ва мажозларнинг кўп ишлатилиши, бир неча баёнчиларни ўз нуқтаи назари билан асар таркибига киритилиши, монологларнинг кенг ишлатилиши, унинг мазмунига хос ҳозирги замонда ёки ўтмишда персонаж хотира-ларида ўтган диалогларнинг вақт-бевақт киритилиши билан ажралиб туради. Асарда муаллиф-ҳикоячи ўз ўрнини персонажларга беради ва улар ўзларини ўраб турган муҳити тўғрисида индивидуал ва субъектив қарашларини ифодалайдилар. Мана шу хусусиятларнинг баъзилари адиб Нажиб Маҳфузнинг эллигинчи-олтмишинчи йиллар-даги романларида илк бор намоён бўлган эди. Масалан, унинг “Маҳалламиз болала-ри” романида инсоният тарихи аллегория шаклида кўрсатилган бўлса, “Мирамар пан-сионати” романида кенг кўламда рамзлар қўлланилиб, бир ҳодисани турли ижтимоий куч вакиллари томонидан баён қилиш хусусияти етакчилик қилади.

Адабиётга кириб кела бошлаган ёш ёзувчилар ҳам ўз ижоди билан “янги роман”да онг оқими, монтаж, телеграф услубидаги (қисқа, ҳисси) шакллари ривожлантирдилар. Роман муаллифларининг эътибори, асосан, инсон қалби, ички дунёсини ёритишга қаратилган бўлиб, асардаги воқеа юз бераётган жой тасвири қаҳрамоннинг ички ҳолати ва ҳиссиётларини тўлдиришга ёки ундаги ғалаёнлар, зиддиятларни намоён этишга хизмат қилади. Кузатишлардан шу нарса аён бўладики, “янги роман” йўналишига ман-суб романлар, асосан, “фикр муаммолари”, яъни, инсон онгида юз бераётган тафаккур кўринишларини ёритишга қаратилди.

Миср “янги роман”и шаклланиши жараёнида яратилган асарларни назардан ўтказиш асносида, уларда иккита асосий тамойилни кузатиш мумкин:

1. Миллий тарихга ёки ёзма ва оғзаки халқ ижодига таянган ҳолда ўрта аср насри жанрларидан фойдаланиб асар яратиш. Одатда бу романлар ғояси замонавий муам-моларга қаратилган бўлса-да, шакл жиҳатидан ўрта аср насрининг аъъаналарига ва услубига асар услубини мослаштириш (стилизация) кузатилади.

2. Жаҳон адабиётининг энг илғор ёзиш технологиясидан фойдаланиб, бевосита замонавий роман яратиш.

Шунингдек, бу икки тамойил бир-бири билан уйғун ҳолда ҳам акс этди. Адиблар ўз давридаги ижтимоий-сиёсий вазиятларни ўрганиш асносида, шахсий, ҳаётий-ижодий тажриба асосида тўплаган, бадиий онг ва ижтимоий тараққиёт ҳосиласи бўлган шак-лий ранг-барангликни роман ўқувчиларига ҳавола қилдилар. Асосан, таржимаи ҳол, ижтимоий ва маънавий тажрибалар асар қаҳрамонининг психологик драмаси асосига айлана бошлаганлиги яққол намоён бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “янги мавж” оқими вакиллари бўлган ёш ёзувчи-лар ўз ижодларини ҳикоя ёзишдан бошлаган эдилар. Уларда ўтмишнинг оғир юки-

ни ўзларидан соқит қилиш, эски қарашлардан ва ҳукмронликдан озод бўлиш ҳамда мустақил ижод услубини яратиш истаги кучли эди. Улар ўзлари яшаб турган оламга бошқача кўз билан қарашга, ҳаётни қолиплаган ҳолда эмас, балки ўзларининг шахсий тажрибасидан, ҳаётдан, ижтимоий, руҳий, маънавий ҳолатидан келиб чиқиб тасвирлашга ҳаракат қилдилар ҳамда, ўз навбатида, романнинг тузилиши, руҳиятини ҳам шу жиҳатларга мослаштиришга интилдилар.

Олтмишинчи йилларда “янги роман”нинг шаклланиш давридаёқ ёш романнавислар ижодида кескин психологик йўсинда асарлар ёзиш кенг тарқалди. Роман қаҳрамонлари автобиографик чизгилар, баъзида эса қаҳрамон образи тўлиқ муаллифнинг шахси билан уйғун ҳолда тасвирланиши кузатилади. Бу асар-психологик монодрама бўлиб, қаҳрамон унда ўзини ўраб турган муҳитдан ажралган ёки ота-боболари яшаган дунёсига кўника олмаётганлиги кўринади. Масалан, Маҳмуд Диябнинг “Бошқа тарафдаги соя” романи қаҳрамони мусаввир Жамил, Суналлоҳ Иброҳимнинг “Ўша ҳид” романи қаҳрамони (исми кўрсатилмаган) ёш журналист, Юсуф ал-Қуайиднинг “Қурғоқчилик кунлари” романидаги қишлоқ ўқитувчиси Халфалла ал-Бартау ва бошқалар аввал ишонган барча нарсаларига ишонмайдиган, жамият томонидан инкор этилган ёки уларнинг ўзлари жамиятни инкор этган, орзу ва мақсадлари армон бўлган инсонлар сифатида акс эттирилади, улар XX аср эллигинчи йиллари миср романларида тасвирланган жамият ривож учун ҳаракат қилаётган, келажакка ишонган қаҳрамонлардан кескин фарқ қилади. Уларда ўтмишни кўмсаш, кўз ўнгида юз бераётган ҳодисаларга нисбатан норозилик кайфияти сезилади. Шахснинг ички ҳиссиётларига эътибор бериш натижасида қаҳрамонларнинг қайғулари, хотиралари, таассуротлари романлардан кенг ўрин эгаллаган. Реал ҳаёт рангсиз тарзда берилиши асар қаҳрамонларининг кайфиятидаги келажакка бўлган ишончсизлик нишонасидир. Қаҳрамонлар тафаккурида ўтмиш романтик, қайтарилмас хотиралар тарзида намоён бўлади. Қаҳрамонлар кучли ирода соҳиби бўлишига қарамай (Суналлоҳ Иброҳим асарларида кузатиш мумкин), ҳаётда ўз ўрнини топишга бўлган ишончининг йўқлиги ва келажак ҳақидаги орзулари армон эканлиги очиқ кўринади.

“Янги роман”нинг характерли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда аввалги ижтимоий ва маънавий қадриятларнинг курашини бошдан кечирган ва оқибатда ўтмиш ва ҳозирги кунга бегонадек бўлиб қолган шахснинг ўзига хос маънавий тажрибаси биринчи ўринга чиқади. Умуман, психологик роман-монодрама, экзистенциал ҳиссиётлар, ҳаёт маъносизлиги, яшашнинг абсурдлиги ва ўтмишни романтик хотирлаш ва соғиниш унсурларини ўзида қамраб олган бўлса-да, ўзининг реалистик сифати ва аҳамиятини ҳам йўқотмаган. Роман муаллифлари ўзларининг субъектив тажрибасини умумийлаштиришга интилдилар. Қаҳрамон олдидagi тўсиқ ва зиддиятли муаммолар тўқиб чиқарилгандек эмас, балки аниқ-ҳаётий сабабларга эга эканлиги билан эътибор қозонди. Таниқли танқидчи Сабри Ҳофиз фикрича, бу романлар жамият, аждодлар гувоҳ бўлган асл ҳужжатлар саналиб, уларда эврилиш даврида муаллифнинг реал ҳаётга бўлган қалб туғени акс этгандир. Барчаси ҳам ҳужжат сифатида аҳамият касб этмаса-да, лекин ҳар бири жамиятнинг қиёфасини, умумий манзарасини яратишда ўзига яраша ҳисса қўшган.

XX аср етмишинчи йилларида миср адабиётида роман жанри тез суръатда ривожланиб борди ва бунда адибларнинг ўша вақтда етарли тажрибага эга бўлганлиги ҳамда мамлакатдаги сиёсий вазият ҳам ўзининг маълум таъсирини ўтказганди. Ўша йиллари Нажиб Маҳфузнинг сиёсий-публицистик романлари китобхонларга ҳавола этилди. Адиб бу асарларида ўтган давр қатағон қурбонларига айланган ёш мисрликларни очиқ ёрита бошлади ҳамда юртни илмий-техник цивилизация йўлидан юриши кераклигини ўқитди. Бу каби асарлар сирасига “Кўзгулар”, “Ёмғир остидаги севги”, “Ал-Карнак”, романларини киритиш мумкин.

Адабиётшунос Муҳаммад Кашиқ ўзининг мулоҳазаларини билдирган ҳолда шундай дейди: “70-йиллар адабиёти ёмон об-ҳавода очилган атиргулга ўхшайди. У жаҳаннам ичида, ўз маъносини йўқотган ҳаётда маъно топишга интилиб, ифोर таратмоқда. Шундай вазиятда ҳам реал ҳаёл ҳақиқатларидан қочмасдан, уларни акс эттиришда ўзига хос йўл ва услубларини ўз ижодларида қўллаган ёш адиблар ҳам

олтмишинчи йиллар адабиёти вакиллари билан бир сафда туриб самарали ижод қилдилар”. Шундай адиблар қаторида Абд ал-Ҳақим Қосим, Иброҳим Аслан, Жамол ал-Ғитоний, Юсуф ал-Қуайид, Муҳаммад ал-Бусати, Суналлоҳ Иброҳим, Баҳа Тоҳир, Иброҳим ал-Мажид ва ёш адиблар Саид ал-Кяффрау, Муҳаммад ал-Махзанги, Юсуф Абу Риа, Гар ан-Наби ал-Хилва, Маҳмуд ал-Вардони, Абдо Губейр, Исмаил ал-Адил, Аҳмад аш-Шайх, Шамс ад-Дин Муса ва бошқаларни келтириш мумкин. Албатта, адибларнинг ҳар бири ўз асарларида ўзига хос бўлган услубларни қўллашга интилдилар. Шунингдек, етмишинчи-тўқсонинчи йиллар романларида ўрта аср араб адабиётининг сюжет, поэтика ва услубий воситалари меросидан фойдаланган ҳолда асар яратиш анъанаси ҳам давом этди. Нажиб Маҳфуз ўзининг “Маҳалламит болалари” асарида араб романини “араблаштириш” ғоясини шакллантириб, адабиётда миллий ўзига хосликни ривожлантирди. Унинг “Харафишлар эпопеяси”, “Минг кечанинг тунлари” сингари романларида инсонни, айниқса, ҳукумат бошида турган шахсни комилликка ундаб, ҳокимиятпарастликдан, хусуматдан йироқ бўлиш каби туйғуларни тараннум этади.

Саид ал-Кяффрауи фикрича, “ҳар бир адиб ўз ижодида миллий маданий меросга таянади. Муҳими шуки, бу мерос замон билан боғлиқ бўлиши керак. Эмил Ҳабиби, Жамол ал-Ғитоний, Абд ал-Ҳақим Қосим каби адиблар ижодда миллий меросдан самарали фойдаланмоқдалар”. Юқорида таъкидлаганимиздек, автобиографик унсурлар қаҳрамон фикри ва шахсиятини ривожлантириш босқичини кўрсатади ва у XX аср етмишинчи йиллари романларининг шаклида катта роль ўйнади ва ҳаётнинг кенг объектив манзарасини чизиб беради. Мазкур йилларда нашр этилган романларни “хулосаловчи” романлар сирасига киритиш мумкин. Жамол ал-Ғитонийнинг “Аз-Зейний Баракат” романини “хулосаловчи” романларнинг илк шакли деса бўлади. Романда тарихни акс эттириш билан бирга, ўз давридаги воқеаларнинг ҳам тўлиқ манзарасини намоён қилади.

Юсуф ал-Қуайиднинг “Қиш уйқуси” романи эса бир воқеанинг моҳиятини бир неча инсонларнинг турли хилдаги фикрлари орқали очиб беради, лекин объектив ва субъектив тасвири бериш учун ички монологдан воз кечади. Шундай қилиб, “хулосаловчи” романларнинг умумий жиҳати шундаки, уларда ижтимоий ҳаёт манзараси кенг қамровли ва тўлиқ тасвирланган. Воқеалар баёни эпик тарзда келтирилади ва персонажларнинг субъектив фикрларида воқелик турлича акс эттирилган. Шунингдек, мазкур романларда танланган муаммо ўзаро ўхшаш бўлиб, тарихда шахснинг роли, халқ ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқалар ва зиддиятлар тарихий сабаблар орқали боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Психологик ҳолатнинг бошқа жиҳатларини Абдуҳақим Қосимнинг “Инсон ҳаётининг етти куни” романи қаҳрамони тақдирида кўришимиз мумкин. Романнинг “етти кун” деб номланишида қаҳрамон Абдуазизнинг ўн беш йиллик умри рамзий маъно сифатида олинган. Етти кун – бу муқаддас ал-Бадавий туғилгани шарафига ҳар йили уюштириладиган байрам учун Танто шаҳрига қилинадиган сафар муддатидир. Йўлга ҳозирланиш жараёнлари қаҳрамоннинг болалик даврида содир бўлса, Тантодан қайтиши эса қаҳрамон Абдуазизнинг улғайган даврига тўғри келади. Асардаги бундай композиция ўзгарувчан, такрорланувчи ҳаётнинг яхлитлигини ва шу билан бирга қайтмаслигини, анъаналарнинг кучи ва унинг йўқолиб бораётганлигини кўрсатишда катта роль ўйнайди. Романда воқеавий сюжет, ўз кульминациясига эга бўлган ҳолатдаги зиддиятлар келтирилмайди. Роман фабуласини инсон қалби ҳиссиётларининг баёни эгаллаган. Роман боблари қаҳрамон хотираси билан ўзаро боғланган бир қанча йиллар билан ажратилган кунлардан ташкил топган. Қаҳрамон улғаяди, унинг фикри ва дунёқараши ўзгаради. Отасининг “дунёси” олдин унда фахр ва ифтихор туйғусини туғдирган бўлса, энди унга ночор ва қайғули бўлиб кўринади.

Шу билан бирга, ҳозирги замон миср романчилигида ўрта аср адабиёти таркибида ривожланган тарихий солнома ва сўфийлик асарлари; “*хитат*” – жой тасвири, “*рихла*” – сафарнома, сафар хотиралари; “*рисиал ихванийа*” – биродарлик номалари; “*мақома*” – (қаҳрамон-фирибгарнинг шаҳардаги саргузаштлари ҳақидаги ҳикоялари) каби жанрлар адиблар томонидан қайта тикланди. Ўрта аср адабиётидаги саёҳат – *рихла* жанридаги романлар адиблар томонидан ўзлаштирилиб, унга шаклан монанд

асарлар яратилди. Юсуф ал-Қуайиднинг “Ал-Миниси қишлоғидан хабарлар”, Камол ал-Килешнинг “Ғаройиб қуш билан тўқнашув”, Жамол ал-Ғитонийнинг “Зувейл” романлари шулар жумласидандир. Мазкур асарларнинг муаллифлари қаерга сафар қилсалар ҳам улар руҳий “сайёҳатлар”ни бошларидан кечирадилар ҳамда ортларида қолган оламини англаш учун, аввало, ўз-ўзини англаш ва ҳақиқатни излашга киришадилар ва охир-оқибат яна ўз оламларига қайтадилар. Умуман, “хулосаловчи” романлар ўз давридаги воқеаларни баён этибгина қолмасдан, балки тарихий босқичлардан ўтган чуқур шахсий, ҳиссий кечинмаларга эга инсон образлари, характерлари орқали даврнинг маънавий манзарасини акс эттирадики, унда нафақат ўзларига хос бўлган кайфият, балки жамият онгидаги ҳолатлар ҳам ифода этилади. Шунингдек, “янги роман” шакли кичрайиб, унда фалсафий, психологик фикрлар, қаҳрамонларнинг ички монологлари, ўзининг ички олами билан тортишувлари ва унинг руҳий ҳолатлари намоён бўлган вазиятлар келтирилади. Романларда қаҳрамоннинг нафақат тақдирини кўрсатиш, балки уларнинг тақдири орқали маълум ғояларни, фикрларни ўқувчига бевосита етказиш муаллифларнинг асосий мақсадига айланади. Араб адабиётшунослари мазкур кичик романларни ўзининг қисқалиги ва ҳажм жиҳатидан аввалги романларга нисбатан фарқлилигига қарамасдан, уни “роман” деб аташга тўла асос борлиги ҳақидаги ижобий мулоҳазаларни билдирдилар. Уларнинг фикрича, мазкур кичик романларда янги услублар, бундан олдинги романларда учрамаган шакл ва бадиий тасвирлар воситаларининг учраши романининг ўзига хослигини белгилайди.

Саксонинчи йилларда “гибрид шакл”ли романлар, яъни, турли услубларнинг уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган романлар пайдо бўла бошлади. Мазкур романларда йиллар давомида адиблар томонидан қўлланилиб келинган услуб ва шаклларнинг барчасини кузатишимиз мумкин. Эдвард Харратнинг “Рома ва аждар”, Ҳасан Мухассибнинг “Ўғирланган”, Али ал-Мангнинг “Қилич ва қабр”, Саид Бакрнинг “Дахлдорлик”, Жамол ал-Ғитонийнинг “Ал-Ғитонийнинг ерлари”, Муҳаммад Мустаҳабнинг “Нуъмон абд ал-Ҳофиз сирли тарихидан”, Суналлоҳ Иброҳимнинг автобиографик баёнга монанд ҳамда журналистик лавҳаси ва сиёсий изланишлар сифатидаги “Байрут, Байрут” романи шулар жумласидандир.

Юсуф ал-Қуайиднинг уч жилдли “Мисрлик фосихнинг шикоятлари” асари “роман ичидаги роман” тарзида яратилган. 1987 йил декабрь ойида адиб Ала ад-Дибнинг узок йиллик ижодий танаффусдан кейин “Лимон ранги” номли романи нашрдан чиқди. Мазкур роман воқеалари олтмишинчи-саксонинчи йиллар оралиғида содир бўлади. Унинг қаҳрамони Абдуҳолиқ ал-Масири орзу-умидларини йўқотган бўлиб, у келажакка умидсизлик билан боқади. Ёлғиз инсон, болалиги ўтган жойларни зиёрат қилиш учун Сувайшдан Қоҳирага келган. Ал-Масири хотираларидан ўтган бутун ҳаёт йўли қайта жонланади ва унинг умидсизлиги сабаблари намоён бўлади. У реал ҳаётга нисбатан бегона бўлган ҳолда келиб, яна ўша ҳолатда қайтиб кетади. Адабиётшуносларнинг фикрича, бу романининг бадиийлик мавқеи жуда юксак даражада берилган.

Миср адабиётида, шунингдек, интроспектив турдаги роман ҳам ривожлана борди. Бундай романда ташқи олам тасвири ёш йигит ёки катта ҳаётий тажрибага эга бўлган қаҳрамон-зиёлий қарашлари орқали ифодаланади. 1996 йилнинг энг яхши романлари қаторидан жой олган ёш ёзувчи Маҳмуд Ҳамиднинг “Йигирма биринчи ноль” романи таваллуд айёмининг йигирма биринчисини нишонлаётган ёш йигит номидан баён этилади. Йигит ҳаётининг кейинги йиллари ҳам ўтган йиллари каби “ноль” бўлади ва яшашдан маъно йўқ деган хулосага келади.

Интроспектив романлар қаторига, Жамол ал-Ғитонийнинг “Нотаниш чақириқ” асарини ҳам киритиш мумкин. Сюжет асосига роман қаҳрамонининг саҳро кезиши олинган. Саҳро бу ерда унинг ҳаётий йўли рамзидир. Яшаб ўтилган ҳаёт муаллиф назарида маърифатни қидирувчи сўфиёна тажриба тимсоли бўлса, инсон эса – микрокосмос бўлиб, унда бутун борлиқ моҳияти жамланган. Қаҳрамон “ички ҳаёти” орқали ўтган ўтмиши ва ҳозир билан боғлиқ олам романда икки тасвирга эга бўлади: Аҳмад ибн Абдуллоҳнинг Қоҳира саҳросидан Мағрибга қилган саёҳати истеҳзоли тарзда унинг узок ҳаётини ифодалайди ва у бу саёҳатни ўз хотирасида қайтадан жонлантиради ҳамда бу хотира Мағриб султонилиги солномачиси Жамол ибн Абдуллоҳ томонидан ёзиб олинади. Икки қаҳрамон бир хил

жисмоний ва руҳий эволюциянинг драматик йўлини босиб ўтадилар ҳамда уларнинг учрашуви инсоннинг “ўзлигига” қайтиши, ўзининг руҳий моҳиятига қилган “назари”нинг рамзидир. Такрорий образлар, мавзулар романдаги баёнчиликнинг ички ғоявий ўзагини ташкил этади ва мустақкам руҳий ва маданий қадриятлар тизимига ўрнашади. Аҳмад йўл давомида ўзида бўлаётган ўзгаришларни пайқайди. “Мисрдалиқ вақтимда мен яхлит, ягона, уйғун эдим, аммо кун ботиш тарафга йўл олган вақтимда ҳар бир босиб ўтилган йўл давомида парчаланиб ажралмоқдаман. Менда айрим нарсалар аниқ ва равшан ҳолда қолади, лекин нималардир йўқоладики, уларни ҳатто хотирада ҳам қайтариб бўлмайди”.

Романдаги “ўзига қайтиш” ҳолати инсонни узоқ ўтмиш мероси ва маънавий қадриятларидан узилмаслигини таъминлайди, дея шарҳлаш мумкин. Жамол ал-Ғитонийнинг “Эҳромлар матнлари” романи персонажларининг ҳақиқатни излаб қилган саёҳатлари уларни асрлар қатъига етаклайди. Қадимги Мисрнинг “Мурдалар китоби” билан танишган персонажлар тарихда ва инсоннинг ўзидаги ўзгаришларнинг моҳиятини англашга уринадилар. Роман орқали инсон абадий билимга, вақт чегарасини енгиб бир вақтнинг ўзида ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўра олиш қобилиятига эга бўлсагина, эришиши мумкин, деган фикр пайдо бўлади. Роман қаҳрамонлари шунга интиладилар. Роман график шаклда, пирамида тарзида ёзилган: боблари бошидан то охиригача қисқариб боради ва охириги ўн тўртинчи бобининг матни – пирамиданинг чўққиси, рамзи бўлиб, шундан бошлаб вақт тўхтайтиди ва абадийлик бошланади – фақат учта сўздан иборат: “Ҳеч нарса. Ҳеч нарса. Ҳеч нарса”. Лекин ундан аввалги бобда: “Барча нарса... ҳеч нарсдан”, дея сўфий таълимотидаги “ҳеч нарса” ва “барча нарса” бир хил маънода ифодаланади. Араб адабиётшуносларининг баъзилари бу романда сўфиёна таълимотни, бошқалари экзистенциал таъсирни, яна бир хиллари миср образини юксак ва абадий қадрият сифатида кўрсатишга уриниш, дея баҳоладилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллардан то тўқсонинчи йиллардаги миср романининг ўзига хос табиати шундаки, унда муаллифнинг индивидуал услубининг хилма-хиллиги, серқирралиги намоён бўлади: бир томондан, услублаштиришга (ўрта аср адабий жанрлари услубига, ҳужжатларга) интилиш бўлса, иккинчи томондан, жанрлар уйғунлигига ва янги синтетик шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи тажрибаларни қўллаш кузатилади. Жанрлар қоришиқлиги бу муаллифлар томонидан анланган ҳолда амалга оширилади ва шу йўл билан воқеликка кескинлик бахш этилади ҳамда унга янгича нигоҳ билан қарашга ёрдам беради. Энг асосийси, шу орқали воқеликка йўналган қараш шаклланади. Шу билан бирга, миср адиблари (қолаверса, барча араб адиблари ҳам) уларнинг романлари “миллий қиёфа”га эга бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Романларда модернизм ва реализм уйғунлиги намоён бўлади. Жаҳон адабиёти майдонида яратилган модернизмга оид асарлардан таъсирланган адиблар ўз асарларида миллийликка, адабий мерос услублари ва қадриятларидан фойдаланиб неореализм методидан фойдаланган ҳолда ижод қилишга интилдилар. Бу каби янги қиёфадаги реализм адабиётшунослиқда “неореализм” (“янги реализм”) деб номланди. Неореализм, ўз навбатида магик реализм, психологик реализм, интеллектуал реализм каби турларга бўлинди. Неореализм: инсонга фақат бир муайян ижтимоий тип сифатида қараш эмас, балки унинг ўзига хослигини (экзистенцияси), оламини, ижтимоий ва инсонпарварлик ғояларини фалсафий англаш, маънавий қадриятларнинг аҳамиятини ифодалаш ҳамда реалистик тасвир асосида рамзий ҳамда модернистик поэтиканинг янги имкониятларнинг ўзаро бирикиш хусусиятларига эга. Ёзувчилар ўз асарларида миллий колоритни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар ва бу борада муваффақиятларга ҳам эришдилар. Ифоданинг қабариклиги, тасвирнинг серқатламчилиги, мазмуннинг залворчилиги, руҳий ҳолат манзараларининг ранг-баранглиги, инсонни бадиий тадқиқ этишга бадиий усуллар (баён, ифода этиш, кўрсатиш, тасвирлаш)нинг ўз ўрнини бўшатиб бераётгани билан алоҳидалиқ касб этади. Қаҳрамон ҳаёлотли ва кечинмаларидаги жараёнларни тасвир объектига айлантириш, уни янада тўлароқ илғашга интилаётгани билан ўзига хосдир. Бир сўз билан айтганда, миср “янги романи” “кичик” одамнинг катта ва чигал ички дунёсидаги беҳудуд поёнсизликни, турфаликни хилма-хил ракурсларда тадқиқ этишга киришди.



Дафтарларда қолган сатрлар

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Нурлар пўккан кўзларини



Юрак

*Билмас эдим сени, қайларда эдинг,
Наволардамидинг, шеърлардамидинг, сен?
Билмас эдим ёки ойларда эдинг,
Билмас эдим ёки ерлардамидинг, сен?*

ШЕЪР УМРИ – ШОИР УМРИ

Ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этиб, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби ўзидан эзгу ном ва безавол ижодий мерос қолдирган шоирлардан бири – Матназар Абдулҳақим (1948-2010) эди. Унинг мероси: мавзу, жанр, мундарижа, услуб жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, оригинал шеърят, бадий таржима, публицистик асарлардан ташкил топган. Шу боис, у тафаккур қамрови кенг, кўп қиррали ижодкор сифатида танилди.

Матназар Абдулҳақим меросини асоси шеърӣ асарлардир: аруз ва бармоқ вазнларида битилган ишқий, ижтимоӣ-маънавий мавзулардаги шеър ва дostonлари мустақиллик даври ўзбек поэзиясига муайян ҳисса бўлиб қўшилди. Хусусан, “Ойдинлик”, “Ёлғиз япроқ”, “Жавзо ташрифи”, “Кўприк” каби ўнлаб назмий тўплamlаридаги асарларида шоир бадий олами, бетакрор тасвир маҳорати ёркин акс этган. Зеро, теран поэтик нигоҳ, нарса ва воқеликни эстетик ҳис қилиш, англаш ва кашф этиш, фалсафӣ мушоҳада, топилма фикр ва тиник кечинма уйғунлиги, образли ифода шоир тафаккурининг асосий хусусиятларидир.

“Шунчаки ёзишни шоир учун ўлим” (Ҳалима Худойбердиева), деб билган Матназар Абдулҳақим юрак кўри, виждон амри билан чинакамига ижод қилди. Шоирнинг бутун ижодига хос бу томоӣил унинг ҳали чоп этилмаган, лекин дўстлари, адабиёт мухлислари бисотида сақланаётган шеърларида ҳам бош мезон бўлиб, улардаги беғубор туйғулар ижодкор маънавий умрининг давоми сифатида қадрдидир. Уларнинг айримлари журналхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

*Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори*

*Бефарқ эдим, яйраб қувонсанг, ажаб,
Писанд қилмадим гам еганлигингни.
Бугун бир зирқираб кетдинг бўлакча,
Пайқадим кўксимда эканлигингни.*

*Барибир, сен ҳали яшамогинг шарт,
Ўзинг бемор бўлдинг, ўзинг бўл ҳаким.
Оғриқлар муборак, қутлуғ бўлсин дард,
Ассалому алайкум, юрагим!*

**Талабалик олтин даврдир
(Профессорнинг шогирдларига ўғити)**

*Талабалик олтин даврдир,
Бежиз айтилмаган у “олтин”.
Тош, темирдан ирода жамланг
Бу олтинни топишдан олдин.*

*Талабалик олтин даврдир,
Дилда бўлса ихлос, меҳр гар.
Ҳар лаҳзаси мўъжизакордир,
Ҳар бир сонияси сеҳргар.*

*Талабалик даражасини
Ўйласам, шул фикрим ҳар дафъа.
Талабалик энг олий унвон,
Талабалик юксак мартаба.*

*Унга бўлмоқ учун мушарраф
Ранж чекилар, ҳориб, толинар.
Бу бебаҳо бойлик ақлдан
Юрак билан қазиб олинар.*

*Рухингизни юксалтиринглар
Юракларнинг эзгу зарбидан.
Очса бўлар янги дунёлар
Алифбонинг ҳар бир ҳарфидан.*

*Ўтказгайлар устозлар сизнинг
Алломалик ақиқангизни.
Увол қилмасангиз зарра ҳам
Шу давр ҳар дақиқангизни.*

*Не бир, не бир донишмандларни,
Пиру устозларни кўргандим.
Лекин илм бахт эканлигин
Шогирдларим сиздан ўргандим.*

*Илоҳий деб билинг китобга
Нурлар тўккан кўзларингизни.
Ўзгаларни енгиш бу осон,
Енгиб яшанг ўзларингизни.*

*Дилим илм билан юксақдир,
Унга туташ илдизлар бари.
Маърифатнинг юракларидир
Осмондаги юлдузлар бари...*

*...Илм ўрганинг ҳар лаҳза, ҳар дам,
Илм – ақлнинг олий ҳолати.
Акс ҳолда, бу олтин даврнинг
Бир кун миси чиқиб қолади.*

Халқона оҳангларда

*Санинг кулгичларинг гул эди ёрим,
Гулингизни опанглар юлиб қўйибди.
Ичкарига қамаб, эшикни қулфлаб
Қўллари сингирлар илиб қўйибди.*

*Кунларим ўтмоқда сандан мосуво,
Осмоннинг энг қора булути манда.
Сани яширишининг на фойдаси бор,
Юрагинг қулфининг калити манда.*

* * *

*Агар шайтон бўлсам, сани кўрганда,
Ҳеч кимни алдамай-чотмай тураман.
Агар қуёш бўлсам, сани кўрганда,
Намозшом бўлса-да, ботмай тураман.*

*Сан бўлсанг – арслонман, бўлмасанг – кийик,
Айрилиқ аждардай мани ямлайди.
Агар дунё бўлсам санга етганда,
Манинг қирғогимга дегизиолмайди.*





Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари доктори

ЎЗБЕК ФАНТАСТИКАСИ МАНЗАРАЛАРИ

Фантастик асарларнинг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс, лекин тақдири қизиқ. Аввал фантастика иккинчи нав адабиёт эмаслигини, сўнг жанр эканлигини исботлашга уринди.

Шу ўринда савол пайдо бўлади. Фантастика нима? У нимани ўрганади ва нимани ўргатади? У қандай масалалар билан шуғулланиши лозим, унинг моҳияти нимада? У ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Фантастика жанрми?

Аристотелнинг таълимотидан келиб чиқадиган бўлсак, фантастика бу хаёлий, хаёлотдаги, орзудаги ҳаётни тасвирлаш формаси, усулидир. В.Г.Белинскийнинг фикрича, бу бадий мавзунинг маълум бир хили. Хосе Ортега-и-Гассетнинг фикрича, бу масалага қандай ёндашишга боғлиқ. Фантастик мавзу реал мавзудан деярлик фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ, айна бир ҳодисани ҳақиқатда мавжуд ё мавжуд эмас, деб тасаввур қилишимизда. Масалан, лазер қуролининг пайдо бўлишини Алексей Толстой “Инженер Гарин гиперболоиди” асарида олдиндан башорат қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кир Буличевнинг фикрича, башорат қилиш фолбинлар билан футурологларнинг машғулоти, ёзувчи эса ёзиши керак. Фантастика башорат қилмайди, у огоҳлантиради. Бу ўринда, гап масаланинг ечимида эмас, балки қўйилишида. Кўрамизки, бу масалада ҳам қарашлар турлича бўлиб, уни назарий жиҳатдан ёритувчи илмий адабиётлар эса маълум вақтгача деярлик йўқ эди. Бу масала атрофида қанча фикр бўлса, шунча таъриф бор. “Соҳани англаб етиш учун унга тўғри атама бериш лозим”, деб Ф.Бекон бежиз айтмаган. **Фантастикага** берилган қирқдан зиёд таърифлар орасидан энг муқаммалини ажратиб олиш осон эмас. Лекин шуниси аниқки, бу таърифларнинг ҳар бири маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Фантастик адабиётда, унинг кўринишидан қатъий назар, фантастик тасвир устуворлик қилади. Гарчанд, ҳар қандай реалистик асар ҳам ижодкорнинг қалб призмасидан ўтиб, хаёлот пардасига ўралиб, сўнг қоғозга тушса-да.

Адабиётшуносликда мавжуд назарий масалалар сирасида жанр ҳам муаммоли қирралардан биридир. Жанр французча *genre* – тур дегани. Шунингдек, бу атама бадий асарнинг айрим хилларига нисбатан ҳам қўлланилади. Тор маънода сюжет ва мавзу ҳам жанр деб аталган. М.М.Бахтиннинг фикрича ҳам жанр асар мавзуи билан узвий боғлиқдир. Иззат Султоннинг фикрича: “ҳеч бир жинс ва жанр адабий ижодда соф ҳолда учрамайди. Жинс ва жанрларнинг аралашлиги, қоришиқлиги адабий ижоднинг характерли хусусиятидир”. Фантастика жанрми? деган масала ҳам бир қанча концептуал нуқтаи назарга эга. Бу саволга Е.Брандис: “фантастикани шартли равишда жанр, деб юритамиз”, деса, Кир Буличев: “фантастика – бадий адабиётнинг барча жанр ва турларини қамраб олувчи ижод тури”, деган фикрни билдирган. Л.И.Тимофеев тасни-

фига кўра, адабиётда турдан ташқари хил ва жанрлар мавжуд. Хил – жанрнинг умумий атамаси ва кўриниши. Чунончи, роман, повесть, ҳикоя – хилнинг умумий кўринишидир. Ўз навбатида, хиллар ҳам ички бўлинишга эга: сиёсий, мафкуравий, тарихий, замонавий, саргузашт, утопик-хаёлий, илмий-фантастик асарлар жанр кўринишларини яратди. Г.П. Абрамовичнинг фикрича: “жинс – тасвирлаш усули (эпик, лирик, драматик); тур – эпик, лирик, драматик поэзиянинг шакли (роман, ода, комедия); жанр – поэзияда мавжуд турларнинг кўриниши – хилдир (тарихий роман, сатирик поэма)”. В.Е. Хализевнинг фикрича ҳам фантастика мавзунинг умумий характерида келиб чиққан хилдир. Мазкур масала юзасидан билдирилган фикрларни ўрганиш фантастика – хил деган хулосага келиш учун тўла асос бераётгандек. Яъни, фантастика – мавзу, унинг фантастик роман, фантастик шеър ва ҳоказо кўринишлари фантастик асарни ўзида тутиб турувчи қолип, унинг шакли (сиғими)дир. Шўрвани лаганда ичиб бўлмаслиги сабабли, унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, унга сиғим, идиш танлаш жоиз бўлганидек, фантастик мавзудаги асар ҳам муайян маҳсулот, унинг шакли – романми, ҳикоями, шеърми, қайси бирида берилиши ёзувчига боғлиқ.

Лекин бу масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу – жанрнинг турланиши, яъни, жанрларни уларнинг қўлланишидан келиб чиқиб белгилашдир, айрим ҳолларда сюжет, мавзу, хилнинг ҳам жанр деб аталишидир. Расм санъатида натюрморт, пейзажни ҳам жанр дейилади; ҳуқуқий ва дипломатик тажрибада солномалар ҳам жанр деб аталган. Шу боис бўлса керак, М.М.Бахтиннинг фикрича жанрларга шартлилик, мавҳумлик хосдир. Демак, вазият фантастикага нисбатан бу икки атама – ҳам жанр, ҳам хилни қўллашни тақозо этади. Шунинг учун жанр ва унинг тарихини эмас, балки ҳар бир даврнинг жанрлар тизимини ўрганиш зарур.

Шу ўринда, Максим Борисовнинг: “Албатта, энг осони, ўзингни фантастиканинг жанр сифатидаги белгиларини излаш билан қийнаб ўтирмасдан (барибир, таъриф-тавсиф излаб топа олмайсан, бу жуда мубҳам соҳа), унда мавжуд барча энг яхши жиҳатларни бирор-бир нарсани ҳазм қилиб юбораверадиган “постмодернизм” деб ҳисоблашдир...”, деган фикрида асос борга ўхшайди. Бир қарашда бу муаммолар тадқиқотчиларнинг тадқиқот доирасига кириб, фантастик асар ёзиш билан шуғулланувчи ёзувчиларга, уларнинг ижодига дахли йўқдек туюлади. Лекин бу масала мунозарали бўлиб, алоҳида ўрганишни талаб этади. Чунки фантаст ёзувчининг асарлари ҳам фантастика, ҳам бадиий адабиёт талаби доирасида бўлмоғи лозим.

Ҳозирги ўзбек фантастикасига хос хислатлардан бири унинг реал ҳаётга яқинлашганидир. Унга қадар маълум маънода тақлидга берилган ҳоллар ҳам бўлди. Буни мавзу танлашда ҳам, қаҳрамонларнинг шакл-шамойилида ҳам, сунъий тақлид натижасида юзага келган камчиликларда ҳам кузатиш мумкин. Лекин бундай ҳолнинг юзага келишида маълум бир қонуният бўлса керак. Зеро, В.Г.Белинский таърифлаганидек: “Пушкиннинг лицей даврида ёзган шеърларига назар ташланг, ҳатто унинг ўзи босиб чиқарган асарларининг биринчи қисмида ҳам, ундан олдин ўтган Ломоносовдан тортиб Жуковский ва Батюшковгача бўлган барча шоирларнинг таъсирини кўришингиз мумкин. Демак, адабиётимизда ҳамма ерда жонли тарихий алоқа мавжуд, янги эскидан келиб чиқади, кейингиси олдингиси билан изоҳланади ва ҳеч нарса тасодифий бўлмайди”. Лекин бу ҳол, яъни, фантастик асарлардан ўрин олган сунъий тақлид, аслида, бесамар кечмади. Маълум маънода, у ўзбек фантастикаси учун ташқаридан келган озуқа (таъсир) вазифасини ўтади. Гарчанд, бу ҳол сув устида қалқиб юрган ёғ каби йўқ нарсани тўлдиролмасан-да, йиллар оша фантаст ёзувчилар маҳорати ошди, тақлид ўрни рус ва Европа маданиятини ўзлаштириш ҳамда ўрганиш эгаллади. Рус ва бошқа жаҳон тилларига таржима этилиши натижасида, ўзбек фантастикаси намуналарига нисбатан қизиқиш уйғонгани бунинг яна бир исботидир.

Ҳозирги кунда ўзбек фантастикасида тақлиддан асар ҳам қолмади. Эътиборга лойиқ фантастик асарлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, фантаст ёзувчилар авлоди ҳам етишиб чиқди. Бу ўринда, юзага келган фантастик асар ва фантаст ёзувчиларнинг сони ва сифатидан ташқари воқеликни акс эттиришда янги бир имконият юзага келгани билан ҳам муҳимлигини таъкидлаш ўринлидир.

Фантастиканинг, шу сирада, ўзбек фантастикасининг ҳам ривожланиши унинг ижтимоий, маиший, фалсафий фантастика каби янги кўринишлар билан бойишига олиб

келди. Янги кўриниш – янги ҳаёт дегани. Демак, фантастика янги кўринишда, янги йўналишда ўз йўлида ривож топмоқда.

Адабиётнинг барча турларига хос бўлганидек, инсонни билиш фантастиканинг ҳам асосий мақсадларидан бири бўлиб қолди. Инсонни билиш деганимизда, воқеликни акс эттиришигина эмас, балки инсон қалбини, унинг қалбидаги руҳий ўзгаришларни тадқиқ этишни ҳам назарда тутмоқдамиз. Акс ҳолда, асар воқеликнинг оддий инъикоси тарзида қолган бўларди.

Фантастика, барча бадиий адабиёт намуналари сингари, ўз олдига воқеликни бадиий образларда акс эттиришни мақсад қилиб қўяди. Биз воқелик деганда, фақат воқеалар силсиласини назарда тутмасдан, балки ёзувчининг қалб призмасидан ўтган инсониятнинг ўтмиши ва келажagini ҳам назарда тутамиз. Умумида адабиёт сирасида фантастик асарларнинг ҳам муносиб ўрни борлиги, унга қўйиладиган талабларнинг юқорилиги, унинг иккинчи нав эмас, балки катта, жиддий адабиёт эканлиги бунга имкон беради.

Фантастик адабиёт намуналари гарчанд: **фантастика, илмий фантастика, мифологик фантастика, утопик фантастика, саргузашт фантастика** сингари кўринишларга ажратилса-да, фантастиканинг қайси кўриниши бўлмасин, биз учун муҳими, унда адабиёт олдида турган масалаларни ечиш учун зарур бўлган ғаройиблик, фантастик усулларнинг мавжудлигидир.

Илмий-техник тараққиёт бўлса шу қадар илгарилаб кетганки, хаёлга эрк беришга зарурат қолмагандек. Шу боис бўлса керак, Жюль Верн, Александр Беляев асарлари ҳозирги кунга қадар ҳам қизиқиш билан ўқилса-да, фантастик адабиётга бўлган мезон ўзгарган. Катта ёшли китобхонларда Иван Ефремов, Геннадий Гор, Рей Бредбери, Герберт Уэллсларнинг асарларида кўтарилган муаммоларга нисбатан талаб, ўсмирларда бўлса енгилмас кучнинг тимсоли бўлмиш фантастик асарга эҳтиёж кучли.

Китобхонларнинг барчаси ҳам фантастик адабиётга кишининг вақтини чоғ қилиш учун ўқиладиган асардек қарашмайди. Ҳар бир китобхон ўзлигини англаш даражасидан келиб чиққан ҳолда, унда ўзига керакли бўлган озуқани топиб, қалбини тўйинтиради, қалбидаги бўшлиқни тўлдирди, ақлини чархлайди. Шу боис, адабиётнинг бошқа кўринишидан фарқли ўлароқ, фантастик адабиёт билан қизиқувчи китобхонлар ёш жиҳатдан чегараланмаган. Бу хулосани статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Чунки фантастик адабиётни ўқийдиган китобхон сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади.

Фантастик асар фақат болалар учун, ёшлар учун ёзилади, у болалар адабиётидир, деган фикр ҳақиқатга кўп ҳам тўғри келмайди. Бинобарин, адабиётлар сирасида фантастик адабиётни каттаю кичик китобхон бирдек ўқийди. Масалан, фантастик адабиётни ўқийдиган китобхоннинг ўқиш малакасида келиб чиққан ҳолда, хусусан, ёш китобхонни фантастик асардаги воқеалар силсиласи қизиқтириши, катта ёшдаги китобхонни воқеалар силсиласининг ёзувчи томонидан тасвирлаш усуллари, асарнинг маълумотга бойлиги, долзарблиги каби масалалар, бошқа китобхонни бўлса фантастик асарда фантастиканинг ижтимоий қарашлар билан кесишган нуқталари, ўзга китобхонни бу масалаларнинг ҳаммаси бирдек қизиқтириши мумкин.

Тараққиётнинг жадал суръатлар билан бориши инсонни ҳайратга солиши мумкин бўлган имкониятлар доирасини торайтирди. Лекин шунга қарамасдан, адабиёт, хусусан, фантастик адабиёт ҳам реал ҳаётдан бир қадам бўлса-да, олдинда юриши ва жамият олдига ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни ёхуд келажакда муҳимлик касб этиши мумкин бўлган масалаларни узвий равишда қўйиб бориши лозимлигидан келиб чиққан ҳолда масалага ёндашмоқ лозим. Бу эса, ўз навбатида, фантастиканинг бадиий адабиётнинг бир тармоғи сифатида яшашга тўла ҳақли эканлигини яна бир исботлаш имконини берди. Лекин, бу ўринда, фантастик адабиётда ҳам умумида адабиёт олдида турган масалаларни ҳал этишга даъват этилса, у ҳолда, фантастик адабиётни махсус ўрганишдан мақсад нима, деган савол келиб чиқади. Бироқ, шундай масалалар борки, уларни умумида адабиётнинг муайян тармоғи – фантастикагина ўрганади ва уни тадқиқ этиш ўзига хос кузатувларнинг юзага чиқишига имкон беради. Масалан, инсонни коинот, ўзга олам билан бўлган алоқаси масаласи. Бу масала маълум маънода электроника ва радиотехниканинг тараққиёти натижасида бир қадар ҳал этилган масала, лекин бу масаланинг мураккаб томонлари, астрономиядан тортиб, ижтимоий психологиягача юзлаб фанлар билан алоқаси бор. Техник тарафдан бу масала ҳал этилган, космосга йўлдошлар ҳам, одам ҳам чиқарилди, ўрганилди. Лекин бу масалани

ҳал этиш билан бир қаторда, унинг янада янги муаммоли жиҳатларини ҳам келтириб чиқарди. Коинотда ўзга сайёраликларнинг мавжуд ё мавжуд эмаслигини ўрганишнинг инсониятга фойдаси борми, бунинг инсоният олдида турган масалаларни ҳал этишга нафи тегадими ёки янада мураккаблашувига олиб келадими? Бу масалаларни ҳал этишда аниқ фанлардан олдин адабиётдаги, хусусан, фантастик адабиётдаги фантастик версиясига эга бўлишнинг фойдаси бўлса борки, зарарли томони йўқ. Социология билан боғлиқ бўлган бир мисолни кўриб чиқиш масалага янада аниқлик киритади. Маълумки, биргина моддий жиҳатдан тўкинликка эришиш билан фаровонликка етишиб бўлмайди. Инсон руҳиятида пайдо бўлиши мумкин бўлган бўшлиқ, инсон қалбида ўзгариш ясашга қодир бўлган, уни мукаммаллаштиришга доир назарияни талаб этмайдимиз, деган бир қатор саволлар юзага келадими, бунга ҳам фақат адабиётнинг узвий қисми бўлган фантастик адабиётгина атрофлича жавоб бериши мумкин. Бу эса фантастика олдида қатор қизиқарли муаммолар мавжудлигидан далолатдир.

Ўзбек адабиётида яратилган фантастик асарлар бу мезонга жавоб беришини вақт исботлади. Мустақиллик даврига келиб, фантастик адабиёт тўлиқ шаклланиб бўлди ва такомиллашишда давом этмоқда. Мустақил жанр сифатида юзага келган ўзбек фантастикасининг пойдевори асносида, ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этувчи ёзувчиларимиз ўзларининг асарлари билан “ўзбек фантастикаси” биносини қуришда, такомиллаштиришда, янги-янги уфқларни эгаллашда давом этишмоқда. Бугунги кунга келиб, ўзбек фантастикаси, унинг турли кўринишлари адабиётимиз ҳаритасида ўзининг мустақил ўрнига эга бўлиб, қаддини тиклаб, жаҳон миқёсида ўрин топишга муваффақ бўлди. Мустақиллик бўлса, бу борадаги имконият уфқларини янада кенгайтирди.

Ҳозирги ўзбек адабиётида бадиий фантастиканинг мавжудлиги ва тараққиёти Тоҳир Маликнинг “Сомон йўли элчилари”, “Чорраҳада қолган одамлар”, Ҳожиакбар Шайхоннинг “Рене жумбоғи”, “Ғаройиб кўланка”, “Телба дунё”, “Жодугарнинг эри”, “Фаришта ташрифи”, “Само меҳваридидаги намойиш”, “Туташ оламлар”, Маҳкам Маҳмудовнинг “Мен-мен эмасман”, “Мангу куй излаб”, “Тескари кўзлар сайёраси”, “Биз билмаган дунё” каби асарлари билан белгиланади. Бу санокни яна давом эттириш мумкин. Фантаст адиблар қаторидан фантаст аёл ёзувчилар ҳам муносиб ўрин олишди. Бу муаллифларнинг асарлари, бадиий фантастика жанрига асос бўлгани учунгина эмас, балки уларнинг қаҳрамонлари тўқнаш келган ижтимоий, фалсафий, сиёсий, маънавий муаммоларнинг ўртага қўйилиши билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Фантастик адабиётни кўздан кечирар эканмиз, ундаги мавзулар фазо, ўзга сайёраликлар ва роботлардан нарига ўтмаётгандек туюлади. Аслида, улар ўн саккизта мавзуни ташкил этади. Булар қуйидагилар: узоқ умр кўриш, абадий яшашлик, регенерация; анабиоз ё латаргия – келажакка саёҳат қилиш воситаси сифатида; келажакда пайдо бўлмоқ; роботлар, андроидлар, киборглар, сунъий заковат; қиёфадошлар; ўзга сайёраликлар; синтезаторлар, истакни бажо келтирувчилар; фазовий саёҳатлар; самовий урушлар; мияни алмаштириш; ўзга сайёралик мавжудотлар билан ерда, фазода мулоқотга киришиш; мутантлар, монстрлар; тарихий-илмий фантастика; қанотли одамлар; телепатия; ёндош олам; масофадаги воқелик.

Санаб ўтилган бу мавзуларнинг айримларини ҳисобга олмаганда, қолганларининг деярлик ҳаммаси ўзбек фантастик адабиётида ишланган, мавзу доирасини ташкил этган.

Ҳожиакбар Шайхоннинг фантастик адабиётдаги хизматларидан бири аёл образини олиб киргани эди. У фантастик адабиёт мундарижасига аёл образини олиб кириш билан чекланмасдан, ўзбек фантастикасида эротик фантастика кўринишига асос солди.

Ҳожиакбар Шайхоннинг ижодига хос хусусиятдан яна бири, у фантастик адабиёт мундарижасида мавжуд аёллар образининг қоришиқ типини яратишга муваффақ бўлди.

“Жодугарнинг эри” фантастик қиссасидаги аёл образи – фирқа раҳбари Айра бунинг ёрқин мисолидир. У асардаги етакчи образлардан: “...соҳибжамол... сутга чайилгандек оппоқ юзлари ниҳоятда хушбичим, қора қошлари қалдирғоқ қанотларидек бир текис, елкалари оша тўзғиб ётувчи оловранг сочлари тилладек товланарди. Фақат катта-катта мовий кўзларигина кишини тешиб юборгудек совуқ боқарди”. Айни бир пайтда, у икки марта гапиришни ёқтирмайдиган аёл, гапи-қонун бўлиши, ҳеч ким унинг измидан чиқмаслиги керак эди. Ходимларга захрини сочиб, уларнинг дилини оғритиш ва ранжитишдан завқланарди. Ишбилармон, иши юришганларни ёқтирмас, тақводор, ҳудожўй

кишиларни кўргани кўзи йўқ эди. Қўл остидаги ходими – ҳайдовчини ўзига уйлантириб олади. Уни гаражга бошлиқ этиб тайинлайди. Айти бир пайтда, бу аёлнинг яшиндай чақноқ нигоҳи юракка ғулғула соларди. У вампир мисол устамонлик билан эрининг қувватини сўриб оларди.

Ёлғон гапириш унинг учун чўт эмас эди. Тап тортмай оқни – қора, қорани – оқ дейиши мумкин эди. Унда жодугарлик хислатлари ҳам бор эди. Бехосдан ерга тушиб кетаётган косачага нигоҳини қадаса, у ҳавода муаллақ қолиб, оҳиста, синмасдан ерга тушади. Асар давомида бу аёлнинг қўлидан бошқа жодугарликлар келишининг ҳам гувоҳи бўламиз. Шу тариқа, кўрамизки, Ҳожиакбар Шайхов етти-саккиз хил тоифадаги аёлларнинг қоришиқ типини битта – Айра образида бера олган. Бу Ҳожиакбар Шайхов ижодидаги аёл образини яратишдаги ўзига хос томонлардан биридир.

Ҳожиакбар Шайхов ўзбек фантастик асарлар мундарижасига биринчилардан бўлиб ҳам аёл образини олиб кирди, шу билан бирга юқорида айтганимиздек, ҳам аёл образининг қоришиқ типини яратишга муваффақ бўлди. Лекин унинг асарларидаги аёл образи нечоғлиқ муваффақиятли чиққан-чиқмагани масаланинг иккинчи томонидир, чунки у яратган баъзи бир аёл образи билан боғлиқ ўринларда миллийлик параметрлари бузулгандек туюлади. Ҳожиакбар Шайховнинг яна бир асари “Само меҳваридаги намойиш” повестидаги аёл образи Кетрин билан боғлиқ ўринларни жаҳон адабиётига кириб келаётган эротик фантастиканинг ўзбек фантастик адабиётидаги илк намунаси сифатида, ёзувчининг муваффақияти, деб баҳолаймиз. Зеро, фантастиканинг бу кўриниши, яъни, эротик фантастика ўзбек фантастик адабиётида ўз ўрнини топмаслиги ҳам мумкин. Буни вақт кўрсатади.

Ўзбек фантастикасида жаҳон адабиётида ёритилмаган мавзулар ҳам ишланмоқда. Бунга Ҳожиакбар Шайховнинг “Фаришта ташрифи” киноқиссаси мисол бўла олади. Инсон ўлганда танаси дафн этилиб, унинг руҳи тирик қолиши мавзуи – жаҳон фантастикасида кенг тарқалганлиги аниқ. Лекин Ҳожиакбар Шайхов бу мавзуни давом эттириб, руҳнинг яна танага қайтиб, инсоннинг тирилиши, ҳаётга қайтишининг фантастик версиясини ишлаб чиқди. Ҳожиакбар Шайхов ўзбек фантастикасининг шаклланиши ва такомиллашувидагина эмас, балки бу соҳанинг илмий, психологик, ижтимоий, маънавий фантастика каби турларининг юзага келишида ўзига хос ҳиссаси бор. Унинг асарларида эртақ-фантастика услуби билан саргузашт-фантастика услуби уйғунлашган. Худойберди Тўхтабоев, Маҳкам Маҳмудов асарларида эса Рабле ва Свифт адабий мактабига хос ҳажвий фантастика аънаналари яққол сезилади.

Ўзбек фантастик асарларида миллийлик характер яратишда, аънаналар, урф-одатлар тасвирида ўз аксини топган, чунки маконда миллийлик мавжуд, воқеалар фазога кўчса, миллийликка зарурат қолмайди. Яъни, фантастик асарларда фантастика реал ҳаёт билан кесишган нуқталарда миллийликнинг кўринишлари кўпроқ, илмий, илмий-фантастик асарларда эса камроқ. Фантастик асарларда миллийликнинг кўриниши ва пропорцияси хусусида Ҳожиакбар Шайховнинг қуйидаги фикрини асос сифатида қабул қилса бўлади: “Ўтмиш ҳақидаги фантастик асарларда, – деб ёзган эди у, – миллийлик уфуриб туриши керак ва шартдир. Яъни, бундай ҳолатда халқ оғзаки бадиий ижоди мотиви ва усулларидан фойдаланиш, миллий аънаналар, урф-одатларни тасвирлаш учун кенг “майдон” очилади.

Бугунги кун ҳақидаги фантастик асарларда миллийлик миллий характерни очишда ўз аксини топиши керак.

Келажак ҳақидаги фантастикада бўлса миллийликнинг кўринишлари асар сатрларига синдирилган бўлиши, асар мундарижаси миллийлик билан йўғрилган бўлиши керак. Бир ўринда улар иккинчи даражали белги сифатида, бошқа бир ўринда муҳим асосий деталь сифатида иштирок этмоғи лозим”.

Фантастик адабиёт – техникавий адабиёт эмас. У, аввало, инсон ҳақидаги, бурч, ор-номус, виждон, меҳр, муҳаббат ҳақидаги адабиётдир. Ундаги роботлар ва юлдуз кезар кемалар ҳам уларнинг ижодқори бўлмиш инсоннинг улуғворлигига кўланка ташлаши керак эмас, балки инсоний туйғуларни кучайтириш ва таъкидлаш ниятида фантастик унсур сифатида иштирок этиши жоиздир.

Ҳар қандай фантазия замирида реаллик ётади. Тасаввур содир бўлиши мумкин туюлган воқеаларнинг чегарасини кенгайтиради.

Келажакда рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳозирги замон илмий фантастикасида ўз миқёсини тобора кенгайтирмоқда. Фақатгина рус ва жаҳон фантастларининг асарларида эмас, балки ўзбек ёзувчиларининг ижодида ҳам келажак дунё манзараларини тасвирлаш, келажак ҳаёт қандай эканини ёритиш мавзуи етакчи ўринни эгаллайди.

Ҳозирги замон фани ўрганаётган муаммолар ва гипотезалар ўзбек фантастлари олдида ҳам космик фазони ўзлаштириш, олий цивилизациянинг бошқа вакиллари билан алоқа боғлаш, вақт ва макон сирларини енгиб ўтиш каби мавзуларни қўймоқда. Ана шундай мавзулар сирасида роботларнинг келажакдаги илмий-техник вазифаларни бажаришдаги иштироки масаласи ўзбек фантастларининг диққат эътиборини тортмоқда. Лекин ҳар қалай, ўзбек ёзувчилари учун ҳам келажакдаги машина эмас, инсон, келажакдаги техник тараққиёт эмас, балки маънавий камолот муаммоси энг асосий мавзу бўлиб қолмоқда.

Техник тараққиёт эзгу мақсадлар учун ҳам, қабиҳ ниятлар учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

“Бугун биз, – деб ёзади машҳур америка фантаст ёзувчиси Рей Бредбери, – коинот бўсафасида турибмиз. Инсон ўзининг қудратли тўлқини билан бошқа оламларга ҳам оқиб чиқиш олдида.

...Аммо, у ўзини-ўзи хонавайрон қилиш майлидан қайтиши керак. Инсон – ҳам бунёдкор, ҳам вайронкор, реал ва даҳшатли хавф шундан иборатки, у юлдузларга оёқ қўймасдан аввал, ўзини-ўзи ҳалок этиши мумкин. Мен кўзиқоринсимон тушлар кўраётган, заҳарли зулмат қаърида ғимирлаётган ўргимчакни, ўз-ўзини ғажий бошлаган инсонни кўриб турибман.

Ҳозирги оламнинг қалқиб туриши, уруш хавфи, янги-янги даҳшатли қуролларни ишлаб чиқишга киришиш, капиталистик жамият зиддиятлари фантаст ёзувчиларнинг инсоният келажаги ҳақида ташвиш чекишларига асос бермоқда”.

Ҳожиакбар Шайхов ижодининг иккинчи палласида бадийий-ғоявий, услубий диапозони кенгайди, мистик, сиёсий, эртак фантастика каби йўналишларда ижод қилди. “Туташ оламлар” романи бу борадаги фикримизнинг исботидир.

Ҳожиакбар Шайховнинг “Туташ оламлар” романи асосида оддий, зиёли бир оила тақдири ётади. Оила бошлиғи, ўғил – Асад, унинг хотини – Дилбархон, қизлари: Наргиза, Назира, Нафиса, ота-онаси: Баҳром Шайх ота ва Муборак буви. Ўғил ўзининг илмий ишлари билан, хотини уй юмушлари билан банд.

Кўрамизки, воқеага бир оила тақдири асос қилиб олинган. Демак, романнинг асосий қаҳрамони – оила. Табиийки, реал воқеалар содир бўлаётган романга фантастикликнинг киритилишига нима зарурат бор эди, деган савол туғилади.

Лекин оиладаги қизлар билан ғаройиб, ақл бовар қилмас воқеалар содир бўлади. Қизлар ғайритабиий кучга эга, улар башоратчи, содир бўладиган воқеаларни олдиндан айтиб беришга қодир. Шу тариқа, асарга фантастик мотив, фантастик образлар кириб келади.

Романга фантастикликнинг киритилиши, асарга фақат ғаройиблик бахш этибгина қолмасдан, балки фантастиклик – муаллиф ғоясининг жарчиси вазифасини ҳам бажаради. Асар қаҳрамонлари – оила аъзолари, Наргиза, Назира, Нафисалар бўлса, бу вазифани амалга оширишда восита вазифасини ўтаганлар. Бундан ташқари, оила мисолида масалани кенгроқ ёритиш ҳам кўзда тутилган. Яъни, оила – бу биз яшаётган замин, одамлардир. Бу оилада кечаётган воқеалар ён-атрофимизда, мамлакатда кечиши мумкин бўлган воқеаларга ишора. Лекин бу масаланинг бир томони, ёзувчининг асл мақсади романнинг “Туташ оламлар” деб номланишида ўз аксини топган. “Туташ оламлар” бу икки олам – дин ва фан, фан ва илоҳиёт масалалари билан боғлиқ муаммолардир. Муаллифни инсон табиати, у билан боғлиқ муаммолар, инсон вафот этиши билан унинг ҳаёти тугайдими ёки инсон жисми ўлади, руҳи яшашда давом этади деган гаплар нечоғлиқ ҳақиқатга тўғри келади, арвоҳ, иблис, ажиналар мавжудми ёки йўқми, деган масалалар қизиқтиради.

Маълумки, бу муаммо адабиёт учун янгилик эмас. Масалан, Гоголнинг “Бурун” деган асарида “бурун” мустақил бир одамга айланади ёки Бальзакнинг “Сағри тери тилсими” асарида ҳар гал қаҳрамоннинг истаги бажо бўлганида, сағри тери тилсими унинг умрини қисқартиради. Ҳожиакбар Шайхов романида бўлса, оила аъзоси – Нази-

ранинг вужудига инс-жинс кириб олиб, унинг ихтиёрига қарши ишларни ихтиёр этади. Ёзувчининг бу йўлни танлашдан мақсади нима, романга фантастикликнинг киритилиши билан асар мазмуни нимага эга бўлди? Айнан, мана шу масала романнинг “Ота-бола гурунги” қисмида ўз аксини топган. Яъни, ёзувчини ўйлантирган икки олам масаласи – фан билан дин, икки олам муаммолари ечими романда фантастик версияда тасвирланган. Инсон вафотидан сўнг у яшашда давом этадими? Инсон жисми билан руҳияти ўртасида қандай муносабатлар бор? Моддий дунё билан руҳият ўртасида қандай муносабатлар мавжуд? Арвоҳ, иблис, жин, ажиналар бор нарсами ёки инсон ҳаёлидан ўрин олган фантазиями? Муаллиф фикрини банд этган мана шу каби саволларга асар давомида жавоб излайди.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, муаллифнинг, роман қаҳрамонларининг фикрини банд этган муаммо, мавзуларни фақат мустақиллик шарофати билан бадиий адабиётда ўз аксини топиш, ёзиш имкониятига эга бўлди. Собиқ шўро адабиётида бу масала, мавзунинг ёритиш, ёзиш ман этилган эди. Муаллиф бу мавзуга муносабати, қарашларини романдаги ота образи – Баҳром Шайх, ўғил – Асад, Асаднинг қизлари: Назира, Наргиза, Нафиса образлари орқали билдирар экан, ўз қарашларини уларга мажбуран ўтказмайди, балки китобхон ҳукмига ҳавола этади.

Ҳозирги ўзбек фантастикасида жаҳон бадиий фантастларининг асарларидан қолишмайдиган “янги тўлқин” дунёга келди. Тоҳир Малик, Ҳожиакбар Шайхов, Маҳкам Маҳмудовлардан кейин ўзбек фантастлари сафидан жой олган Рустам Обид, Озод Мўминов, Ҳасан ва Ҳусан Турсуновлар, Назар Эшонқул, Ёқутхон Акрам, Муҳаббат Йўлдошева, Фазилат Ҳожиқулова каби бир қатор истеъдодли ёзувчиларимиз реалистик тасвир билан бадиий фантастикани синкретлаб, жамиятимизнинг ҳозирги ва келгуси ҳаётидаги маънавий-ижтимоий, руҳий, ахлоқий, фалсафий муаммоларни ўзига хос ранг ва оҳангларда тасвирламоқдалар.

Ҳозирги ўзбек бадиий фантастикаси маънавий-руҳий, фалсафий изланишлар палласига кирди. Мажозий, кўп маъноли қатламларни очишда бадиий фантастика ёрдамга келди.

Фантастик асарларнинг юзага келишида биринчи туртки ҳаёлот, орзуга эришиш истаги бўлса, иккинчиси эркинликнинг йўқлиги эди. Фантастика ёзувчи учун, хусусан, ўзбек адабиётида, очик айтолмаган фикрини пардаланган, бекитиқча айтиш имконини берар эди. Ҳозирда бўлса, қўлга киритилган мустақиллик тўғрисида унинг адабиётга берган энг катта бойлиги, энг асосий неъматини эркинлик бўлди. Сонига кўра, ўқилиши жиҳатидан фантастик асарлар ҳаммиша ва шу кунга қадар ҳам биринчи ўринни эгаллаб келган, демак, фантастик асарга бўлган эҳтиёж ҳозирги истиқлол даври бадиий адабиётида ҳам мавжуд. Бунинг устига фантастик асарлар фантастиканинг бошқа альтернатив тарих, киберпанк, турбореализм каби кўринишлари ҳисобига яшашда давом этмоқда.

Альтернатив тарих – фантастиканинг бу йўналиши тўқсонинчи йилларда юзага келди. Воқеа туташ оламда ёки вақт бўйлаб саёҳат тарзида кечади. Содир бўлади. Унда фантастлар тарихдаги бўлиши мумкин бўлган, лекин содир бўлмаган воқеаларни тасвирлашни мақсад қилишади.

Киберпанк – фантастиканинг бу йўналиши америка адабиётида юзага келди. Унда келажакни пессимистик руҳда тасвирлаш устун туради. Инсонни компьютер билан тутатиб кетишига алоҳида эътибор берилади. Рус адабиётида фантастиканинг бу йўналиши энди ривожланмоқда.

Турбореализм – фантастиканинг бу йўналиши фалсафий – психологик – интеллектуал фантастика сифатида баҳоланади. Турбореализмнинг ўзига хос томонларидан бири матн остидаги маънодир. Қувончли томони шундаки, ўзбек фантастларининг ижодига фантастиканинг бу янги йўналишларининг ҳар бирига жавоб бера оладиган намуналарни топиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек фантастикаси жаҳон фантастикаси билан баравар қадам ташлаётганидан далолатдир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек фантастикаси янги йўналиш ҳисобида ривожланмоқда. Фантастика қайси кўринишда бўлмасин, мақсади битта – ўсиб келаётган авлод дунёқарашининг шаклланишида, дунёни идрок этишида асосий сирлардан бири бўлиб қолаверади.

Шоира АҲМЕДОВА,
филология фанлари доктори



АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИКДА ТАҚРИЗНИНГ ЎРНИ

Миллий адабиётшуносликда адабий танқид жанрларининг юзага келиши адабий ҳаётда жорий жараённинг фаоллигини намоён этади.

Илмий-назарий хусусиятлари ва эстетик моҳияти, тезкорлиги жиҳатидан адабий танқид жанрлари орасида муҳим аҳамият касб этган тақриз фаоллиги ва тезкорлик хусусияти билан бошқа жанрлардан фарқ қилади. Чунки у асарни кўпинча қисқа ва ихчам таҳлил этадиган тезкор жанрлардан бўлиб, ҳозиржавоб эстетик баҳога асосланган ва бадиият оламига “разведка” воситасидир. Янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган тақризда таҳлил лўнда, сиққ шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади. Шу сабабли, тақриз айрим танқидчилар айтаётганидек, фақат “кутиб олувчи жанр” эмас, балки у бир асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни кўрсатадиган, унинг ижодкор ижодида тутган ўрнини тезлик билан баҳолай оладиган эстетик хусусиятга эга. Муайян бадиий асар таҳлили орқали тақриз бадиий ҳақиқатни очиб, китобхонга унинг қандай бўлиши ҳақида тасаввур бера олади.

“Тақриз ҳам санъат, шунинг учун уни шундай ёзиш керакки, китобхон тақризчи билан мулоқотда бўлганидан қониқиш ҳис этсин”, дейди рус адабиётшуноси Н.Яновский. Дарҳақиқат, кенг жамоатчиликнинг янги асарни қандай қабул қилиши маълум жиҳатдан уни баҳолаган тақризга ҳам боғлиқ. Бу қонуният тусига кирган ҳодиса бўлмаса-да, ҳаққоний тақриз янги асар ҳақида жамоатчилик фикрининг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Негаки, тақризчи асар моҳиятини илмий-эстетик таҳлил воситасида ёритиш орқали китобхон дунёқарашига таъсир қилиб, тасаввурини бойитишга хизмат қилади. Демак, тақризда, биринчидан, янги эълон қилинган асарнинг қисқа таҳлили мавжуд бўлади, иккинчидан, мазкур асарга адабий-бадиий жараён нуқтаи назаридан туриб берилган баҳо ўз аксини топади. Учунчидан, асарнинг ижодкор ижодида қандай ўрин эгаллаши – бу унинг ютуғими, ижодий такомилими ёки аввалги асарларига қараганда орқага чекинишми – шу ҳақда фикр билдирилади.

Тақризни шакллантирувчи куйидаги хусусиятлар: асарнинг ижодкор ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини биринчи бўлиб кўрсатиш; баҳолашдаги тезкорлик ва ҳозиржавоблик; ташвиқий моҳиятга эга эканлиги; китобхонга янги асар ҳақида маълумот бериб, унинг эстетик тасаввурини бойитиш ҳамда ўша асарни ўқишга даъват қилиш жиҳатидан айрича аҳамият касб этади.

XX аср бошлари ўзбек адабий танқидчилигининг муҳим хусусиятларидан бири – танқидчиликда тақриз жанрининг қарор топганлиги бўлиб, матбуот ривожланиши билан деярли барча халқлар адабий танқидида тақриз жанри ўз ўрнини топди. Адабий жараён тараққиётида бу тезкор жанр ҳар доим фаол иштирок этиб келди. Демак, танқид ўзининг илк қадамларини, асосан, тақриздан бошлаганини кўрамыз.

XX асрнинг йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йиллар бошларига келиб, танқидий тафаккурнинг салмоғи анча ортди. Айтайлик, назм, наср ва драмада аксини топган янги инсон образини таҳлил қилишга адабий танқид сустроқ киришган бўлса-

да, бу масалани ёритишда тақриз олдинда борди. Даврнинг фаол тақризчилари сафида: Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Садриддин Айний, Элбек, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зиё Саид сингари адиблар ва Вадуд Маҳмуд, Олим Шарафиддинов (Айн), Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Абдурахмон Саъдий, Анқабой каби танқидчи ва адабиётшунослар алоҳида ўрин тутди. Аммо бадиий асарга санъат нуқтаи назаридан эмас, балки синфийлигига қараб баҳо бериш адабий танқид, шу жумладан, тақризнинг бош вазифасига айлана борди. Бундай ҳолатни ўтган асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йиллари тақризчилигида кузатиш мумкин. Ю.Султонов ва Ҳ.Мусаевнинг “Сароб” романига бағишланган тақризларида бу хусусият яққол сезилади. Шундай бўлса-да, матбуотда ҳақиқий санъат асари ҳисобланган адабиёт намуналарига бағишланган тақризлар босилиб турарди. Чунончи, иккинчи жаҳон уруши даврида Николай Погодин, Собир Абдулла, Уйғун ва Ҳамид Олимжон ҳамкорликда ёзган замонавий асарлардан бири “Ўзбекистон қиличи” драмасига шоир Мақсуд Шайхзода ёзган тақриз ўша даврнинг энг яхши танқидий асарлари сирасига мансубдир. Тақризда, аввало, асардаги халқчиллик ва замонавийлик масаласига алоҳида диққат қаратилиб, бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилган деталь ва эпизод асарда чуқур рамзий аҳамият касб этишига эътибор берилади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ойбек ва Ғафур Ғулом ҳамкорликда яратган “Жалолоддин Манғуберди” драмаси ҳақида”ги тақриз жанрнинг ёрқин намунасидандир. Бу тақриз драматургиянинг, хусусан, тарихий жанрдаги драманинг бир қатор муҳим муаммоларини кўтариб чиққанлиги жиҳатидан, наинки, уруш даври адабий танқиди, балки, умуман, ўзбек танқиди тарихида муҳим аҳамият касб этди. Тақризда илмий-эстетик тафаккурнинг кенглиги, самимийлик, фикрнинг ҳис ва туйғуга бойлиги китобхон диққатини ўзига тортади.

Тақризнинг ўзига хослигини: а) ўтмиш билан муқояса қилиш орқали тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланганлигини очиб бериш; б) драмани тўғри ва ҳолис баҳолаш; в) драманинг саҳнага қўйилиши ва унинг муваффақиятидан мамнунлик ҳисси билан тўлиқлик каби жиҳатлар белгилайди. Ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу тақриз мазмун ва шакл жиҳатдан жуда юқори савияда ёзилган.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларига келиб, драматик асарлар ҳақида битилган тақризлар кўпчиликти ташкил этади. Бу даврда янги шеърӣ тўплам ёхуд поэмаларга биргина тақриз бериш билан чекланиб қолинмаган. Қатор асарларга хилма-хил муаллифларнинг ранг-баранг бир неча тақриз ва мақолалари бериб борилган. Баъзан тақризчилар бир-бирлари билан мунозара қилишга киришган ҳоллар ҳам бор. Жумладан, биргина “Шарқ юлдузи” журналининг ўзида Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Зулфия, Саида Зуннунова, Султон Акбарий, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Шухратнинг поэма ва шеърӣ тўпламларига муносабат билдирилган қатор тақризлар мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Муҳими шундаки, тақризнавислик жараёнида адабий танқидга янги ижодий кучлар кириб келди. Адабий жараёндаги янги руҳ танқидчилар ижодида тобора ёрқин кўрина борди. Олтиминчи йилларга келиб, ғоявий-эстетик таҳлилга эътибор кучайганини кузатиш мумкин. Илмий-назарий таҳлил ва талқин, асарнинг бадиий-эстетик моҳиятини очишга ҳаракат “Синчалак”, “Муқаддас”, “Қора кўзлар” сингари асарларга ёзилган тақризларда яққол намоён бўлди. Ўзбек адабиётида “Сароб”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Чинор” сингари асарларга биринчи бўлиб муносабат билдирган, маълум маънода, бу асарларни ҳимоя қилган танқидчилар теран таҳлил асосида ҳақ гапни ўзларидаги гўзаллик туйғуси билан уйғунлаштириб айта олдилар. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Иброҳим Ғафуров каби адабиётшуносларнинг тақризлари фикримизга далилдир.

“Бизда кашфиёт асар унчалик кўп бўлмаганидай, давр синовини енгиб ўтадиган тақризлар ҳам унча сероб эмас”, дейди ҳақли равишда адабиётшунос Абдуғафур Расулов. Масалан, “Улуғбек хазинаси” романи ҳақида Пирмат Шермуҳаммедовнинг “Улуғбек хазинаси”, Норбой Худойбергановнинг “Икки ҳаёт, икки ўлим”, Иброҳим Ғафуровнинг “Роман – тарих ойнаси”, Воҳид Зоҳидовнинг “Тирилган тарих” асарларида унга муносабат билдирилди. Уларда ғоявий-эстетик таҳлил, ҳар бир мунаққиднинг ўзига хос услуби акс этса-да, шўро мафкурасининг айрим белгилари зухур топган. Пирмат Шермуҳаммедов романнинг тили масаласи, Норбой Худойберганов қарама-қарши образлар қиёси, Иброҳим Ғафуров эса романдаги услубий товланишлар масаласига

диққат қаратади. Шу сабабли, бу асарларнинг ҳаммасини тақриз деб бўлмайди. Агар баъзиларида аниқ муаммо қўйилганлигига эътибор қаратилса (масалан, романнинг тили масаласи), уни муаммоли мақола жанрида ёзилган, деб ҳисоблаш мумкин. Бугунга келиб “Улуғбек хазинаси” романига янгича баҳо берилди, ёзувчининг ютуқлари тўғри таҳлил этилиб, асарнинг замона талаби билан юзага келган қусурлари ҳақида ҳаққоний, объектив фикрлар айтилди. Ёзувчининг ўзи ҳам кейинги нашрларда камчиликларини тuzатди. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқоридаги тақризларнинг фазилат ва нуқсонлари ярқ этиб кўзга ташланади. Демак, тақриз илмий-эстетик ҳақиқатни ёритувчи воситага айланса, у давр синовларига дош бериб, авлоддан-авлодга етиб боради.

Тақриз бирор асарнинг яратилгани ёхуд қандайдир ҳаётий материал, мавзуга бағишлангани ҳақида китобхонга ахборот берувчи тарихий-биографик маълумотнома эмас. У бирор адабий ҳодисани чуқур идрок этиш, унга илмий-эстетик нуқтаи назардан баҳо беришни назарда тутати. Танқидчи Иброҳим Ғафуров тақризни камчиликларни кўрсатиши жиҳатидан “танқиднинг тиканли гули” деб ҳисоблайди. Айни чоғда, тақриз танқидий баҳонинг мукамал изчил ўлчовидир. Бинобарин, унинг бу жиҳатларига доим эътибор берилган. В.Г.Белинскийнинг энг яхши танқидчилик анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган ўзбек тақризчилигида бадиий асарни ғоя ва образлар бирлигида яхлит эстетик қурилма сифатида талқин этиш, бу асарларнинг адабиётга қандай янгиллик олиб кираётгани, ҳаётнинг қандай муҳим томонларига диққат қаратаётганлигига алоҳида эътибор бериб, мазкур асарларнинг адабий ҳаётдаги ўрнини кўрсатиш муҳим ҳисобланади. Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Наим Каримов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров сингари мунаққидларнинг ўзига хос тил ва услубга эгаллигининг боиси шунда.

Турғунлик йиллари тақризчилигида офаринбозлик кучайди, саёз, ҳатто, яроқсиз асарларга ҳам мақтов тақризлар босилди. Уларнинг аксариятида бирёқламалик устувор бўлиб, асар мазмуни баён қилиб берилди. Бундай ҳол фақат ўзбек танқидчилигидагина эмас, балки собиқ шўро адабий танқидчилигига хос муштарак хусусият эди. Шунинг учун қирғиз, белорус, рус танқидчиларининг баъзилари тақриз ҳақида “илмга алоқаси йўқ жанр” деган асоссиз фикрларни айтишгача бориб етди. Бундай қарашлар ўзбек танқидчилигида ҳам акс-садо берди. Унга нисбатан, “адабий танқиднинг обрўйини кетказишга “хизмат қилаётган” жанр деб қаралиб, ундан воз кечиш тақлиф қилинди, унинг вазифаси реклама бюросига юклар қўйилди. Бу тарздаги кескин муносабатнинг туғилишига турғунлик давридагина эмас, балки ҳозир ҳам босилаётган айрим бўш, қуруқ ва мадҳиябозликдан иборат тақризлар сабаб бўлганини пайқаш қийин эмас. Илмий-техника тараққий этган бир даврда, китоб, ахборот уммони кун сайин тўлиб бораётган ҳозирги кунларда библиография ва аннотация маънавий компас вазифасини ўтаётганига анча бўлди. Бироқ, у ҳеч қачон тақриз ўрнини боса олган эмас. Шу сабабли, тақриз ўз даврида бундай асоссиз танқидлардан ҳимоя қилинди. Адабиётда янги асар яратилган экан, албатта, унга тақриз ёзилади. Ҳатто, асарнинг босилишига-да тақриз йўл очади, шунда, у кенг ўқувчилар оммасига эмас, балки, аввал, ўша ижодкорларнинг ўзларига қандайдир наф келтираётганини ким инкор этади?! Қолаверса, асар босилгач, уни оммага таништиришда хизмат қиладиган, завқ-шавқ билан ўқиладиган бетакрор тақриз адабиёт учун зарур. Мадҳиябозликдан иборат саёз тақризлар кўпаяётган экан, бунга тақриз эмас, балки уни ёзаётган муаллифлар сабабчи. Бинобарин, тақриз ўз вазифасини доимо бажариши керак, чунки адабиёт ихчам, сиққ тақризларга ҳамиша ва ҳамма замонларда эҳтиёж сезиб келган.

Адабий танқиднинг одилона баҳо бериш, бадиий жиҳатдан юксак асарнинг яхши томонларини, бўш, саёз асарнинг қусурларини очиб беришдан иборат вазифасини барча жанрлар қатори тақриз ҳам ўзига хос воситалар орқали бажара олади. Ўзбек танқидчилигида тақризнинг хилма-хил ички кўринишлари пайдо бўлди. Аммо тақризни мақола, мақолани тақриз, мактубни тақриз деб номлаш, оддий этюдларни эссе деб бериш каби чалкашликлар шунчалик кўп учрайдики, жанрларни ички дифференциялаш бу камчиликнинг олдини олади. Аммо шундай саволлар туғилади: тақризнинг шакли қандай бўлиши керак? Маълум асарга тақриз ёзганда бир хил шаклдан фойдаланиш мумкинми? Йўқ, албатта, тайёр, бир хилдаги қолипларни қўллаш мумкин эмас, чунки шаклда мазмун акс этади. Демак, ҳар бир асар ўзича айрим бир дунё экан, унга қараш йўллари ҳам ўзига хосдир. Бинобарин, ҳар хил асарга ёзилган тақриз ранг-баранг

бўлиши табиийдир. Тақризда сюжет, композиция, бадий тасвирий воситалар каби узвлар унинг яхлитлигини таъминлаши зарур. Мазмун чуқур, шакл мукамал бўлиб, узвий мутаносиблик таъминлангандагина, маҳорат намоён бўлиб, фикрнинг тўла ифодаланишига замин яратилади. Тақриз китобхонга таъсир этиши, уни руҳлантириши, ўйлатиши, ишонтириши, унда янги фикр уйғотиши лозим. Бунга, шубҳасиз, шу жанрда ижодий изланиш, тинмай меҳнат қилиш орқалигина эришиш мумкин. Шу ўринда Матёқуб Қўшжоновнинг “Мунаққид учун бош йўналиш тақриз бўлиши керак. Бешта, ўнта тақриз доим иккита-учта мақолага материал беради”, деган эътирофини катта ижодий тажрибадан туғилган хулоса сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Тақризда асарга холис баҳо бериш, баҳонинг ҳаққонийлиги, ютуқ ва камчиликларини ёрқин кўрсатиш муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, ўзбек танқидчилигида яратилган мавжуд тақризларни мазмуни ва вазифасига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Янги бадий асарга ёзилган **ҳозиржавоб тақриз** кўп учрайди, у тарғибот, ташвиқот характерида бўлиб, бадий асар ҳақида илк маълумот беради. Унинг ёрқин намунасини мунаққид Вадуд Маҳмуд ижодида кўриш мумкин. Чўлпоннинг “Булоқлар” тўпламига тақризи бунга мисол бўла олади. “Бу кун ўзбек адабиётига яна янги тўн кийгизилди. Чўлпоннинг “Булоқлар” отлиғи янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир, шунинг учун ўзбек элини бугунги руҳи, ҳоли, сезгиси “Булоқлар”да қайнайди, ўзбек тили, ўзбек оҳанги “Булоқлар”да сайрайди”. Бу юксак баҳо “Булоқлар”га берилган аввалги фикрлардан тубдан фарқ қилади. Ўзининг таъсирчанлиги, жозибадорлиги, шакл ва мазмун жиҳатидан юксаклиги, мунаққид қалбини, асардан олган ҳис-ҳаяжонини намоён эта олиши билан ўзига хослик кашф этган. Шунинг учун ҳозиргача аҳамиятини йўқотмаган. Мунаққид тақризда ўз олдига қўйган асарга баҳо бериш ва уни тарғиб қилиш мақсадига эришган. Демак, янги асарга ёзилган тақризда тезкорлик, қисқа таҳлил, берилган баҳонинг сиққ ва лўндалиги, уни ташвиқ қилишга қаратилганлиги жанрнинг ўзига хос табиатини белгиловчи хусусият ҳисобланади.

2. Бадий асарни кенгроқ баҳоловчи **монографик тақриз** ҳажми ва шу билан бирга нашр этилиши (яъни, ҳозиржавоблик хусусиятининг камлиги) жиҳатидан юқоридаги гуруҳдан фарқ қилади. Шу боис, тақриз доимо янги яратилган асарлар ҳақидагина ёзилади дейиш унинг моҳиятини бир қадар чеклаб қўяди. Ўзбек танқидчилигида монографик тақриз ёзиш анъанаси ХХ асрнинг йигирманчи йилларидан бошланган. Сотти Ҳусайннинг “Ўткан кунлар” романи муносабати билан ёзилган асарини Абдуғафур Расулов “монографик тақриз”, “тадқиқот-тақриз” деб баҳолайди, кейинроқ эса унга нисбатан “тақриз-рисола” истилоҳини ҳам қўллайди.

Озод Шарафиддиновнинг “Сароб” ҳақидаги монографик тақризи “Иккинчи чўққи” сарлавҳаси остида чиққан. Мазкур тақриз тадқиқот характерида бўлиб, янги асарларга ёзилаётган сийқа тақризлардан, бўш мақола, баёнчиликдан иборат китоблардан устун эди. Чунки адабий танқид китобхон дидини адабиётдаги мумтоз асарларни қайта-қайта талқин қилиш орқали тарбиялаб бормоғи жоиз. Бундай тақризларда асар монографик тарзда, яъни, кенг кўламда, чуқур тадқиқ этиш йўли билан баҳоланади.

“Синчалак” нашр этилгандан кейин матбуотда у ҳақда ўнлаб тақризлар босилди, ҳар бир тақризчининг ўзига хос услуби, изланишлари турличалиги билан бир-биридан ажралиб туради. Матёқуб Қўшжоновнинг “Синчалак” деб номланган тақризи ғоявий-эстетик жиҳатдан бир бутунлиги ва ҳажмининг катталиги билан эътиборни тортади. Тақриз асарга ўзига хос ёндашувда ёзилган, унда тамоман бошқача услубга дуч келиш мумкин. Умуман, кейинги йилларда кўпроқ Матёқуб Қўшжонов услубига хос монографик тақриз ёзиш анъанаси кўзга ташланмоқда.

Танқидчи Озод Шарафиддиновнинг изчил таҳлилга асосланган, “Синчалак”ка бағишланган уч қисмдан иборат “Келажакка чорловчи қисса” тақризи монографик тақриз сирасига киради.

Тақриз жанридаги камчиликларни кўрсатар экан, Матёқуб Қўшжонов кўп тақризлар бир хилда, бир қолип асосида ёзилган бўлиб, баёнчиликдан нарига ўтмаслиги, баъзан ғоявий-бадий хусусиятлари бир-биридан тамоман фарқ қилувчи асарлар шу таҳлитда тақриз қилиниши, ўзбек ёзувчилари бир-биридан кўчириб олмаётганмикан, деган таассурот туғдиришини таъкидлайди. Монографик тақризларда кўпинча ана шу камчилик кўзга ташланмайди, уларда асар кенг ва чуқур таҳлил этилиб, ўзига хослиги очиб берилади. Аммо бундай тақриз ўзбек танқидчилигида кам учрайди.

3. Шарҳ-тақриз. Асарнинг мазмун-мундарижасини тушунтириш асосий мақсади бўлган шарҳ-тақризнинг тарихий илдизи мумтоз адабиётшуносликка бориб тақалади. Баъзан адабий шарҳлар атамаси ишлатилади. Рустам Тожибоев масалага чуқурроқ ёндашиб: “Ўзбек классик танқидчилигининг яна бир кўриниши шарҳларда намоён бўлади. Шарҳлар ўтмишда кўпинча устоз Шарқ шоирлари асарларини, замондош ижодкорлар абётини оддий ўқувчига тушунтириш, шоирларнинг мураккаб шаклларда ва мажозлар ёрдамида айтмоқчи бўлган фикрларини изоҳлашга эҳтиёж заминиди дунёга келган”, деб ёзади ўзининг номзодлик диссертациясида. Озар олими К.Толибзода фикрига кўра, шарҳлар ёзувчи билан ўқувчи орасида англаштирувчилик, алоқа яратувчилик мақсадида яратилади. Олим бадиий асар шарҳловчиларини “ўз даврининг машҳур филологлари эдилар”, деб таърифлайди.

Ўзбек адабиётида шарҳлар махсус рисола, мақола тарзида эмас, балки қўлёзма девон, маснавийларнинг ҳошияларига ёзиш шаклида тарқалган. Мумтоз адабиёт ва адабиётшуносликда олимлар улуғ шоирларнинг қўлёзма асарлари ҳошияларига шоирнинг шеърдан кузатган аниқ мақсадни, байтнинг маъносини шарҳлаб кетганлар. Бундай шарҳчилик анъанаси ХХ аср бошларигача давом этган. Ўзбек маърифатпарвар шоири 1890 йил рус шоирларидан бирининг эркин таржимада босилиб чиққан шеърига шарҳ ёзиб, унинг моҳиятини талқин қилиб беради. Шарҳ-тақризда асарнинг таҳлили ва баҳосидан кўра, шеър мундарижасига ёзилган шарҳ кўпроқ ўрин тутади. Бу эса ўзбек танқидчилигидаги дастлабки тақризлар ўзбек мумтоз адабиётшунослигининг кучли таъсири остида яратилган ва танқиддаги дастлабки тақризлар асарга ёзилган шарҳ сифатида майдонга келган деган хулосани беради. Ҳозирги адабий жараёнда мумтоз шоирларнинг машҳур ғазали ёки айрим байтларни шарҳлаш анъанаси ривожланиб бормоқдаки, бу алоҳида ўрганилишга молик муаммодир.

4. Мактуб-тақриз. Ўзбек танқидчилигида шундай асарлар учрайдики, уларда икки жанрга хос белгилар қоришиб келади, жанрни белгилашда ана шу жиҳатлар ҳисобга олинмиши лозим. Жумладан, “Бошқа китоблари қатори Зулфиянинг “Водопад” (“Шалола”) шеърлар тўплами танқидчиларнинг диққат-эътиборларини тортган. Шу тақризлар қаторига ўзбек адабиётининг билимдони, катта таржимон Л.М.Пеньковскийнинг шоирага юборган мактубини кўшиш ўринли бўлар эди. Кўринадики, мактуб тақриз деб баҳоланаяпти. У тақриз эмас, балки мактуб жанрида ёзилганлигини мазмуни ва тuzилиши кўрсатиб турибди. Аслида, уни мактуб-тақриз деб аташ ўринлидир. Воҳид Зоҳидовнинг “Адабиёт ва замон” тўпламига киритилган “Ойдин “Наво”си” ёзуви шоира Ойдин Ҳожиёвнинг “Наво” шеърлар тўплами муносабати билан ёзилган мактуб-тақриз ҳисобланади. Иброҳим Ғафуровнинг Омон Матжон, Тўлан Низомга ёзган мактуб-тақриzlари ҳам шулар сирасига мансубдир.

5. Хабар-тақризнинг бош мақсади кўпинча хабар бериш ва қисқа баҳолашдан иборат. Унинг ҳажми жуда қисқа бўлади. Наим Каримов Усмон Носир ҳақидаги китобида қурултой иши давом этаётган кунларда рўзномада босилган Мадамин Давроннинг “Атлас” деган хабар-тақризини келтиради. “...Бу пьеса ўзининг танлаган мавзуи, кашф этган қаҳрамонлари ва қўйган проблемаси томонидан анчагина янги бир нарсадир. Пьесани ўқиш куни иштирок этганларнинг кўпчилиги пьесага мусбат фикрлар бердилар. Сўзловчилардан бири: “Мен бу пьесани ўқиб, эшитганимдан сўнг, қачон қўйилар экан, тезроқ қўйилса, бир кўра эдик, ...деган фикрга келдим”, деди.

Пьеса тил жиҳатидан ҳам анча яхши ишланган...”. Ҳажман жуда қисқа бу тақризда драмадаги образлар – иштирок этувчилар ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, тақризда драмадаги нуқсонлар ҳам кўрсатилади. Хабар-тақриз муаллифи асарнинг “пьесада ҳозиргача драматургиямизда кўрилмаган янги бир мавзуни кўтариб чиққани учун” алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Сўнгра тақризни яна бир хабар: “пьесанинг ишчи ёшлар театрусига берилганлиги, тез кунда томошабинлар ҳам ўз фикрларини” айтишлари мумкинлигини қайд этиш билан тугатади. Демак, бундай тақризларнинг асосий хусусияти дарак бериш, ташвиқ этишда намоён бўлади.

6. Оғзаки тақриз. Аслини олганда, танқид халқ оғзаки ижодидан бошланган. Халқнинг ўз бахшисидан “йиғлоқи дostonлар эмас, балки охири ғалаба билан тугайдиган дostonлар айтиб беришни” сўрашида ҳам шу дostonлар ҳақида мулоҳаза, унинг қайсидир жиҳатини баҳолаш хусусияти намоён бўлади. Мумтоз адабиётшунослиқдан маълумки, шоирлар ўз асарларини мухлисларга, халққа, устозларига ўқиб бериб, улар-

нинг фикрларини, баҳоларини кутганлар. Мавлоно Лутфийнинг Навоий байтига берган баҳосида ҳам оғзаки тақриз (қисқа ва лўнда мулоҳаза) унсурлари кўринади. Бу жараён адабиёт ривожини билан бирга давом этиб келмоқда.

XX асрнинг бошларида, айниқса, тақризнинг оғзаки хили кучайди. Хусусан, драматургиянинг кириб келиши билан оғзаки театр танқиди ва, шу асосда, театр тақризи пайдо бўлди. “Усмон Носир 1934 йил 7 мартга қадар кўлдан чиққан асарни қайси давраларда ўқиб бермасин – тенгдош қаламкашлар ё қурултойнинг бошқа қатнашчилари даврасида, Самарқанд ё Тошкент театрларининг ижодий жамоаси олдидами – ҳамма асарни ҳузур қилиб тинглади, умуман, юқори баҳо берди...”.

“Кунларнинг бирида, – дейди Мадамин Даврон, – Усмон Носир янгигина тугатган “Нахшон” достонини дўстлари даврасида ўқиди. Достон ғоят нафис мисралардан ташкил топган эди. Ҳаммамиз маҳлиё бўлиб эшитдик. Лекин даврамизда ҳозир бўлган туркистонлик шоир Эргаш Неъматуллаевга асар бошланмасидаги: “Киприги кўксига соя солган қиз”, деган сатр эриш туюлди, шекилли: – Усмон, шу сатрдаги “кўксига” сўзини “юзига” билан алмаштириш керак. Киприк ҳам қизнинг кўксига соя соладими? – деди.

Усмон Носир: – “Сен нима дейсан?” дегандек менга қаради. Мен: – “Киприги юзига соя солган қиз” ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин. Аммо буни шеърят деб бўлмайди. Усмон топган ифода муболағадан холи эмас, лекин худди шу муболаға туфайли бу сатрларда образ яратилаяпти. Шеърят эса юксак образлиқдир, – дедим. Бу фикр Усмонга маъқул бўлди”. Келтирганимиз бу парчада тақризга хос бир хусусият – асарнинг камчилиги ва унга муносабат кўринади. Бу ҳам оғзаки тақризнинг белгисидир.

Демак, асарнинг бадиий жиҳатдан юксаклиги учун курашиш ва унга баҳо бериш тақризнинг юқоридаги кўринишлари учун муштарак хусусиятдир. Янги асарга ёзилган тақризлар ихчамлиги, қисқа ҳажми ва ҳозиржавоблиги; монографик тақризлар асарни чуқур ва атрофлича ўрганиб, баҳо бериши, ҳажмининг йириклиги; шарҳ-тақризда асарнинг мазмунини шарҳлаб бериш хусусиятининг юқори бўлиши; хабар-тақризда хабар бериш ва ташвиқот руҳининг етакчилиги; мактуб-тақризда ҳам мактубга, ҳам тақризга хос хусусиятларнинг жамланиши; оғзаки тақриз баҳо ва баённинг оғзаки тарзда ифодаланиши туфайли бир-биридан ажралиб туради. Тақризчиликнинг бундай ички шаклларида қай даражада ва қандай фойдаланиш танқидчининг маҳоратига боғлиқ. Абдулла Улуғов ўзбек тақризчилигида эстетик дид ва адабий маҳоратнинг этишмаслиги баҳоларнинг объективлиги ва ишончлилигига путур етказиши; ижодкорнинг дунёқарашига вульгарча установадан туриб қараш; асарни англамаслик ёки баъзан асар моҳиятини тушунишни истамаслик кабилар кенг ёйилган камчиликлар эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, саксонинчи йилларда қайд этилган бу камчиликлар ҳозиргача тақризнависликда учрайди, тақризлардаги юзакичилик асардан-асарга ўтиб келаётганлиги жанр тараққиётига халал бермоқда.

Тақриз ҳажми катта-кичиклигидан қатъи назар, янги асар ҳақида ўқувчида маълум таассурот уйғотсин, рост сўзласин. Баъзан шундай бўладик, тақризчининг ваъдалари, мақтовларига ишониб, қўлингизга олган китоб сизни ўзига тортмайди, ёлғон алдовларга учиб қолмаслиги учун китобхонга рост гапириши керак адабиёт ҳам, адабиётшунос ҳам. Зеро, ҳадисда ҳам айтилган: “Энг яхши гап, рост гапдир”.

Адабиётшунос Абдуғафур Расулов қайд этганидек: “Тақризда танқидчи характери аниқ, равшан кўринади. Ҳақиқий тақриз-мунаққид қалбида тобланган фикрларнинг ифодаланиши, туйғуларнинг юзага чиқиш шаклидир. Тақризчи ўзига хос шоир. Шоир бўлганида ҳам унча-бунча эмас, улкан шоирдир”. Демак, тақризчи ўзига хос ижодкорлигини, масъулиятини чуқур ҳис этиб туриши лозим. Ёш ижодкорларнинг асарларига тақриз ёзиш, айниқса, масъулиятлидир. Улар ижодига ғамхўрлик қилиш ва истиқболни кўра билиш адабий танқид, шу билан бирга тақризнинг энг муҳим бурчи ҳисобланади. Бироқ, бу ёшлар ижодига ортиқча баҳо бериш ва уларнинг шаънига мақтов айтишдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бундай тақризлар ёшларни руҳлантира билиши лозим.

Юқоридаги мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, адабий танқиднинг энг кичик ва лўнда, мазмун ва шаклнинг диалектик уйғунлиги таъминланган, адабиёт учун ҳаммиша зарур жанрларидан бири – тақриз ўз аҳамиятини йўқотмай, мустақиллик даври ўзбек адабиётини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиб келаяпти.

*Одил ЯҚУБОВ,
аспирант*

ОЙБЕК ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ “СИР”ЛАРИ



Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Ойбекнинг ижодий мероси ва ибратли фаолиятини кузатар эканмиз, кўз ўнгимизда у нафақат ёзувчи, публицист, истеъдодли таржимон, забардаст шоир, балки том маънодаги улкан адабиётшунос эканлиги ҳам намоён бўлади. Илло, Ойбек 1943 йилдан эътиборан академик, узоқ йиллар академиянинг президиум аъзоси, ижтимоий фанлар бўлимининг раҳбари сифатида қизғин фаолият олиб борган эди. Ойбек бадиий зехни илмий салоҳиятидан озикланганидек, илмий истеъдоди санъаткорлик талантидан баҳра олган. Шу маънода, бемалол айтиш мумкинки, адабий ва илмий фаолият Ойбек ижодининг қўш қанотларидир.

Зотан, у 1928-1968 йилларда ўзбек классик ва замонавий адабиёти муаммолари билан фаол шуғулланди. Маданий меросни ўрганиш ҳақидаги изланиш ва тадқиқотлари унинг илмий йўналиши минг йиллик адабиётимиз тарихини қамраб олганлигини кўрсатади. Ойбек ўз тадқиқотларида халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан тортиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғўзий, Хоразмий, Дурбек, Атойи, Саккокий, Лутфий, Бобур, Турди (Фароғий), Машраб, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Гулханий, Махмур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида фикр юритади, улар ижодига баҳо беради.

Илмий-танқидий асарлари учун олиб борилган тайёргарлик ишларини ўзида гавдалантирувчи турли тарихий ва адабий манбалардан йиққан конспектлар ва айрим эскизлардан иборат материалларни кузатиш шуни кўрсатадики, Ойбек узоқ йиллар мобайнида, ўз асарларида фойдаланиш ниятида: халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, лапар ва қўшиқлари, киши номлари ва лақабларини йиғиб борган. Уларда халқ қўшиқларининг: лапар, ашула, ёр-ёр; мумтоз адабиётнинг: маснавий, қасида, рубоий, ғазал, қитъа, мустаҳзод, мусаммад, таркиббанд, таржиббанд каби жанрлари табиати хусусида назарий маълумотлар келтирилади.

Марказий Осиё тарихининг арабларгача бўлган даври, исломдаги турли оқимлар, хусусан, мутазила ва тасаввуф таълимотлари, тасаввуфнинг яссавия ва нақшбандия сулуклари, “Юсуф ва Зулайҳо” афсонасининг “Таврот” ва “Қуръони карим”, форс-тожик ва турк шоирларига таъсири, шунингдек, араб ва форс шеърятининг ўзига хос жиҳатлари муайян даражада ёритилади. Тарихий-адабий ҳаёт ва адабиётнинг Сулаймон Боқирғоний, Қутб Хоразмий, Камол Хўжандий, Саид Шариф Журжоний, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Улуғбек, Хўжа Убайдулла Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Саид Аҳмад, Шайбонийхон, Биноий, Убайдуллахон (Убайдий), Хожа, Рашид Ҳамадоний, Убайдулло Балхий, Восифий, Маҳмуд Кўхистоний, Мажлисий, Сафойий, Ҳилолий, Мирзоҳинду, Пошшоҳўжа (Хожа), Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Амирий, Мирза Олим Мушайиф, Ҳожи Собир, Жунайдулло Ҳозик, Хиромий, Мужрий, Абулғозий, Вафойий, Сайид Муҳаммад Охун, Мавлоно Яҳё, Андалиб, Равнақ, Киромий, Феруз каби бир неча ўнлаб вакиллари ҳаёти, ижоди, адабий мавқеи, таъсирланган манбалари, санъаткорлик маҳорати каби масалаларга эътибор қаратилади. Шубҳасиз, бундай маълумотлар бизнинг Ойбек фикрий ҳофизаси

камрови, ижодий режалари кўлами ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Унинг илмий ва бадиий оламини кенгроқ ҳамда теранроқ ҳис этиш, ижодий лабораторияси “сир”ларидан огоҳ бўлиш имконини беради.

Зотан, бу конспект, тезис, лавҳа ва эскизлар Ойбек яшаган давр методологияси билан изоҳланувчи айрим чекланганликлардан холи бўлмаса-да, юзлаб илмий манбалардан йиғилган қуруқ қайдлар бўлмай, ижодий қайта ишланган материаллардир. Масалан, “Ўзбек адабиёти тарихи ҳақида”ги конспектларда Сўфи Оллоёрни: “*Халқ тилини жуда яхши билади. Ифодаси раван. Назми силлиқ*”, деб баҳоласа, Машраб меросида Жалолиддин Румий ва Бедил таъсирини, Ҳувайдо ижодида Сўфи Оллоёр ва Машраб руҳини, Умархон даври адабиётида эса Фузулий таъсирини кузатади. Умархонни: “*Ҳазалда кучли. Ўз теварагидаги шоирларга ва кейинги замон шоирларига таъсир кўрсатган*”лиги жиҳатидан қадрлайди. Мирза Олим Мушайиф шеърларини: “*Содда, қайғули*”, Муқимийни: “*Шеърлари лирик. Тили гўзал*”, Фуркатни: “*Ўз ғазалларида тўла, ёрқин картиналар яратиши*”, “Баёз шоирлари” орасида “*энг кучли*” эканлиги жиҳатидан эътироф этади.

Англашиладики, улар Ойбекнинг адабий таъсир, анъана ва новаторлик, лирик асарларда туйғулар руҳан кечинилган бўлиши лозимлиги, тасвир тўлақончилиги, картиналар ёрқинлиги, жонли халқ тилига яқинлик, соддалик, тил нафислиги, ифода раванлиги ҳақидаги концепцияларини акс эттиради. Ойбек фикр-қарашлари ўзининг тиниқлиги, теранлиги, бадиий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради. Чунки, улар нафақат юксак илмий-эстетик масъулият, балки бадиий илҳом ва нозик поэтик дид билан ҳам битилган. Кўринадики, Ойбек тафаккури ва учқур хаёллари илмий-бадиий ниятларини амалга ошириш мақсадида, мозий сўқмоқларида саросар кезган. Тарихий ҳақиқатларни зарралаб йиққан, саралаган, илмий ва бадиий жилолантирган.

Ойбекнинг нафақат етук олим, балки нодир шахс ва ҳассос шоир сифатидаги қиёфасини яхлит тасаввур этиш учун, унинг Навоий даҳосидан қирқ йил давомида олган маънавий-руҳий қуввати, қалбида туйган инсоний меҳри масаласига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Чунки, унинг шеър ва дostonларидаги фалсафий-фикр-мулоҳаза, лаҳзалик кечинма ва ҳолатлар теран илмий мушоҳадалар замирида пишиб этилган ҳамда нозик бадиий ифодаларга ўсиб чиққан.

Навоий туғма истеъдод соҳиби эди. Унинг таланти ҳаёт машаққатларини руҳан кечиниш, оилавий муҳитдаги ахлоқий қадриятлар, шахсиятига хос нозиктаъблик, камтаринлик ва ғоятда хокисорлик шунингдек, Низомий, Жомий, Аттот сингари кўплаб устозлар таъсирида камол топди. Шоирнинг “Ҳилолия” ва бошқа қасидалари ўзига хос “насихатнома” мақомини касб этиб, қонун ва адолатни шиор этган донишманд шахс халқпарварлик ва гуманистик идеалларини мужассамлаштирди. Демак, Ойбек тушунтиришича, чинакам истеъдод ўз табиатига кўра туғма, яъни, ато этилган қобилиятдир. Шундай бўлишига қарамасдан, у шахс интеллектининг хос хусусиятлари, реал ҳаёт ва муҳит таъсирида камол топади деб билади.

Ойбек Навоий поэзиясини: “*шоир ҳаётининг асл мазмуни, фаолиятининг порлоқ жиҳатини ташкил этувчи хазина*”, деб билади. Адабиётшунослик олдига “Чор девон”нинг тарихий аҳамияти, муаллиф поэтик маҳорати, асар ғояси, бадиий шакли, тили сингари муаммоларни ўрганишдек бир неча йилларга мўлжалланган вазифалар қўйгач, ўз эътиборини Навоий поэзиясининг фикри ва бадиий моҳияти масаласига қаратади. Навоийнинг “Чор девон”ни синчиклаб кўздан кечирар экан, уларда ишқ мотиви устувордир, деган хулосага келади: “*Навоийнинг минглаб ғазалларини кўздан кечиргандан сўнг, улар учун энг характерли кайфият ишқий ҳиссиётлар экани англашилади. Ҳамма шеърларида деярли ишқий бир узилиш, интизорлик туйғулари тараннум этилади. Шоирнинг асосий илҳом манбаи “ишқ”дир.*” Ойбек Навоий ғазалларида мурожаат қилинувчи объект – идеал гўзаллик соҳиби “ёр”, лейтмотив эса – “*абадий айрилиқ*” изтиробларидан қутулиб, “*қовушмоқ орзуси*” эканлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, лирик қаҳрамоннинг ёрдан марҳамат ва шафқат тилаб қилган илтижолари, унинг вафосизлигидан шикояти ва тўкилган кўз ёшлари, изтиробу аламлари сўнгида етгуччи висол онлари фароғати каби турфа туйғуларни ана шу меҳвардан ташқарида тушунтириб бўлмайди.

Ойбек Навоий яшаган давр поэзияси услуби ички мантигини яхши англаб етади. Шоир лирикасидаги “ишқ” ва “май” образларига хос гиперболизм – кўтаринки мубалағадорлик, рамзий-мажозийлик, реал ҳаётӣй конкретликка эмас, балки эстетик идеалга таяниш каби характерли аломатларни тўғри белгилайди. Навоийнинг халқ шеърларига ўхшатма тарзида содда ва самимий услубда битган асарларида ер фарзанди бўлган ёр гўзаллиги тажассум топади, деган хулосага келади. Кўринадики, олим ишқни мажозий ва ҳақиқий даражаларга ажратади ва ўз даврининг фарзанди сифатида реал ҳаётӣй ишқни ёқлашга, Навоий ишқӣй лирикасига хос мистик-илоҳӣйлик талаби билан юзага келувчи абстрактликни эса инкор этишга мажбур бўлади. Чунки синфийлик тамойили “халқ ижоди” лирик қаҳрамони туйғуларининг ҳаётӣй илдизлари теран акс этгани, юқори табақа завқига мос – “хос адабиёт”да эса, халқдан ажралиш мавжудлигини тасдиқларди.

Ойбек ўз лирикасида мумтоз адабиёт анъаналарини самимият билан давом қилдиргани ҳолда, адабий-танқидий мақолаларида Навоий даври услубини қисман инкор этади. Бундай зиддиятли ҳолат бизга олим ва шоир Ойбек имкониятлари бир хил бўлмаганлигини кўрсатади. У шоир сифатида тахайюл қудрати ва ижодий илҳом оғушида ўзини анча эркин сезгани ҳолда, назарий-эстетик қарашлари ифодасида фикрларини ўз даври методологик канонларига мослаштиришга, мафкура исканжасида қалам суришга мажбур бўлади. Бинобарин, Ойбек “инкор”лари зоҳирӣй характерга эга. Зотан, улар давр тамойиллари билан ҳисоблашиш зарурати туфайли юзага келган. Шоир қалбининг туб-тубида эса, ўтмиш ва замонавий адабиёт яхлит ва узлуксиз жараён сифатида англаган.

Ойбек Навоий лирикасининг шаклий хусусиятлари ва ифода воситаларини асосий мотив билан мантиқӣй алоқадорликда кузатиб, “Навоий поэзияси метафорикдир. Аксар ғазаллари бошдан охиригача мажозий равишда тузилади. Уларда ишоралар, рамзлар, киноялар катта роль ўйнайди”, деган хулосага келади. Олим ўз фикрларини шоир поэзиясида фаол қўлланувчи ўхшатиш, сифатлаш ва қиёслардан келтирилган аниқ мисоллар асосида далиллайди. Масалан, ёрнинг юзи – “қуёш” (“офтоб”), “ой” (“моҳ”), “гул”, “ғунча”; қоши – “ҳилол”, “қилич”; киприги – “ўқ” (“тир”), “ханжар”, “ништар”, “қўнғилни захмловчи”, “заҳар олул”, лаблари – “ғунча”, “май”, “лаъл”, “ёқут”; қомати – “сарв”; кўзлари – “нарғис”, “оҳу кўзи”; оғзи – “ғунча”; тиши – “дур”, “марварид”; юзидаги холи – “қудрат қаламидан тушган нуқта”, “ҳинду”; лирик қаҳрамон қадди – “ғам юкидан ҳам”; кўз ёшлари – “тўфон”, “қонли дарё”, “ёмғир” ва ҳоказо.

Дарҳақиқат, умуман, мумтоз поэзия, хусусан, Навоий лирикасида сўз реал маъно ҳадларидан чиқиб, янги мазмунга кўчирилади, ишоравий моҳият кучайтирилади. Бошқачароқ айтганда, нарса-ҳодиса ва манзаралар орасидаги ботиний муносабат (боғланиш)ларга аҳамият қаратиш орқали поэтик мажозларни янгилаш, образликни куюқлаштиришга эътибор кучаяди. Образларнинг ўзаро пайвасталиги, маъно серқатламлиги, ўз навбатида, поэтик бирикмаларга хос мураккабликни ҳам юзага чиқаради. Тазодлар эса фикр қабариклигини таъминлайди. Демак, Ойбек мумтоз поэтика сўз санъаткоридан фикр ифодаси йўлида бадиий маҳорат чархланишини талаб қилишини яхши англайди. Навоий поэтик меросини тарихий жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш, анъанага муносабати ва оригиналликни тайин этишга интилади. Шоир тарбия топган муҳит, ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, олмос истеъдоди, юксак онги, инсонпарварлик ғояларидан унинг шеър ва нафис адабиёт ҳақидаги концепциясини келтириб чиқарар экан, Навоий лирик меросини гуманистик адабиётнинг энг порлоқ намуналари ҳисоблайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан аён бўляптики, Ойбекнинг нафақат бадиий сўзи, балки ижодий лабораторияси “сир”лари ҳам ўзига хос мактабдир.



*Шаҳноза АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси*

ЭРКИН ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИДА ВАТАНПАРВАР ЗАМОНДОШИМИЗ ОБРАЗИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов шеърятининг лирик қаҳрамони табиатида эрк, истиқлол, ўзликни англаш ҳислари “қизил империя”нинг та-наззули ва янгича дунёқараш шаклланиши вақтида, ҳали мустақилликка эришмаси-миздан аввалроқ намоён бўлгани аҳамиятлидир.

Шоирнинг “Халқ депутатларига”, “Кўрсаткич бармоқ”, “Ильза хоним”, “Шеърят”, “Юрагингда макон тутган қул”, “Шум бола”, “Бизлар арра тортмоқдамыз”, “Дўстга биз соғар узатдик”, “Бу замон ғазали”, “Туш”, “Оғриқли саволлар”, “Ватан истаги” шеърлари, ҳамда “Ўзбегим” қасидаси мана шундай руҳдаги шеърлар сирасига киради.

Бу шеърларда шоир лирик қаҳрамони ўзликни англашга интилаётган, миллати билан фахрланадиган, ўтмишини яхши билган, авлодлари эришган ютуқлардан фахрланган, тарихидаги қора кунлардан қалби изтиробга тушган юрт ўғлони сифатида на-моён бўлади, ватанпарвар замондошимиз образи сифатида тараннум этилади.

Навийшунос олим Ботирхон Акрамов лирикада образ муаммоси ҳақида шундай ёзади: “Лирик шеърятда поэтик образнинг махсус (ҳали кенг илмий-танқидий муома-лага кирмаган) типи мавжуд бўлиб, уни бизнингча лирик портрет ёки образ-портрет деб аташга етарли асос бор. Шубҳасиз, бундай истилоҳ мазкур типга мансуб индивидуал образни унинг бошқа жинсларидан фарқлаш ва мустақил тадқиқ қилиш имконини бера-ди. Образ-портрет ёки лирик портрет кўпинча тарихий шахсларга бағишланган шеър-ларда, автобиографик характердаги миниатюра ва балладаларда, шунингдек, замон-дошимиз олами – суврати ва сийрати инъикос этган лирик-публицистик ва воқеабанд манзумаларда ўзига хос қирралари билан ажралиб турувчи поэтик фигурадир”.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси ва қозоқ шоири Жумақент Нажмиддинов ғазалига боғланган “Ватандин яхши ёр бўлмас” мухам-масида ватанпарвар инсоннинг – шоир лирик қаҳрамонининг лирик портрети ёки об-раз – портрети “ўзига хос қирралари билан ажралиб турувчи поэтик фигура” мақомига кўтарилган.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисраларни келтирамыз:

*Ватан ишқида ёнган қалб,
Билингни, асти хор бўлмас,
Ватан севган муродига
Штур, ҳеч дилда зор бўлмас.*

Ёки:

*Чин одамсан, чин ўғлонсан,
Юракдан элни чин суйсане,
Ватан севмоқ саодатдир,
Агар наслинга сен куйсане,
Ватанни севмаган инсон*

*Жаҳонда бахтиёр бўлмас.
Ватан ҳар зарра тупроғин
Кўзингга сен қароғ этгин.
Боболар маскан этган
Бу азиз тупроғни боғ этгин,
Ярашгай ифтихор этсангки,
Ортиқ ифтихор бўлмас.*

Қайд этилган мазкур икки шеърда ватанпарвар замондошимизнинг образ-портрети рангин бўёқларда берилган десак муболаға бўлмайди.

Яна бир жиҳат. Эркин Воҳидов кўп асрлик маънавият булоғидан баҳра олиб, ўрганиб, тинмай изланиб, мукамал ғазал намуналарини яратмоқда. Бугунги ахборот асрида нафосатга ташна қалбларга эзгулик улашмоқда. Шоир тили билан айтганда :

*Тошга ҳам ширин ғазал
Бахи айлагай оташ ва жон,
Шавқ ўти ёнса агар
Шоир, ғазалхон қонида.*

Ёки шоирлик масъулияти ҳақида айтилган, мумтоз адабиётимизда Навоий ва Увайсий аънаналарини давом эттириб, анор образига янгича ёндашилган куйидаги мисраларга қулоқ тутинг:

*Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
Шеър аҳлининг йўқдир зинҳор
Ўз қалбига шафқати.
Тинмай эзар, эзар уни
Аммо шоир билади:
Пиёласи тўлган қуни
Паймонаси тўлади.*

Навоийнинг “Қаро кўзум”, “Кўйида йиғлар эдим...”, Бобурнинг “Хазон япроғи...” ғазаллари миллий адабиётимизнинг маънавий бойлиги сифатида асрлар синовидан ўтиб, шеърият ихлосмандларини неча юз йиллардан бери баҳраманд этиб келаётгани сир эмас. Эркин Воҳидовнинг ушбу ғазаллар таҳлилига бағишланган фикрлари, Озарбайжон халқининг оташнафас фарзанди, шоир таъбири билан айтганда: “туркий ғазал услубини камолот чўққисига кўтарган буюк сиймолардан бири Фузулий” ҳақидаги “Ҳамдардликни куйлаган ғазал” талқинига бағишланган фикрлари 1992 йили “Ўзбекистон” нашриёти томонидан чоп этилган шоирнинг “Изтироб” рисоласидан жой олган. Унга шоирнинг куйидаги сатрлари пеш сўз сифатида берилган эди:

*Эл – устозим, мен эсам – толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.*

Китобни мутолаа қилган китобхон бир нарсага амин бўлади. Ҳақиқатдан, Эркин Воҳидов халқимизнинг бой маданий-маънавий меросидан баҳраманд бўлиб, ўзи ҳам шеър аҳлини гўзал шеърлари ва шеър таҳлиллари билан хушнуд этмоқда.

“Оламда муҳаббатдек буюк ва тенгсиз қудрат бор. У ҳам азоб, ҳам лаззат, ҳам қийноқ, ҳам ҳузур. Дунёга келиб тириклик саодатига мушарраф бўлган жон агар у муҳаббат оташида ёнмаса, муҳаббат лаззатини билмаса, у оламга келмади ҳисоб, тириклик бахтидан бенасиб. Дунёда яшаб туриб тарки дунё қилган зоҳид муҳаббат лаззатини қаёқдан билсин?

*Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди гофил,
Фузулий, ишқ завқин ишқи вор ўландан сўр”.*

Шоирнинг бундай талқини, Фузулий шеърятининг юксак чўққиси – ушбу ғазал ҳақидаги Эркин Воҳидовнинг ўзига хос таҳлили ҳали кўп йиллар шеър ихлосмандларини муҳаббат лаззатидан баҳраманд қилишига, кўнгилларга хузур, дилларга сурур бахш этишига ишонамиз.

Ушбу ишончни билдирдимиз ўйга толдим, китобдан узоқлашган айрим ёшларимиз, кунларини телевизор ва компьютер олдида ўтказаётган, ўн саккиз-йигирма ёшга кириб, айна муҳаббат ёшида китоб ва шеър муҳаббатидан, маданий меросимиздан бенасиб қолаётган замондошларимизга айтилган “Оғриқли саволлар”га кўзим тушди:

*Чойхонада ошхўрликни бахт деб билган оғайни,
Шу бир кунлик ҳаловатни нақд деб билган оғайни,
Қумурсқадек тирикликдан ўзга ғами бўлмаган,
Дил олами, ишқ олами, руҳ олами бўлмаган,
Имонни ҳам, виждонни ҳам қурбон қилган ҳалқум деб,
Сени хаёл қилдимми мен куйганимда ҳалқум деб?*

Мисраларни ўқиб, ҳаяжонланасиз, лирик қаҳрамоннинг маънавий олами сизни ўз оламига етаклагандай бўлади, қалбингизда ҳаётга, атроф-оламга, инсонга нисбатан қандайдир илиқ бир самимий туйғу жунбишга келгандай бўлади. Ҳақиқий шеърнинг сеҳри шу бўлса керак, деган хаёлга борасиз.


Мисралар сўнгида шеърнинг авж пардаси сизни жиддий бўлишга, огоҳ бўлишга ундайди:

*Мудом кураш азобини фидойилар кўрганлар,
Инқилоблар ҳосилини муттаҳамлар ўрганлар.
Сиз ҳам бугун панадасиз, жанга бизни қайрайсиз,
Биз бу жангда шахид бўлсак, аввало, сиз яйрайсиз.
Гофил ҳалқим! Тингларманми сенинг наъра унинени,
Кўрарманми зулуклардан озод бўлган кунинени?*

Бу саволарни ўқийсизу яратганга шукрона келтирасиз. “Зулуклардан озод бўлган кун” келганига, озод ва обод юртда яшаётганингиздан, сиз ҳақингизда қайғурувчи, сизнинг эртанги истиқболингиз ҳақида бош қотирувчи фидойи ватандошларингиз боридан фахрланасиз. Осмонингиз тинч-мусаффо эканлигига, Ватанингиз кундан-кунга чирой очиб бораётганига, энг асосийси, кимнинг фарзанди эканлигингиз, маънавий қадриятингизни таниш бахтига, томирингизда оқаётган қон – буюклар қони эканлигини билиш бахтига муяссар бўлганингиздан бошингиз осмонга етади. Дарҳақиқат, Эркин Воҳидов шеърятини билан яқиндан танишиб, шоир лирик қаҳрамони, ватанпарвар юрт ўғлони эканига ишонасиз, мумтоз адабиётимизнинг кўп йиллик анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттириб, унга бугунги кун руҳини сингдира олаётган шоиримизнинг маҳоратидан баҳраманд бўласиз:

*Қуллуқ қил демасман,
Юрт тупроғин ўп,
Унга қуллар эмас, фидолар керак.
Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.*

Зокир ПАРДАЕВ,
ЎзМу тадқиқотчиси



ЭНГ УЗОҚ САФАРДИР КЎНГИЛ САФАРИ

Инсон ҳаёти тугамас сиру синоатларга бой. Ҳар бир инсон ўз ҳолида яхлит бир китобдир. Инсоннинг қалби эса мана шу саҳифаларни ёғдулантириб, нурлантириб турувчи мўъжизакор хилқатдир. Инсон ҳаётини ҳамиша турфа тақдирларга дучор қилувчи қалбнинг моҳияти жуда мураккаб, дунёда эзгулик ва ёвузлик, садоқат ва хиёнат, меҳр ва зулм каби тушунчалар бир-бири билан ёнма-ён яшар экан, инсон қалби ҳаётнинг мана шу соҳиллари аро ўзини ўзи яратиб, ишғол қилиб, кашф этиб боради. Қалбнинг бу кураш йўлидаги юпанчи, ҳамроҳи эса ёлғизгина шеърятдир. Шеър ва қалб бир-бирига эгизак тушунчалардир. Шоир дунёни англаш учун ўзи билан шеър тилида сўзлашади ва шу туфайлининг воситасида борлигини, ижодий “мен”ини намоян қилади. Дунёда кўнгил билан тиллашиш саодатига эришиб, бу неъматни моддийлаштира олиш салоҳияти фақатгина шоирларга берилган.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодига ҳам қалб мавзуси, инсон қалби манзаралари гўзал ташбеҳлар воситасида бадиий акс эттирилган лавҳалар талайгина. Шоир шеърларида кўпроқ “кўнгил” ва “дил” сўзларини қўллайди. Шоирнинг эътирофича, кўнгил ҳудудсиз макон, чек-чегараси йўқ уммондир. Аммо у ҳажман жуда митти. Ҳатто у кўзга кўринмайди. Кичикка ўхшаб кўрингани билан кенг жаҳонга сиғмайдиган даражада улкан... Мана шу улкан борлиқда эса ишқ боғи мужассам топган. Бу боғнинг ҳосили қувонч, шодликдан иборат эмас, асло. У кечалари жисмингни ҳижрону фиروق азоблари, хавотиру рашк олови билан зирқиратиб турадиган дардлар ўчоғидир. Бу ҳосилни эса фақат ва фақат ўзинг йиғиб оласан:

*Кичик қалбим кенг жаҳонга сиғмайди,
Кечалари зирқирайди, сиқтайди,
Ҳеч ким дардим ҳосилини йиғмайди,
Ишқим боғи хомуш-хомуш йиғлайди.*

Анъанавий поэтик тимсоллар воситасида тасвирланган кўнгил кечинмалари Сирожиддин Саййид талқинида ўзгача жаранглайди. Тазод, муболаға ва ташбеҳларга бой бу сатрларда инсон кўнгли сиру синоатларини кашф этишга ҳаракат қилинади. Атоқли шоир Ойбек: “**курашади икки тўлқин, қараб турайми**”, дейди бир шеърда. Сирожиддин Саййид эса кўнглидаги қарама-қарши ҳислар курашини тасвирлашда Ойбек домла изидан боради:

*Бу кеча кўнглим билан кўнглим гаплашди,
Мисоли тушим билан ўнглим гаплашди.*

мисраларида. Ёки:

*Айтманғиз, биз узоқ манзилга кетдик,
На дарё ва на ё соҳилга кетдик.*

*Ўзга манзиллардан изламанг бизни,
Ёронлар, биз дилга, биз дилга кетдик, –*

каби тўртлигида ҳам инсон хоҳиш-иродасининг ана шундай қирралари акс эттирилган.

Шоир лирикасида дил образи турли шаклларда келиб, инсон дилнинг умумлашма ҳодисаси сифатида тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, инсон ва дил – параллел ҳодиса. Унинг умр йўлидаги ягона йўл ҳам, бисоти ҳам, манзилию йўқотмиши ҳам мана шу дилдир:

*Қанча молу давлат тупроқдир, гилдир,
Нечук маъводир бу, нечук манзилдир?
Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,
Менинг излаганим балки бир дилдир?*

Шоирнинг шеърларида лирик қаҳрамон фоний дунё йўлларида ҳеч қандай моддий йўқотишлардан ўқсимади. Аммо кўнгилинг покиза чашмалари лойқаланишидан, унинг ўткинчи ҳисларнинг домига тушиб, камбағаллашиб боришидан тангрининг илоҳий нурларига ошуфта дилнинг бу туйғулардан айро қолишидан чўчийди. Аммо, уни сақлаб қолиш ҳам муаммо. Чунки, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар, турфа курашлару нафс талвасалари тинимсиз лирик қаҳрамон қалбини оғулантириб туради. Кўнгил кўзини мусаффо асраб қолишинг ўзи ҳам узоқ ва машаққатли бир юмушдир:

*Уйқашдир бу йўлнинг шому саҳари,
Хабарлари бисёр, кўпдир хатары,
Эй дўст, Фаридиддин Аттордан ўрган,
Энг узоқ сафардир кўнгили сафари.*

Буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур: “**Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим**”, дейди машҳур ғазалларидан бирида. Ҳазрати Навоий эса: “**Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил**”, каби нодир мисраларида инсон ва унинг ҳамрози ва шу билан бирга улкан ғаними бўлган кўнгил ва унинг ажиб товланишларини бор мураккабликлари ва инжаликлари билан қаламга олганлар. Шоир Сирожиддин Саййид эса буюк устозларга эргашиб, дил таърифидаги тасвир аънаналарини ўзига хос услуб ва оҳангда давом эттиради:

*Менинг зоҳирим ҳам дохилим, эй дил,
Келиб тўхтаганим – соҳилим, эй дил,
Бу тўкин, серҳосил даҳр боғида,
Менинг арзимаган ҳосилим, эй дил.*

Шоир шеъриятини мутолаа қилар эканмиз, унда киши туйғулари, кечинмалари чуқур ифода этилгани боисидан айрим шеър мисралари ёхуд биргина тўртликнинг ўзиёқ, китобхон олдида маълум кайфият ярата олишига гувоҳ бўламиз. Масалан, инсон руҳи ва кўнглининг адабиёт, хусусан, шеъриятчалик поклайдиган, тоза туйғулар билан суғорадиган бошқа бир ҳодисанинг мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳақиқатни: “**Шеърият гул эмас, чечакмас, асли, Руҳ ва кўнгиллarning кир совунидир**”, тарзида ифода этади.

Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож хилқатдир. Эҳтимол, шу боисдан шеърият мана шу меҳрсизликдан туғилган кўнгил исёни, ғалаёнидур балки. Зеро, шоир эътирофича: “**Шеър гарчи шоирнинг кўксига ёнган, бўғзини куйдирган олов унидир**” ёки “**Кимгадир қисмату ёзиқ шеърият, Ким учун болға ё қозиқ шеърият**”, дейди шоир туйғуларини қоғозга туширар экан.

Аниқки, шоирни тўлқинлантирадиган, уни илҳомга ундайдиган, оташ каби лов-лов ёндирадиган кўнгил изтиробы, илоҳий-руҳий кечинмалардир. Атоқли шоиримиз Абдул-

ла Орипов муҳаббатни назарда тутиб, инсон “**бир ҳисга асир экан**”, деб бу ошиқнинг ишқ олдидаги асирлигини эътироф этади.

Аслида, азалнинг аввали ҳам, охири ҳам муҳаббатдир. Сирожиддин Саййид шеъриятида кўнгилнинг худди мана шу ҳисга нафақат асир тушиши, балки кўйида куйганлиги ҳолатини кўйидаги тароватли мисраларда ифода этади:

*Мен ишқ элининг нола-ю афғонида кўйдим,
Кўнгил уйининг оташу армонида кўйдим.*

Шоир шу даражада ишққа мубтало бўлдики, бу йўлда ўзини бошқа ошиқлар қаторидан ажратиб туради. Ишқ аҳли маъшуқанинг айрилиғидан, ҳижронидан азоб тортса, ишқ тафтида эриб, маъшуқанинг олдида турса ҳам муҳаббат фиғонида куюди:

*Ишқ аҳли фиғонда фиғон этса агар, мен,
Ёнида юриб, ёнида ҳижронида кўйдим.*

Сирожиддин Саййид ишқ ва ошиқлик туйғуларини тасвирлашда мумтоз шоирларимиз ва анъанавий шеъриятимиздаги тасвир кўламини синтезлашга уринади. У муҳаббатни, унинг дарду ҳасратларини шунчаки куйламайди. Ошиқ изтиробларини ҳам қуруқ оху нола билан тасвирламайди. Ошиқ ишқ учун туғилган, шу боис, у муҳаббатнинг висоли-ю ҳижронларини ҳам севиши, унинг ҳар иккисини-да бирдай қадрламоғи керак. Шоир яна хаёлда ўзига ишқнинг дарду балоси, азобу уқубатларининг берилишини ҳеч иккиланмай, нола чекмай сўраб олади:

*Менга Фарҳод бирла Мажнун изтиробидан куйинг,
Лайли-ю Ширин узар гулнинг гулобидан куйинг.
Сўйласангиз сўйлангиз ҳоли харобидин менга,
Барча ошиқ аҳлининг тортган азобидан куйинг.*

Қизиқ, инсонни шундай руҳиятга фарқ этган севги, муҳаббат қандай туйғу ўзи?! Кўнгил тубида ётган покиза ҳислар тажассумими ёхуд инсонни яшамоқликка ундайдиган сеҳрли синоатми ё?! “**Севги менинг кечмишимдир, бугунимдир, Оловимдир, кулимдир ҳам кукунимдир. Бу йўлларда охир бир кун тўкилгумдир, Севги менинг кўнглимдаги тугунимдир**”, дейди Сирожиддин Саййид бу ҳақда.

Атоқли татар шоири Ҳоди Тоқтош “Муҳаббат ул эски нарса, ҳар бир юрак уни ёнгарта”, деган эди. Сирожиддин Саййид эса мана шу янгиланган муҳаббатни “ҳеч туганмас азоб”, инсон кўнглидаги “тугун”га менгзайди. Лекин бу “азоб” инсон учун ғоят муқаддас туйғудир. Бу туйғу залвари ва туғени инсон қалбини доимо поклайди. Уни асраш керак, зеро, инсонлар орасида шу пок муҳаббатгина қолади:

*Севги тиниқ кулгунгиздир, сақланг уни,
Сизнинг гўзал мулкингиздир, асранг уни.*

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш жоизки, шоир шеъриятида кўнгил таърифи, инсон қалбининг мураккаб ҳолату манзаралари, шоирнинг шаклланишида кўнгил мусаффолигининг ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратган. У бирор мавзуга шунчаки қўл урмайди. Мумтоз поэтик тимсоллару, эстетик идеалларга мурожаат қилганда ҳам бу анъаналарни ривожлантириб, бойитиб боришга алоҳида аҳамият қаратади. Бу ҳолат эса, айни камолот ёшига етган шоиримизнинг ижодий изланишидан, доимий ҳаракатдалигидан далолат беради.



Ўктам НАЗАРОВ,
Бухоро Давлат университети
тадқиқотчиси

ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ АНЪАНАВИЙ ХРОНОТОП

Бугунги кунда ўзбек романчилигида бадиий анъанавий хронотоп муҳим ўрин эгалламоқда.

Анъанавий хронотопда сюжет ҳудудидаги барча асосий воқеа-ҳодисалар вақтнинг муайян бир бўлагида тасвир этилади. Аниқ изчилликка қатъий риоя қилинади. Бир воқеа ортидан бошқаси содир бўлади. Улар ўзаро йиғилиб маълум бир даврнинг яхлит эпик манзарасини юзага келтиради. Тўғри, бунда ретроспектив усул воситасида мана шу бадиий замон ва макондан “ташқари”га чиқиш ҳам мумкин. Эслаш – хотира орқали ўтмишга қайтиш ҳам мумкин. Аксарият ўзбек романларида ушбу бадиий воситадан чекланган ҳолда фойдаланилган. Бундай усул, масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларида истифода этилган. Биринчи ўзбек романида Отабек ва Кумушнинг илк учрашуви, уста Олимнинг фараҳбахш ва ғуссали севги хикояси фикримизга далил бўла олади.

Ўтган асрнинг йигирманчи-етмишинчи йилларида юзага келган замонавий ва тарихий романлар анъанавий хронотоп шаклида намоён бўлди.

Ёзувчи Омон Мухторнинг дастлабки романлари “Йиллар шамоли”, “Эгилган бош” мавжуд адабий анъаналар таъсирида юзага келганидан, уларда бадиий анъанавий хронотоп устуворлик қилади. “Йиллар шамоли” – истеъдодли адибнинг илк романи. Ундаги асосий воқеалар Бухоро вилоятининг оддий қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади.

Мунаққид Аҳмад Отабой билан суҳбатда Омон Мухтор бу асарини анъанавий йўсинда ёзганлигини ўзи эътироф этган. Анъанавийлик бошқа жиҳатлар сингари бадиий хронотопга ҳам тегишли: бадиий вақт хронологик тарзда тасвир этилган, макон аниқ ва анъанавий роман талабларига кўра тасвир этилган.

Умуман олганда, ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, миллий романи шаклий-мундарижавий жиҳатдан ислоҳ этиш, уни замонавий жаҳон романи структураси даражасига олиб чиқиш бўйича баъзи бир уриниш, ҳаракатлар бўла бошлади. Бундай ҳаракатни Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар”, Омон Мухторнинг “Йиллар шамоли” асарларида кўриш мумкин. Мазкур янгиланишга интилиш, энг аввало, нима-ларда намоён бўлган эди?

Етмишинчи йилларгача юзага келган аксарият миллий романлар “динамик сюжет” асосига қурилган. Воқеаларнинг шиддат билан давом этиши, бош қаҳрамоннинг, асосан, кескин кураш давомида қаҳрамон(лар) онги, дунёқарашининг ўзгариб ёки мукамаллашиб бориши “динамик сюжет”га хос хусусиятлар сирасини ташкил этади.

Примқул Қодировнинг “Олмос камар”, Омон Мухторнинг “Йиллар шамоли” романларида эса, бошқачароқ тасвир усули бор. Улардаги воқеа тизими шиддат – тезлик (динамика) асосида ҳаракат этмайди. Бунда муаллифлар кинематографияга хос “секинлаштирилган тасвир” усулидан фойдаланадилар. Кескин ҳаракатлар, суронли воқеалар ўрнини оддий ҳаёт лавҳалари, кундалик ташвишлар ифодаси эгаллайди. Воқеалар сокин, баъзан жуда секин давом этади. Қаҳрамон(лар)нинг ўй-фикрлари, иш, оила, ҳаёт ҳақидаги мулоқотлари асосий ўрин эгаллайди. Фавқулодда, китобхон

қалбини ларзага соладиган қаҳрамонона ҳодиса деярли рӯй бермайди, бўлганда ҳам оддий бир йўсинда, бепарвоз, эҳтирослардан холироқ тарзда баён этилади. Шунга қарамай, бундай асарларни синчиклаб ўқиш мобайнида, кундалик ташвишу ҳаракатлар гирдобиди туриб, ўз бурчини адо этаётган инсоннинг буюк қалбини аста-секин ўрганиб, кашф этиб бориш мумкин. Улуғ рус адиби Чехов ўзининг аскар ҳикоя, қисса, драмаларини ана шундай тарзда ёзган, оддий одамлардаги қаҳрамонона характерни реалистик зайилда, юксак бадиий маҳорат билан кўрсата олган.

Омон Мухторнинг “Эгилган бош” деб номланган иккинчи романида ҳам сюжет аънавий хронотоп асосида қурилган. Асарда шўро тузумининг турғунлик даврига хос эпик мазаралари ўз аксини топган. Гарчи, бу асарда эслаш бадиий усули ёрдамида узоқ ва яқин ўтмишга оид баъзи воқеалар тасвирланса-да, асосий воқеа-ҳодисалар муайян бир даврга тааллуқлидир.

Роман тўрт “дафтар” (боб маъносида)дан ташкил топган. Асарда шўро тарихининг “турғунлик” деб ном олган машъум бир даври манзаралари чизилган. Бадиий матндаги вақт тасвири ана шу давр моҳияти, фожиаларини ёритиш, ишига хизмат этган. Етакчи қаҳрамонлар – Аброр, Ғозиддин, Қодиржон муайян замон ва макон доирасида ҳаракат қилар эканлар, ўзларининг инсон, шахс сифатидаги ижобий ёхуд салбий жиҳатларини намоён этиб борадилар. Муаллифнинг асосий мақсади даврнинг инсонга, шунингдек, инсоннинг даврга таъсирини бадиий тадқиқ этишдир.

Одатда, маълум бир жамиятда пайдо бўлган тараққиёт, эзгуликка ғов бўган иллат, жиноят, хатолар учун даврни айблайдилар. Аксинча, замоннинг ёмонлашувига одам(лар)ни сабабчи қилиб кўрсатадилар. Бу фикрлардан қайси бири тўғри? “Эгилган бош” асари муаллифини асосан шу саволга жавоб топиш қийнаган. Романи мутолаа этиш жараёнида мазкур саволга ҳар бир қаҳрамон ёки персонаж ҳаёти, ўй-мулоҳазалари тасвири, талқини орқали жавоб беришга уриниш, интилишни кўриш мумкин.

“Эгилган бош”даги Ғозиддин – маълум бир тарзда, дунёқараш юзага келтирган шахс. У аслида олис бир вилоятдаги овлоқ қишлоқда туғилган. Ота-онаси оддий, камсуқум, меҳнатқаш, хокисор кишилар. Ғозиддин ўқиш ниятида улкан шаҳар – пойтахтга келади. У ҳамма қатори ўқиб, яна қишлоғига, ота-онаси бағрига қайтиши мумкин эди. Аммо, у бошқа – манфаат, амал-мартаба, осон топиладиган бойлик, аниқроғи, ёвузлик йўлини танлайди. Дастлаб, унинг бу йўлдан мақсади халқни алдаб, жамиятда алоҳида мавқе эгаллаган Ҳақназаров (бўлғуси қайнотаси)лар гуруҳини интиқом олиш, шу зайилда адолат, ҳақиқат учун хизмат қилиш эди. Шундай ният билан Ғозиддин Ҳақназаровнинг тўнғич қизи – Ноилани ўзига ром қилади ва Ҳақназаровнинг норозилигига қарамай, бу қизга уйланади. Куёв сифатида қайнотаси гуруҳига киради ва шу тўданинг ижрочиси, маслакдоши бўлади. Эзгу сифат, хислатлардан марҳум бўлиб, манфаатпараст, муттаҳам, жиноятчи бир кимсага айланиб қолади.

Роман бош қаҳрамони табиати, дунёқарашини, психологиясидаги бундай эврилиш сабаби, омили, асосларини муайян хронотоп (замон-макон)га хос ижтимоий тафаккур, ҳукмрон таълимот, мавжуд дунёқараш билан алоқадорликдан излаш тўғри бўлади.

Мустабид сиёсат, нобоп маъмурий-идора тизими, даҳрийлик дунёқарашини бошқарган тарихий шарт-шароит, вазиятда азалий қадриятлар заифлашиб, заволят топиб, худбинлик, эътиқодсизлик, манфаатпарастлик кўпайиб, ривож топади. Инсоният ҳаётининг доимий-азалий пойдевори, замини сирилиб боради.

Ғозиддин ёвузлик устидан ғолиб бўлиб, унинг вакилларини маҳв этмоқчи эди. У ўзининг ҳамюрти Аброрга роман бошида шундай дейди: “Мен... анави Ҳақназаровлардан интиқом олишни ўйлаганман. Қизини олиб, мана, мен билан муомала қилмай, ҳисоблашмай кўр-чи, деб Ҳақназаровларни ер билан яқсон қилмоқчиман. Бу кураш, исён... кўпдан бери бунга тайёргарлик кўрганман. Энди вақти етди, ерга кўмиб қўйган бомбадай портлайман”.

Мавқели кимсанинг қизига уйланиб, унинг кўмагида катта бир идорага раҳбар бўлиб олган бу “исёнкор” ўзи бошчилик қилган ташкилотдаги адолатсизликларга қарши чиқаётган ҳақиқатпарвар ходим Қодиржонга бутунлай бошқа гапларни айтди: “Қанақа ҳақиқат... Мен даҳрийман, замон фарзанди... Биз кучлимиз! Жуда кучли! Бизнинг ол-

димизда бўйнини чўзаверганнинг бўйни синади. Сенга ўхшаган қахрамонлардан анча-мунчасини йўқ қилганмиз. Шамолимиз тегиб, учиб кетган. Бу қуруқ пўписа эмас. Сен ҳам ўзингни тушуниб, эгилиб-букилмасанг эгиб-букамиз. Йўлимизда ётиб олаверсанг, суриб ташлаймиз”.

Ғозиддиннинг ота-онаси – содда, меҳнаткаш, самимий одамлар. У болалигидан мана шундай хонадонга мансублигидан ор қилган, бой-бадавлат, мавқели кишиларни кўриб, уларнинг аксарияти нопок йўллар билан давлат орттирганига ишонч ҳосил қилиб борган. Интиқом олиш учун уларнинг даврасига кириш ва ичдан зарба бериш режасини тузган. Ноилага уйлангач, аксинча, бўлиб чиқади. Ҳақназаровлар Ғозиддин (бу номда киноя коди яширинган: Ғозий-ғолиб дегани)ни ўз исмига бўйсунтирадилар, у энди жинояткор гуруҳ манфаатларига хизмат қила бошлайди. Эзгулик ва тараққиётнинг душманига айланади.

Ғозиддиннинг кўрсатмаси ва ҳаракати билан ҳақиқат курашчиси Қодиржоннинг энг севган кишиси – хотини ҳалок этилади. Разолат гуруҳи бу йўл билан Қодиржонни букиб-эгиб ташламоқчи эди. Аммо, фожиа (Адолатнинг ўлими) ҳақгўй қахрамонни кураш ва тўғрилиқ йўлидан ортга қайтара олмайди. Қодиржон курашда давом этади.

Ғозиддин йигирманчи асрда собиқ шўро мамлакатининг мафкуравий-сиёсий, психологик муҳотида юзага келган муҳит ва мафкуранинг маҳсули. У ўзини даҳрий (атеист) деб билади. Буюк яратувчини инкор этиш ва тан олмаслик, аслида, у яратган инсонни тан олмаслик демак. У жиноят қилар экан, илоҳий (қиёмат) жазодан кўрқмайди. Мамлакатда кўпайиб, урчиб бораётган ҳақназаровчилик ва ғозиддинларнинг шафқатсиз фаолияти эътиқодсизлик, нафсга берилиш, инсоний-руҳий қадриятларни поймол қилиш ва ҳоказоларга олиб боради. Бундай ҳаёт тарзи, ўз навбатида, давлат, қонун, ахлоқ асосларини емириш, одамлар орасида бир-бирига, келажакка ишончсизлик туйғуларини шаклланишига, меҳнат қилмай, текин даромад топиш кайфиятининг кучайишига олиб келади. Бу эса, инсоният ва жамият ҳалокати демақдир.

Тажрибали ва истеъдодли адиб Омон Мухторнинг бадиий хронотоп шаклида ёзган “Эгилган бош” романи тарих ҳақиқатини ўзига хос, драматик тарзда гавдалантирганлиги жиҳатдан бадиий аҳамиятга эга.





Манбаларни варақлаганда

Маишхура ҲАСАНОВА,
тадқиқотчи



САККОКИЙ **(Сайронийми? Саброний?!)**

XV аср биринчи ярмида яшаб ижод этган номдор шоирлардан бири – Саккокийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган. Саккокийнинг ўз девони, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Хутбаи давовин” асарлари, Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”си унинг яшаган даври, адабий фаолияти ва XV аср адабий ҳаётида тутган ўрни хусусида бирмунча маълумот беради. Шайх Аҳмад Тарозий шоирни “Мажмаъ ул ақл”, “Заҳир ул мутааххирин”, деб улуғласа; Яқиний ўзининг “Ўқ ва ёй” мунозарасида Саккокийни “турк (ўзбек) шоирларининг мужтаҳиди (ғайратлиси ёки янгилик яратувчиси)”, деб таърифлайди.

Саккокий – шоирнинг тахаллуси бўлиб, унинг асл исми маълум эмас. Саккокий сўзи “саккок” (пичоқча) сўздан олинган бўлиб, “ий” шахс оти ясовчи қўшимчаси билан “пичоқча ясовчи” деган маънони билдиради. Бинобарин, шоир хунарманд оилада туғилган бўлиши мумкин.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари сирасида ўзбек адабиёти янги шоирларнинг номлари, асарлари билан бойиб, кўпгина илмий муаммолар ўзининг ечимини топди. Ушбу асар орқали биз қўлимиздаги қўлёзмаларда бўлмаган Саккокийнинг бир неча байтлари, бир рубойиси билан танишишга муяссар бўлдик. Яна бир муҳим томони шундаки, мазкур асарда Саккокий “Сайроний” нисбаси билан тилга олинган.

Биз тадқиқотлар жараёнида бу сўзнинг маъносини изоҳлаш учун бир нечта манбаларни қарадик. Бу сўзга яқин “кезиш”, “айланиш” маъносини билдирадиган “сайр” сўздан бошқа сўзни топа олмадик.

Саккокий қасидаларидан тўрттаси Мирзо Улуғбекнинг ишончли амирларидан бири, ўша даврдаги Туркистон шаҳрининг шимолида мавжуд бўлган Саброн вилояти ҳокими Арслон Хожа Тархонга бағишланган. Адабиётшунослар, жумладан, Эргаш Рустамов Саккокийни маълум давр унинг саройида яшаган деб маълумот беради. Қасидалардан бирида шоир мамдўҳга қарата, “бойқушлар уйи бўлган хароб Туркистон сизнинг муборак ҳимматингиздан боғи Эрамга айланди”, деб, яна бир қасидасида “Туркистон эли ўз хожасини топди”, деб лутф этади. Демак, Туркистоннинг хароблиги, шоирни изтиробга солганлиги, уни обод этган амир шоир томонидан мадҳ этилиши шунчаки бир тасодиф эмасга ўхшайди. Чунки, бу байтларни юрти тақдирдан ташвишга тушган, воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган кишигина ёзиши мумкин.

Биз “Фунун ул-балоға”нинг Абдуқодир Ҳайитметов нашрга тайёрлаган варианты билан кифояландик, мулоҳазаларни баён этишда ҳам шу вариантга таянамиз. “Сайроний” сўзи араб алифбосида – نارييسد шаклида ёзилса, “Саброний” сўзи – نارييسد шак-

лида ёзилади. Яъни, “ёй” ва “бе” ҳарфларининг битта нуқта ҳисобига фарқланишини ҳисобга олсак, бу сўз қўлёзмада нотўғри ёзилганлиги (яъни, бир нуқта тушиб қолганлиги) оқибатида, “Сайроний”га “айланиб қолган” бўлиши мумкин. Демак, шоир нафақат Сабронда маълум вақт яшаган, балки шу ерда туғилган ва шунинг учун ҳам Саброний нисбаси билан аталган.

Саккокий девонида 810 ҳижрий, рамазон ойининг қадр кечаси – милодий 1407, январь ойида Амир Темурнинг набираси подшоҳ Халил Султонга (1405-1409) бағишлаб ёзилган бир қасида бўлиб, унда:

*Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрдию қадр ахшоми,
Бир ой туғулди дунёда ким мамлакатда хон эрур, –* деган байт бор.

Қасида жанри, бирмунча, оғир, шоирдан масъулият талаб этадиган жанр бўлганлиги боис, адабиётшунослар ушбу қасидани Саккокий маълум ижодий тажриба тўплаган чоғида, чамаси, ўттиз ёшларида ёзган деган фикрни билдиришади. Бизнингча ҳам шундай, балки ёши ундан ҳам ўтганда ёзгандир.

Шоирнинг Халил Султон ва Мирзо Улуғбекларга бағишлаган қасидаларининг бадий жиҳатдан пишиқлиги мазкур темурийзодалар ҳукмронлик қилган йилларда Саккокий ижодининг ривож топганлигини англатади. Унинг Мирзо Улуғбекка бағишланган бир қасидасидаги:

Фалак қадро! Манинг худ йўқ хунардо фазлим, асросанг

Ва лекин пири ожизман, мани тангри учун асро, – байтига назар солсак, Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда шоирнинг ёши анча улуғ бўлганлигини (“пири ожиз”), шундай гўзал қасидалар бағишлаган Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлими тўғрисида бирор нарса ёзмаганлигини, шоир 1449 йилгача вафот этган дея тахмин қилиш мумкин.

Саккокийнинг ижоди, хусусан, Мирзо Улуғбек подшоҳлик қилган даврда (1409-1449) камол топди. Маълумки, бу даврда Самарқанд пойтахт сифатида барча илм ва адабиёт аҳлини ўзида жамлаган эди. Саккокий шулар жумласидан бўлиб, ғазалнависликда санъаткорлик маҳоратини яхши эгаллаб, ўзбек қасидачилигининг асосчиларидан бири бўлди.

Бизгача Саккокий қасидалари ва ғазаллари жамланган девонининг иккита нотўлиқ, деярли бир хил: Британия музейида (тахминан XVI аср ўрталарида кўчирилган нусха) 2079, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (1937 йил Шоислом котиб томонидан кўчирилган нусха) 7685 рақами остида сақланаётган нусхалари етиб келган.

Таниқли тилшунос олим Эргаш Умаров томонидан шоир девонининг АҚШ Блумингтон шаҳридаги Индиана университетиде сақланаётган яна бир нусхаси фотокопияси Ўзбекистонга олиб келинганлиги ва у Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига топширилганлиги тўғрисида маълумотга эгамиз, холос. Афсуски, бу фотоноسخани топишнинг иложи бўлмади.

Саккокий XV асрда яшаган қасидагўй шоирлар орасида бизгача энг кўп қасидалари етиб келган шоир бўлиб, Навоий негадир унинг қасидачилиқдаги ўрни, ёки қасидалари борасида ҳеч нарса демаган.

Саккокий девонида 1 ҳамд, 1 наът ва 11 мадҳ қасида мавжуд. Мадҳ қасидаларнинг биттаси Хожа Муҳаммад Порсога, биттаси Халил Султонга, тўрттаси Улуғбек Мирзога, 1 таси Шоҳрух Султонга (аммо, бу қасида девонда “Улуғбек мирзо мадҳи” сарлавҳаси билан берилган), тўрттаси Арслон Хожа Тархонга бағишланган. Жами қасидалар 407 байт ёки 814 мисрани ташкил этади.

1958 йилда Қавомиддин Муниров томонидан нашрга тайёрланган шоирнинг “Танланган асарлари”да 56 та ғазал, “Ўзбек адабиёти бўстони” сериясида нашр этилган “Ҳаёт васфи” китобида 55 ғазал, ҳар икки нашрда ҳам “Келди” радифли қасидаси киририлган. Тошкент қўлёзма нусхасида ҳам, Британия музейи қўлёзма нусхасида ҳам 57 тадан ғазал мавжуд. (“Мевлана Саккаки дивани”да Тошкент қўлёзма нусхасининг 41-42 бетлари нима учундир берилмай, 52 та ғазал саналган.)

Девонларда ғазаллар “Кунилармен” радифли бирор сабаб билан матлаъси тушиб қолган ғазал билан бошланиб, “Эй лабунг эглик кўнгулларнинг давоу марҳами” мисраси билан бошланувчи ғазал билан тугайди. Девонда жами 2 та “нун”, 15 та “ҳойи ҳавваз”, 40 та “ёй” ҳарфлари билан тугалланувчи, жами 57 ғазал мавжуд. Тошкент қўлёзма нусхасида Британия музейи нусхасидан фарқли равишда “Сочингдин нофа доим кин ичинда”, деб бошланувчи ғазалнинг сўнги 2 байти, “Эй боди сабо, биздин айт ёр қошинда”, деб бошланувчи ғазалнинг сўнги тўрт байти йўқ.

Тошкент қўлёзма нусхаси чиройли ва тушунарли хатда ёзилган. Қўлёзманинг ўзида хатолар мавжудлигидан у жуда кўп марта кўчирилган нусхага ўхшайди. Баъзи ўринларда сўзларни фақат маъносидангина англаш мумкин. Девоннинг 54-(сўнги) бетига маълумотга кўра, Саккокийнинг шу девонини Шоислом котиб Фитратнинг қўлида бўлган қалам нусхадан кўчирган.

Девондаги ғазаллардан ташқари, бир қатор бошқа манбаларда Саккокийга нисбат берилган ғазаллар, байтлар мавжуд. Уларнинг сони 10дан зиёд бўлиб, жумладан, “Мевлана Сақкаи дивани”да Сулаймония кутубхонаси, Аёсофия бўлимида 4757 рақам остида сақланувчи бир мажмуадаги Саккокий тахаллуси билан ёзилган 3 та ғазал матни келтирилган. Улар “Эй зулфи занжирим бирор девоналарни ёд қил...”, “Эй менинг кўнглумни зулфитек паришон айлаган...”, “Эй орази барги гулу вей қомати сарви суман...” матлаълари билан бошланади. Демак, шоирнинг девондаги 57, юқоридаги мажмуадаги 3 ғазали билан жами 60 та тўлиқ ғазали етиб келган. Бундан ташқари, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Саккокийга нисбат қилинадиган девонга киритилмаган қуйидаги матлаъни:

*Не нозу бу не шевадур, эй жоду кўзлук шўхшанг,
Кабки дарий, товусда йўқ, албатта, бу рафтору ранг.*

Яқиний “Ўқ ва ёй” мунозарасида қуйидаги байтни:

*Жоним фидо бўлсун сенинг ғамзанг ўқина нечаким,
Ҳар неча қошинг эгмаси ўқтек бўюмни “ё(й)” қилур.*

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида қуйидаги байтларни:

*Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзалидур ҳар хами...*

*Солди қуйган кўнглума ул энглари гулнор нор,
Бўлмади ҳаргиз манға ул дилбари айёр ёр...*

*Бўстонда гул юзунга ўзни ҳар дам ўхшатиб,
Бўлмиш арақ то ғарқу ҳануз инфиюли бор...*

*Санувбароки, сенинг лабингда мунча хавос,
Ким ани сўрса балодин топар жаҳонда халос...*

*Юзунг гули музайян этар ҳусн боғини,
Холинг саводи наҳв қилур кўз чароғини...*

*Атлас эрур сақоллари, барча булутлари насаж,
Гарчики дурру донадур оғзини очса тўдаси...*


*Сарв не ҳад бирла саркашлик қилур қаддинг била,
Билгурур майдон ичинда ҳар кишининг пояси...*

Ва ушбу:

*Гулюзунгни кўрса булбул дар чаман,
Кечиб ўз савдосидин бўлғай чу ман.
Лабларинга тенг тутар ўзни ақиқ,
Билмасу беҳуда сўзлар ул Яман, –* рубоийни келтиради.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг ушбу маълумотлари орқали биз Саккокийнинг нисбаси Саброний эканлиги, шунингдек, у нафақат ғазал ва қасида жанрларида ижод қилганлиги, балки рубоийлар ҳам ёзганлигидан хабардор бўлдик. Фақат бу рубоий вазнида эмас, туюқ жанри вазнида битилган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин-ки, Алишер Навоийга қадар туркий шеърятда рубоий туюқ жанри вазнида ёзилган. Бу икки жанрнинг биргина фарқи қофиянинг тажнис ёки тажнис эмаслигида бўлганга ўхшайди. Буни Лутфийнинг “Сенсан севарим” китобига киритилган рубоийларида ҳам кузатиш мумкин.

Бошқа масалаларни ойдинлаштириш учун шоирнинг тўлиқ девони топилишига умид боғлаб қоламиз.





Гулқайчи

Сафар КОКИЛОВ



ҲАЖВИЯЛАР

ТУШУНМАСА ҚИЙИН

Катта бир корхонага раҳбар бўлиб кўтарилган бир дўстимга босиқлик билан гина қилдим.

– Хафа бўлманг-у, биродар, кейинги вақтда қобилиятсиз, кўрсавод одамларни ишга олиш кўпайди. Ахир бунақада келажак нима бўлади?

Дўстим бир қизариб, бир бўзарди-да, зарда билан деди:

– Эҳ, раҳбар бўлиб кўрмагансиз-да, гапираверасиз, мен нима қилай ахир? Осмондан шалпиллаб тушганим йўқ-ку. Шу ернинг одами бўлсам. Менинг ҳам ака-укам, тоға-жияним, уруғ-аймоғим бор. Сизга ўхшаган ошналарнинг сон-саногии йўқ. Ўшалар билан яшашим, тўй-маъракада бирга ўтиришим керак. Шундай бўлгач, илтимосларини бажармай иложим қанча?

– Ҳа, унчалик экан, ҳеч бўлмаса ишга олаётганда имтиҳон қилинг, синанг. Ишни эплашига кўзингиз етгандан сўнг, ишга қабул қилинг-да. Бўлмайдиганини “мана синадик, бизга тўғри келмади, бошқа иш топсин” деб қайтаринг.

– Ҳе, ошнажон-э, раҳбар бўлиб кўрмагансиз-да, билмайсиз. Тўсатдан юқоридан қўнғироқ жиринглаб, таҳдидли овозда “фалончини юборяпмиз, ишга жойлаштиринг” дейишса, ғиқ этолмай қоларкансиз. Қани, олмай кўринг-чи... Ҳар куни тафтишчиларни юбориб текширтираверади, текширтираверади, раҳбар бўлганингизга пушаймон бўлиб кетасиз. Беайб парвардигор, ахир! Мен ҳам бу лавозимда уч-тўрт йил ишласам деган умидим бор. Юқоридаги акалар кўнглига қараганим яхши эмасми?

– Ишончингизни оқлай олмаган ўша чаласаводлардан тилхат ёздириб олинг. Ўзингизни оқлаш учун... “Мен синовдан ўта олмадим. Ўзим айбдорман” деган мазмунда...

– Ҳе-е, гўдак боланинг гапини гапирасиз-да, ошна. Раҳбар бўлиб ишламагач шу-да. Эй, шундайлари борки, фамилиясини ёзганда тўртта хато қилади, хати ажи-бужи, ишимизнинг моҳиятига-ку умуман тушунмайди. Лекин ўлса ҳам ундай тилхат ёзиб бермайди. Бети безрайиб, кўзи бақрайиб тураверади. Орасига тушганлар эса, “Ҳа энди ўрганиб кетади-да, ҳамма ҳам бирдан одам бўлмаган-ку. Қоқилиб, суруниб яхши бўлади-да. Ўзингиз одам қилиб беринг”, деб эзмаланиб туравера-

ди. Олмай кўринг-чи. Керак бўлса устингиздан шикоят ёзади, “ўзининг уруғларини ишга олади, бизни олмайди, пора сўраяпти ва ҳоказо” деб...

– Наҳотки виждонингиз қийналмаса?

– Виждон? Қийналади, албатта. Лекин нима қилай, чидаймиз-да. Э-э, – у қўл силтайди: – Бора-бора ўрганиб кетаркансиз-эй. Раҳбар бўлиб ишламагансиз-да, буни барибир тушунмайсиз...

– Билмадим, билмадим. Лекин мен бундай қилиб ишлай олмасдим. Ишини топширдим.

– Ҳа-а, раҳбар бўлиб ишлаб кўрмаган одам шундай дейди-да. Бир ишлаганингизда эди, ҳечам шундай демасдингиз. Аввало сиздай фикрлайдиганларни икки дунёда ҳам раҳбар этиб кўтаришмайди. Қолаверса, елиб-югуриб, ўртага неча-неча одамларни солиб, керак бўлса, қуруғидан чўзиб, раҳбар бўласиз-у, арзимаган нарсага осонгина бўшаб кетаверасизми? Асло! Талашиб олгач, чидайсиз барига. Мослашасиз. Раҳбар бўлиб ишламаган қаёқданам билсин буни. Бизга ҳам осон тутманг, дўстим.

– Унда нега раҳбар бўлиб ишлашга қизиқасиз?

– Ҳе-хе-хе. Соддасиз-да, дўстим, соддасиз.

– Хўп, биз билмасак, сиз айтинг-да. Раҳбарликнинг нимаси яхши?

– Раҳбарлик ҳам бир касбда, ошна. Ахир кимдир раҳбар бўлиб корхоналарни бошқариши керак-ку. Қолаверса, фақат иш эмас, давраларнинг тўри, иззат-икром ва чўнтак дегандай...

– Э-э, гап буёқда денг. Шахсий манфаат биринчи ўринда демайсизми?

– Ҳа, шунақа гаплар. Раҳбар бўлиб ишлаганингизда эди, бунақа бемаъни саволларни бериб ўтирмаган бўлардингиз.

– Ҳе, бундай раҳбар бўлгандан бўлмаганим яхши.

– Ҳе-хе-хе. Ишқомдаги узумга бўйи етмаган тулки “пуф, сассик” деб кетган экан. Ҳамма гап сизнинг раҳбар бўлиб ишлаганингизда. Тушунмайсиз. Сизни ҳам бир йил, йўқ, йўқ, бир ойгина бирон катта ташкилотга раҳбар қилиб сайлашса жойимни бермайман деб, оёқ тираб, курсига ёпишиб олган бўлардингиз. Ҳе-хе-хе. Хоҳлайсизми, мен орага тушиб, бирон ерга раҳбарликка гаплашаман...

– Сиздай бўлиб ишлаш учунми? Йўқ. Хоҳламайман.

– Ҳе-хе-хе. Раҳбар бўлиб кўрмагансиз-да, шундай деяпсиз. Сиз аввал бир бўлиб кўринг-чи...

– Йўқ. Бундай ишлашга виждоним йўл қўймайди.

– Ҳе-е, яш-шанг! Сиздек ҳақиқатчи, келажак учун қайғурадиган, виждонли кишилар виждонига доғ тушурмаслик учун ўзини авайлаб, раҳбар бўлишни хоҳламаса, кимдир ишлаши керак-ку. Демак, ўз-ўзидан бизга ўхшаган раҳбарликка қизиқадиганлар ишлайди-да бу ерда. Ҳе, ошнам-эй. Яна тағин келажак, келажак дейсиз-а. Сиз биз раҳбарларни ҳеч қачон тушунолмайсиз. Чунки раҳбар бўлиб ишламагансиз-да, дўстим!..

МЕН ЙЎҚМАН

– Нега аптекачилар дори сотишади-ю, чек беришмайди? Бу ҳақда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш қўмитасига шикоят қиламан. Танобини тортиб қўймасам бўлмайди...

– Қўйинг, дўстим, сизнинг обрўйингизга ярашмайди аризабозлик. Буни барибир кимдир ёзади. Фақат сиз эмас. Қўйинг, – деди меҳрибон дўстларимдан бири.

– Бу нима деган гап, а?! Ойлик маошларни нега вақтида беришмайди? Тағин пулимизни “оборот”га қўйиб, фойдаланиб юрган бўлишса-я... Прокуратурага учрашмасам бўлмайди...

– Сиз кўйинг. Аралашманг. Катта одамсиз, обрўйингизга ярашмайди. Буни текширадиганлар бор... – дейди бир адвокат дўстим, менга ариза ёзиб бериш ўрнига.

– Бу нима деган гап? Маҳалладан бериладиган нормадаги ун билан ёғни вақтида беришмас-я. Аралашмасам бўлмайди...

– И-и-и, сиз аралашманг, гап бўлади. Шундай обрўли одамнинг куни шу норма ун билан ёғга қолибди-да деб одамлар кулишади. Кўйинг-эй... – дейди эндигина ишдан келиб турган ўқитувчи хотиним.

– Касаба уюшмаси раисининг бир пўстагини қоқиб кўяман.

– Ҳе нима қиласиз ўзингизни ёмон кўрсатиб. Барибир фойдаси йўқ... – дейди мен билан бир хонада ўтириб ишлайдиган ҳамкасбим.

– Кўчамиз бошида турадиган Самад пиённинг чакагини ўчириб кўймасам юрган эканман...

– Вой, болажоним, безорига тенг келиб нима қиласиз. Сизга ярашмайди. Кўйинг болам... – дейди олдимни ўраб саксонга кирган онам.

– Ўғлимнинг дарсини текшириб, ўқитувчиларнинг ўзини бир имтиҳон қилиб келмасам бўлмайди...

– Йў-ўқ, йў-ўқ, бормаисиз, энди бир камингиз шу мактабни текшириш қолувдим. Кўйинг, ўзим шуғулланаман, – дейди хотиним.

– Томорқага нега сув очмадинг, экинлар қуриб қолибди-ку. Молларга ҳам қарамай кўйдиларинг... – бақираман ўғилларимга, кўлимга толдан хивчин олиб.

– Ҳой, нима қилаяпсиз? Ўзингиз тушунган одам бўлиб, болаларни урасизми? Ҳозир ўзим сув бераман молларингизга. Сиз тек ўттиринг-э... – дейди хотиним икки қўлини ёйиб, олдимни тўсаркан.

– Куёвим қизимни ноҳақ хафа қилибди. Гаплашиб кўймоқчиман...

– Э-э, кўйинг, сиз аралашманг. Эр-хотин уриши дока рўмол куриши – дейди кудаимиз.

Ишхонада сал томоқ қириб кўйсам ёки мажлисларда гапирай деб қўл кўтарсам-ку, бўлди, дарров елкамни силашиб, оғзимни “тикишади”.

Бора-бора мен шунга ўргандим. Уни-буни кўрсам – кўр, анча-мунчани эшитсам – кар бўлдим-қолдим. Оғир-босиқ, индамас одамга айландим. Энди мени ҳеч нарса қизиқтирмайди. Биров мени йўқлаб келмайди, дардини ҳам айтмайди. Ишга бораман, уйга келаман. Мажлисларда жимгина ўтириб, кечаги газетани варақлайман. Кўчада ким нима қиляпти; бировни уряптими, сўкяптими – ишим йўқ, кўрмагандай ўтиб кетавераман. Ҳеч кимга халақит бермайман. Менга сув, ҳаво ва қуёш бўлса бас. Яна нима ҳам керак одамга бу дунёда? Тўғри-да. Бир коса овқат билан қорнинг тўйса. Бир сидра кийим-бош авайлаб кийсанг, қирқ йилга етади. Бошингда уйинг, ишхона ва китоб тўла хонанг бўлса, яна нима керак сенга? Ётмайсанми китобингни ўқи-и-иб. Бобом айтгандай “жонингни боқиб”. Бақариш, туртиниш, кимгадир ниманидир исбот қилишнинг нима кераги бор. Шу пайтгача сенсиз ҳам бўлган, қурилган, ўйлаб топилган, бундан буён ҳам шундай давом этаверади. Ҳеч зик бўлманг! Ўтиринг, ўпкангизни босинг! Ҳаммаси яхши бўлади, кўйинг, сиз аралашманг! Ана шунда юз йил яшайсиз. Қолаверса, ўлганингиздан сўнг ўзингиздан “бу яхши одам эди” деган ном ҳам қолдирасиз. Ишонинг менга. Тўғри-да, бир умр бош кўтармай фақат китоб ўқишни билган одам тўғрисида ким ҳам ёмон дер эди. Мана шунақа, дўстим! Китобингни ўқи! Мен ҳам ҳозир уйга кираман-у, кўлимга навбатдаги китобни оламан. Бир сатр ҳам ёзмайман. Мени биров сўраб келса, йўқ денглар. Мен йўқман! Ҳа, ҳа! Мен йўқман, тамом-вассалом!..



**“ШАРҚ ЮЛДУЗИ” ЖУРНАЛИ
2011 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Бобур Алимов. Энг азиз байрам арафаси 1-3

НИГОҲ

Комил Аваз. Эътиқод эҳтироми 2-3

Нодир Гаффоров. Баркамол авлод – жамият таянчи 3-113

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Улуғбек Ҳамдам. Инсон билан юксалар Ватан. Публицистика 3-3

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

Аҳмаджон Мелибоев. Мунаввар туйғулар. 4-3

ПУБЛИЦИСТИКА

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Умримиз боқийдир, боқий! 5-3

Ғулом Мирзаев. Истиқлол ва маънавият 6-3

НАСР

Қамчибек Кенжа. Палахмон тошлари. Роман 1-8/2-50

Эркин Аъзам. Шовқин. Роман. 2-12

Ғулом Каримий. Наршах қалъаси. Роман 3-25

Исажон Султон. Озод. Роман 4-10/5-127

Нилуфар. Беошён туғилган аёл. Қисса 1-96

Абдумутал Абдуллаев. Ҳазрати Атор. Маърифий қисса 5-18/6-54

Шомирза Турдимов. Мезон. Киноқисса 6-28

Аҳмад Аъзам. Дутор билан танбур. Ҳикоя 1-64

Эркин Норсафар. Зулмат ва аланга. Ҳикоя 2-38

Улуғбек Ҳамдам. Ҳикоялар 2-105

Асад Асил. Олишув. Ҳикоя 3-78

Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳикоят ва нақлиёт 3-98

Жамила Эргашева. Бойбичча. Ҳикоя 3-103

Наби Жалолiddин. Вокзал. Ҳикоя 4-81

Жўра Фозил. Боғ. Ҳикоя 4-125

Абдунаби Ҳамро. Олотнинг одамлари. Ҳикоя 5-57

Нурали Қобул. Кечиккан турналар. Ҳикоя 6-12

Темир Қурбон. Ўлим шарпаси. Ҳикоя 6-96

Отаули.Рисола. Ҳикоя	6-106
Гулбахор Таваккалова. Илон муҳаббати. Ҳикоя	6-113

ФАНТАСТИКА, САРГУЗАШТ, ДЕДЕКТИВ

Файзулло Салаев. Узро. Фантастик қисса	5-72
--	------

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ ХАЗИНАСИДАН

Нажиб Махфуз. Афсунгар товоғимни ўғирлади. Ҳикоя	3-84
О’Генри. Сўнгги япроқ. Ҳикоя	4-92
Фридеш Каринти. Цирк. Ҳикоя	6-122

НАЗМ

Ҳалима Аҳмад. Ишқ тонгининг ҳошияси. Шеърлар	1-39
Икром Отамурод. Куш. Достон	1-48
Ёқубжон Аҳмаджонов. Бойчечакка боқиб завқинг зиёда. Шеърлар	1-76
Жаҳонгир Исмоилов. Деразангни оламга очгин. Шеърлар	1-79
Абду Наби. “Беш наво”лар. Туркумдан	1-142
Озод Хушназарзода. Йиллар ўтди... Шеърлар	1-144

ШЕЪРИЯТ

Абдулла Орипов. Руҳинг мангу турсин ёришиб. Шеърлар	2-7
Носир Муҳаммад. Юртимнинг камоли. Шеърлар	2-32
Миразиз Аъзам. Қалбимда сийлаганим. Шеърлар	2-35
Илҳом Аҳрор. Кечинма. Туркум	2-101
Замира Рўзиева. Яшил ерда ҳаёт гўзал. Шеърлар	2-113
Абдурахмон Жўра. Ватан десам дилим кувнайди. Шеърлар	2-116
Эркин Воҳидов. Янги шеърлар	3-20
Саъдулла Ҳаким. Ёмғир суви. Туркум	3-74
Аҳмад Хўжа. Ҳаёт ифориға йўғрилган сабо. Шеърлар	3-89
Ахтамқули. Гул баргидек тўкилар дилим. Шеърлар	3-103
Даврон Ражаб. Нигоҳим сўроққа айланди. Шеърлар	3-105
Самандар Воҳидов. Видо достони. Боблар.....	3-132
Мирпўлат Мирзо. Юртим, севдим сени юракдан. Шеърлар.....	4-74
Эътибор Охунова. Бахтимни дунёларга билдиргим... келди. Шеърлар.	4-78
Исмоил Тўхтамишев. Интилдим хурликка тикиб кўзимни. Шеърлар.....	4-88
Муножотхон Каримжон қизи. Эзгулик баётлари. Шеърлар	4-90
Озода Бекмуродова. Заррин ёғдулар-ла безанган йўллар. Шеърлар....	4-103
Бехзод Фазлиддин. Жамолинг жилваси жисму жонимда. Шеърлар.....	4-106
Маҳмуд Тоир. Иккиликлар. Туркум	5-7
Икром Искандар. Қалбимизда давом этар йил бўйи баҳор. Шеърлар ...	5-15
Ҳалима Худойбердиева. Истак ўсса дарахтдай. Шеърлар	5-48
Турсун Али. Кўнглим узра хазонрез фасли. Шеърлар	5-52

Фахриёр. Қайноқ ранглар улашар хаёт. Шеърлар	5-65
Ўктамой. Шафақ кулар кўзи қизариб. Шеърлар	5-69
Лайло Шарипова. Нақшлар эртақ айтади. Шеърлар	5-92
Юсуф Худойқул. Юрақларда уйғонар Ватан. Шеърлар	5-95
Ойдиннисо. Сен. Туркум	5-104
Болтабой Бекматов. Нигоҳингда муҳаббат топдим. Туркумдан	5-106
Анвар Обиджон. Алла айтар эпкинлар майин. Шеърлар	6-8
Зебо Мирзо. Вақт йўлимни бахтларга бурган. Шеърлар	6-21
Вафо Файзуллоҳ.	
Меҳр билан ранглагин оламларнинг юрагин. Шеърлар	6-25
Мунаввара. Кипригимга илинди томчи. Шеърлар	6-48
Бектемир Пирнафас. Кўнглимга тақлидим. Шеърлар	6-51
Рустам Эмин. Кўксимга юлдузлар қўнади. Шеърлар	60-90
Бобомурод Эрали. Эски равок. Туркум	6-93
Носиржон Жўраев. Муҳаббат – энг гўзал тилсим. Шеърлар	6-110
Муҳаммад Ғаффор. Оқ қоғоз устига руҳим томчилар. Шеърлар	6-113
Ўктам Топволдиев. Тўлин ойдек жамолингиз. Шеърлар	6-115

ҲУРРИЯТ ШУЪЛАЛАРИ

Ҳусниддин Шарипов. Остонаси тиллодан. Шеър	4-7
Абдулхай Носир. Эзгулик арки бу. Шеър	4-8
Абу Бакр. Ватан. Шеър	4-9
Омон Матжон. Истиклол шарафи. Шеър	4-97
Зикрилла Неъмат. Бахтлар бешиги. Шеър	4-98
Ғайрат Мажид. Юртимнинг ёзи. Шеър	4-99
Олимжон Холдор. Жаннатмакон. Шеър	4-120
Малика Мирзо қизи. Истиклол бахти. Шеър	4-121
Олим Жўра. Баркамол авлод. Шеър	4-121

БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

Жуманиёз Ўтениёзов. Кўнглимнинг хуш тонги. Шеърлар	2-127
Кенгисбой Каримов. Орзуга роз айтар... само. Шеърлар	4-144
Гулнора Нурлепесова. Соғинчли бир сезим. Шеърлар	6-126

ҒАЗАЛҲОНЛИК

Исмоил Маҳмуд Марғилоний. Қуёш меҳрин сочар. Ғазаллар	3-82
Анвар Юнусжон. Бу хаёт уммони ичра. Ғазаллар	5-124
Чоршамъ. Ҳақиқатни туғдайин билиб. Ғазаллар	6-103

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Захро Ҳасанова. Оймома, ёнимга туш. Шеърлар	1-149
--	-------

Абдурахмон Акбар. Шамол билан кўкни кез. Шеърлар	2-149
Умида Абдуазимова. Қушларнинг ашуласи. Шеърлар	3-96
Хуррам Райимов. Бошимизда офтоб порлар. Шеърлар	6-120

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Муслим Мусаллам. Бу қирларда яшайди тарих. Шеърлар	5-118
---	-------

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Гуллаётган куртаклар. Ёшлар мушоираси	1-88
---	------

НАЗМ ГУЛШАНИ

Ойдин Темирова. Сен ҳақингда шивирлайди ел	2-136
Ўроз Ҳайдар. Аршнинг қандили	2-137
Шахноза Қаюмова. ... Айтмаган сирим	2-138
Жўра Маҳзуний. Гул ҳусн бермиш... ..	2-139
Моҳигул Ўктам қизи. Бухорода салқин гўша бор	2-140
Насриддин Ботиров. Қалбга нақшин китоб	2-141
Хуршида Аҳмаджон қизи. Орзулар осмони чорлар. Шеърлар	2-142

ҚИЗЛАР ДАФТАРИ

Дил кўшкига чизилар сурат. Шеърлар	3-140
--	-------

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Тароватга лим тўла фурсат. Мушоира	5-14
--	------

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Рауф Парфи. Яна қайтиб келдим... Шеърлар	3-153
---	-------

НАВОИЙҲОНЛИК

Ошиқ Эркин. Навоий ғазалларига мухаммаслар	2-46
---	------

НАВОИЙ САБОҒИ

Дилором Салоҳий. “Дардингға Навоий ҳолин истишҳод бил”	1-42
Эргаш Очиллов. Ҳайрат олами	3-92
Насиба Бозорова. “Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут”	4-100

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Хусниддин Шарипов. Ижод мактаби	1-45
Минҳожиддин Мирзо. Содик ҳамдам	1-46

ЭҲТИРОМ

Ҳафиз Абдусаматов. Мактуб қалб садоси	4-122
--	-------

ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

- Гегель. Санъатнинг мақсади. 2-119
 Эпикур. Минокевсга мактуб 3-138

РОМАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

- Умарали Норматов. Бадиият кўзгусида миллат тақдири 3-116
 Муҳаммаджон Холбеков. Етакчи жанрнинг тадрижий тамойиллари ... 3-122
 Ислонжон Ёқубов. Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари 4-109
 Дилмурод Қуроноф. Роман такомилли. 5-108

ЖАРАЁН

- Қозоқбой Йўлдош. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги 4-131
 Абдулла Улуғов. Қиссаларда қалб акси. 4-137
 Хуршид Дўстмуҳаммад. Ҳаёт ва хаёл ҳақиқати. 4-141
 Иброҳим Ғафуров. Ўзгараётган дунёда шеър сўзи 5-98

АДАБИЙ ЖАРАЁН МИНТАҚАЛАРИ

- Дилшода Муборакова. Миср адабиётида “янги роман” оқимининг шаклланиши 6- 128

НОДИР САҲИФАЛАР

- Султон Валад. Маърифатнома 1-167

МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

- Зухриддин Исомиддинов. “Тарих унутмайди...” 1-82

МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

- Шухрат Сирожиддинов.
 Манба мантиқий мушоҳадани талаб қилади 2-130

МУТОЛАА

- Абдулла Улуғов. Ғаддор ёхуд тухматномаларни ким битган? 3-147

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

- Орзигул Ҳамроева.
 Қадимги давр ўзбек адабиётининг илк мажмуаси 2-143
 Қудратулла Омонов.
 Илк ва ўрта асрлар туркий тилдаги расмий васиқалар 3-171
 Шаҳобиддин Нуриддинов.
 Мулла Қўшоқ Мискин ва унинг адабий мероси 5-120

САНЪАТ

- Баходир Аҳмедов.** Кино санъати тарихига бир назар 2-169
Зокиржон Орипов. Навоий наволари 5-169

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Муҳаммаджон Холбеков.

- Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар 1-151
Ҳафиз Абдусаматов. Адиб драматургияси 1-156
Йўлдош Солижонов. Олим яратган мўъжизалар 1-159
Қўнақбай Турдибаев. Лирикада руҳий ифоданинг ўзига хослиги 1-162
Сафарали Қурбонов. Изланиш сиралари 1-164
Нўъмон Раҳимжонов. Бадиий-фалсафий тафаккур қирралари 2-151
Марҳабо Қўчқорова. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора 2-158
Зариф Қувонов. Мумтоз адабиётда услуб муаммосининг ўрганилиши... 2-162
Раҳимжон Раҳмат. “Муножот” айлаётган Зиё..... 2-164
Абдуғафур Расулов. Толерантлик ва руҳий покланиш..... 3-158
Шухрат Ризаев. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм 3-162
Санобар Тўлаганова. Рамзларга яширинган маъни 3-166
Дилмурод Холдорев. Қисса сюжетига услуб жилолари 3-168
Йўлдош Солижонов. XXI аср насри манзаралари.
 Мавзу, муаммо ва ечим 4-147
Юрий Борев. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси.. 4-158
Сабоҳат Бозорова. Бир воқеликнинг уч талқини 4-164
Бахтиёр Назаров. Йигирма ёшдаги шоирларимиз..... 5-144
Нўъмон Раҳимжонов. Адабиётшуносликнинг янги босқичи..... 5-159
Рухсора Тўлабоева.
 Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни 5-166
Узоқ Жўрақул. Мезонлар мезони 6-28
Раъно Иброҳимова. Ўзбек фантастикаси манзаралари 6-138
Шоира Аҳмедова. Адабий танқидчиликда тақризнинг ўрни 6-145
Одил Якубов. Ойбек ижодий лабораторияси “сир”лари 6-151
Шаҳноза Абдуллаева.
 Эркин Воҳидов шеърисида ватанпарвар замондошимиз образи 6-154
Зокир Пардаев. Энг узоқ сафардир кўнгил сафари 6-157
Ўктам Назаров.
 Омон Мухтор романларида бадиий анъанавий хронотоп 6-160

МАНБАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

- Машхура Ҳасанова.** Саккокий (Сайронийми? Саброний?!) 6-163

ЁДНОМА

Фарида Хусаинова.

“Чархийдек бир дўстингиз оламга камдан-кам келур” 1-146

Озод Шарафиддинов. Олимнинг суврати ва сийрати 2-146

Эркин Воҳидов. Эзгуликка йўғрилган ҳаёт 2-147

Нажмиддин Комилов. Илм, ижод пешвоси 2-148

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Шеърига кўчган шахсият 4-170

Тоштемир Турдиев. Самимий сатрлар соҳиби 5-172

Ҳамдам Абдуллаев. Шеър умри – шоир умри 6-135

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Матназар Абдулҳаким. Нурлар тўққан кўзларингиз. Шеърлар 6-135

ГУЛҚАЙЧИ

Акбар Рустамов. Ҳажвиялар 1-174

Бахтиёр Ризо. Ҳасрат. Ҳажвий ҳикоя 2-172

Восит Аҳмад. Ақллилик балоси. Ҳажвий ҳикоя 3-174

Ашурали Жўраев. Ҳажвий монологлар 4-175

Турсунбой Адашбоев. Ажиб ҳангомалар 5-175

Сафар Кокилов. Ҳажвиялар 6-167